

**Пўлотжон Домулла Қайюмов**


**“ТАЗКИРАИ ҚАЙҮМИЙ”**

**Тошкент - 1998**

فولادجان داملا قیوموف

تذکره قیومی

باشکندر ۱۹۹۸



83.3Ўз  
Қ 17

ЎзРФА Қўлёмалар институти,  
ЎзРФА Навоий номли давлат Адабиёт музейи

Нашрга тайёрловчи *Азиз Қайюмов*  
Масъул муҳаррир *Лазиз Қайюмов*  
Такризчи *Мавжуда Ҳамидова*

Қайюмов П. (Пўлотжон Домулла Қайюмов)  
“Тазкирани Қайюмий” /Масъул муҳаррир: Л.  
Қайюмов/. - Т: “ЎзРФА Қўлёмалар институти  
таҳрири: нашриёт бўлими” 1999. 720 -б.

Сарл. олдиди: ЎзРФА Қўлёмалар институти.  
ЎзРФА Навоий номли Давлат адабиёт музейи.

КБК 83.3Ўз

“Тазкирани Қайюмий” асарида ўзбек адабиётининг ўрта асрлардан тортиб то XX асргача яшаб ижод этган кўп вакиллари ҳаёти ва ижодига оид маълумот жамланган. Хусусан ХҮІІІ-ХІХ асрлардаги адабий ҳаётга оид материаллар кўп жиҳатдан ўзининг янгилиги билан ажралиб турарди.

Ушбу китобнинг илмий истифодага киритилиши ўзбек адабиёти тарихининг ўрганилмаган томонларини очишга хизмат қилади. У адабиёт ўқитувчилари, тадқиқотчилар, адабиёт мухлислари учун мўлжалланган.

№ 41-99

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Республикасининг Давлат кутубхонаси

Нусха 200

Қарт. нусхаси 400

© ЎзРФА Қўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998

## СЎЗ БОШИ

Тазкиранавислик ўзбек адабиёти тарихининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Аини пайтда Шарқ адабиётида тазкиранавислик узоқ анъанага эга. Авфий Бухорийнинг “Лубобул-албоб”и (XIII аср), Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш-шуаро”си (XV аср), Ҳасан Хожа Нисорийнинг “Музаккируд-аҳбоб”и (XVI аср) бу борада яратилган эътиборли асарларидандир. XVII-XVIII асрда яратилган қатор тазкураларнинг номлари яхши маълум (“Ўзбек адабиёти тарихи”, беш жилдлик, III жилд, Тошкент, 1978, 142-151-бетлар). Лекин ушбу тазкиралар форс тилида битилган эди.

Ўзбек тилида битилган илк тазкира Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асаридир. Улуғ мутафаккирнинг ушбу асарини тил, ҳажм, материалларнинг бойлиги жиҳатидан давом эттирган тазкира XX асрнинг ўрталарида юзага келган эдию, бироқ нашр этилмагани боис кенг жамоатчиликка маълум эмасди. Мазкур тазкиранинг муаллифи таниқли маърифатпарвар Қўқон тарихи ва адабиётининг катта билимдон олими Пўлатжон домулла Қаюмов бўладилар.

“Тазкирани Қаюмий”нинг мундарижси ва мазмуни кенг қамровли, жуғрофий ўрни ҳам чекланган эмас. Умумтуркий адабиётнинг улуғ намояндалари Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожибу Аҳмад Югнакийдан

тортиб XX асрнинг 60-йилларида - тазкира битилаётган пайтда ижод қилаётган кўқонлик шоирлар Собир Абдуллозо Чорсийнинг ижодини ҳамраб олади.

Пўлатжон домулло бирон шоир хусусида сўз юртар экан, илмийлик тамойилини бош мезон қилиб олади. Шунинг учун “Тазкираи Қаюмий” - ҳам илмий таҳлил, ҳам шоир ижодидан шеър танлаш борасида намуна бўладиган асардир. Асарни китобхон ўқиётганда зерикиб қолмаслиги учун номи зикр этилган шоирнинг шахси билан боғлиқ эл орасида машҳур айрим латифнамо воқеаларни ҳам қистириб ўтадилар.

Тазкиранинг муҳим вазифаларидан бири - ҳар бир далилга илмий аниқлик билан ёндашувдир. Шу жиҳатдан Пўлатжон домуллонинг Аҳмад Югнакий тўғрисидаги маълумот айниқса, диққатга сазовордир. 70-80 йилларда яратилган илмий адабиётларда адиб Аҳмаднинг туғилган юрти тўғрисидаги маълумотлар мунозарали бўлгани ҳолда, Пўлатжон домулло бу шоирни Фарғона водийсидаги Югак шаҳридан деб тасдиқлайдилар. Янги маълум бўлган шоир шахсининг адабиёт тарихида тутган ўрнини белгилаш ҳам тазкираларнинг муҳим вазифаларидан биридир. “Тазкираи Қаюмий” бу вазифани ҳам шараф билан бажаради. Шоир билан бадиий тафаккур имкониятлари, шеърларнинг тил хусусиятлари ва бошқа қатор унсурлар тазкирадаги шоирнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Залилий ва Машраби соний тўғрисидаги маълумотлар бунинг яққол намунаси. Пўлатжон домулло туркман шоири Залилийдан бошқа шу таҳаллусдаги бир истеъдодли шоирни кашф қилдиларки, домуллонинг тадқиқ этиш усулидан ибрат олсак арзийди. Ёки Қаршилик Рўзибой Ҳофиз номли бир одам Жалолиддин Румийнинг “Мсनावий”сидаги бир ғазални шарҳлаб, бу асарга “Мабдаи нур” дея ном бергани ва ул шахс ўзига Машраби соний таҳаллусини ишлатгани тазкирада таҳлил этилганда ҳақиқат, домуллонинг ҳар бир кичик далилга ҳам масъулият билан ёндашганларининг гувоҳи бўламыз. “Тазки-

раи Қаюмий” да имкон қадар ҳар бир шоирнинг туғилган жойи, уруғи ва насаби кўрсатилади. Зотан тазкирачиликда ушбу усул анъанавий хусусиятга эга бўлиб, адабиёт тарихининг умумий ва ҳудудий тараққиётини белгилашда муҳим далил бўлиб хизмат қилади.

Тазкирага киритилган кўпчилик шоирлар тамомила янги номлардир. Фазлийнинг “Мажмуатум-шуаро” тазкирасига ёки бошқа тазкираларга номлари кирмаган шоирлар тўғрисида сўз кетганда (жумладан, Қўқон адабий муҳитида ижод қилган Низомий Хўқандий, Пир, Нозик, Ниёзий, Диловар, Азимий, Фаноий, Улфат, Вола I, Висолий ва ҳ.), XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX асрдаги ўзбек адабиётининг умумий манзараси кўз олдимизда намоён бўлади ва ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари олдида навбатдаги қилинажак ишлар аён бўлади. Фазлийнинг тазкирасига ёки бошқа асарларга кирган шоирларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар янги далиллар, тарихий воқеалар билан бойитилади, лозим ўринларда аниқлик киритилади. Шу тариқа шоир тўғрисида тўлақонли илмий маълумот оламиз. Пўлатжон домулло ушбу тазкираси учун турли баёзлардан, тарихий асарлардан, хотиралардан фойдаланадилар ва аолбатта ўз муносабатини билдирадилар. Илмий ҳалоллик, изланувчанлик, салафларига ҳурмат ва одобли муносабат аслида шундай эди.

Дарвоқе, Пўлатжон домулло Қўқон тарихи, умуман Ўрта Осиё тарихининг катта блимдонларидан эдилар. Тазкирада домуллонинг шу қирраси аён бўлади. Шоирнинг таржимаи ҳолига ёки ижодига янада аниқлик киритиш мақсадида бирор тарихий воқеани қистириб ўтадилар. Шу тариқа тарих билан адабиётни, шеър билан тарихий воқеани уйғунлаштирадилар. Домуллонинг хотиралари, айниқса, асарга салмоқли руҳ бағишлайди. Тазкирадаги исталган шоир баҳсида шу ҳолатни кўриш мумкин. Шу сабабдан китобхон асарни зерикмасдан ўқийди. Муқимийнинг ҳаётига онл хотира фикримизнинг далилидир. Бу лавҳани китобхон ҳикоя каби ўқийди.

“Тазкираи Қаюмий”даги кўпчилик шоирлар тўғри-сидаги маълумотларни Пўлотжон домулло турли баёзларда қидириб топганлар. шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. аксарият ҳолатларда биз маълум бўлмаган шоир ижодини аҳамиятсиз деб баҳолашга ўрганганмиз. Фаннинг тараққиёти эса аҳамияти катта бўлмаган шоирни ҳам аҳамияти бор деб қарашни талаб қилади ва шоирнинг биргина шеъри ҳам аҳамиятли нарсаларни юзага келтиради. шунинг учун Пўлатжон домулло илмий ижод жараёнида биттагина шеъри маълум бўлган шоирни ҳам тазкирага киритганлар. Жумладан, Насир, Нодир III, Салоҳий II тахаллусли шоирлар ижоди бунга мисол.

Пўлатжон домулло умумбашарий мақсадлар йўлида меҳнат қилдилар. “тазкираи Қаюмий” ўзбек адабиёти учун янги номларни кашф этгани билан ҳам қимматлидир.

Шу боисдан ҳам “Тазкираи Қаюмий” ўзбек адабиётшунослигида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз.


*Насимхон РАҲМОНОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор.*

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 16 октябрь.



# **“ТАЗКИРАИ ҚАЙҮМИЙ”**

## **I ДАFTAR**



**1. НАВОИЙ** - Улуғ шоир Алишер мелодий ила 1441 нчи йилда 9 нчи февралда Ҳирот шаҳарида хизматчи амир оиласида дунёга келди. Отаси ҳукумат идорасинда хизмат этар эди. Алишер темурийлар сулоласига яқин турор эди. Темурийлардан Ҳусайн Бойқора билан бошланғич мактабда бирга ўқумишдур. Хуросоннинг подшоҳи Шохрух мирзо 1447 нчи йилда вафот этгандан сўнгра шаҳзодалар орасинда тахтга ворисликнинг таллашиш бошланиб кетиб мамлакатда нотинчлик зуҳур этди. Алишернинг отаси бутун оиласини олиб Ироқ томонга сафар этди. 1452 нчи йилда Алишер Ҳиротга қайтиб келди. Таҳсилда давом этди. Хаттотлиқ ила рассомлик, илми аруз ўрганди. Мусиқанинг ҳам ўрганди. Шеър ёзишга жуда эртароқ киришди. Ул 15 ёшинда шоир бўлуб танилди. Туркий тилда тахаллус этиб Навоий ва тожик тилида Фонийнинг ихтиёр этди. Шунинг улун икки тил эгаси ("Зуллisonайн") деб шуҳрати чиқди. 1456 нчи йилда Хуросоннинг шоҳи бўлмиш Абулқосим Бобурнинг саройига хизматга кирди. Бу шоҳ ҳам шоир эди. Ёш Алишернинг талантига яхши баҳо берур эди. Абулқосим Бобур вафот этди. Алишер Машҳад шаҳарида турди. Бундан Ҳиротга 1464 нчи йилда қайтиб келди. Бунда турганда Бадахшонлилар билан дўстлашиб юрар эди. Сўнгра бадашхонлилар Абу Саид Мирзога қарши исён чиқаздилар. Гумон билан буни Алишердан кўрдилар. 1466 нчи йилда Алишерни Самарқанд шаҳарига

сурғун қилинди. Алишер мадрасаи Улугбекда туриб ўшал замоннинг машхур олими, машхур мударрис мавлоно Абу Лайс Самарқандийдан фан ўргана бошлади. Бунда машхур олимлар ва чолғучилардан бошқа фан арбоблари билан танишди. 1469 нчи йилда Хиротда ўзгариш бўлиб Хусайн Бойқора Хуросон подшоҳи бўлиб Хиротда тахтга ўлтирди. Алишер Навоийнинг ўзига чақирди. Алишер Хиротга боргач, 1469 нчи йилда муҳрдорлик мансаби берилди. Бу олимнинг виждони ҳукмдорларни ахлоқи билан келиша олмади. Сарой арбобларининг халқ оммасига қилган жабру зулмларига норозилик кўрсата бошлади. Золимлар тўпи Алишернинг ёқтирмайдилар. Сурғунда бўлди. Яна Хиротга қайтди. Кейин ҳамма вазифалардан истеъфо бериб чиқиб, ўн бир йилча миқдор вақт илмий, адабий таҳрир ишлар билан машғул бўлди. Буюк асарларини яратди. “Хамса”сини ёзиб тамом этди. Астрободга бориб турди. 1488 нчи йилда Хиротга келиб турди. Ниҳоят 1501 нчи йилда 3 нчи январда вафот этди. Ўзбек мутафаккири, шоири бизга буюк қийматли асарларининг қолдирди.

\* \* \*

*Эй сабо, ҳолим мани сарви хиромонимга айт,  
Йиғларимни шиддатин гулбарги хандонимга айт.*

*Буки онинг аҳди паймонида мен ўлсам дариф  
Яхши фурсат топсанг ул беаҳду паймонимга айт.*

*Буки онинг зулфи зиннорида диним ҳосили  
Куфр ила бўлмиш мубаддал номусулмонимга айт.*

*Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси  
Юз туман жону жаҳоннинг яхши жононимга айт.*

*Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум  
Васлига бир ваъда қилғонин пушаймонимга айт.*

Буки юз минг фитна кўзлик бўлса бедор онсизин  
Қилмағум наззора ҳаргиз кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб яқо усрук чиқар эл қасдиға  
Мен ўлуб эл жон топар бебок жононимға айт.

Даҳр боғин гуллари хуснун вафосиз эрканин  
Юзи гул, жисми суман, куйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

\*\*\*

Ўртанур эл фирқатингдин навҳа бунёд айласам  
Кўзгалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Емирилур бошимға гўёки, фалак ғамхонаси  
Ул кўёш ҳамхона эрконин қачон ёд айласам.

Ҳажр бийми чун етар ғамгин қилур беихтиёр  
Васл умиди бирла кўнглумни неча шод айласам.

Чарх анжумдин куюбман, айб эмас гар оҳ ила  
Мунча ахгарлар билан ул кулни барбод айласам.

Дафъ этай дермен жаҳондин ашк гала ғам туфроғин  
Бу бузугни сел ила истармен обод айласам.

Салтанатдин бода ортиқдур манга юз қатлаким,  
Хушроқ эл бедодидин ўзумға бедод айласам.

Эй Навоий, ҳажр аро етди ажал қилмайму сабр  
Ул масиҳо ваъдаи васлини миод айласам.

\*\*\*

*Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим  
Лекин ул камроқ топилди они бисёр истадим,*

*Кимга ким жоним фидо айлаб соғиндим ёр эрур  
Эрмас эрди ёрликда чун вафодор истадим.*

*Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо  
Ваҳже умри улча йўқтур соғиниб ёр истадим.*

*Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, ғафлат кўринг  
Ким пари ҳайлида мен девонаи зор истадим.*

*Сирри ишқимни кўнги кўз бирла фош этмак не тонг  
Қалби тардомонни нечук мен соҳиб асрор истадим.*

*Шайх бирла хонақоҳдин чун ёруғлиқ топмадим  
Дайр пири хизматиға куйи хуммор истадим.*

*Эй Навоий, чун рафиқе топмадин бу ғуссадин.  
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.*

\*\*\*

*Тушимда олди хушимни карашма бирла бирав  
Тун уйқуда мани ялғуз топиб эмди икав*

*Агар сени бу суҳбатингни муяссар этса манга  
Худо ҳақи, ки кутарман бошимни бир қади жав.*

*Тасарруф этмади ҳечки худо бу дунёни  
Карашма қилдию кетти чунончи кетти ютав.*

*Унумни кўкка еткурдим тегмади санга офат  
Қўлинг ўчоқда куяр, чунки қисқа бўлса кўсов.*

*Бўйнушни бодафуруш аҳлиға элуктурдим  
Салом этарға букилди чунончи қизга куёв.*

*Амома кийди Навоий фачини сом айлаб  
Тун ичра буркини қўйди чунончи майга гарав.*

\*\*\*

*Одами эрсан демагил одами  
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.*

**2. САЙИД АҲМАД** - Бу киши Темирнинг набираси бўлуб, Мироншоҳнинг ўғулларидан биридур. Маълумдурки, Мироншоҳ Темирдан олдин вафот этмишдур. Темир эса набираларидан Халил Мирзо ила Улуғбек устида кўпроқ тарбия бериб, буларга унча аҳамият бермаган эди.

Сайид Аҳмаднинг онаси мўғул хонзодаларидан бўлуб Суюн бека хоним эди. Эрон сулоласига мансуб набираларига ҳали унча аскарый тарбия бермас эди. Сайид Аҳмад ва Умар мирзолар ўз ҳолларича кўюлмишдур. Шунга биноан булар бирор вилоятга ҳоким ҳам этилгани кўринмайди. Темирнинг ҳаётида булар жуда ёш бўлиши ҳам эҳтимолдур. Ҳар ҳолда бу шаҳзода сиёсий соҳадан кўра адабий соҳага йўл очиб адиб ва шоир бўлуб ўзидан бир адабий туркий асар қолдирмишдур.

“Муҳаббатнома”га назира этиб “Таашшукнома” исмли бир манзум асар яратмишдур. Навоий ўзининг “Мажолис ун нафоис” номли асарида Сайид Аҳмаднинг туркий, форсий шеърлари борлиги тўғрисида хабар берадур. Лекин “Таашшукнома”нинг “Латофатнома” деб кўрсатадур. Темурийлардан бўлган бу шоир фақирроқ дарвишона ҳаёт кечириб, Ҳирот шаҳарида амакиси бўлмиш Шоҳрух мирзонинг даврида унинг лутфидан кўз тутиб ҳаёт кечирмишдур. Бу асарини ҳам Шоҳрух мирзога атаб ёзмишдур. Ҳижрий ила 839/1435-36 нчи йилда тамом этмишдур. “Таашшукнома” мундарижси фақат бир ошиқнинг ўз машуқига ёзмиш мактубидур. Тили содда, равон бўлуб, киноялари, муболағалари, тили нозимнинг кучи ниҳоятда бадиий услуби хушоҳангдур. Бироқ бу муҳим асар бизнинг замонамизгача бутун этиб келмашишдур. Афсуски, “Таашшукнома”нинг бирдан-бир қўлёзмаси Англиядаги Бри-

тания музейсида бўлуб, шундан олинган фато нухаси  
Ўзбекистон тил, адабиёт ва тарих бўлиминда сақлан-  
моқдадур. Биз шундан олиб намуна кўрсатамиз.

*Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ  
Тахайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.*

\*\*\*

Китобнинг сабаби сарлавҳасидан:

*Тушумда бир кеча кўрдитм саҳаргоҳ  
Ки Мажнун бирла бўлдим йўлда ҳамроҳ.*

*Манга дедики, эй шўрида аҳвол  
Чиқар бошдин такаббур, қилма ихмол.*

*Ки ошиқлар мақоми карбалодур  
Киши ким бўлди ошиқ мубталодур.*

*Чу сен ҳам мубтало бўлмиш сен охир  
Жафодин гул экан бўлмиш сен охир*

*Бу йўлда қўй сару сомон адам бўл  
Агар васе истасанг собит қадам бўл*

*Тахайюл бирла назм эт бир ҳикоят  
Вале неъмат қошида қил ривоят.*

*Ҳикоят ким Таашуқнома бўлғай  
Улуғлар қошида аллома бўлғай.*

\*\*\*

Ғазалларидан намуналар:

*Сени дардингиен эй шўхи мусаввар  
Қомиқ олам ҳароб ўлди саросар.*

*Нечаким аҳд этар бечора ошиқ  
Висолинг давлати бўлмас муяссар.*

*Дудогинг олдида, эй сўзи ширин,  
Наботу қанду шаққардур муқаррар.*

*Тишингдин мунфаилдур баҳр ичинда,  
Ёноқингдин хижил яъқути аҳмар.*

*Шаҳо, даврингда жавру зулму бедод  
Бўлубдур Саййид Аҳмадга муқаррар.*

\* \* \*

*Кел эй соқий, кетур жоми дилафруз  
Ки ишрат чоғидур ҳам фасли навруз.*

*Чолиб чангу чағона бода бирлан  
Ичоли май ҳафифи сода бирлан.*

*Ки беш кун умр йилдек кучкусидур  
Сен андин кечма ул худ кечкусидур.*

\* \* \*

*Не бўлдиким унутдинг ёр бизни  
Қилибсан васлинг учун зор бизни.*

*Кўриб ёр ул сиёҳру муддаийни  
Кўрадурсен баче ағёр бизни.*

*Ғамингдин ёр ўларга рози бўлдим  
Бу жондин мен бутун безор бўлдим.*



Қобутингда чу йўқтур эътиборим  
Рақибим қувлағай ночор бизни.

Жафодин юз чувурмас Саййид Аҳмад  
Нечаким солса кўздин ёр бизни.

\*\*\*

Хулосан сухан:

Кел эй соқий майи гулранг қил нўш  
Йигитлик мавсимин қилма фаромуш

Маишат қил замонедур замона  
Фалак топмай турур истаб баҳона

Ки дунё маъдини ранжу балодур  
Ани севган кишилар мубталодур

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ  
Таҳайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

\*\*\*

Тўртинчи мактубдан:

Ало эй сарв буйлуқ лола рухсор  
Кўзунг жайрон, менгингдур мушки тотор

Қароқчи кўзларинг, эй рашки хоро  
Қилур юз минг балони бошқа пайдо

Бузар пайваста қошинг кўнглим элин  
Берар ғам қат эгилса кўнглим элин

Дудоғинг рашкидан кавсар бўлур сув  
Киши лоф урса ҳоли бўлдурур бу

*Бўлубдур ишқингиз жовид очунда  
Тутубдур барча оламини жунунда*

*Жамолинг нуридин олам тутар нур  
Манга сансиз керакмас жаннату хур.*

*Латофат мулкининг султони сансан  
Малоҳат кишварининг хони сансан*

*Нечаким, хизматингда бизга йўқ сон  
Вале ишқингни қўймоқга не имкон.*

*Манга сен тангри учун раҳм қилғил  
Улармен оқибат қайғунгда билғил.*

*Агар ўлсам мазоримга гузар қил  
Хўлингни ёд этибон бир назар қил.*

*Қилур бўлсанг мазоримга нигоҳи  
Чиқарғайман лаҳаддин ўтлуғ оҳи*

*Эшитғил топдим эмди чун маҳални  
Хусайний пардасида бу ғазални.*

\*\*\*

*Нигоро, ҳусн ичинда мунтаҳосен  
Латифу нозику Юсуф лиқосен*

*Дуочи бир қулингдурмен вафодор  
Неча ким жонима қилсанг жафо сен*

*Сенинг ишқинг балойидур бошимда  
Менинг бошимга билмам не балосен.*

*Дедим кўнглум сени зулфингни истар  
Дедиким, кет ёмон кўнгли қаро сен.*

*Аё Саййид чу хўблар бевафодур  
Алардин истама меҳру вафо сен.*

**3. САЙФИ САРОЙИ** - Бу киши Олтун Ҷрданли шоирлардан бўлуб, Олтун Ҷрданинг пойтахти бўлмиш Сарой шаҳарида нашъу намо этмишдур. Муҳаммад Ҷзбекхоннинг ўгли Жонибек замонида бўлмишдур. (Биз буни Миён Бузург номли кишининг китоби: “Ҷзбек адабиёти тарихига бир қараш” номли асарининг 36нчи бетидан олдик). Шоир Сайфи Ҷз замонида бўлмиш шоирларнинг тубандагича танқид этадур:

*Жаҳон шоирлари эй гулшани боғ  
Кими булбулдур сўзда кими зоғ.*

*Кими тўти тегин чайнар шакарни  
Кими лафзи билан ўртар дурарни*

*Кимининг сўзлари мавзун ширин  
Кимининг лойиқи таърифу таҳсин*

*Кими ўзганинг ашъорин менинг дер  
Кими ҳайвон каби шолғом чўпин ер.*

*Кими маъни қўёб лафзин тузат  
Кими вазнин бузуб санъат кузатур*

*Уларнинг ушбари Сайфи Саройи  
Жаҳон орифларининг ҳокпойи*

Сайфи Саройи 793 нчи ҳижрийда / 1390-91 мел. форс шоири Шайх Саъдийнинг машҳур асари бўлмиш “Гулистон”нинг ўзбек тилига таржима этмишдур.

Сайфи Саройи ғазалларидан бири будур:

*Эй кўрклилар ҳайли ила мубтало кўнги  
Кўзи билан кетурган ўзига бало кўнги.*

*Не ерда бир қамар киби юз кўражак равон  
Кўзунг юмуб тушурган онинг устино кўнги*

*Бир гул ёноқли жоду қароқлиға уғрасанг  
Жонинг фидо қилурсану шул он анго кўнгиш.*

*Сулмонлар ўғли зулфиға густоҳ қўл сунан  
Сен-сен олда бир пули йўқ бенаво кўнгиш.*

*Сайфи Саройи они фироқида йиғласанг  
Хўблар жафоси бирла бўлурсан фано кўнгиш.*

---

**4. АМИРИЙ** - Миён Бузургнинг “Ўзбек адабиёти тарихига бир қараш” номли асарининг 15 нчи бетида кўрсатуви бўйича XIV асрда Олтин Ўрданинг пойтахти бўлмиш Сарой шаҳрида Амирий тахаллусли бир ўзбек шоири бор эди деб кўрсатадур. Сайфи Саройин санаб ўтиб танқид этганлардан бири бўлиши эҳтимолдур. Сўз орасинда айтиб ўтадур. Шеърдан намуна кўрсатмаган.

---

**5. РАБҒУЗИЙ** - Бу киши энг қадимги туркий ёзувчилардан бўлиб, XIV асрда ўтмишдур. Номи мавлоно Насриддин бўлуб, Бурҳониддиннинг ўғлидур. Ўғуз туркларидандур. Хоразми бўлиб шеърда тахаллуси Рабғузидур. Таржимаи ҳолига доир маълумот замони-мизгача келиб етмаптидур. Мелодий ила 1131 нчи йилда ёзиб тамом этган “Қисас ул-анбиё” номли китоби эл орасинда ўқуб эшитилиб келмишдур.

Рабғузий ўз асари билан танилмишдур. Бу асарида пайғамбарларнинг тарихи тўғрисида ёздадур. Лекин диний таъсиротидан ташқари бўлган алоҳида бадний аҳамиятга эга бўлган ҳикоялари ҳам бордур. Булардан бошқа газаллар, рубоийлар жойинга муносиб қўйилгандур. Халқ шеърлари вазнида ёзилган парчалар турли фаслларга

доир табиат манзаралари тасвирлнадур. Кўчирма турли равнища баён этиладур. Намуналар: рубойисидан

*Сабо эснаюрда йиғоч бонг солар  
Булут йиғлаюрда чечаклар кулар.*

*Бўстон ичинда кириб доимо  
Сенинг бирла кўнглим овунмоқ тилар.*

\*\*\*

Баҳор тўғрисида Рабғузий:

*Кун ҳамалга келди эрса келди олам наврўзи  
Кечди баҳман замҳарири қиш қолмади қори бўзи*

*Тонг отарда тўрт сориддин эснаюрар боди сабо  
Кийик юрур киндик йипордик исланар ёбон ёзи.*

*Тезлиги ёпкин ёғидин убуғи ёшил қизил  
Ораси бутоқ ёпурғон тўл чечаклар тўр тузи.*

*Урласа йиғлаб булутлар гул чиқар бўстону боғ  
Тол, ёғочларинг солишур ўйнаюр бек бой қизи.*

*Лола сифротин ичирда сайрар асруб сандуғоч  
Турна ун тортиб ўтарда секратур боқлон кўзи*

*Кўкда ўйнаб қўл солишур қув қозу қил қарлуғоч  
Ерда ўйнаб жуфт олишур ос, тин, киш кундузи.*

*Найшакарлар минбариди тўтиқуш мажлис тутур  
Кумри булбул муқрий бўлуб ун тузар тун кундузи.*

*Буяғуз ер кўк менгизлик яшнағай майдон бўлуб  
Ўғрашур айтинг чечаклар теграсида юлдузи.*

*Хури айн учмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур  
Ёз уза мундоғ ғазални ёзди Носир Рабғузий.*

**6. ХОРАЗМИЙ** - Бу кишининг Нозим Хоразмий деб юритиладурки, ўзининг “Муҳаббатнома” номли йирик асари билан 14 нчи асрнинг буюк классик ёдгори билан танилмишдур. Шоирнинг таржимаи ҳолигина эмас, ҳатгоки номи ҳам замонамизда маълум бўлмади. Лекин асари муътабар китобтур. Бу асар ҳам Олтин (Ўрта) ҳукмдорлари даврида ёзилмиш қадимги асардур. Ўзи хоразмли бўлган ва Олтин Ўрдада юрган ўзбек шоиридур.

“Муҳаббатнома” ишқий мактублардан шул шаклда ташкил этилмишдур. Ўтмиш замон тилида. Кучли бадиий асардур.

Бунда биз фақат намуна мақсадида қисқартиб олдик. Бунда Муҳаммад Хўжабек деб зикр этадур. Бу ном номадаги ошиқму? Ёки шул Хоразмийнинг номиму аниқланмаётир. Тахаллус Хоразмийдур. Маснавийсидан:

*Кел эй соқий кетурдил бодаи ноб  
Кула ўйналу ичсунлар бу асҳоб.*

*Ким уш йи тек ўтар айёми фони  
Ажалдин ҳеч кишининг йўқ омони*

*Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.*

\* \* \*

Фазал “Муҳаббатнома”дан:

*Жаҳонда сентек эй жонон йўқ эй жон  
Сенинг дардингга ҳеч дармон йўқ эй жон.*

*Анингдек ерга қўл сунди иликким,  
Йироқдин боқмаға имкон йўқ эй жон.*

*Бугун минг жон билан кимки кўнгишни  
Санга бермас қани ваҳ жон йўқ эй жон.*

*Ети иқлим ичинда кўрукка моли  
Санингдек бир таки султон йўқ эй жон.*

*Бизнинг мазҳабта ошиқларни сизлар  
Агар ўлдурсангиз товон йўқ эй жон*

*Сени жонимдан ортиқроқ севармен  
Бу сўзда ҳақ билур ёлғон йўқ эй жон.*

*Сенинг ишқингда сайрарга Хоразмий  
Бугун оламда бир бўстон йўқ эй жон.*

\*\*\*

*Саломим гулга айт, эй тонг насими  
Ким эрур ой қули, ахтар надими.*

*Саломим ким, кўнгил жонона етса  
Ёрур кўзлар саводидин тийилса*

*Саломимни еткур ул дилситонга  
Раҳмсиз бевафо жону жаҳонга.*

*Кулингни ҳаддин ошти иштиёқи  
Айтгил эй бўюнғ тўби табоқи.*

*Айтгил эй висолинг умр боғи  
Эшикинг туфроғи кавсар булоғи*

*Айит мендин ким ул мискин урур оҳ  
Қачон энгай гадонинг эвина шох*

*Қачон қилғай кўзумни ёқти ул ой  
Эрур юзи қуёшдек олам орой.*

*Қачон лаълинг қадаҳлар нўш қилғай  
Карашманг бандани мадҳуш қилғай*

*Зиҳи пурханда толев бахт ёри  
Ким ул ҳазратга бир кун топса бори.*

Жаҳон тутди жамолинг дод қилғил  
Бу мискинни бирор ҳам ёд қилғил.

Сенингдек подшоҳинг марҳабоси  
Менингдек минг гадонинг хун баҳоси.

Манга сансиз ўлумдур бу ҳаётим  
Сенинг меҳринг била юғрилади зотим.

Эрурман васлинг доим талабкор  
Кеча ким тун узун бўлса тонги бор.

То бўлғай мақсудим топқунгда бори  
Саодат қилса Хоразмийга ёри

Маснавий

Кел эй гулчеҳра соқий май кетурғил  
Мени ҳайрат мақомига етурғил.

Ҳабибим нақшидин маъни бўлайин  
Таҳайюрда узумдин қуртулайин.

Сабрдин яхши йўқтур пеша қилсам  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.

\* \* \*

Манга ҳаддин ошурма бу жафони  
Кўзунгдин солма бу мискин гадони

Оғир уйқуга бахтим неча ётқай?  
Висолинг машриқидн ҳам тонг отқай.

Эшитғил бу ғазалда ишларидин  
Муҳаммад Хўжабек айтмишларидин  
(Учинчи номасидин қисқартиб олинди).



**7. ЮНАҚИЙ** - Бу киши Фарғонали бўлуб, Аҳмад Юнакий деб машхурдир. Қадимги нозимлардан бўлуб, XII нчи (асрнинг) охири XIII нчи аср бошларида Чингизнинг Ўрта Осиёга ҳужуми арафасида ўтмишдур. “Айбат ул ҳақойиқ” номли ахлоққа доир бир китоби билан танилди. Бу китобнинг Юсуф Ҳожибнинг машхур асари бўлмиш “Қутадғу билик” китобига мослаб яратмишдур. Ўзи шул китобдан фойдалангани кўринадур.

Китобнинг таърифи тўғрисида бу назмни дейди:

*Дод сипоҳ солар бак учун бу китоб  
Чиқартдим ажунда оти қолсу таб*

*Китобимни кўрган эшитган киши  
Шоҳимға дуо бирла ёд қилсу таб.*

*Қатинги қалийни кишилар аро  
Онинг зикри тансуқ одиз қилсу таб.*

*Онинг даври бирла кўнгулар тўлуб  
Онинг ёди бирла ожун тўлсу таб*

*Бозадим китоби муаззаз масал  
Боқуғли, ўқуғли, осуғ олсу таб*

*Балак оттум оти шаҳимға манук  
Ҳаводорлиғимни тугал билсу таб*

\*\*\*

Фарғона водийсида Юнақ номли жойдан бўлуб, маконига нисбат ила Юнақий дебдур.

## 8. АҲМАД ЯССАВИЙ - Дашти қиғчоқли бўлуб

Ўғуз туркларидандур. Туркистон шаҳарига яқин Ясси номли қариядан бўлган эди. Шунга нисбатан Яссавий деб номини қўшуб Аҳмад Яссавий деб маъруфдур. Бошда Арслонбоб номли бир шайхнинг тарбиясида бўлуб маърифат олмиш. Сўнгра Бухорога бориб илм таҳсил этди. Бунда тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бўлмиш эронли Хожа Юсуф Ҳамадонийга қўл бериб ҳалқа тадрисда бўлди ва хизмат этди ва муридийа тарбия этишга рухсат олди.

Бухорода хонақоҳ қуриб шайхлик эта бошлади. Бу билан бирга ҳам набираси бўлмиш Хожа Абул Холиқ Гиждувоний номли киши ҳам шайх эди. Булар орасинда мухосимат пайдо бўлди. (Бу тўғрида тасаввуфга доир таъкира ва маноқибларда кўп воқеъалар ёзилмишдур). Бу икки шайх бир шаҳарда туриши бўлмай қолгач, шаҳар савдо синоат намояндалари уламолар Абдулхолиқ Гиждувонийнинг томонида бўлдилар. Саҳровий ҳаёт кишиси бўлмиш Хожа Аҳмад буларга мақбул бўлмади. Охирда бутун муридларининг Хожа Абдулхолиқга топшириб, ўз ватани бўлмиш Туркистон шаҳарига келди. Бундаги турк қабилалари яхши кутдилар. РИвожланиб, шуҳратланиб кетди.

Тасаввуфга доир икки дафтар туркий назм ила “Ҳикмат” номли ашъори орифонаси бутун Туркистон вилоятларида мутадовил бўлди. Хожа Аҳмаднинг китобидан дафтари сонийси маълум эса ҳам “Дафтари аввал” замонамизгача келиб етмишидур.

Хожа Аҳмаднинг услубида тасаввуф руҳида ёзувчи бир неча бу мактабда етишмиш шоирлар бўлдиларки, Қул Сулаймон, Қул Убайдий, Иқоний каби бир неча шоирлар бордур. Бу соф ўзбек тилида ёзилмиш бу асар ақлоқ, одобга ундаш руҳида бўлуб, тасаввуфга оид қисми замонамизда мувофиқлиғи ҳолмамиш. Фойдаланишга лойиқ бўлмай фақат эски турк тили ва луғатидан ўрганишга лойиқдир. Бу дафтари соний Қозон шаҳарида бир неча маротаба типографияда бостирилмишдур. Неча ёшда вафот этгани очиқ маълум бўлмаса ҳам пайғамбар

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёши ўлмиш олтмиш учга етганда ҳурмат юзасидан ертўла қазиб унга кириб ётгани дафтари соңийсида кўрсатиладур. Мелодий ила 1166 нчи йилда шул Туркистонда вафот этмишдур.

Ҳозирги кундаги қабрини Амир Темир бино этдирмишдур. Шомдан Ироқа ва ундан Темир келтирмиш “Мусхофи Усмоний”нинг бу бинога қўймишдур. Шеърда тахаллус этиб “Кул Хожа Аҳмад” деб юритмишдур. Бу шеър Аҳмад Яссавийнинг нашидаи таъбидандур:

*Аё дўстлар нодон билан улфат бўлуб  
Бағрим куйуб жондин тўйуб ўлдим мано.  
Тўғри айтсам эгри йўлга мени тўлғаб  
Қонлар ютуб ғам захрига тўлдим мано.*

*Нодон билан ўтган умрим нори саҳар  
Нодон борса дўзаҳ андин қилғай ҳазар,  
Нодон билан дўзаҳ сари ҳам қилманг сафар  
Нодон ичра хазон янглиғ сўлдим мано.*

*Дуо қилинг нодонларни юзин кўрмай  
Ҳақ таоло рафиқ этса бир дам турмай  
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдим мано.*

*Ер остига қочиб кирдим нодонлардин  
Доно топмай ер остига кирдим мано  
Ғариб жоним минг тасаддуқ донолардин  
Доно топмай ер остига кирдим мано.*

*Нодонларни менадан сўрманг кўнглим ҳуққа  
Ҳақдин кўрқуб мотам тутсам кулар қаҳқаҳ  
Оғзи очуқ, нафси улуғ мисли лаққа  
Нодонлардин кўрқиб сенга келдим мано.*

*Тамаъ қилманг нодонлардин қадринг билмас  
Зулмат ичра йўл адашсанг йўлга солмас  
Бўйнинг қисиб зоре қилсанг қўлуни олмас  
Нодонлардин шиква айлаб келдим мано.*

*Аввал охир хўблар кетди қолдим ялғуз  
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз.  
Доно кетди, нодон қолди едим афсус  
Йўлни топмай ҳайрон бўлиб қолдим мано.*

*Қул Хожжа Аҳмад гадо бўлсанг ҳаққа бўлғил  
Бошинг билан эранларга хизмат қилғил.  
Назар топсанг халқа олиб суҳбат қурғил  
Халқа ичра огоҳ бўлуб турдим мано.*

**9. МАҲМУД** - Бу киши уйғурлардан бўлуб Қошғарлидур. Турк тилида 2 нчи китоб ёзмиш олим бўлуб, адабиёт трихида олдинги ўринда турадур. Номи Маҳмуд бўлуб Хусайн ўғлидур. Шаҳарига нисбат берилиб Маҳмуд Қошғарий бўлуб маъруфдур. “Девони луғати турк” номли машҳур асарнинг ёзган эди. Бу асар XI асри мелодийдаги туркий тилда сўзлашувчи қавмларнинг, қабилаларнинг тилларини ўрганишга имкон берадур. Унда ўгшал даврдаги халқларнинг тилларинигина эмас, этнографияси ва фольклори, иншолари ила танишиш учун тарихий манбаъ хизматини адо этадур. Бунда ўшал замон адабиётидан бир неча намуналар бордурки, адабий аҳамиятга ҳам эгадур. Биз 1948 нчи йилда Тошканди бостирилмиш ўзбек поэзиясининг анталогияси номли китобдан жуда қисқартиб олдик. Намуналардан парчалар:

*Қор бўз қомуғ урушди Тоғлар суви оқишди  
Кўкишин булут урушди Қайғуқ бўлуб ўкрашди*

Қору музлар эришди. Тоғларнинг сувлари оқа бошлади, кўкимтир булутлар ўйнай бошлади. Улар ҳавода худди сув юзасидаги қайиқлар сингари сузишда - дейди.

Табиатнинг тасвир этадур:

*Урду булут инграшу. Оқти оқин мунграшу  
Қолди будун тинглашу. Кўкран тақи мунграшу.*

Таржимаси:

Булутлар ўйнашиб чиқди. Шилдираб сел оқа бош-лади. Ҳамма ҳайрон эди. Момақалди роқ ваҳималик шавқин билан гулдирар, чақмоқ чақар эди.

*Ой кўруб оқлануб. Оқ булут ўрлануб  
Бир-бир узра ўқдануб. Сочилуб суви инграшур.*

Маъноси: Ой оқариб чиққач, ой булут кўтарилади. Бир-бири устига тўдаланадию шувиллаб сув томчилари тўка бошлади.

*Кўйди булут ёмғири. Кўриб тутар оқ тўрин  
Кўрқа қўзти ул қарин. Оқин оқар онграшур.*

Булут ёмғурни тўкди. Оқ тўрини ҳавога кенг ёйди. Опоқ қорларни тоғларга ташлади. Сел шаррос оқти.

\* \* \*

5 нчи бобидан намунаси

*Булар мени улас кўз. Қора мангиз қизил юз  
Энди тўкар тугал туз. Бўлиниб яна ул қочар.*

Мени бу шаҳло кўз асир қилгандир. Унинг қора ҳоли, анор юзи асир этар эдики, бутун гўзаллик унинг ёноқларидан вужудга келади. Мени тутқин қилиб боғ-лағач ўзи қочади.

*Юкнуб мнга имлади. Кўзум ёшин намлади.  
Бағрим бошин эмлади. Алқин бўлуб ул кўчар.*

Менга эгилиб ишорат қилди. Шу билан кўз ёшларига даво қилди. Жигар яраларига марҳам қўйди. Бирок яна кўчуш билан азоблайди.

**10. ДУРБЕК** - Бу киши классик нозимлардан бўлуб Нозим Дурбек деб маъруфдур. I нчи мартаба "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг ўзбек тилига назм этмишдур. Таржимаи ҳоли очиқ маълум бўлмаса ҳам бу китобни Балх шаҳарида 1409 нчи йилда Балх шаҳарида қамал ҳолатида ("Муҳосара вақтида") ёзганининг айтадур. Маълум бўлишича, XV нчи асрнинг бошида нашъу намо этгани кўрунадурки, темурийлар даври шоирларидандур.

Нозим бу китобининг кириш сўзида бу "Юсуф ва Зулайҳо" номли машҳур шарқ достони кўп мусулмон мамлакатларида тараннум қилинган бўлса ҳам бу ажойиб эртақни бизим туркий қавми яхши билмайдур. Шунинг учун мен халқимиз бундан баҳра олсунлар деб халқ учун бу достоннинг туркий-ўзбек тилига назм этдим, дейди. Бу "Юсуф ва Зулайҳо" достони ўзбек тилида ёзилган дастлабки ишқий романтик достондур. Дурбек назм этмиш бу достоннинг бошқалардан фарқи шундаки, бунда Юсуф образи диний характердан ажратилиб кўрсатилади. Оддий бир одам каби қўюлмушдур. Аслида бу қиссани "Қуръон"да "Сураи Юсуф" номи остида араб тилида кўрсатилгандур. Яъқуб пайгамбарнинг ўғли Юсуф бўлуб, бу ҳам пайгамбар деб кўрсатилмишдур. Дурбек эса бундан узоқлашиб назм этмишдур. Бу ўрунда биз озгина бир парчасидан намуна оламиз.

Зулайҳонинг Юсуфга ошиқи беқарор бўлгани ҳаммага аён бўлуб кетганидан Миср шаҳарининг амалдор бекларининг хотунлари Зулайҳога насиҳат этиб бу ишдан қайтариш мақсадида саройга келганлари. Булар ҳам Юсуфни бир кўрушданоқ ҳушдан кетиб сабзи тўғраш ўрнида панжаларини кесиб юборганлари. Зулайҳога оғир эканига иқрор бўлганлари.

Жумлаи беклар хотуни сарбссар  
 Топди Зулайҳони ишидан хабар  
 Ўз қулинга ошиқу ошифтасен  
 Нагу бу Лайли каби олуфта сен  
 Жумлаи номусинга айлар зиён  
 Сени қилиб айб бу аҳли жаҳон  
 Деди Зулайҳоки барингиз бу дам  
 Ранжа қилиб қўялингиз эрса қадам  
 Барча менга носихў дилсўзсиз  
 Бахту саодат била ферузсиз  
 Сухбати хос туталинг ушбу рўз  
 Бори камайгай манга бу дарду сўз  
 Барча харамга кириб ўлтурдилар  
 Барча маишат ерини туздилар  
 Ҳар бирига берди турунжу пичоқ  
 Деди Зулайҳо, кесинг айлаб мазоқ  
 Деди энагасига ким жон раҳбари  
 Бориб Юсуфни кетуринг ичкари  
 Ушбу жамоат ҳама кўрсин юзин  
 Сарви сиҳи буйун ва наргиз кўзин  
 Юсуфи Сиддиқ алайҳиссалом  
 Кирди ҳарам ичра чу моҳи тамом  
 Талъатидин бўлди мунаввар ҳарам  
 Тушди хотинлар ичига юз алам  
 Барча онинг юзига олдирди кўз  
 Барчасининг оғзида қолмади сўз  
 Барча турунж деб илигин сарбасар  
 Кесдилар, бўлмади алдарга хабар.  
 Борча ўшал лаҳза бўлуб фарқи хун  
 Тушди Зулайҳо қошида сарнигун  
 Чунки алар топди ўзидин хабар  
 Кўрдилар аззосини хун бирла тар.  
 Барча хижолатга қолиб тўкди ёш  
 Барча Зулайҳо қошида қўйди бош.  
 Кўрдилар барча ки боғ саодат гули  
 Бор қотингда ўлали бир йўли  
 Сени маломатлар этиб боримиз  
 Кўрдиғу кўргингки недур ҳолимиз

*Тузди Зулайҳо яна оҳанги сўз  
Деди, бу ишқ ўтида куймай ҳануз  
Бир йўла тушдингиз оёқдин тамом  
Оҳ маним ҳолим ўшал субҳу шом  
Ишқ ўти ўртар яна бул хонумон  
Ўртар ўшал ишқ ўти жону жаҳон.*

**11. ЛУТФИЙ** - Алишер Навоий ила мусоҳаба этмиш Ҳирот шаҳарида туғилмиш машҳур шоирдир. XV аср мелодийнинг адабиёт бобида бўлмиш буюк намоёндаларидандур. Ўз замонининг жаҳонгашта олим шоиридур. Бошда теурийлардан Шохруҳ мирзанинг саройида (1404-1446) хизматда бўлди. Номаълум сабабга кўра бундан кетиб, Олтун Ўрдага боруб Сарой шаҳарида турди. Бир оздан сўнгра Озарбайжонга келди. Қорабоғ вилоятларида саёҳат этди. Ҳар ерда хурмат ила қабул этилди. Ниҳоят бу узоқ саёҳатидан қайтиб Ўрта Осиёга қайтиб келди. Бу вақтда анча қариган эди. Сўнгра ҳаётининг дарвишона ўтқариб Ҳирот шаҳарига яқин бир касабада вафот этди.

Навоий ўзининг “Мажлис ун нафоис” номли асаарида бундай дейди: “Мавлоно Лутфий ўз замонининг малик ул каломи, яъни сўз подшоҳи эди. Туркий ва форсийда назирини йўқ эрди. Тўқсон тўққиз йил яшади, дейди...”

Мавлоно Лутфий ўз номини тубандаги муаммо била кўрсатадур:

*Кўрай десанг агар истаб отимни  
Иморатни бузуб отни чиқарғил*

Иморат сўзини бузиб А “ “ билан Т “ “ни олсак, от чиқадур. Қолмиш (ҳарф)ларни ёзсак, Умар бўладурки, Лутфийнинг номи Умар бўллуб чиқадур.



Тубандаги ашъори обдорлари мавлоно Лутфийнинг  
нашидайн таъъидандур.

*Соқие кўнгулм тутулди ақли нофаржомдин  
Соғаре тутғил мени қутқар ғами айёмдин*

*Тулса сиймин соғаринг акси шароби лағл уза  
Қилмағай ҳеч ким жудо саҳбони сийми фомдин*

*Мухтосибға неча ялбардим мани чақти рақиб  
Дўст бўлмас нокас ахир иззату икромдин*

*Жому май ўпти лабингни ташна бўлдим қониға  
Ҳақ етурса ул очигни тортар охир жомдин*

*Лутфий ҳолини кўриб кўнгли олинди зулфиға  
Дона ҳирсидур, вале ким қуш қутулмас домдин.*

\*\*\*

*Ҳаққим сани дилрабо яратди  
Ошиқлар учун бало яратди*

*Ҳар қайда вафо рақиб учундур  
Ошиқлара чун жафо яратди*

*Қилманг мани ишқ учун маломат  
Чунки ошиқни ҳам худо яратди*

*Ошиқ кишиларни ўлдурурга  
Тангри сени мунтаҳо яратди.*

*Лутфий тзмаъ этма меҳр андин  
Хусн аҳлини бевафо яратди.*

\*\*\*

*Кўкарди чаман гулузорим қани  
Сихи сарв буйлик нигорим қани*

*Топибдур бугун васли гул андалиб  
Дариғо менинг навбахорим қани*

*Эшикигда туфроқ бўлдим вале  
Демадинг ким ул ҳоксорим қани*

*Сенинг аҳди ҳуснигда йўқ менда сабр  
Менинг ул бурунги қарорим қани*

*Эришур дебон қилма Лутфийга қаҳр  
Бу ишда бегим ихтиёрим қани*

---

**12. АТОИЙ (ОТОЙИ)** - Бу киши XV аср мелодийда темурийлар саройида бўлмиш классик шоирдур. Туғилиш жойи Балх шаҳари бўлиб, мавлоно Алишер Навоий ўз асарларида бу киши тўғрисида хушхулқ, дарвешваш, мунбасит кишидур, туркийгуй эрди, ўз замонида ашъорлари атрак орасида кўп шуҳрат тугди, деб кўрсатмишдур. Атоий темурийлардан падар куш мирзо ва Алоуддавла мирзо ва Шоҳрух ўғли Жўти мирзоларнинг саройида хизмат этмишдур. Таржимаи ҳоли тўғрисида бошқа маълумот ҳозирча йўқдур.

Атоийнинг бир дона қўлэзма девони бўлуб, СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқдадир. Тубандаги ғазаллар ундандур:

*Кел эй дилбарки бўстон вақти бўлди  
Гул очилди гулистон вақти бўлди.*

*Қилай нола боқиб гулдек юзингга  
Чу булбулларға афғон вақти бўлди.*

Гулу булбул бекин гулбунлар ичра  
Нишоту айши пинхон вақти бўлди

Ўқуб гул мадҳини мажлисда ҳар дам  
Бўлуб сархуш гул афшон вақти бўлди.

Туруб маҳбуб ҳузурда муҳибга  
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди.

Муғаннийларга булбуллар қилиб эсёр,  
Ҳазорон навъ илхон вақти бўлди.

Бу дамким, гул қилур булбулга алтоф  
Атоийга ҳам эҳсон вақти бўлди.

\*\*\*

Ҳосили умрим туганди ҳасрату қайғу била  
Рубарў ўлтурмадим ул кўзлари жоду била

Мен нечук ташбиҳ этай ул юзни ойу кунга ким  
Нисбати йўқтур тажаллий юзининг кўзгу била.

Қоматинг хуштур вале икки кўзимда яхшироқ  
Сарв учун хушроқ кўринур бўлса оқар сув била.

Кўзлари кўнглум олур ҳалий қўяр жонимга доғ  
Эй мусулмонлар, нетай ул кофири жоду била.

Неча қон йиғлаб Атоий сўзласа дарди дилин  
Ўткарур ул тош бағирлиқ шевача кулку била.

\*\*\*

## *Ҷалялхак Доҳулла Ҷалялхак*

*Бу элда бордур икки моҳи пайкар  
Бири қанду бириси шаҳду шаққар*

*Бирининг орази хуршиди тобон  
Бирининг кўзлари куффори хайбар,*

*Бирининг зулфи холи донау дом  
Бирининг қомати сарғу санубар.*

*Бирининг лаблари ёқути сероб  
Бирининг тишлари покиза гавҳар.*

*Бирининг ғабғабидур сийби сиймин  
Бирининг икки бодоми муқашшар.*

*Бири султони иқлими малоҳат  
Бири ҳусн аҳлида ҳоқону қайсар.*

*Бирининг ғамзаси бир доҳи устод  
Бирининг кифриги олмосга ханжар*

*Бирининг икки қошидур янги ой  
Бирининг талъатидур ийди ақбар*

*Бирига чоқару банда Атоий  
Бирига ходиму доийи камтар.*

\*\*\*

*Эй сарғиноз қайси чаман гул узори сан  
Бу шева бирла жону кўнгул ихтиёрисан.*

---

**13. САККОКИЙ** - Бу киши XV аср мелодийда  
Ўрта Осиёда бўлмиш шоирлардан бўлуб Навоий Самар-  
қандда турган вақтида Саккокийнинг кўрмиш эрди. На-

войининг айтувича Самарқандда ва атрофида мавлоно Саққокийнинг обрў ва эътибори зиёда эканининг, унинг шеърларида кучли мажозлар ва истиоралар учрайдурки, шоир араб ва эрон адабиёти билан яқиндан таниш эканининг айтадур.

Темурийлардан мирзо Улугбек саройида тургани унга яқин бўлгани, унга бағишлаб ёзгани қасидаларидан маълум бўладур.

Мавлоно Саққокий ўзбек адабиёт лирикасига асос солган классиклардан биридир. «Мажолис ун нафоис» номли асарида Навоий Саққокийнинг бир неча шеърлари мавлоно Лутфийнинг шеърлари мазмунида эканининг кўрсатадурки, бу эса Саққокий тўғрисидаги салбийликдур.

Мавлонодан бир девон қолмишдур. Ашъорлари хуш мазмун бўлса ҳам жуда раво, хушоҳанг кўринмайдур. Услуби ўзгачадур. Тубандаги ғазаллар мавлоно Саққокийнинг нашидан таъбидандур.

*Гул юзингни орзулаб юз кўзни гулзор айлади  
Шаққар эрингни тилаб жон тинни афғор айлади.*

*Оймудур юзинг ёхуд хуршиди тобон, эй саман,  
Бори онингтект шугласи кўзларни пайкор айлади.*

*Этти оғзингни ўгурлаб ниста торлиқни анга  
Туз суюн куйдурад ончи андин иқдор айлади.*

*Эй масиҳо дам бегим бир дам била бергил шифо  
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади.*

*Кўнгулм змаан ман қули сан неча аччиғ сўзласанг  
Тун ёратурда ўгон гул кўншусин хор айлади.*

*Никқ ишим Саққокий аввал билмайин осон кўриб  
Оварди ўз жонини ишини душвор айлади.*

\*\*\*

*Фирқатингда эй пари тан куйдию жон йиғлади  
Дамбадам худ қайғудин икки кўзум қон йиғлади.*

*Ҳеч даво йўқдурмуқим жонимда бор они кўруб  
Тўнни чок этти табибу дору дармон йиғлади.*

*Дур тишингу гул юзингни анғиб онча йиғладим  
Ким менга минг навҳа бирла абри найсон йиғлади.*

*Тун кеча мажлиста юзунг васфидин кечти ҳадис  
Жамъ ҳайрат ўтина ёндию сўзон йиғлади.*

*Эшикингда итни (пайкин) бостим неча йил қоврулиб  
Ушбу ҳолимни кўруб кофир, мусулмон йиғлади.*

*Йиғлади ҳатто рақибнинг раҳми келгандин манго  
Бори ул қаттиғ кўнгилик чин бу ёлғон йиғлади.*

*Билдилар юздин кўруб Саккой ҳолин сўрмайин  
Хосу ому шайхру дайр доною нодон йиғлади.*

---

**14. МАЖЛИСИЙ** - Бу киши XVI асри мелодийдаги нозимлардан бўлуб Бухоро атроф ўзбекларидандур. Убайдуллахон даврида ўтгани кўринадур. Нозимнинг таржимаи ҳоли тўғрисида маълумот йўқтур. Қачон туғилиб, қачон вафот этгани номаълумдур.

Мажлисийнинг бизга мулла Нисорий тахаллуси Ҳасан хўжа эшон номли киши ўз асари бўлмиш “Музаққир ул аҳбоб” да қисқагина баён этадур. Бухорода Убайдуллахоннинг саройидаги эътиборли шоир бўлгани илмий хизматда бўлгани кўрсатиладур.

Мажлисийнинг ғазал ва қасидалари замонамизга ча етиб келмаган. Фақат “Қиссаи Сайф ул-мулук” номли ҳсаригина сақланиб қолган. Бу асар шарқ афсоналаридан бирининг бадийий бир парчасидур. Достонлардан

бир бўлимда бир шаҳзоданинг тушида кўрган бир қизга ошиқ бўлуб отасидан рухсат олмай охтариб бош олиб кетиши кўп кулфат азоблар кўруши, ҳалол иш устида мардлик кўрсатиши, тўғри ҳаракат орқасида мақсадига етишидан иборатдур. Мажлисий буни назм риштасига тизмишдур.

Шаҳзода отасига арзи ҳолни деганининг тўғрисида  
Мавлоно Мажлисий бўйла назм била баён этадур:

*Деди шаҳзода йиғлаб, эй жаҳондор  
Менинг учун баси бўлдинг дилафкор.*

*Оёғинг гарди кўзум тўтиёси  
Укутиб бўлмас бу савдо мажороси*

*Туташиб ўртади ишқ ўти, эй шоҳ  
Учурди номусим шамъини бу моҳ.*

*Агар шамсу қамарни арз қилсанг  
Яна жаннатни ҳуридни кетурсанг.*

*Манга андин ўқун жонон керакмас  
Онинг доғи бу танда жон керакмас.*

*Ижозат берингиз ўзум тилайин  
Юруб истаб ўзум они топайин.*

*Отаси оҳ уруб чиқди қошидин  
Илик юб ўғлини кўзин ёшидин.*

*Бўлуб Сайфулмулукка ғам мусоҳиб  
Чу бўлди ғам ила шаҳзода осиб.*

*Бу шаҳзода бу суврат гадойи  
Бўлуб мотам саро бўстон саройи*

*Отаси чиқди ўғли қолди ёлғуз  
Ки ул ангез этиб афғони дилсўз.*

*Соғиниб ҳар дам ул сувратни шахзод  
Чиқадуру оғзидин юз доду фарёд.*

*Ҳамон айтур сени қайдин топармен  
Эром боғин нишонидин сўрармен.*

*Сўроғингни сени кимдин сўрайин  
Жамолингни сени қайдин кўрайин.*

*Нетай мен кимга айтай арзи ҳолим  
Санга еткура билмам ранги зардим.*

*Ким элтур бу хабар боғи Эрамга  
Ким айтур ҳоли дардим ул санамга.*

*Юрак қоним шаробим ҳамдамимдур  
Бағир бўлди кабобим мушфикимдур.*

*Суроҳи ҳасратингда қон йиғлар  
Кўрар шамъни юруб ҳайрон йиғлар.*

*Сени ишқинг ўтида май ўрар жўш  
Бўлуб девона ҳижронингда бехуш.*

*Мени олдимда чанг бўлди дуто ҳам  
Қилур нолиш мени ҳолимга еб ғам.*

*Ачиғ ун бирла йиғлайдур шамома  
Мушарраф токи бўлғайму салома.*

*Узатиб бўйинини бечора танбур  
Маним ҳолимга йиғлар нолишин кўр.*

*Куяр оҳимга уд ила мусиҳор  
Билиб дардимни қонун кўкс йиртар.*



*Тамоми созлар бўлуб намузор  
Мани ҳолим кўруб бу барча йиғлар.*

*Бўлуб шаҳзода чун барги хазондек  
Ақиқа лаблари чун заъфарондек.*

*Кетиб ақлу қарору сабр андин  
Кечиб бу тахту бахту бу жаҳондин*

*Кеча-кундуз бу ғам бирла гирифтор  
Онинг ҳолига аҳди Миср йиғлар.*

*Анга ҳар ким насихат қилса бўлмас  
Ки қаттиғ ишқ тоғи метин ўтмас.*

\*\*\*

### ДЕБОЧА

*Кишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса  
Гадодур ул агарчи шоҳ бўлса:*

*Ки бўлмас ишқда ҳам куфру иймон  
На сабр анда на кофир на мусулмон.*

*Суюк суйган кўнгилни узса бўлмас  
Онинг то кўрмагунча тузса бўлмас.*

*Вале ошиқ кераким бўлса содиқ  
Шаханшоҳдек муҳаббат бирла ошиқ.*

*Фироқ оғуши анга шаҳду шарбат  
Ғами қайғу анга айш ила ишрат.*

*Эрур чун ишқ дунёи муиззам  
Кира олмас анга ҳар қайси одам.*

*Муҳаббат шарбатин ичган унутмас  
Анга ҳар ким насихат қилса тутмас.*

*Муҳаббат баҳри ошиқлар еридур  
Анга кирган дахи эрнинг эридур.*

**15. ҚУТБИЙ ХОРАЗМИЙ** - Бу киши қадим-ги ўзбек шоирларидан бўлуб, Қутб Хоразмий деб юри-тилмишдур. XIV нчи асри мелодийда Хоразмда Олтин Ўрдага тобе бўлуб, шоир Хоразмда туғулса ҳам Сарой шаҳарида нашъу намо этмишдур.

Муҳаммад Ўзбекхон ва унинг ўғиллари Танибек ва кичик ўғли Жонибек ва падаркуш Бердибеклар вақтида Қутб Хоразмий сарой доирасинда эди.

Ўз акаси Танибекни ўлдириб ўрнига хон бўлмиш отаси Жонибекни ўлдириб ўрнига ўлтирмиш Бердибек вақтида Қутб Хоразмий воқеаларга шоҳид эди.

Муҳаммад Ўзбекхон 1342 нчи йилда вафот этмиш эди. Ўрнига хон бўлмиш Танибекнинг хон бўлиши ила ва унинг хотунининг номига атаб туркийча достони-нинг ёзабошлаган эди.

Бу нозим бу қийматли асари билан ўзбек элининг узоқ ўтмишдаги дабиётидан, тилидан хабар бераётир-ки, бу муҳимдир. Нозимнинг вафоти очиқ маълум эмас-дур. Фазал ва рубойлари замонамизгача келиб етма-мишдур. Бунда кўраётганимиз Низоми Ганжавийнинг “Панж ганж” номли маълум “Хамса”сидан “Хисрав ва Ширин” достонининг (Қутб) ўзбек тилига таржима этмишдур. Бу асарнинг асли қўлёзмаси французларнинг Париж шаҳаридаги Миллий кутубхонасида сақланмоқ-дадур. Нозим кириш сўзида тубандагича дейди:

*Неча йил бўлди кўнгулм ўксур эрди  
Кўнгулда ушбу андижа бор эрди.*

*Қозондек қайнаб ўқ савдо пишурдим  
Низомий болидин халво пишурдим.*

*Чиқардим хуш безаклик сув бў қўлдин  
Кўнгуллар қонсутиб бу соф сувдин.*

*Тузур тил булбули бу назм ила соз  
Бу парда ичра келтурдим хуш овоз.*

*Ўш ондин бу ошиқларнинг сўзини  
Тузур мунтек безадим сўз юзини.*

\* \* \*

Мавлоно Кутб Хоразмий достонининг муқаддима-сида ишқ тўғрисида тубандагича сўзлаб ўз ҳиссини из-ҳор қиладур.

*Аюр ишқ бирла тириш ушбу олам  
Агар ишқ бўлмаса бўлмасди одам*

*Жоним ишқдин фараҳ топтиса боддим  
Кўнгул бердим ерига ишқ олдим.*

*Бу ишқим бирла бошлаб достонни  
Сал\* айтиб ишқға ундадим жаҳонни.*

Хисравнинг саволига Фарҳоднинг жавоби тўғриси-даги диалогнинг Кутб томонидан этилган таржумаси:

\* Сал отмоқ - эски ўзбек тилларида баланд овоз билан чақ-риб эълон қилиш маъносидадир. Сал - сўзи сўнгра жарга алмашиниб жар солиш бўлиб бажаручи жарчи бўлмиш.

*Бурун сўрди сен эрликсен тейусен  
Айиттиким, ошиқлар шаҳридин мен.*

*Айитти, анда не санъат қилурсен  
Айитти, жон сотиб қайғу олурмен.*

*Айитти, жонни сотмоқлиқ хато ул  
Айитти, ишқ йўлида раво ул.*

*Айитти, кир тими ошиқ эрурсан  
Айитти, бор кўзунг охир кўрурсен.*

*Айитти, не қадар севдинг сен они  
Айитти, сўзга сиғмас ҳеч баёни.*

*Айитти, кўрдингму сен кундек жамолин  
Айиттиким, бали кўрдум хаёлин.*

*Айитти, меҳридин бўлғаймусен пок  
Айиттиким, магар бўлсам ўлуб хок.*

*Айитти, гар йўлуқсанг кўрса сени  
Айитти, кўзга сургум туфроғини*

*Айитти, гар кўзингни ҳаста қилса  
Айитти, роҳати ман гар кўзга олса*

*Жавобин эшитув Хусрав бўлди ожиз  
Айитти, осифи йўқ не сўзласа биз.*

(“Шарқ Юлдузи” журналининг 1956 нчи йилги I нчи сонидан кандидатан наук Ҳомидов Ҳ. нинг мақо-ласидан фойдаландим).

**16. ШАЙБОНИЙ** - Бу киши ўзбек элининг атоқли шайх арбоби бўлди, Муҳаммад Ўзбекхондан

(1340 йилда вафот этган) кейин етишган. Ўрта Осиёга келиб Темурийлардан давлатни ўзбеклар қўлига олган тарихий кишидур. Саркарда ва шоирдур. XV нчи мелодий машхур кишиси бўлган бу киши 1454 нчи йилда Туркистонда туғилди. Номи Муҳаммад Шайбоний бўлуб шоҳ Будоғ султоннинг ўғли бўлуб машхур Дашти Қипчоқ хукмдори Абул Хайрхоннинг набирасидур. Бобосининг тарбиясинда ўсди. Бобоси вафот этгандан кейин хонлик талашишлар, тўполонлар вақтида Муҳаммад Шайбоний ундан қочиб Бухорога келди. Бу вақтда Бухорода темурийлардан Султон Аҳмадга тобеъ бўлуб, бунда унинг қўйган ҳокими Абу Али тархан турар эди. Ул Муҳаммад Шайбонийнинг яхши қарши олди. Шайбоний Бухорода туруб или таҳсил этишга киришди. Илмий кишилар ва адабий аҳбоблар, шоирлар ила мусохабада бўлди. Бир неча йилдан сўнгра хонлиқ ҳавасида яна Дашти Қипчоққа кетди. Туркистонда бирор йил туруб бирор иш бажараолмай яна Бухорога қайтишга мажбур бўлди. Энди илмий ишда бўлмай Султон Аҳмаднинг саркардлари қаторида аскарый хизмтда бўлади. Кўп ўтмай Тошканд ҳокими Султон Маҳмудга Юнусхўжа хужум этадур. Султон Аҳмад Муҳаммад Шайбонийнинг Султон Маҳмудга ёрдам этиш учун юборади. Сараскар Шайбоний бутун кучи ила Юнусхўжага томон ўтиб кетадур. Юнусхўжа голиб бўлуб чиқаду. Баробарига Юнусхўжа Шайбонийга ёрдам этиб эди. Муҳаммад Шайбоний голиб келиб Туркистон тахтига эга бўладур. 1490 нчи йилдан бошлаб Темурийлар билан давлат талашиб Муҳаммад Заҳириддин Бобурнинг қўлидан Самарқандни оладур. Бухоро, Тошканд, Фарғона бирин-кетин Темурийлардан Шайбон ўзбеклари қўлига ўтадур. Хуросонни Хусайн Бойқоро боболарининг қўлидан ҳижрий ила 913 нчи йилда Ҳирот шаҳарини оладур. Ниҳоят Хуросон урушида Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бўлган жангда 1511 мелодийда 61 ёшинда ўлдирилади (ҳижрий 916).

Шайбоний ҳарбий кишилиги ила баробар илм, санъат ҳунар бобларини дўсти эди. Унинг саройида олим-

лар, фозиллар, шоирлар тўпланур эдилар. Бухорода бўлганда ёзган асарлари бўлмиш. Табъи назми дурустгинадур. Шеърда тахаллуси Шайбоний бўлуб туркий ва ҳатто форсий ашғорлари ҳам бор эмиш. “Меҳмонномаи Бухоро” номли ва “Музаккирул аҳбоб” номли асарида бор экани хабар этиладур. “Музаккирул аҳбоб” шоир Нисорийники эди. Магар Шайбонийнинг шул исмда асари бўлмишдур. Кўп шеърлари замонамизгача келиб етмамишдур. Тубандаги абётлар Шайбонийнинг нашида таъбидандур.

*Курдинг бари султонлар бу ийди қиёматни  
Мен нечаки тортармен, эй шайх, риёзатни*

*Эй ҳожийи мазлоно тингла, бу на ғавғодур  
Бу равзаи давлатдур, чол ийди саодатни.*

*Бу ийди саодатда келди бари султонлар  
Жоми майи ишрат тут, ур табли башоратни.*

*Кўрдинг бизи ийд ойи бетобмизу лоғар  
Зоҳид била суфийга қилди бу ишоратни.*

*Айбу майу маъни на сўфий санга одатдур .  
Май ичгалу инсон бўл, қўй сўфий бу одатни.*

*Тасбеҳ ридосинда, эй шайхи маломатпўш  
Тут доми майи софий қўйгил бу аломатни*

*Қад қоматинг эй мукрий Шайбонийга ҳеч боқмас  
Эй соқийи гулчехра кўрсат қаду қоматни.*

*Ҳақ берди сарофрозий Шайбонийга кам тун кун  
Бош узра қўюбдур ул бу тожи ибодатни.*

Ҳирот шаҳри ҳижрий ила 913 нчи (1507-08 мелодиф.) йишда ўзбеклар томонидан олинди. Шайбоний шаҳардан ташқаридаги боғда турар эди. Шаҳарга кирмади.

Бадийиуззамон мирзо таслим бўлмай Қандаҳорга қочган эди. Музаффар мирзо Астрабодга қочди. Муҳаммад Шайбоний ғолиблик дабдабаси ила саркардалар ҳама музаффарият байрами этар эдилар. Ҳирот аёнлари шаҳардан чиқиб бориб табрик маросими ижро этдилар, итоат этдилар. Бунда биздан сизга бошқа нималар керак? деб Шайбонийнинг дуо этдилар. Сархуш ҳолда Ҳирот шаҳари вакилларига хитобан бу байтнинг демишдур:

*Эй мардумони шаҳри Ҳирот барчангиз керак  
Ҳозир бизга қази, қўзи бир қиз ила қимиз керак*

деб мутоала этмишдур; Шайбоний туюғ сўйлашни суяр эди. Афғонга қарашли Амунинг чап соҳилида яшовчи ҳазора номли бир қавмга ғазаб ила бу туюқнинг демишдур:

*Тангри инояти била қавми ҳазорани  
Андоғ этайки, тажриба бўлсун хазораға.*

\* \* \*

Сугд Самарқанд вилоятининг эранинг I нчи асрлариндаги қадимли яшавчиларига берилган исм бўлуб, тожик халқининг қадимий боболаридур. Вилоятга қўлланадур. Бу туюғ улар учундур.

*Сугд ичинда ўлтурурлар ёбулар  
Ёбуларнинг минган оти ёбулар  
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади  
Ё булар бўлсин бу ерда ё булар.*

---

**17. СОЛЕҲ** - Бу кишининг номи Муҳаммад Солеҳ бўлуб Нур Саидбек номли бир олиш кишининг

ўғлидур. Мелодий ила 1455 нчи йилда Хоразмда туғилмиш эсада, Чоржўйга яқин жойда отаси истиқомат этиб турар эди. Темурийлардан Абу Саид мирзо ва Улуғбек ҳам Жўгий мирзоларга хизмат этган ва шоир бўлган эди. Хусайн Бойқоронинг Машҳад шаҳаридаги ҳокими бўлуб турганда садоқатсизликда айбланиб Хуросон вилоят валиси томонидан ўлдирилган эди.

Бу вақтда Муҳаммад Солеҳ ўн яшар бола эди. Дили Темурийларга қарши адоват ила вояга етиб бориб жуда қийинчиликларга дуч келадур. Фақирлик, сарсонликда ҳаёт кечирганидан яна шу Темурийларга хизмат этишга иқтисодиёти мажбур этадур.

Ҳирот султонларининг хизматидан чиқиб кетадур. Бунда назми шеърий таланти Темурийларга қарши илҳомлар келтура бошлади. Бироқ ўзбекларнинг икки дарё орасига бошлаб ҳужуми, Самарқанднинг Темурийлардан ажраладурган кунлар етиб эди. Ўзбек халқининг хони бўлмиш Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандга келиб киргач, Муҳаммад Солеҳ ўзини унинг хизматига тақдим этди. Шунга бағишлаб тарихий поэма айтиб “Шайбонийнома”ни ёзишга киришди. Бунинг учун ул аскарый юрушларда мудавам бўлди. Ўзбек тарихига ва этнографиясига, тилига доир бу қийматли асар вужудга келтириб адабиёт тарихига қийматли бир ҳуққа қўшиб кетдики, Муҳаммад Солеҳнинг хизмати буюкдур.

Муҳаммад Солеҳ Бухорода 1507 нчи мелодийда вафоти тахмин этиладур. Отаси Нур Саидбекнинг қабри Марвдадир. “Шайбонийнома” ҳозирги Ленинград шаҳарида И. Барачинчкийнинг тифуграфиясида босдирилмишдур. Нозим Муҳаммад Солеҳ китобининг бошида биринчи бандида ҳамду сано ила 75 (етмиш беш) байтнинг адо этади.

*Ҳамд ангаким, тилим этди гўё  
Ҳамд ангаким, кўзим этди бийно.*

Наът айта бошлайди бунда 51 (элик бир) байт билан тугатадур. 4 (тўрт)нчи бандга бориб сўз тўғрисида фалсафий бир назм билан сўзни таъриф этадур. Жумладан:



Сабаби иззати одам сўздур  
Ҳосили боқийн олам сўздур.

Сўз била олам эшиги очилур  
Сўз била бунча жавоҳир сочилур.

Ниҳоят ул 18 нчи бандга ўтуб “Китоб назмининг сабаби” деган сарлавҳа остида тубандагича ўз бошидан ўтмишларни ва мақсадни баён этадур:

Ишқ саҳросида мажнун бўлган  
Дард бирла ичи таши тўлган  
Шавқ бозорида савдо қилган  
Ушбу савдони таманно қилган  
Ҳажрнинг ўтида жони куйган  
Сўзу ғам бирла ниҳони куйган  
Лақаби Солеҳу ўзи толеҳ  
Нур Саид ўғли Муҳаммад Солеҳ  
Мени гардун ситами этди йатим  
Айлади кишвари ғам ичра муқим.  
Хорлиқлар била ўстим бисёр  
Зорлиғлар била кўрдим озор.  
Ҳар фалокат, ки бўлур дунёда  
Ҳеч қайсидин эмас мен озода  
Гоҳ Хуросонда этдим манзил  
Гоҳ Самарқандга бўлдим мойил.  
Куюн ойини билан саргардон  
Ҳар нечук бўлса юрдим ҳарён  
Хизмат этдим бари мирзоларга  
Бандалик андағи доноларга  
Кўрмадим хайрни мирзолардин  
Тиладим раъйни донолардин  
Дедилар барча манга донолар  
Ким адам ўлғусидур мирзолар.  
Давлати оли Темур кетгусидур  
Навбат ўзга кишига етгусидур.  
Аввали бордур Шайбонийхон  
Хон Шайбонийю Маҳдийи бу замон

*Ҳоли онинг ери Туркистондур  
Ўзбек элига муваззам хондур.  
Хон Абулхайрга фарзанд эрур  
Жоҳининг шоҳига пайванд эрур.  
Южихон ўғлидур Чингиз туруни  
Барча хонлардин аъло туруни  
Ул олур ушбу вилоятларни  
Кўрсатур элга иноятларни.*

**18. УБАЙДИЙ** - Бу киши ўзбеклардан бўлиб Муҳаммад Шайбонийхоннинг акаси бўлмиш Муҳаммад Султоннинг ўғлидур. Шайбонийхон бутун жангларда бу жиянининг бирга олиб юрар эди. Номи Убайдуллахондур. Муҳаммад Шайбоний вафот этгандан кейин дарҳол парокандалик ҳолига тушган аскарни тўплаб, бошқариб турди. Абдулхайрхоннинг бутун болалари ўзбек уруғларининг саркардалари, қабила бошлиқлари бирга тўплануб хон сайладилар. Бунда асли Чингизнинг ясағи (қонуни) бўйича шул сулоладан энг кексаси бўлмиш Кўчкинчи бекни хон этиб кўтардилар. Убайдулланинг ноиб этиб қўйдилар. Кўчкинчхон бин Абулхайрхон кекса киши эди. Бутун мамлакат Убайдулла қўлида эди. (1510 нчи йилда эди). 1530 нчи йилда Кўчкинчи вафот этгач, буюк хонлиқ расмий равишда Убайдуллахон қўлида бўлди. Бу киши кучли сиёсий тadbирлилиги ила баробар тасаввуфга берилган сўфий эди. Табъи назми ҳам бўлуб, тахаллуси Қул Убайдий эди. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг тариқатида бўлур эди. Мадрасалар бино этдурди. 1539 йилда Бухорода вафот топди (ҳижрий ила 946 нчи йилда).

Навойига эргашиб ёзган шеърлари ҳам бордур. Тубандаги ғазал ва қитъалар Убайдийнинг нашидаи табъидандур.

*Сарсар айтинг, дўстлар, дардимни (дилдор) олдиди  
Айтиб айтиб йиғлангиз зинҳор зинҳор олдиди  
Хаста кўнглум дардни айтур маҳалда, эй сабо  
Воқиф ўлким бўлмағай зинҳор ағёр олдиди.  
Не манга ғамхорким, анга ҳолимни дегай  
Не ғамим бир сўзини айтур киши ёр олдиди.  
Эй Убайдий, билган эрмиш дардли ҳолингни ёр  
Ҳожат эрмас қилғасен дардингни изҳор олдиди.*

\*\*\*

*Чун бўлдум ошноси фоний жаҳон ичинда  
Эй дўст мосиводин бегона бўлғудекмен*

*Девона қилди оқил ишқ ичра қил Убайдий  
Девона бўлдум эмди фарзона бўлғудекмен*

*Ҳар лаҳза ватан ичра сафар қилғумдур  
Юрмакда қадам узро назар қилғумдур.*

*Хилват тутмоқ ҳам анжуман ичра мудом  
Хилватгаҳи ғурбатга гузар қилғумдур.*

**19. БОБУР** - Бу киши Темурийлардан бўлуб XV аср мелодийнинг намояндаларидандур. Адиб ва сиёсий арбоблардандур. Абу Саид мирзога набира бўлуб, Умар шайх мирзонинг ўғлидур (Абу Саид бин мирзо Муҳаммад Мироншоҳ бин Амир Темурдур). Онаси Қутлуғ Нигорхоним бўлуб Мўғулистон ҳукмдори Юнусхоннинг қизидур. Бу хотун ҳижрий ила 911 нчи йилда Қобил шаҳарида вафот этди: (1505-06 мелодий йили).

Бу кишининг номи Муҳаммад Заҳириддин Бобурдур. Шоир, адиб, фозил подшоҳ бўлмишдур. Яна хусусияти шундадирки, Фарғонали бўлуб Андижон шаҳарида 888 (1483) нчи ҳижрийда туғилмишдур. 11-ёшинда, яъни

899 (1494)нчи ҳижрийда Фарғона водийсининг амири бўлмиш. 11 (ун бир) йил миқдори Фарғонада ва Самарқандда нотинчлик ҳолда ички ва ташқаридаги ўзбеклар ҳужуми остида подшоҳлик этиб ниҳоят ўзбекларга мулкни беришга мажбур бўлмишдур. Озгина аскар ила Афғонистонга қараб сафар этиб, бахт ёрий бериши натижасинда Афғонистоннинг забт этмиш, ҳукмдорлиқ мансаби муяссар бўлмиш ҳижрий ила 932 (1525-26)нчи йилда Ҳиндистонга ҳужум этмиш. Иброҳим Лўдийнинг қўлидан Деҳли шаҳарин вилояти ила олиб пойтахтнинг Қобилдан Деҳлига кўчирмишдур.

Темурийлар давлатининг Ҳиндистонда ташкил этишдур. Ҳиндистоннинг майда хонлиқлардан бутун бир мамлакатга айлантirmiш. Бу давлат ҳижрий ила 1264 (1847-48 мелодий)нчи йилгача, яъни 332 йил давом этишдур. Олий саройлар, бинолар, мадрасалар, йўллар қуриш, обод ҳолга айлантириш ниҳоят 38 йил шохлик этиб ҳижрий ила 936 (1530 мелодий)нчи йилда Деҳлида 49 ёшинда вафот этишдур.

Бошда Жумна номли жойда Нурафшон номли боғчанинг ичинда махсус бинога дафн этилган бўлсада, авлодидан Шох Жаҳон бобосининг сўнгаларининг Қобил шаҳарига келтириб шаҳардан ташқарида мувофиқ бир тўйа бино этдириб шунда кўймишдур.

Бу олим, фозил адибнинг ғоят қийматдор икки китоби бизга қолмишдур. Ўз ҳаётида ўзи қўли ила ёзмиш “Бобурнома” номли асарининг тарихий аҳамияти ила тили қийматли материалдур. Ашъори обдорлари, рубоийлари, ғазаллари нодирдур. “Бобурнома” набираси Акбаршоҳ томонидан чиғатой тилидан тожик тилига таржима этдирилмиш ва ундаги инглиз тилига ҳам таржима этилмишдур.

Бу Бобурнинг нашидан табъидандур:  
*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим*  
*Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим*

*Жонимдин ўзга жонни дилафкор топмадим*  
*Кўнглим киби кўнгулни гирифтор топмадим.*

*Ночор фирқати била хў, этмишам нетай*  
*Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.*

*Бори борай эшикига бу навбат, эй кўнгул*  
*Нечаки, эшикига бориб бор топмадим.*

*Бобур ўзингни ўргатакўр ёрсизки, мен*  
*Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.*

\*\*\*

Рубойлардан:

*Бу олам аро ажаб оламлар кўрдим*  
*Олам элидин турфа ситамлар кўрдим*

*Ҳар ким бу Воқеъни ўқур, билгайким*  
*Не ранжу не меҳнат ва не ғамлар кўрдим.*

*Не яхши мени хушлару не бегона*  
*Не ғайр ризо мендану не жонона*

*Ҳар нечаки, яхшилиқга қилсам афсун*  
*Халқ ичра ёмонлиқ била мен афсона.*

*Овораларинг асру хонумондин яхши*  
*Бу гўша менга икки жаҳондин яхши*

*Овора бўлурни яхши эрмас демагил*  
*Бўлсам агар овора не андин яхши.*

*Кўнгли тилаган муродга етса киши  
Ё барча муродларни тарк этса киши*

*Бу икки муяссар бўлмаса оламда  
Бошини олиб бир сариға кетса киши.*

*Ишқинг нетай ихтиёрсиз қилди мени  
Сабримни олиб қарорсиз қилди мени*

*Олам эли ичра орсиз қилди мени  
Зухд аҳлиға эътиборсиз қилди мени*

*Эй, гул не учун қошингда мен хор ўлдим  
Юз меҳнату андуҳ ила ёр ўлдум*

*Васлинг била бисёр севиндим аввал  
Ҳажринг била оқибат гирифтор ўлдум.*

\*\*\*

*Мен неча жафои жавринга сабр этай  
Ҳар кунда жафо бору меҳр йўқ сенда нетай*

*Чунки бошим оёғинга қўярга ярамас  
Бошимни олиб оёқ етгунча кетай.*

**20. ХУСАЙНИЙ** - Бу киши Темурийлардан бўлуб, номи Мирза Хусайн бин Мирза Мансур бин Бойқора мирзо бўлганидан ўтмиш бобосига ила Бойқора деб замонамизгача айтганда фамилия иттижоз этмиш ва Хусайн Бойқора деб маъруфдир. Темурнинг Муъизиддин Умаршайх авлодидан етишмишдур. Ҳижрий ила 875 нчи (1469-70) йилда Ҳиротни олиб Хуросон подшоҳи бўлмишдур. Олим, адиб, шоир бўлганидан Умаршайх авлодининг обрўи бўлиб танилмишдур. Мавло-

но Алишер Навоий шул замоннинг адиби, буюк шоир ва умароларидан эди. Ҳирот шаҳари уламо, фузало, шоир ва санъаткорларнинг тўпланмиш ери эди. Мулла Абдурахмон Жомий, Осафийлар шунда бўлмишлардур. Навоий ўз “Хамса”сини ва бошқа асарларини шул даврда ёзиб бўлмишдур. Султон Ҳусайн ўзи зўр шоири нуқтасанж бўлуб, ашъори обдорлари мақбули оمدур 36 (ўттиз олти) йил ҳукмронлиқ этиб, ҳижрий ила 911 нчи (1505-06 мелодий) йил 70 ёшинда Ҳиротда вафот этмишдур. Шоҳлар қабристонни бўлмиш Қуббайи Олийда мадфундур. Тахаллуси Ҳусайний бўлуб, “Мажлис ул ушшоқ” номли асари қолмишдур.

Бу ғазал нашидан таъбидандур.

*Оҳим бағрим фироқу дард ўқидин қорадур,  
Ваҳки, кўнглум тиғи ҳижрон заҳмидин юз ёрадур  
Хаста кўнглум сўрмоқ учун бир нафас ет, эй табиб  
Ким бугун ҳар лаҳза беморим ўзидан борадур.  
Сабр уйини, насехо, пандинг не обод айлагай  
Телбаеким, ақли дониш мулкидан озорадур.  
Ҳар кеча бир ой ғамидин ваҳки, золим чархдин  
Иши аҳволимға юз минг кўз ила наззорадур.  
Эй Ҳусайний куймагимни ишқ аро айб этмагай  
Кимки, билгай хаста кўнглум кони оташпорадур.  
Неча ҳижрон соқаридин дамбадам ўздин борай  
Васл жомин гар тутар бўлсанг лаболаб сипқорай  
Ишқдин жонимға етдим, соқиё, тут соғаре  
То замини ақл нангидин ўзимни қутқарай.  
Чарх агар ушшоқ дарди нақлидин қилса тамаъ  
Мен ҳам ул ой ҳажрида оҳим хадангни ўтқарай.  
Ваъдаи қатлим агар қилсангки, қилғайсен шаҳид  
Бошима келса ажал жоним борича ялбарай.  
Сарви гулруҳимни ҳардам кўрмасам, эй боғбон  
Даҳр гулзорини дерменким, сабодек ахтарай.  
Ғофил ўлгач, ул пари куйида борур бош олиб  
Ақл уйига телба кўнглумни неча ким бошқорай  
Эй Ҳусайний чарх зулми буйла бўлса мен дахи  
Ашк тўфони била гардун биносин қутқарай.*

\*\*\*

*Узр учун ширин ҳадисингни шакаррез айлама  
Бу фусун ила ўтумни дамбадам тез айлама*

\*\*\*

*Тўқуб қоним траҳҳум қилмадинг ҳеч  
Кўруб ҳолим табассум қилмадинг ҳеч  
• Табассум қилмайин жонимни олдинг  
Олиб жоним тараҳҳум қилмадинг ҳеч  
Жаҳон аҳли кууб ҳолимдин, эй ёр  
Бу оҳимдин таваҳҳум қилмадинг ҳеч  
Фироқида, кўнгил, кўп чекдинг афғон  
Висолида тараннум қилмадинг ҳеч.  
Ҳусайний, ҳажрида афғондин ўзга  
Кўруб меҳнат танаъум қилмадинг ҳеч.*

\*\*\*

*Эй Ҳусайний, эл саломат куйидин бўлгай жало  
Гар Навоий янглиғ оҳанги Ҳижозимни десам.*

**21. АЗИЗИЙ** - Бу киши Бухороли бўлуб Шайбонийлардандур. Номи Абдулазизхон бўлуб Убайдулланинг ўғлидур. Бухорода 1515 нчи йил мелодийда (ҳижрий ила 921 нчи йилда) туғилмишдур. Отаси каби Хожа Аҳмад Яссавийга эргашувчи шоир бўлмай, Навоийга эргашувчи шоир эмишдур. 1539 нчи йилда отасининг вафотидан кейин хон бўлуб турди. 1551 йилда вафот этди.

Шеърдан намуна: \*

\* Дафтарда шеър учун жой очик қолдирилган. Бу ерда Азизий шеърдан намуна "Ўзбек адабиёти" китобидан олинди (Т. 1959 й. 3 том, 169-б.) А.К.



Хуш эрди манга бўлса эди ёр мусоҳиб  
 Ё бўлмаса эрди анга ағёр мусоҳиб  
 Хушдур кишига бўлса агар ёр мусоҳиб  
 Гар бўлмаса онинг била ағёр мусоҳиб.  
 Булбул бошига келмас эди мунча балолар  
 Гар бўлмаса эрди гул ила хор мусоҳиб.  
 Ёраб, не балодур, буки, ҳижрон аламидан  
 Бормен ғаму андуҳ ила эй ёр мусоҳиб  
 Куйинг итидек ёри вафодор топилмас  
 Кўрдум мени дилсўхта бисёр мусоҳиб.  
 Бу телба кўнгул бирла, Азизий, не қилурсен  
 Гар бўлмаса ул шўхи дилозор мусоҳиб.

**22. ТУРДИ** - Бу киши XVII аср мелодийда ўтмиш ўзбек тараққийпарвар, халқпарвар оқимнинг намоёндаларидан машҳури бўлуб адабий таҳаллуси бир-икки дона ёзган тожик тилидаги шеърида “Фароғий” деб, ўзбекча шеърида оз ишлатмишдур. Тўқсон икки уруф ўзбекнинг “Юз” номлисидан бўлуб, шул қабиланинг бошлиқларидан экани кўринадур. Ўз уруғдошлари орасинда эътибори зиёда эди. Асарлари замонамизгача тўла сақланиб етиб келолмади. Ҳаммаси бўлуб адабиёт саҳнасидаги бутун асари 400 (тўрт юз) мисрадан озгина ортиқдур. Бундан ўн бештаси ўзбекча ғазал, мухаммаслар бўлуб, иккитаси тожикча тилдадур.

Бухороли бўлуб бошда амирдар хизматида тургани кўринадур. Турди Субҳонқулихоннинг хизматида турган вақтида хоннинг зулмига тоқат қилолмаган халқ оммаси вилоятларда кўзғолон кўтарганлар эди. 1689-1690 нчи йилларда кўзғолонларга Турди раҳбарлик этди. Субҳонқулихоннинг тахдан тушириш учун кураш олиб борди. Ўзоқ бу урушларда юрди. Охири Юз уруғи ўзбекларидан бўлган Ўра тефа ва Хўжанд ҳокими бўлмиш Раҳим бий номли Юздан ёрдам сўради. Лекин бошда мойил бўлса ҳам очиқ ёрдам этишга журъат этмади.

Ниҳоят Самарқанднинг яқин шарқида бўлган жангда кўзғолончилар енгилдилар. Турди эса бир неча кишиси ила қочиб Хўжандга келди. Раҳим бийнинг ўғли Оқ бўта бий Юз бунда ҳоким эди. Ул ниҳоят бу қочоқликда Хўжанд атроф ўзбеклари орасинда 1701 нчи йилда вафот этди.

Шоирнинг нашидаи табъидан бир неча ғазал, мухаммаслари кўрсатиладур.

*Бир сари арз айла жойи номусулмондур бу юрт  
Фитнаи авбош, зулму куфру тўғёндур бу мулк.  
Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор  
Мутлоқо кирдкори хўйи кофиристондур бу мулк  
Даври аҳду танг чашму бесару яъжужсваз  
Муҳталиф мазҳаб гуруҳи Ўзбекистондур бу мулк.  
Нақти жон берсанг топилмас истасанг бир зарра айш  
Меҳнату андуҳни сўрсанг фаровондур бу мулк  
Жойи исломдур мусулмонлиғ Фароғий истама  
Пойтахти кишвари Субхониқулихондур бу мулк.*

\*\*\*

*Куяр тил шаммаи гар ҳолатимдан айласам тақрир  
Гирибон чок ўлур этса қалам дарди дилим таҳрир  
Шаби ҳижроними поёни бўлмас тойири гардун  
Маҳу хуришид ўлуб икки қаноти айласа шабеир  
Тўлуни субҳдин навмид минг тунлар яқо йиртиб  
Саводи шоми ғамдин сори бахтим хомаи тақдир.*

\*\*\*

*Танабумнинг надоматсиз, тамошанинг талаҳсуфсиз  
Жаҳон истаб юрурда кўрмадим бир тан таассуфсиз  
Ҳақиқатбингадур ҳар жузви гул ҳар зарра бир хуришид  
Гуҳарни билма ҳолий қатрадин ҳар чоҳни юсуфсиз  
Тафаккур виртасида маҳв ўлуб кирдим жаҳон сори  
Ҳарифе топмадим оламда йўқлиқдин такаллуфсиз.*

*Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу қуҳна равоқ  
Ёғдирур бошимиза санғи жафо, гарди фироқ  
Йўқолиб расми вафо бўлди ҳама бошу оёқ  
Мулкдин адлу карам кетди келиб кийну нифоқ  
Яхшилиқ қилма тамаъ зулм ила тўлди офоқ.*

*Фитнаи шўр ҳама руоъила маскун тутди  
Хўблар маснадини сифла билан дун тутди.  
Таҳбатаҳ кўнглуми бу фикр била хун тутти  
Жойи шоҳбозлари қарғау қузғун тутти  
Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим япалоқ.*

*Шоҳ ҳамбазм ўлуб ҳоҷасаролар била ёр  
Хўкми бир акс суруб бўлди ёмонлар сардор  
Хор ўлуб олиму ринду фузало бирла кибор  
Кўринғиз юртни иши топти на ерларга қарор  
Хон жилавини ики ум валадга бериб бўлди иноқ.*

*Ихтиёрин барининг қавлиға байдат олғай  
Ҳар бири айш ила қонун танаъум чолғай  
Мулкни нийку бади маслаҳатининг қилғай  
Одами зодалари қадрини қайдан билғай  
Бари нокас бариси ходими идрис тўқмоқ.*

*Фуқаро бошиға етди бу ақлсиз шумлар  
Ҳамдами шоҳ бўлуб аҳли таҳаккум бумлар  
Қани бир эр чиқиб айласа маъдум хумлар  
Юртни бошини чайнаб еди бу бедумлар  
Солса бу аҳмақ гўҳхўрлари бўйнига тузоқ*

*Шохлиқ улдур они ҳўкму сўзи бир керак  
Адл бобини қуруб рост нишон тийр керак  
Рострав, дини дуруст пешаси тадбир керак  
Не муҳаннас сифату суврати тағйир керак  
Суврати марду хотундек ясатиб қошу қабоқ.*

*На адолат бор ул шоҳда ўлғай лўли зой  
Ҳамдами бойлоқу кенгаш бегиси ҳоҷасарой  
Мардлиғ йўқтур ангаким қарасанг сар топой  
Шоҳнинг хизматин этиб тузадур сиккизи ой  
Тошканд мулкида олғор ётар очу қашоқ*

*Қани бир хисрави одилки, анга дод этсам  
Сўрса аҳволни ғам хирманининг бод этсам  
Доми меҳнаткададин кўнглими озод этсам  
Бу бузулган дили вайронами обод этсам  
Айласам бўси адаб шоҳа куюб қайди оёқ*

*Эй юзи қора, кўзи кўр, қулоғи қар беглар  
Билингиз бу сўзими панди саросар, беглар  
Айлангиз пайрави шарғи паямбар, беглар  
Сизга даркор бу юрт, эй гала занглар, беглар  
Бу қадим нақл эрур: эл работу тўра қўноқ.*

*Ёдингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини  
Ғасб ила молин олиб қўймадингизлар битини  
Қамчилар доғи солиб бўйнига, тилиб бетини  
Ёрдингиз захрасини ичидин олиб ўтини  
Бўлмади бу кам рабийят бошидин ҳеч таёқ*

*Етмадим ҳеч бира бу қофия паймолиғдин  
Дод, юз дод ғариблиғ, ғами танҳолиғдин  
Кўрмадим манфаате беҳуда савдолиғдин  
Йўқ сўққа бошимдин ўзга манга дунёлиғдин  
Кош, ул ғари занлар солса қуруқ сўзга қулоқ.*

Шоир ўз ҳасби ҳоли пур аламинин шикоят ила ўзини тубандагича тақдим этадур, ўзбек элининг Қирқ, Минг ва ўзи мансуб бўлган Юзлар уруғидан гина қилдур, нафрат этдилар дейди.

*Қатрамен ночийз, аммо зоти қулдум Турдиман,  
Келтуран атвожга баҳри талотум Турдиман  
Қирқу, Ю, Минг ақраболар этдилар мендий нуфур  
Не бало, бахти қароу толеги шум Турдиман.  
Растадек минг печтобу чашм сўзонидин ўтар  
Бо вуждуи эътибори чашми мардум Турдиман.*

\*\*\*

Ҳаётининг сўнгида Хўжанд атрофида қочиб юрган  
ҳолатида демиш сўнги ашъоридан:

*Бошима бир куҳи ғам бир отни гоҳи сайнидин  
Бу кўнгул юз пора йўқлуқ заъф ваҳми биймидин  
Қад букуб, бўйнуи эгиб тегди оёғларга бошим  
Аҳли дунё пойбўсу хизмати таъзимидин  
Дил кабомим, қон шаробим ашки ҳасрат нақл базм  
Етти қассоми азални хизмати танъимиддин.*

**23. ОЛЛОЁР** - Бу киши Катта Кўрғон атроф  
ўзбекларидан бўлуб номи Оллоёрдур. Отаси Оллоқул-  
бек бўлуб, қабиласининг аъёнларидан саркардалардан  
эди.

Оллоёрнинг бир акаси киборлардан бўлиб Фарғо-  
дий оталиқ деб машҳурдур. Оллоёрбий Абулфайзхон-  
нинг даврида нашгу намо этмишдур. Бухоро хони то-  
монидан Катта Кўрғонга, сўнгра Самарқандга амир  
бўлуб юборилмиш. Шул мансабда элга маъруф бўлмиш.  
Кейин тасаввуфга берилиб, ҳукумат хизматидан истиф-  
но этиб чиқиб кетмиш. Илмий ишларга, тасаввуфга бе-  
рилмиш. Охирида дарवेशликни ихтиёр эмишдур.

Ниҳоят эл бу кишига сўфийлиқ лақабининг бер-  
мишлар. Ҳаётининг охирида Катта Кўрғондан кетиб  
Ҳисорга яқин Даҳана номли жойга бориб, шунда мас-  
кан этмишдур. Ҳижрий ила бир минг бир юз ўттиз ол-

тинчи йилда (1723-24) шунда вафот этмишдур (1136 нчи ҳижрий санаси).

Ахлоққа доир “Сабот ул ожизийн” номли яна туркий бир китоби бордур. Тожик тилида ёзмиш тасаввуфга доир масъалалардан назм ила ёзмиш “Маслак ул муттақийн” номли бир китоби бордур. Усули қадим мактабининг энг сўнгги синфларида дарсликдур.

Катта Қўрғон шаҳарида Сўфи Оллоёр гузари, қитъаи Сўфи Оллоёр номли жой ва кўча бор эмишдур. “Мурод ул орифийн” китобидан бир ғазал будур:

*Кимдин сучук тил ила шойиста хў чиқар  
Будур эшитмишамки, нигудин ниғу чиқар  
Айтур хирад қулоғина ботурда офтоб  
Ким борса настлик ила тонгла улу чиқар.  
Ҳар кимни бўлса нийати эҳсонда нон киби  
Ким солсалар танур ичига сурх ру чиқар.  
Бир ҳола турмаган киши телпак ниғу кияр  
Бир ерга етмаган сўз оғиздин ниғу чиқар.  
Навмид ўлурму бандаки, раҳмат отасидин  
Ҳардам нидойи ойати ло тақнату чиқар,  
Оллоқулининг ўғлиддин айлар таажжуб эл  
Ким ўзбек ўғли табъидин бу рангу бу чиқар.*

\*\*\*

*Тешди кўксум, эзди бағрим доғи ҳижроним менинг  
Бу аламда бунча ғамда чиқмаган жоним менинг  
Дардда бўлсам, ғамда севсам, телба бўлсам ишқида  
Хизматида мундағ ўлсам йўқтур армоним менинг.  
Дилда сабрим, кўзда шармим, бошқа хушим қолмади  
Кўзда ёшим, роғда қоним, танда дармоним менинг  
Ҳолатим бад, ҳасратим беҳад, фиғоним беадад  
Қил мадад мендек йиқилган қулға султоним менинг.  
Ғуссаи дил, қиссаи мушкулга қолдим ойу йил  
Обу чал ичра хижил қолган тану жоним менинг  
Айтур Оллоёр йиғлаб зор ҳар лайлау ноҳор  
Тийри ишқи ёр тўкса кошки қоним менинг.*

Яна бир ғазал шундандур:

*Дил ғамин, хотир ҳазин, толеъ қаро, пешона шўр  
Қўл қуруғ, матлаб узоғ, душман яқин жонона дур  
Ёр толиб, ишқ ғолиб, ҳасм монеъ, сабр оз  
Даҳр нур кулфат, жафо кўп, лутф кам заҳмат вуфур.  
Зод ақал, сонсиз касал... ҳаво тавли амал,  
Юз тааллуқ, минг алил, ғам бениҳоят ғусса зўр.  
Ич тузун, ҳолат забун ҳоси ҳавас савдо жунун  
Йўл узун, аъдо фузун, етмак гумон кетмак зарур  
Феъл чап, ғафлат ажаб, ғусса - маишат, ғам - тараб  
Пилсучук, сар мунқалиб, зоҳир вараъ ботин фуҷур  
Чашм тар, рухсора зар, хун жигар охи сахар  
Кош бу фан бирла Оллоёр ҳафтад кетса гўр.*

**24. МАШРАБ I** - Бу киши Фарғона водийсидан бўлуб, Наманган шаҳаридандур. Номи Бобораҳим бўлуб, Мулла Вали номли кишининг ўғлидур. Эл орасинда шоҳ Машраб деб маъруфдур. Водий бўйича бу кишининг девони эскидан ўқулуб келинадур. Номаълум бир киши томонидан Машраб I нинг биографияси ила муносиб ўрунга ғазал, мухаммаслар қўйилиб тартиб этилмиш китоби Тошкандда неча марталаб литуграфияда бостирилмишдур.

Бошда Мулла Бозор номли кишини тарбиясинда бўлмиш. Сўнгра саёқлиқ ила Қашқарга бормишдур, Даҳбадийлардан бири бўлмиш шайх мулла Ҳидояттула хўжа лақаби Оффог Ҳожамбек хонақоҳида бўлмиш. Хизматида туруб бир жорияси муошиқаси туфайли ҳайдалмиш. Унда Фарғонага қараб юрмишдур. Кўқон шаҳарида бўлмаган. Лекин Яйфан йўли ила ўтгани Қадамжо номли жойлардан маълум бўладур. Хўжандга келган. Ҳокими Хўжанд Оқ бўта бий юз билан мулоқат сўзлана-

дур. Тошканд, Бухорода бўлгани, қалмоқ қизига учрагани ҳам сўзланур. Ниҳоят Амударёдан ўтуб ундаги ўзбеклар уламолари ила мулоқотда бўлуб, қандайдур бир масъала устида куфр ила иттиҳом этилиб Қундуз шаҳари уламоларининг фатвоси билан Субхонқулихоннинг Балхга қўйилмиш амири Қатагон қабиласининг бошлуғи Маҳмуд бий қатагон томонидан Балх шаҳарида осдирилиб ўлдирилмишдур. Ҳижрий ила 1123 нчи йил мелодий ила 1711 нчи йилга тўғри келадур. Оффок хўжа 1695 йилда вафот этмиш эди. Демак Машраб бундан 16 (ўн олти) йил кейин вафот этгани кўринадур.

Ҳижрий ила 1177 нчи йилда (1763-64) таълиф этилмиш, “Мажмуаи Абдулматлаб” номли тазкирадан олиб “Намунаи адабиёти тожик” да муҳтарам устод Садриддин Айний кўрсатмишлар эди. Мен бундан олдим.

*Ишқ мазҳабида тоату тақво чидайолмас  
Тасбеҳу, сано зуҳду ибодати чидайолмас  
Эй зоҳид агар кўрсанг ўшал шўҳ лиқосин  
Зуҳду варағу кашфу каромат чидайолмас.*

\*\*\*

*Зоҳид манга бир шишада май сенга намозинг  
Минг тақвони бир шишаи майга сотақолдим.*

\*\*\*

*Ёрсиз ва бодасиз Маккага борманг нима бор?  
Иброҳимдан қолган ул эски дўконни не қилай.*

\*\*\*

*Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодан ўргандим  
Шаҳид қонини тўкмақни каломуллодин ўргандим.*

\*\*\*

*Зоҳидо, машрабга дединг масжид ичра қўй қадам  
Фаржидин қилдим ибо, ҳеч урмадим ман унга дам*



Ултуруб меҳроба дерким, хотирингни айла жасм  
Турфа ишдурким, кўринг масжидга кирмишдур ғам  
Ичса кўн зоҳид бўлуб кўнглига бир ҳу келмади.

\*\*\*

Зоҳид сифат шайхларинг масжид сари юргуси  
Кўллариди тасбеҳи риё тоат қургуси  
Тил бирла зикр этиб Аҳмад даврин сургуси  
Анинг учун ёронлар элда ғайрат қолмади.

\*\*\*

Аламлик дардни ғамбода бўлган мубматодан сўр  
Юрак дардини мендек жигар банди адодан сўр.  
Юракда зарри ғам бўлса изҳор этма бедардга  
Менингдек хонавайрон ва эшикларда гадодан сўр.  
Муҳаббат дардини безавқ нодонлар нечук билсун  
Менингдек онадин туғмиш ҳамон бахти қародан сўр.  
Ки айни нўшгифтимда ниҳолимни ҳазон этди  
Ду рўза ўтган умримни бориб боди сабодан сўр.  
Ҳама хавфу ражодин ҳеч киши ҳолий эмас, Машраб  
Ёмону яхшиларни тонгла борганда худодан сўр:

\*\*\*


Гулишани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум  
Бир бути хуш хиром учун ошиқи дарбадар ўзум.  
Куйингга, эй санам, бориб навҳау налалар қилиб  
Шому саҳар фиғон этиб ҳофизи хуш оқар ўзум  
Жоми май лубоб ичиб мажнуни бенаво бўлуб  
Нозу карашмалар қилиб Лайлийи ишвагар ўзум  
Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам  
Болу паримни куйдуруб бедили навҳагар ўзум.  
Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундуз изладим  
Ёр деди: саҳарда топ дағийаи саҳар ўзум.  
Олами нуқтадон манам, пийри Ҳидойсхон манам  
Шухрати шеър бобида Машраби мўғтабар ўзум.

## I ДАФТАРНИНГ МУНДАРИЖАСИ

№	асл нусха саҳифаси	Шоир таҳаллуси	I дафтар саҳифаси	китоб саҳифаси
1	2 с.	Навоний	1 с.	8 с.
2	6 с.	Саййид Аҳмад	6 с.	12 с.
3	10 с.	Сайфи Сароин	12 с.	17 с.
4	11 с.	Амирий	13 с.	18 с.
5	11 с.	Рағбузий	14 с.	18 с.
6	13 с.	Хоразмий	16 с.	20 с.
7	16 с.	Юнақий	19 с.	23 с.
8	17 с.	Аҳмад Яссавий	21 с.	24 с.
9	20 с.	Маҳмуд	24 с.	26 с.
10	21 с.	Дурбек	26 с.	28 с.
11	23 с.	Лутфий	29 с.	30 с.
12	25 с.	Атоий (Отоний)	32 с.	32 с.
13	27 с.	Саккокий	35 с.	34 с.
14	28 с.	Мажлисий	37 с.	36 с.
15	31 с.	Кутбий Хоразмий	42 с.	40 с.
16	33 с.	Шайбоний	45 с.	42 с.
17	37 с.	Солеҳ	49 с.	45 с.
18	39 с.	Убайдий	52 с.	48 с.
19	41 с.	Бобур	54 с.	49 с.
20	44 с.	Ҳусайний	57 с.	52 с.
21	46 с.	Азизий	60 с.	54 с.
22	47 с.	Турди	61 с.	55 с.
23	51 с.	Оллоёр	67 с.	59 с.
24	53 с.	Машраб I	70 с.	61 с.

# **“ТАЗКИРАИ ҚАЙҶОМИЙ”**

## **II ДАФТАР**



**25. УТОЖИЙ** - Бу киши тўғрисида бирор маълумотга эга эмасмиз. Муқимийнинг қалами ила ёзилмиш баёзда Ўтовчи шаклида ёзилмиш бу мухаммас бордир. Услубидан Муқимий давридан олдин XVIII аср бошларида ўтмиш шоирлардан экани эҳтимолимиздир. Мажмуамизда кўрунғач, адабиёт аҳиллари томонидан тўлдирилур деб умид этиб, бу ўзбек поэзияси тўпламидан қолдирмадим. Шоир бадий кучга эга экани нашидан таъбидан кўриниб турубдур. Мавлоно Низомий Хўқандий бир шеърида “Утожам бор” деб ёдлаб ўтадур. Бирор тазкирада бу тахаллусга кўзумиз тушмади. Бу ғазал нашидан таъбидандур:

*Юрагимни тиғи ҳажринг тилиб этди пора-пора,  
Кима айтайин бу дардим на даво қилай на чора.*

*Аламингда чиқди жоним, дам урарга йўқ мажалим  
Раги мағзи устухоним бўлуб эрди пора пора*

*На кўнгулдадур қарорим, на юзумда шарми орим  
Санга бердим ихтиёрим, мени қўйма ихтиёра*

*Номи жисми ранги гоҳи ғаму ҳасратим гувоҳи  
Чиқаверса кўксим оҳи эримасму санги хора*

*Ҳама роҳатим қошимдин оқузулда кўз ёшимдин  
Бу жунун суви бошимдин тошаверди бора-бора.*

*Бу фақир, ҳақир Утожий қул эрур надур иложи  
Санга кўндур иштиёжи, карам эт бу шармсора*

**26. ХУВАЙДО** - Бу киши Фарғона водийсидан, Марғилонга тобё Чимён қасабасидан бўлуб Хувойдой Чимёний деб маъруфдир. Бу киши ҳижрий ила 1194 нчи сана йилинда вафот этмишдир. Мелодий ила 1780 йилга муқобилдир.<sup>1</sup>

XVIII асрнинг ўрталарида нашъу-намо этмишдур. Асли Ўш шаҳриданлур. Номи Хужамназар бўлуб отаси Фойибназар сўфидур. Қашқардаги Даҳбийдий шайхларидан бўлмиш Хидойатулло Хўжам деганнинг муриди-дур. Шеърда таҳаллуси Хувайдо бўлуб, мукаммал бир туркий девонидан бошқа яна “Роҳати дил” номли та-саввуф руҳида хурофотдан мураккаб бир китоби ҳам туркийдур. Вафотдан кейин ўгли Ҳолмуҳаммад қолмиш. Бу эса ҳижрий ила 1271 йилда (1854-55) Ўшда вафот этмишдур. Набираси мавлавий Сирожиддин бўлуб шоирдур. Таҳаллуси Сирожий бўлуб, вафоти 1296 ҳижрий-дадур (1878-79). Бу киши (нинг) ўгли Салоҳиддин бин мавлавий Сирожиддин бўлуб бу киши ҳам шоирдур. Таҳаллуси Соқиб бўлуб ҳижрий ила 1326 нчи йилда (1908 й.) “Куллиёти Хувайдо” китобининг Тошкандда бос-дирмишдур. 4400 дона этиб чиқармиш, 240 бетдан иборат бу китоб машҳур котиб Муҳаммад Шомурод бин Шоҳ Нёьматулло Шоший қалами ила ёзилмишдур. Соқиб ушбу китобни ўзи тасҳиҳ этибдур. Демак 1907 нчи йилда ҳаёт экани кўринадур. Чимёшли Носех номли шоир Хувайдо билан замондош эканидан Хувайдонинг ва-фотиға таърих сўзламишдур. Бунда Хувайдонинг Норб-

1. Яна шу ерда сўз билан “Бир минг юз тўқсон тўрт” деб ёзил-ган. А.Қ.

Ўтахоннинг даврида эди. Бу кишидан кейин Норбўтахон 18 йил турди деб кўрсатади. Бошда Хувайдо Чимёнда мактабдор экани тўғрисида сўзлайди. Бу кишининг қабри Чимёнда кўча бўйича шарқга томон боришда йўлда чап томонда торгина кичик қабритонда лойдан ясалмиш мақбара ичинда соғон эрди. У кишининг Сармозор номи баландлик тепаликда хонаҳоқлари бўлмиш эса ҳам қабристон бёрдур. Ҳурукзор майдон бўлуб иморатлари бузулмишдур. Туб. санаторийнинг гарбида, шул санаторийга тобеъ жойдадур.

Бу газал Хувайдойи Чимёнийнинг нашида таъбидандур:

*Ёрим ёса ҳеч киши боқир қарайолмас  
Кўзи қамашиб ёзини ҳаргиз қарайолмас.*

*Ўтдек туташиб шуълаи ҳусни бу жаҳонга  
Тафтига ани балкит самандор чидайолмас.*

*Юзини кўруб бўлди ҳижия ой била кун  
Ҳусн мулкатида Юсуф анингдек бўлайолмас.*

*Кўрсанг қадини рост эрур машқи алифдек  
Монанди ани сарву санобар бўлайолмас*

*Наргислари оҳуйи Хўтандек чу рамийда  
Қош эмасига ёй мушобих бўлаолмас.*

*Мундоғ санами дилбари маҳвашга Хувайдо  
Кўнглини бериб энди ўтига чидайолмас.*

\*\*\*

*Ҳар ким на билур дилдаги дарду аламинни  
Бу ғамзада бошимдаги савдойи ғамимни*

*Бир тангри билурман билман ҳеч киши билмас  
Тун кечалари ўткуча тортган ситаминни*

*Аҳволи кўнгулни бориб албатта дегайсан  
Эй, боди сабо, олдида эбо санамимни.*

*Ҳажрида куюб қолмади бир зарра мажолом  
Кейин кетадур илгари қўйсам қадамимни*

*Бир ҳаста қулинг кўчада тупроқга аралаш  
Етибдур дегил олдида қоши қаламимни*

*Ҳолимни билиб раҳм қилиб олдима келса,  
Беғам бўлуб ўтқаргай эдим ҳарна дамимни*

*Нишрат ғамидин вақти ичарда бу Хувайдо  
Синдурди фалак ерга уруб жому жамимни.*

\*\*\*

*Хун кетди, ақлим өзди қолмади тобим манинг  
Ер-ёр деб оқти кўздин ашқи хубим манинг*

*Тан сизиб эй дўстлар, ҳам рақдаги қоним кўруб  
Қолмади кўздин чиқарга қатраи обим менинг*

*Қиссаи нур гуссада овора бўлдум оқибат  
Келмади ҳолим сўроб бир ёру аҳбобим манинг*

*Ғам фузун, ҳолим забундур, қиссаи дардим узун  
Раҳм қил, ҳолимга боқ, эй шаҳи ноғбим менинг.*

*Ҳажр ошим, ғам қуёшим, мунисимдур дарди ишқ  
Ҳасрату хуни жигардур бодаи ноғбим манинг*

*Ишқ келди, кетди ақлим қочти мендин жумла эл,  
Йўқ эрур дард айтгудек бир ёри аҳбобим менинг*

*Дилда дардим, оҳи сардим, рўйи зардимни кўруб  
Раҳм қил эй нозанин чашми шакархобим менинг*

*Улғуча бўлди Хувайдо дер манга уйқу ҳаром  
Бўлмагай кўрмай сани ором ила хобим манинг.*

**27. НОСЕҲ** - Бу киши Фарғона шоирларидан бўлуб Чимён қасабасидандур. Хувайдонинг муриди экани унга айтган тарихидан кўринадур. Вафоти очиқ маълум бўлмаса ҳам, Хувайдо билан замондош экани, бундан кейин қолгани Норбўтахон яна 18 йил турди дега-нидан маълум бўлишича ҳижрий ила 1212 (1797-98) ҳаёт экани англатиладур. Демак Олимхон вақтида ҳаёт экани эҳтимолдур. Фазали қўлумузда бўлмаганидан Хувайдо тўғрисидаги тарихнинг ўзидан қисқартиб бу назмнинг кўрсатиб ўтишининг мувофиқ кўрдим.

**Тарихи вафоти Хувайдойи Чимёний**

*Сўраб бир муриди равшан ниҳоди  
Югуруб телба янглиғ суйи водий*

*Қарорим йўқ дема сабр айламакка  
Жаҳоним тавф этарман мисли боди.*

*Фигонким, етмадинг қадрига чандон  
Чиқиб Чимёнимиздан кетди ҳодий.*

*Оти Хўжамназар, аммо тахаллус  
Хувайдодур ба шеъри номуроди*

*Отасин отлари Ғойибназардур  
Эрур ўшдин буларни асли зоди*

*Бўлуб восиф қилай авсифин энди  
Қулоқ сол сомеға қилмай иноди.*

*Қизил гулдек очилиб эл юзига  
Муҳиблар кўнглин айлаб иста ёди.*

*Тутуб суҳбат давом умрин борича  
Ба ёрон тильлим эрди фикру ёди*



*Дабистонида саъй айлаб туну кун  
Езилгон неча толибнинг саводи*

*Шоҳи Норбўтахон асрида ул мард  
Масокинларга кўп эрди жаводи*

*Алардин сўнгра ўн саккиз йил умр  
Жаҳонга тўлди ул шоҳ адл доди.*

*Хирад устоди тарихи вафотин  
Битибдур ғойиб ўлди қутби ҳодий*

*Гадолар топғуси шоҳ давлатини  
Кўрар хизматга лойиҳ ҳар ибоди.*

*Эранлар чокарига қул бўлолмас  
Шоҳи Чин бирла Руму Қайкубоди*

*Демас ўз таъбидин Носеҳ бу сўзни  
Тилиго қилмағунча фозли ҳоди.*

Мавлоно Носеҳ Чимёнийдан  
“Ғойиб ўлди қутби ҳодий”, сўзи тарих тутубдур.  
Хижрийда 1194 (1780-81) бўлади.

**28. САЙҚАЛИЙ** - Бу киши Ҳисор ўзбекларидан бўлуб номи Муҳаммад Собир ҳожини ўғлидур. Собир ўз назм муқаддимасида “Ҳожини ўғли” деб кўрсатадур. Мавлавий Ҳўқандий Сайқалий тўғрисида тунбандагича нақл этмиш эди: Шоир Сайқалий муҳаббати олаболардандур. Бу зўр қобилиятга эга бўлмиш зот кўринишда қотма, чўққи соқол қорамтил пусти арриғ гавдали бўлу, бир кўзлари кўр эканлар. Кўрунишда бу фазлу фазоил соҳиби шоирнинг қиёфаси ақли дароятга мос бўлмагани тўғрисида кўп латифалар содир бўлар эмиш. Жумла-

дан, бир кун шоирнинг ёзган асарлари орқали муҳаббат этмиш бир киши узоқдан Ҳисорга зиёрат учун келадур. Ниҳоят маҳалласига бориб сўраб бир кишидан мана шул тор кўчадан бориб ариқчадан ўтуб чап томондаги бекчали ҳовлининг олдида тўхтаб чақиринг деган жавоб оладур. Кўрсатма бўйича борса бир арриқ қорача гавдали, бир кўзи кўр кишига учрайдур. Сайқалий эканига ишонмай салом берадур. Ҳайрон бўлиб турганда назар солиб қараб зойр эканининг фаҳмлайдур. Бир бузуқ деворнинг лой билан тузатиб туриб экан. Кўли лой бўлган ҳолда, кимни истайсиз? деб сўрайди. Зойр, маълоно Сайқалийнинг охтариб келиб эдим, дегач, нима қилар эдингиз? дегач, ул биз кўрсак дейди. Сайқалий дарҳол кўлини ариқда ювиб, артиб келиб, зойрга узатиб ушал сиз истаган ва айтган кўр сак бизда деб лутф сўзлаб кулиб сўрашадур. Зойрни ҳовлисига ҳурсандлик ила қабул этадур.

Сайқалий буюк шоир ва нозимдур. Унинг айрим девонининг мен кўрмадим. Балки бордур. Тарихдаги Умавийларнинг томонидан этилган машҳур Карбало воқеаси тўғрисида “Равзат ул-шуҳадо” номли назм ила ёзмиш бир китоби ила “Баҳром ила Гуландом” номли достони ошиқонаси манзури ом бўлмишдур. 1905 йил Қозон шаҳрида тифуграфияда Шамсиддин Ҳусайнуф томонидан босдирилмиш эди. “Баҳром ила Гуландом” ҳам Қозон шаҳарида босдирилмишдур. Кўлёмалари Тошкандда Кўлёмалар (Шарқшунослик) институтида сақланмоқдалар. Шоир Сайқалий қачон вафот этгани тўғрисида маълумотимиз йўқтур. Нима кўлимиздан келган қадар билганимизни ёздик. Буни тўлдирувчилар бўлур, деб умид этамиз. Бунда бир мухаммас ила бир ғазалидин намуна кўрсатурмуз:

*Сайри гулшан этгали, эй гул хиром этсанг нетар,  
Сунбулу садбаргу нарғисни гулом этсанг нетар.*

*Лападек яшнаб пазар солсанг биёбонлар аро  
Халқайи зулфингни буйинумга таноб этсанг нетар.*

*Бир қараб дашти биёбон сориға, эй сарвиноз  
Боқишингга ваҳший охуларни ром этсанг нетар.*

*Тўлганай ногоҳ ғамингда чала ўлган мордек  
Бир йўли бошим кесиб корим тамом этсанг нетар.*

*Юз салом айдим жавоби хуш эшитмам, эй санам:  
Қайрилиб мен хастага бир йўл салом этсанг, нетар.*

*Захмнок ўлди аламдин банд-банди пайкарим  
Боз бир дардим иложига маром этсанг, нетар.*

*Жумлани шод айладинг, эй нозанинлар сарвари  
Сайқалий бечоранинг ҳам шодком этсанг нетар.*

### МУХАММАСИ САЙҚАЛИЙ

*Бу йўлга тушганим, дўстларки, бир дилбарни изларман  
Юзи гул мажлиси жаннат, ласи кавсарни изларман.  
Қади сарви хиромондек сўзи шак сарни изларман  
Шабистони ҳаёлимга моҳи анварни изларман  
Ўзингдин ўзга, ёраб, қайси бир раҳбарни изларман.*

*Ҳаёлимга тушуб ногоҳ ки, ул дилбар таманноси  
Кўтарилди бошимдин бу жаҳоннинг шўру ғавғоси  
Кўрунмайдур кўзумга икки оламни тамошоси  
Кўнгул гирдобидин чун авжга кирди ишқ дарёси  
Нетай сангпораларни бебаҳо гавҳарни изларман.*

*Фидо жону жаҳон анга кўрунмас кўзга рухсори  
Эрам боғи на хушдур тегса гар гулзоридан хори  
Керакмас хури жаннат жилвагар бўлганда дидори  
Сулаймон тахтидур манга ғубори тахти девори  
На Қайсар қасрини на миръоти Искандарни изларман.*

*Муродимдур анигла сайр қилсам васл боғинда  
Солиб қўл бўйнига рози дилим айтсам қулоғинда  
Олай кўз пардаси бирла қадалса хор оёғинда  
Ёниб парвонаваш мен ўртаниб ҳусни чироғинда  
Тушиб бағримга оташ яъқути ахмарни изларман*

*Шароби лаълин истаб ташналик лаблардин ошибдур  
Ичимдин жўш уруб дарёи ишқи турфа тошибдур.  
Жунун ҳайли сипоҳи лашкари айшим адашибдур  
Қарошиб ҳар тарафдин лашкари дарди улошибдур  
Сўроқлаб ахтариб чун мен ғариб раҳбарни изларман.*

*Муяссар қил бу йўлда бандани дилхоҳини ёраб,  
Етургил анга эмди диёрин ёрини, ёраб  
Ғадо қилдинг шоҳ эрди шоҳи кишвар хонини, ёраб  
Ижобат айлагил бу Сайқалийнинг оҳини ёраб  
Ҳақиқатда муродим бебаҳо гавҳарни изларман.*

### **МАВЛОНО САЙҚАЛИЙНИНГ ДЕБОЧАСИДАН БИР ПАРЧА**

*Кел эмди Собирий, оғоз қилғил  
Ҳумоюндек баланд парвоз қилғил.*

*Чаманда андалиб гуфтор бўлғил  
Навода мисли мусиқор бўлғил.*

*Қуруқ зоҳид каби бекор ўтурма  
Ки ишқ ўтига куйгандин дам урма*

*Киралмайдур анга ҳар қайси ғаввос  
Керак ҳиммат, таваккул бирла иҳлос.*

*Эрур ишқ мисли дарёи амиқи  
Ҳама ишқнинг дақиқанинг дақиқи*

*Эрур ошиқлара шамъи ҳидо ишқ  
Ғадони шоҳ қилур шоҳни ғадо ишқ*

Ғазалларидан намуналар:

*Ичиб жоми муҳаббатдин бугун мастанадуру кўнгул  
Яна лаъли лабидин толиби паймонадуру кўнгул*

*Анинг шамъи жамолининг жаҳонда орзу айлаб  
Борур куйига акнун шамъига парвонадуру кўнгул*

*Қилай мақсудни ҳосил бўлай деб васлига восил  
Агар ўлдурса ул қотил бугун мардонадуру кўнгул*

*Муҳаббат риштасин ушлаб, мани бу йўллара бошлаб  
Асосий шоҳлиғин ташлаб ажаб девонадуру кўнгул*

*Тўқуб хуноба васлидин кўруб қисматни ранжидин  
Кечибон тахти тожидин бугун бегонадир кўнгул.*

*Бўлубман завқ ила мажнун кезиб дашти биёбонни  
Киши билмас бу мазмунни қилай афсонадуру кўнгул.*

---

**29. МАШРАБИ СОНИЙ** - Бу киши Қашқардари бўлуб Қарши шаҳаридандур. Тўғриси аъмоқўзлардан бўлуб, бошда яна бир ўзидай бир аъмо муаллими бўлуб анинг тарбиясида ҳифзан илм-маърифат, қироати қуръон, ҳадис, тафсир мантиқ, фалсафа, адабиёт, аруз, ниҳоят тасаввуф қондалари ўрганмишдур. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг асари бўлмиш машҳур “Маснавийи шариф”нинг бошдаги муқаддимаси бўлган назм маснавийсидин бир бандини шарҳ этиб шунга, яъни мавлононинг фалсафий мазмунларини исботлаш учун бир неча ҳикоялар ила таъкидлаб ниҳоят яна ўзидан Мавлононинг демишларини келтурур

*Шу сабабдин айдилар чун Мавлавий  
Қутби раббонийю ғавси мунтаҳий  
Гар на гирйад гўдаги халвофуруш  
Баҳри байшойиш кужо ояда ба жўш.*

деб матн мақомида такрорлаб ўтадур ва шул фалсафа моҳиятига бағишлаб бир ғазал ёзиб ўтадур. Бу китобни “Мабдаи нур” деб ном била атайди. Ғазалларида ҳам тахаллус Машраб деб, яна “Мабдаи нур” тахаллусга қўшиб ёзадур. Бу китоб Тошканд шаҳрида литографияда 1900 нчи йилда босдирилмишдур. Бу аъмо киши ниҳоят яхши тартиб этмиш мақбул китобдур. Лекин замонамизга тўғрилиги йўқ, фойдасиз, қуруқ навҳадан иборатдур. Ҳар ҳолда ахлоққа доир хурофий манбаъларга тўла ўзбек тилидаги китобдур.

Даҳбедий шайхлардан Қаршига бормиш бир кишининг муриди экани тўғрисида хабар берадур. Тахминан ҳижрий ила 1200 нчи (1785-86) йилларда нашъу-намо этмиш бир шоир экани гумонимиздур. Номи Рўзибойдур. Ҳофиз деб номина қўшиб Рўзибой ҳофиз деб юритилмишдур. Бу байтлар Машраб номидандур:

*Ҳақиқат ваҳридин Машрабга тегди “Мабдаи нури”и  
Деди Машраб бу йўлда мундин ортуқ дostonим йўқ.*

Машраби соний бу ғазалида ўз адреси тўғрисида тубандагича дейди ва хитоб этадур:

*Гавҳари кимё талаб бўлсанг мени олдимга кел  
Мавжи бир дарё талаб бўлсанг мени олдимга кел*

*Чун гулистони суҳандин санга ва айлай чаман  
Булбули гўё талаб бўлсанг мени олдимга кел*

*Етти ёшимдин бери бир кеча йўғ ғафлат менга  
Рухи донолар талаб бўлсанг мени олдимга кел*

*Наъра тортсам оҳи сардимни эшитгай нечалар  
Манзили аъло талаб бўлсанг мени олдимга кел*

*Яъқуби чун вақтман ҳам гирядин ҳолий омон  
Юсуфи барно талаб бўлсанг мени олдимга кел.*

*Яхшиларни нисбати ҳоло мени устумдадур  
Гурдин имло талаб бўлсанг мени олдимга кел*

*Сийнаи покимга жодур кулли шарҳи маснавий  
Ояти мулло талаб бўлсанг мени олдимга кел*

*Мўри лангдур зоҳирим олмас киши ҳеч нарсага  
Кўзи йўқ аъмо тлаб бўлсанг мени олдимга кел.*

*Зоҳири исмим Рўзибой, Мавлавий ўғлим деган  
Машраби соний талаб бўлсанг мени олдимга кел.*

Машраби аввал Намангонли Бобораҳим бўлуб бош-роқда баёнг этилди. Ҳижрий ила вафоти 1123 (1711-12) нчи йилда эди. Машраби Сойин Қаршили Нўзибой ҳофиздур.

**30. ЗАЛИЛИЙ** - Бу киши қайдан ва қачон ўтгани тўғрисида тўла маълумот бизда йўқдур. Текшириш хулосаси бизда шул бўлдики, ҳали қаноат ҳосил этганимиз йўқ.

Абдураҳмон Саъдий бу шоир тўғрисида “Мен эндигина эшитдим” деган жавобни берадилар. Кўп адабиёт аҳлларида сўраб бирор кофий жавобга эга бўлолмадим. Ниҳоят ўртоқ Герасимовнинг “Туркман адабиёти тарихи” номли асарида машҳур туркман шоири Маҳдумқулининг “Фароғий” жияни бўлмиш Залилий тахаллусли бир шоирни билдик. Бу эса 1844 йилда вафот этмиш экан. Буни Чоржўй шаҳари атрофи туркманларидан экани кўрсатилади. Услуб, тил томонидан туркман шоири Маҳдумқулининг ашъори ила Залилийнинг фарқи тил борасида жуда зиёда экани кўринди. Ўртоқ тилчиларимиздан Жуманиёзов ва Фулом Каримовлардан фикрларини сўраганимизда XV аср мелодий шо-

ирларига услуб ва тил томони баробар келадур, дедилар. Биз Хоразмли Хива шаҳрининг буюк адабиёт тарихига ошно деб гумон этганимиз Хива область музейи тарих бўлимининг бошлиғи аллақанча унвонларга эга бўлган Мулло Абдулло Болтаевга мурожаат этиб икки мартаба мактуб ила сўраб эдик, ниҳоят музейнинг фондидаги шоирлар рўйхатини кўруб чиқиб айтиб берар эдим. Лекин омборчи отпускда бўлганидан ишга келгунча қараб туриб, қайтгач жавоб ёзармен, деб айгдилар. Яна ул киши Тошканда босилган баёзлар бор. Шулардан қараб залилий деган шоир бўлса, ёзиб юбораман, деб ҳам баёзлардан бизни хбардор этдилар. Бир ярим йилдан бери рўйхат ва баёвлардан қарашга тўғри келмаганга ўхшайди. Яна Залилий тўғрисида ўзимизга ишлашга тўғри келди. Маълумки, Амир Умархон Залилийнинг “тайёр” радифли шеърини ва Маҳмуд қори яна бир ғазалини бошқалар ҳам мухаммас этмишдирлар. Туркман шоири бўлмиш Залилий ижоди даврини олганда 34 йил орада бўлуб ҳамаср бўлоладур. Умархон Залилийнинг шеърининг ҳаёти кўргани тўғри келадур. Бироқ бир тилида туркман шевасининг ҳеч кўрунмагани тоғаси Маҳдумқулининг тилга бизни қондирмаётир.

Залилийнинг девони бўлуб Фарғона шоирлари орасинда ўқулгани, Умархон саройигача етиб келгани кўринадур. Маним қўлумга 12 байтли кичик ҳажмда жуда эски қоғозда майда хуш хат таълиқ ила ёзилмиш баҳри “вов”дан “эмасму” радифли пароканда парчаси тушуб эди. Девон жуда эски бўлганидан замоннинг ўтуви ила авроқлари сочилмиш экани англатилди. Лекин ҳеч парда кўрмадим. Кўлёмза баёзларда Залилийдан кўп шеърлари учрайди. Қўлимизда Залилийнинг ашъорларидан бир нечаси бордур. Шуларга мурожаат қилайлик. Кейин қориълар ила натижа чиқарамиз. Залилий бир шеърда қорахонийлардан Султон Сатуқ Буғраҳонга қаттиқ суянадур. Мана:



*Йиқилди деб Залилийнинг: адув шод ўлмагил ҳаргиз  
Мададкорим мени Султон Сатуқи Бўғрихоним бор.*

Бўғраҳон эса 992 мелодийда вафот этмишдир. Залилий нега бунча унга яқин турадур? Яна:

*Андалиби чорбоғи мулки туркистон жудо*

Демак, залилий Туркистон боғининг чаманининг булбули бўлиб, жудо бўлди дейди:

*Кумрии шоҳи дарахти аръари бўстон жудо  
Лек чўғз айлаб дами мани вайрон жудо деб яна:*

*Марҳабо, Султон Сатуқи Бўғраҳоним, марҳабо  
Марҳадингни Маккагийи мулки Ажам дерлар даво*

Сенинг қабрингни араблардан бениқаларни маккаси деб, яъни зиёрат этиш раводур деб тақдис этадур. Бўғраҳон Хитойлар билан бўлган урушда ўлдирилган эди. Шунини Залилий бундай дейди:

*Суннати пайғамбари охир замон аълом этиб  
Кофири саҳронишиқлар кундузини шом этиб  
Тиғи оламгир ила олам элини ром этиб  
Қошғарни сайқали ойнаи ислом этиб  
Ҳайбатингдин Чин-Мочин садрига солдинг ниш.*

*Фатҳ қилдинг лашкари бисёр ила, эй Бўғраҳон  
Булбулингни савмидин дарёдек оқди анда қон  
Авлиёларнинг қаторида сани бир-бир баён  
Дину маҳабни чироғиға берубдурсан зиё.  
Ўтлуғ оҳимдин чиқарган сийнаи афкордин  
Гул жафосидин чиқиб гулшан ичида хордин  
Топтилар сайёра янглиғ кўзларим бедордин*

*Поймоли ғам бўлуб қотгон Залилий зордин  
Сад ҳазорон бандалик эткур гар битсанг сано*

бу мистик шоирнинг бу фиғонли марсиясидан кўринишича шоир Қашқарли экани сезиладур. Ёки (у) Туркистондан бориб Уйғуристонда тургани кўринадур.

*Ғар мусофирсан мўғул иқлимида ё беватан  
Тавф қилгондин кейин қабри шоҳидони Ҳўтан  
Эътиқод айлаб гулми жаъфари тайёр бўл.*

Мўғул иқлимида мусофир, беватан сўзлари юқоридаги фикрни қувватлайди. Жаъфари тайёр араб саркардаларидан бўлиб, чиндан Ҳўтан саҳросида шаҳид бўлиш, Аскарбошида мазори бордур. Залилий мистик шоирдур. Шунга биноан тахаллуси “Залилий”, яъни хорликни энг тубани - деган арабча сўзни ўзига нисбат бериб “Залилий” деб аташни ихтиёр этмишдурки, бу тасаввуф аҳли характеридур. Шоир жуда кучли ва хушоҳанг туркий шеърлар сўзламинишдур. Бирор донна ҳам форс-тожик шеъри йўқдур. Шунга биноан Залилий икки нафар шоир бўлуб, бири туркман шоири бўлса, биз бунда кўрсатдигимиз бошқадур. Буни қачон ўтгани тўғрисида ҳам фикри ўзгариш бордур. Бу Залилий бир мухаммасида бундай дейди:

*Эй Залилий, партави нури шифони истасанг  
Хонадони ҳазрати шоҳ Қосими Анвор бўл.*

Шоҳ Қосим Анварий шайхлардан бўлуб 1316 нчи мелодийда Жомда вафот этмишдур. Демак, шундан кейин ўтмиш экани кўринадур. Шеърдаги услуб, шеvasи, тили ҳам XV аср шоирларидан эканини англатадур. Чоржўйли Залилий 1844 йилда вафот этган бўладурки, орада 200 йилдан узоқ вақт турадур.

Энди Залилий I нинг нашидан таъбидан бўлган газаллари орасинда аҳлоққа доир нашидаларида соф туркча сўзлар учрайдурки, ҳозирги туркий сўзлар орасинда кўринмайду. Масалан бир газалида:

*Дил каъбаи муаззам оғритма они зинҳор  
Ҳақ даргоҳида йўқтур бундан улуг гуноҳи*

*Ҳижрон туни Залилий рақс айламай бўлурму  
Нолангга ун қўшарлар мурғони субҳгоҳи*

сўзлари.

Бундаги улуг, тун озмор кўрунса ҳам овоз маъносидаги ун сўзи ишлатилмайдур. Ул нимадур сув ичинда “уни” йўқ деган топишмоқ замонамизда бор “Балиқ”-ни айтиладур. Уйғуристон томонда нашъу намо этмиш асли ўзбек, туркистонли 16 асрларда бўлмиш шоир экани гумонимиздур. 1844 йилда вафот этмиш Чоржўй томон туркманларидан бўлмиш шоир Залилий бундан бошқадур. Бирор тазкирада Залилий тўғрисида маълумот йўқ.

(Эскартма: “дан” сўнгги маълумотларга биноан Ёрканд шаҳарида Чилтон азизлар номли қабристонда Залилийнинг мақбараси бор эмиш. Кўрганлардан Мулло Эргаш хожи хабар этди, 13 (VI 58).

Бу ғазал Залилийнинг нашидаи таъбидандур:

*Агарчи булбулам ҳар тарафда боғим бор  
Ғамингда нола сифат юракда доғим бор.*

*Фироқ кечалари кўрки, ўтлуғ оҳим бор  
Сахар ситдрасидек бўл ажаб чароғим бор.*

*Бошинг кетар демагил қўрқутуб мани зоҳид,  
Муҳаббат аҳлини излармен то аёғим бор.*

*Агарчи ишқи ҳақиқий дилимда жўш урса  
Жунунни шўъласидин беҳисоб фироғим бор.*

*Мусофирони Хўтандин дуо тилайдурман  
Адам йўлига йўландим на тўш, на улоғим бор.*

*Залилий ҳеч ҳазина назарга келмайду  
Жавоҳири йўқотибмен ки они сўроғум бор*

Бунда ҳам улоғ сўзи эски туркий сўздур тортуғ маъносидадур.

### **ҒАЗАЛИ ЗАЛИЛИЙ, МУҲАММАС АМИРИЙ**

*Ғамингдин эй пари рухсор, жони нотавоним бор  
Қилурға ранги ҳижронинг қиличин қатра қоним бор  
Фироқинг боғида булбул аби минг достоним бор  
Юзунгни кўрмагач, эй гул узорим юз ғиғоним бор  
Жаҳон боғида истармен сени, то танда жоним бор.*

*Туташти ишқ ўти кўнглум аро тадбир этолмайман  
Гули рухсори серобинг анга тасвир этолмайман  
Муҳаббат шарҳини жон ўртанур тақрир этолмайман  
Жунун мактубини мазмунини тахрир этолмайман  
Эшитган халқ йиғлар шуълаи оҳи ғиғоним бор*

*Қадам қўйғон муҳаббат куйига афсона\* бўлмасму?  
Парилар бирла суҳбат айлаган девона бўлмасму?  
Ғамим ёр истаган ағёрдин бегона бўлмасму  
Жунун шаҳри саросар оқибат вайрона бўлмасму  
Кўзун ёши чу дарё ҳар тараф оби равоним бор.*

*Парирухлар юзини моҳ дерман айб қилманглар  
Сихи қадлар ғамидин оҳ дерман айб қилманглар  
Ҳарими дилни байтуллоҳ дермен айб қилманглар  
Кўнглимни пойтахти шоҳ дермен айб қилманглар  
Вужудим шаҳрида лашкаркаши соҳибкироним бор.*

*Амиро, манга ўхшаб ғамда муътод ўлмағил ҳаргиз  
Асири жилваи ул сарви озод ўлмағил ҳаргиз  
Мени маҳзун топиб, эй ишқ, жаллод ўлмағил ҳаргиз  
Йиқилди деб Залилийнинг адув шод ўлмағил ҳаргиз  
Мададкорим мени султон Сатуқи Бўғраҳоним бор.*

\*\*\*

\* Матнда афшо А.К.

Гул очилур чаман-чаман боғ ичида баҳор ўтар  
Уйқуни қил кўзга узоқ айна саҳарда ёр ўтар

Борди куйинг сари кўнгул ҳар нафасида беқарор  
Ёнди юзин кўролмайин табакай интизор ўтар.

Дайр ичига қўй қадам, масти майи муғона бўл  
Ҳизр суйини истама топғунча рўзгор ўтар

Доғи юзинг қононмағин телба Залилий сен бузғун  
Жоми жунун ту ёр учун косаи лоладор ўтар.

\* \* \*

Кирдики, шама бирла мажлис ичига шаҳриёри  
Рухсори хирмани гул гўёки навбаҳори

Янги тариқат айлаб қилди назар Сулаймон  
Қушлар ичинда худҳуд гўёки тождори

Ғафлат шаробидин сиз зинҳор ғарқ бўлманг  
Бундоғ насихат этди бир марди хушёри

Чин аҳлидин, буродар, оби тароват истанг  
Мочинда ким кўрубдур покиза рўзгори

Ганжинани ғазални эл маҳв суйлаюрлар  
Билганга сўз кўринур, душманга зулфиқори

Соқий, Залилий келди, бир коса тўлдуруб бер  
Майхонани тополмай ул эртадин хумори.

\* \* \*

*Ҳоҳ дайр ичра ҳамиша саҳоби зуннор бўл  
Ҳоҳ масжидда имоми воизи куффор бўл  
Кий кулоҳи ҳирқау пашимина қаландордор бўл  
Ҳарна бўлсанг бўл, ва лекин марди беозор бўл  
Эй кўнгул, дунёни тарк айла, қаландарвор бўл.*

*Маҳрам эрмастур нигорим суҳбатига жону тан  
Сад ҳазор одам бу давводин кийибдурлар кафан  
Гар мусофирсан, мўғул иқлимида ё беватан  
Тавф қилгондин кейин қабри шаҳидони Хўтан  
Этиқод айлаб гуломи Жаъфари тайёр бўл.*

**31. ҚУЛ СУЛАЙМОН** - Бу киши Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг мақтаби талабаларидан бўлуб устозидан ҳеч қолишмай ҳикмат айтмиш. Фигонли тасаввуф шоиридур. Номи Ҳакимхўда бўлуб шеърда таҳаллуси Сулаймондур. Устозига эргашиб “Кул Сулаймон” деб ҳам юрутадур. Боқиргон номли қасабадан экани ғазалларидан кўринадур. Бизга маълум тазкираларда бу киши ва шериклари тўғрисида маълумотга эга бўлолмадик. Бошқа маноқиблардин хабардор эмасмиз. Ўзбек тилида кўп ёзган, бирорта ҳам тожик тилида ёзилмаган ўзбек шоири эканидан қолдириб кетолмадик. Боқиргон Хоразм томондадур, деювчилар бор. Бу исмда Хўжанд шаҳарида бир катта сувнинг ҳам айтадурлар. Хўжанд шаҳарига сув берувчи сойнинг Боқиргон дарё деб аталур. Лекин бунда бўлмагандур. Бир ғазалида ул:

*Боқиргондин сафар қилсам тавоф қилғали Каъбани  
деб айтадур.*

Бир ғазалида маним отимни сўрсалар Сулаймон Боқиргоний деб ҳам кўрсатадур. Ўн олти бетли қасида-сид: Сожа Аҳмад Яссавийни мадҳ этиб охирида тубандагича дейди:

*Туркистонға боролинг  
Хизматида бўлолинг  
Улуш берса ололинг  
Шайхим Аҳмад Яссавий*

*Бобо Мочин ул султон  
Мурид бўлди безумон  
Ҳакимхўжа Сулаймон  
Шайхим Аҳмад Яссавий*

Хожа Аҳмад Яссавийнинг муриди экани англатилар. Эл орасинда Ҳаким унга ота деб юритилар. Қачон вафот этгани тўғрисида маълумотимиз йўқдур. Услуби бўйича Аҳмад Яссавийдан қолишмайди. Эски турк тилида ёзилмиш 300 байтдан ортиқроқ асари қўлимизда бўлгани ҳолда замон рамкасида кўрсатурга лойиқ муҳим ғазаларини учратиш имкон хорижидалар. Шундай бўлсада, сайлаб тубандаги ғазалини қўйдук. Бу ғазал узундур. Вафотига “Муқтадойи фок” сўзи тарих тушубдур. Ҳижрий ила 636 (1238-38) нчи йил бўлар.

*Менинг жоним сенинг ишқинг билар  
Таним ожиз вале жоним ўлар  
Бу ишқ гар бўлмаса, ман нетгай эрдим  
Қамуғ оҳим маним ишқим қилар.*

*Зиҳи ҳолу, зиҳи ҳолу, зиҳи ҳол  
Ман йиғларман ҳама олам кулар  
Ошиқдин сўрмангиз дунёу уқбо  
Ошиқ маъшуқ учун доим ўлар.*

*Ошиқни куйдурар доим ишқ ўти  
Ошиқлар ишқ ўтига мубталодур  
Манинг сен боқмағил бу сувратимға  
Юрагим қон бўлуб бағрим сўлар.*

*Айирди ишқ мени ҳайлу ҳушимдин  
Кўзум ёши оқиб мангзим сувлар  
Кўрунг не ҳолга тушди Қул Сулаймон  
Қамуғ ишқим манинг ранжим билар.*

**32. ИЙҚОНИЙ** - Бу шоир ҳам Ҳожа Аҳмад Яссавийга эргашувчи навҳагар тасаввуф шоирларидан бири бўлуб Кул Сулаймоннинг афродларидандур. Биографияси тўғрисида маълумотимиз йўқтур. Ийқон қасабаси Туркистон шаҳаридан қирқ километр чамасида шаҳарнинг шарқ-жанубий томонида йўл устидадур. Шоир шул қасабадан бўлуб ватанига нисбат ила Ийқоний тахаллусининг ихтиёр этмишдур. Айрим девонига кўзумиз тушмади. Ҳазалларидан бирида қариган ҳолда ўз ватанидан жудо бўлуб Туркистонда мусофир ҳолда тургани тўғрисида сўзлайдур. 1891 йилда Татаристон маркази Қозон шаҳарида Шамсиддин Ҳусайню ўғлининг ҳароҷати ила бостирилмиш “Боқирғок китоби” номли баёзда: Кул Сулаймон бошлиқ Ийқоний, Шамо Ўзгандий, Бобораҳим Машраб, Ҳожа Аҳмад, Кул Шариф, Худодод, Убайдий, Шухудий, Фақирий, Ҳабий тахаллусли қатор навҳагар шоирларнинг фиғонли ҳазалларининг тўплами бор.

Адабиёт тарихида ўтмиш, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Машраб I дан бошқаси тўғрисида маълумот йўқдур. Қачон ўтгани маълум бўлмаса ҳам Кул Убайдий ўзбеклардан Бухоро амири Убайдуллоҳон экани ҳам маълумдир. Худодод Фарғоналидур. Шамс ўзганлидур. Бу ҳазал Ийқонийдандур:

*Еру сувдин айириб Ийқоний тушди  
Ҳариблиқда ўлуб кетса на ерда ётур бўлғай*

\*\*\*

*Яна бўлғайму ул кун бу Ийқоний  
Бу Туркистон сувини ичса қона*

\*\*\*

*Ҳар ким ки топди ганжи муҳаббатни кўнглида  
Ганжи жаҳон Ийқоний анга пари қоҳдур.*



**33. ШАМС I** - Бу киши асли Фарғона водийсидан бўлуб Ўзганд шаҳаридандур. Номи Шамсиддин бўлуб тахаллусга ўз исмини қисқартиб олмиш. Ашъориде гоҳ Шамс, гоҳ Шамсиддин деб кўрсатадур. Хожа Аҳмад Яссавийнинг муриди экани тўғрисида бундай деб кўрсатадур:

*Шайхнинг ким дебон келса қулоғимга садо  
Кутби жаҳон Сайид Аҳмад аё ҳазрат Шайхимдур.*

Бу ғазалида Ўзгандли экани тўғрисида бундай деб кўрсатадур:

*Оло эй Шамс Ўзганди қамуғ ёронларинг ёнда  
Гуноҳидин бағишланди, мани осий на қилғайман.*

**34. ШАМС II** - Бу киши Бухороли бўлуб, номи Шамсиддиндур. Лекин “Тухфат-ул-аҳбоб” эгаси бу киши тўғрисида бирор сўз ёзиб кўрсатмагандур. “Тазкираи Афзали” эгаси Шамсиддин Дарвозий деб кўрсатиб ҳозир ҳаётдур, дейди. Демак (1330 (1912-13) ҳижрийда ҳаёт экани кўринадур. (Агар бошқаси бўлмаса) Дарвоз томонда туркий ашъор эгаси бўлмиш шоирнинг учраши имкон хориждандур. “Қомус ул-аълам” да кўрсатилмиш Шамсиддин амир Султон Навоийдан бир оз кейин бўлса ҳам шоир деб кўрсатилмайди. Брусо шаҳарида вафот этган бир шайх эди. Биз фойдаландимиз баёзда эса “ғаззати амир Навоий мухаммас Шамсиддин Бухорий” - деб кўрсатмишдур. Лекин тил ва услуби бўйича шул “Тазкираи Афзалий” кўрсатмиш шоир даврига тўғри келадур. Ҳар ҳолда бу шоир тўғрисида юқоридаги сурхатлардан бошқа бир нарса дея олмадик. Навоийнинг бу ғазалини мухаммас этмишда тасаввуф руҳига буруброқ ёзмишдур. Шул ғазални Амирий ҳам мухаммас этмиш эди. Шамс Бухорий томонидан айтилмуш мухаммас будур:

Фано дайрига йўл топмоғлигим йўқтур манга имкон  
Еталмай водийи мақсадга қолдим йўл аро ҳайрон.  
Ажаб савдо бошимга тушди йўқ дардимга ҳеч дармон  
Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон  
Куюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон

Санинг ҳажрингда бўлди оғзима шаҳд чун тарёк  
Тараҳҳум куйидин озган эмас ул кофири бебок  
Мани ҳолим кўруб парвона бўлди бошимга афлок  
Туним дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамнок, бағрим чок  
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон, сиришким қон.

Бошимга тушти савдои муҳаббат қолмади тамкин  
Мани саргаштани бир сўрмади ул шахсуворидин  
Бу гулшан ичра аҳволимга йиғлар лолаи насрин  
Фиғонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин  
На дардим ўтига таскин, на ҳажрим дардига дармон.

Мани савдойи ишғи қилди олам ичра овора  
Таним ҳижрон ўтига куйдуруб бағрим қилиб пора  
Кишим йўқтур мани арзимни еткурмоқга дилдора  
Бошим ғам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора  
Кўнгул бу ёрага чора топарга топмайин имкон.

Қилиб дин ўйини ул қотили кўзи қаро ғорат  
Упарга бўсағасидин танимда қолмади тоқат  
Бўлуб маҳрум васлидин қолибман водийи ғурбат  
Қай андуҳи малолимга балийят даштидек ғоят  
Не савдойи жунунимга маломат баҳридек поён.

Табиби бемуравват қилмади дармон кўнгул реша  
Фурури ҳусн бирла боқмади аҳволи дарвиша  
Уруб Фарҳоддек ғам тоғида бағримга минг теша  
Заифу дарду ғам пеша, наҳифу меҳнат андиша  
Заллиу бесару сомон, қатилли-ҳанжари ҳижрон.

Ғазаб бирла қошимға келди дилбар ханжари ҳонлик  
Мани қатл айламоқға ор қилди қолдим армонлик  
Мани сарғаштани ютти муҳити блҳри ҳайронлик  
Кўзум намлик, буйум хамлик, ичим андуҳ мотамлик  
Не ҳамдамлик, не маҳрамлик топиб юз меҳнати пинҳон.

Қолиб шони фироқингда, нетиб бўлсун кўнгул хуррам  
Анисим дард ила меҳнат ҳариқи суҳбатимдур ғам  
Ўзум ўз ҳолима лозим турур тутсам керак мотам  
Манга не ёру не ҳамдам, манга не сабру не сомон.

Либоси фақр эғнимда ҳаробат айладим маскан  
Бу гулшан ёпроғидин айладим ул дайр аро гулхан  
Мани ҳолимға йиғлар дашт аро ул лолау савсан  
Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан  
Қолиб жон ҳасратидин тан, чиқиб тан кишваридин жон.

Қолибман узлат ичра айрилиб дашти паноҳимдин  
Сабо еткурмади манга паёми такянгоҳимдин  
Йироқ туштуш жаҳони бевафога узрҳоҳимдин  
Ҳам аҳволи табоҳимдин, ҳам оҳи субҳгоҳимдин  
Ҳам ўтлуғ дуди оҳимдин қарориб кулбаи аҳзан.

Кел, эй Шамси Бухорий, қилмағил дунёда ҳасрат кўп  
Баҳойимдин батарроқ эл ичинда аҳли ғафлат кўп  
Қаноат кишварига шоҳ бўлган аҳли давлат кўп  
Навоий бўлса меҳнат кўп, ичакўр жоми шират кўп  
Неча бўлса суғубат кўп майи ваҳдат қилур осон.

---

**35. МАНСУР** - Бу киши Писканд қасабасидин бўлуб номи Мансур хўжадур. Писканли шайх Низомидлий Қорахонийнинг ўғлидур. Отаси ва ўзи ҳам шайхлардандур. Буларни Фазли Намангоний “Мажмуот ул-шуоро”сида авлиёйи қорахонийлардан деб кўрсатадур. Лекин босма бўлмиш бу китобда бирор дона ҳам ашъо-

ридан намуна кўрсатмайди. “Тухфатул аҳбоб” номли тазкирада Шайх Мансур Пискандий тахаллуси ҳам Мансурдир. Хўқанда тобеъ қаряда бўлуб шеърлари жаҳрийба хонақоҳларида ўқулуб юрадур деб кўрсатадур (“Тухфатул аҳбоб”, 249 нчи бет). Бу киши ўз вафотиға ўзи тарих сўзламишдур. Туркий ҳикматга ўхшатма наваҳали ашғорлари бордур. Тоҷик тили тўрт бетли вафот тарихида бундай дейди:

Эй кумри, худо учун вафотимдан кейин бошимга келиб бир дақиқа ҳу, дегил. Қабрим тефасида агар мотамзадаларга келсалар тупроғим тефасида мани ғамли ўтган ҳолимдан бир озгина билдиргил. Эй дил, агар ишқинг жойини орзу этсанг, ҳар эрта кеч ихлос билан сен ҳам ҳу дегил. Охирида “аз мазҳаруллоҳ” сўзининг вафотиға тарих тушурубдур.

*Тарихи вафоти мани Мансур ҳазинро  
Аз мазҳари оллоҳ берун омади ҳў гў.*

Абҷад ҳисоби ила олганда ҳижрий ила 1189 (1775-76) бўладур.

Бу киши Саййид Акмалхон тўранинг бобосидур. Яъқубхон, Юсуф хўжа номли икки ўғли бўлуб, машҳур шоир Акмалхон Пискандий Яъқубхоннинг ўғлидур (179 нчи бетда баён этилди).

---

**36. МАҲВИЙ** - Бу киши Хўқандли уламолардан, шаҳар фозилларидан бўлуб, кўп вақт қози бўлуб хизмат этмишдур. Номи Мирзо Худоёр бўлуб туркий, форсий ашғорлари бордур. Умархон даврида нашъу нома этмиш. Номида бир маҳалла бордур. Қатағон даҳасида Баковул маҳалласининг шарқи бўлмиш “Ғариб гўристон” номли қабристонда малфундур. Фазлий Намангонийнинг айтувича: Хоннинг номига бир неча китоблар тасниф этмишдур. Вафот таърихи очиқ маълум бўлмаса ҳам ўшал давр кишиси экани маълумдур. Туркий шеъ-

ридан бу ғазал Маҳвийнинг нашидаи таъбидан бир парчадур.

*Бу гулшан ичра ғурбатхоналардан ошёним бор  
Этай даргоҳинга юз шукр, сендек меҳрибоним бор.  
Очилмас ғунҷаи бахтим кўнгулда кўп фиғоним бор  
Ҳифи сардимга маҳрам марҳаматли роздоним бор  
Қариған чоқда азм этдим етай деб Каъбатиллога  
Еталмай йиғларам ҳар дам Мадина жойи аълога*

*Мусалло айласам жоиз бу икки кўзди ёшимдин  
Кўтарма маъдани нурингни ҳаргиз дил ҳарошимдин  
Ҳаёти жовдони кетмасин давлатли бошимдин  
Дилимдин журми исённи кўтаргил ичу тошимдин  
Қариған чоғда азм этдим етай деб Каъбатиллога  
Етолмай йиғладим ҳардам Мадина жойи аълога*

*Бу ноқислиқ билан Маҳвий етармукин ўшал жойга  
Муяссар эт, шлоҳо, сегон ўзинг ул жойи аълога.*

---

**ГАДОИЙ** - Бу шоир ҳиротли бўлуб Мавлоно Алишер Навоий билан замондошдур. “Мажолис ул-нафойис” номли асарда Навоий туркигўй шоирдур, ҳозирда тўқсон ёшдан ошибдур, балки мушоҳирдиндур. Бобур мирзо замонида ўз шеъри ила шуҳрат қилди (деб ёзган).

---

**37. ҒОЗИЙ** - Бу киши асли туғилмиш ери Яйпан қишлоғида бўлуб, шул томонга оз вақт қози бўлуб тургани ҳам сўзланадур. Норбўтахон саройига яқин аъёнлар ва сипоҳлар қаторида бўлмиш эсада, Умархон даврида саройдан йироқлашган. Кучли шоир ва олим, фозиллардан бири бўлуб номи Муҳаммад Ғозийдир. Кўп шеърлари ба-

дий кучга эга бўлуб Навоийга эргашувчи шоирдур. Вафоти Умархон даврида 1817 йилга тўғри келаду. Мавлоно Равнақ ва Малоно Шер Акмалларнинг вафоти бирин-кетин 1819 йилгаду. Амирдан кейин энг кўп шеър ёзган шоир Мавлоно Ғозий экани унинг девонидан кўриниб тураду. Шоир Фурқатнинг бир неча ашғорлари мафҳум эътибори ила Ғозийга ёндош келаду. Ҳаётининг сўнггидаги фақру заруратда қолгани Умархоннинг илтифотидан четда эканининг очуқ кўрсатаду. Айрим девони Қўлёзмалар (Шарқшунослик) институтида босмага тайёрланмоқда эканидан ортуқ сўзлашни лозим кўрмадук. \* Тубандаги ашғорлар Мавлоно Ғозий Ҳўқандийдандур.

*Эрур Ғозий ул шоири хушвар  
Ки бўлди мудаққиқлиғидин бадар.*

*Команди ҳаёли расодур анинг  
Қому сўзлари бебаҳодур анинг*

*Бу сўзда анинг иқтидорин кўрунг  
Сўз аҳли аро эътиборин кўрунг (Ғазлий)*

Мавлоно Ғозийнинг Фузулийга эргашиб ёзган ашғорларидан:

*Кўнгул кўргач, юзингни майли гулзори ирам қилмаз  
На гулзори ирам ёди гули фирдавс ҳам қилмаз.*

*Чекиб юз ноз ила ҳанжар юрагим поралар қилдинг,  
Киши ўз душманига ҳеч вақт бундоғ ситам қилмаз.*

*Сабо дгёра элтур тўтиёлиқга губорини  
Кўзим ёши куйин туфроғини беҳуда нам қилмаз.*

*Худоға шукрим, дарди жафою жаврин ул маҳваш  
Қилур кундин кун ортуқ жонима, бир зарра кам қилмаз.*

\* Қаранг: Азиз Қажумов "Ғозий" ЎзФА нашриёти. Т. 1959.

*Рақибо, қилма нолиш ман кўран ёр ўлса дилдоринг  
Мани шод этмади уя ёр, сани ҳам муҳтарам қилмаз.*

*Кўруб ул бутни қошин меҳроба қилдинг сажда, эй зоҳид  
Сен этган ишни билмоқ ҳеч раҳбони санам қилмаз.*

*Муяссар бўлса синғон косау гулхан кули Ғозий  
Ҳавойи тахти Доро, орзуйи жому жам қилмаз.*

\*\*\*

Мавлоно Ғозийнинг Навоийга ўхшатиб ёзган ашъ-  
оридан:

*Эй қуёш субҳи узоринг бирла мағрур ўлмағил  
Бир нафасда шом ўлур, албатта, масрур ўлмағил.*

*Тиингла пандим, эй кўнгул, бўлма вафосизларга ёр  
Бора-бора, зор кундин кунга ранжур ўлмағил.*

*Бўлма коми нафс учун ҳар сифланинг олдида ҳам  
Обрусизлиқ юкин чекмакка маздур ўлмағил.*

*Масту иқбол ўлма адбори билан оғритма бош  
Тотмағил бу бодани зинҳор махсур ўлмағил.*

*Шамъ янглиғ маҳфил оро бўлма ёнмоғдур ишинг  
То муяссардур жаҳон аҳлиға махмур ўлмағил.*

*Доға қўй марҳам олмасдин захм, вале миннат билан  
Мубталои дарди бадармона кофур ўлмағил.*

*Ғозие кўш айла меҳнат жомидин захроби ғам  
Бенавои шарбати чинийю фағфур ўлмағил.*

\*\*\*

Баҳор табиатининг тасвири тўғрисида Ғозийнинг кўнгул орзуси: Шу л мазмундаги ғазал Фурқатда ҳам бор.

*Соқиё, бўлди гул айёми, кетурган саҳбо  
Ким ҳаво муътадилу гулшан эрур руҳафзо.*

*Ғунча хандону чаман сабза, булут қатра фишон  
Базм асбобини туз булбул ўла нағма саро*

*Бўлса бир дилбари майҳорау бир гўшаи боғ  
Ўшамас ур ила фирдавс худо шоҳид анго.*

*Бундан ортиқ на эмиш ҳашмату давлат анга кам  
Бўлса бир мутрибу бир жом лболаб мийно.*

*Кўз юмуб маст бўлуб ноз билан бир дилдор  
Туркий ашъор ўқуб чолса қобуз вовойло*

*Бода ичмакдин ўшалким, бу маҳал товба қилур  
Бехтрад гўл эрур, одам эмасдур асло.*

*Ғозийнинг маст кўруб ёри билан зоҳид ҳам  
Айлади майга гарав субҳау дастору ридо.*

\*\*\*

Мавлоно Ғозийнинг дебочаларидан бир қисми:

*Эй шўх, суманбари шакарлаб  
Сиймин зақани туранжи ғаб-ғаб*

*Ҳажрингда бўлуб асири юз ғам  
Ағёр ила сен шоду хуррам*

*Бағрим эрур қаҳри тағидин чок  
Кўй меҳр қўли ила анга марҳам*



Маҳрум базми айшидин мен  
Ҳилватғаҳи роза га'р маҳрам.

Васлинг этиб орзу уланма  
Жон ила дилим декор дамодам.

Эй роҳати жони беқарорим  
Вей коми дами умидворим

Мен хастага дардинг ўлди афзун  
Ҳолим бўлуб заъфдин дигаргун

Бу давр ила чархи бемурувват  
Жоми тарабимни этди вожгун.

Хуш аҳлина шаҳр қутлуғ ўлсун  
Мен телбайа манзил ўлди хомун

Андӯҳи фироқ ҳаддин ошди  
Тангри учун ул нигор билсун

Бирдам мени ёд айласангчи  
Васлинг ила шод айласангчи

Бо (то) ман санга ошно бўлубман  
Ғим илгида мубтало бўлубман

Лутф айла манга худо ҳақиқим  
Дардингни чекиб рдо бўлибмен

Жонимга жафоу жабр кам қил  
Қўп ожизу бенаво бўлубман

Рейҳон ҳагинги этиб таманно  
Мавжуд жаҳон дуто бўлубмен

Қолмай мани сабр ил. қарорим  
Илгимда инону ихтиёрим

*Қилди мени зор иштиёқинг  
Бош бирла бориб ўпай аёғинг*

*Ақлим этиб вола хатту зулфунг  
Ҳайрон этиб қош ила қабоғинг*

*Жаннат гулидин нику висолинг  
Ағёр ила бордур иттифоқинг*

*Сендин бу амал не лойиқ ўлмиш  
Бил, сарзаниши халойиқ ўлмиш.*

*Токай манга бу жафоу озор  
Эй Зухражабину лоларухсор*

*Ҳасратда мудом бўйла бўлдум  
Ҳар шому саҳарда нолау зор*

*Ҳозийи ҳазину бенавони  
Зинпеш дарди ҳажр магузор*

*Аз дардийи ту кабоб токай  
Ҳолам зи ғамат хароб токай.*

Мавлоно Ҳозий ўз замонидан шикоят этиб, оғир турмушдан зорланиб, фақирлигидан нолиб ниҳоят касаллигининг изҳор этиб Умархонга бу арзи аҳволни аён этиб ёзадур:

*Бенавоман ғусса мулкида фалокат мандиман  
Меҳнату ғам боғини тўтийи шаккархандиман  
Тахти меҳнат узра ўлтурган алам хурсандиман  
Халқаи занжири боби дарду ғам дарбандиман  
Ранжу кулфатга яқин, роҳатга дур афгандиман.*

Юз ямоғлиғ эски шол эскимда шоҳлиқ кисватим  
 Фақр аро Жамшиду Искандардин ортиқ давлатим  
 Меҳнату ғамға мубаддал бўлди айшу ишратим  
 Бўлмади ушбу жаҳонда бир йули хуш роҳатим  
 Ҳазрати Одамни мундоғ бадғуҳар фарзандиман.

Кетдилар озодалар ғам бирла нокас бўлди кас  
 Бўлди шоҳин ҳоли(ю) ўлтирди ўрнига мағас  
 Нола айларман фироқ илғида монанда жарас  
 Ҳеч кишим йўқ сўрса холим, олса кўнглим бир нафас  
 Дарду ғам зиндонининг остида қолған бандиман

Бўлди қалқон ғам ўқиға жисми меҳнат найкарим  
 Ўйлуғ оҳимдур ҳайим чашии таримдур кавсарим  
 Манзилим дашти жунун хори муғилон бистарим  
 Гусса молим, ғам матоим, ганжи кулфат чокарим  
 Шукри лиллоҳ кишвари ихлос дивлатмандиман

Ғам юкин тортиб алиф қаддим этилди исмли нун  
 На қарорим қолди, на ором, на сабру сукун  
 Ҳоли зорим кўрки, ғам илкида йўқ мандин забун  
 Зуфунлар олдида табъим Фалотундин фузун  
 Дун табиат бибасиратларни нохурсандиман

Муддате дунёи дун айшини қилдим орзу  
 Меҳнату дарду балоға эмди бўлдим рубару  
 Телбадек ҳайрон бўлубман эмди билмасман тақу  
 Аҳли маъни олдида дебоу атласдин нику  
 Ношино (с)лар кўзига бу дудаи дарбандиман

Камбағаллиқ ҳабдин ошди, эй шаҳи волоғуҳар  
 Бебизоатдин бўлубман мисли нахли бесамар.  
 Бирча эл икёми олингдин эрурлар баҳравар  
 Кўз учи бирла мани бечорага қилғил назар  
 Дарғаҳингдин бу на мушкулдур: ман қувландиман

*Бир неча бадхоҳлар ҳамрозу ҳамдам бўлдилар  
Зоти душмандин деганлар санга маҳрам бўлдилар  
От миниб, тўн киймаганлар барча одам бўлдилар  
Қадрдонлиқ лофин урганлар на деб кам бўлдилар  
Ғайри ман, ким, банди мирос дур афғандиман.*

*Ҳамдамим ғам, маҳрамин мотам, алам ҳамсухбатим  
Кавкабимдур нахсу бахтим тийра, нохуш талъатим  
Ҳастадурман кўз очиб юмгунча йўқтур тоқатим  
Ўзга ердин келсам эрди ортар эрди иззатим  
Ғозиё, айбим будурким, шоири Ҳўкандимен.*

**38. МУНИС** - Бу киши Хоразм шоирларидан бўлуб, номи Шермуҳаммаддур. 1778 йилда Хива шаҳарида хизматчи оиласида туғилмишдур. Ота-оналари сув ишида мироблиқ мансабида хизмат этиб келмишлардур. Бошланғич мактабни битиргач, шул Хивадаги мадрасада араб тили ва унинг сарф, наҳф луғатларидан дарс олди. Замон шоирлари девонидан бошқа Навоий, Лутфий, Жомий, Саъдийлар девони ила иштиқол этиб, булар яхши баҳра олгани тўғрисида бир ғазалида сўзлайдур. Ҳам тарих фанидан ҳам хабардор бўлди. Шоирлиқ эл аро ошкор бўлуб танилди. Ўшал даврда Хивада хон бўлиб турган Элгузархон Шермуҳаммаднинг ҳукумат хизматиға чиқирди ва бош котиблик вазифасиға қўйди. 1804 нчи йил бўлуб, Шермуҳаммад эса 26 ёшда эди. Саройда котиб ва фармонбардор бўлуб турар эди. Элгузархон Шермуҳаммадға Хоразм тарихини ҳам ёзишни вазифа этиб топширди. 1806 нчи йилда Элгузархон вафот этгач, ўрниға ўлтурган Муҳаммад Раҳимхон яна ўшал таърихни давом эттиришни буюрди. Бу асарнинг номи “Фирдавс ул иқбол” бўлуб 1812 нчи йилгача Хоразмға доир бўлуб, ўтмиш воқеаларни ўз ичига оладур эди. Муҳаммад Раҳим Мунис Хоразмийға учинчи вазифа этиб Алишер Навоий замонида Мирхонд томони-

дан Ҳирот шаҳарида ёзилмиш машҳур таърих китоби “Равзатус сафо”нинг тожик тилидан ўзбек тилига таржима этишни буюрди. Мавлоно Мунис эса бу муҳим таърихни ҳам таржима I нчи жилдини тамоm этди. Иккинчи жилди устида машғул эди. 1829 нчи йилда Хоразмда пайдо бўлмиш вабо касалига дучор бўлуб бевақт вафот этди. Бу голмас юракли шоир фақат 51 (ёшлик) ҳаёти давомида “Фирдавс ул иқбол” номли таърих ва бир девон ила туркий “Равзатус сафо”нинг адабиёт оламига мерос қолдирди. Бу кишининг “Мунис Хоразмий” (деб) ҳурмат этадурлар. Шоирнинг девони тошбосмада кейин босдирилмушдур. Шоир мусиқа фанидан ҳам хабардор эди. Шоир классиклардан қандай баҳралангани тўғрисида тубандагича кўрсатадур:

*Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга  
Манзилим маънига Хизрироҳ Жомийдур манга*

*Хотирамга Хисравийдин ҳар замон шўре этиб  
Бандаи даврон бори Ширин каломидур манга.*

*Пир Ансорий сўзидин чашни нутқим топиб  
Сўзда ҳосил шарбати юҳйил-изомийдур манга*

*Ҳофизи Шероз назмидин тараққийлар топиб  
Жилвагаҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манго*

*Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб  
Доим андин атрарвар жон машомидур манго*

*Файс фирдавси гаҳи кўнглум очиб Фирдавсийдин  
Гоҳ Ҳоқоний футуҳининг паёмидур манго*

*Гоҳ таъбим Анварий нури била равшан бўлуб  
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомийдур манго*

*Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъаи  
Ҳосил аҳли ишқнинг шўри тамомийдур манго*

*Қилсо ҳосил даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим  
Ким бу маънида Навоий руҳи хомийдур манго*

*Нухаи таъийда Бедилдин топиб файзи сухан  
Маъни ичра номаи иқбол томийдур манго*

*Тонг эмас Мунис агар бўлса кироми қадрким  
Устои зоҳир у ботин Киромийдур манго*

Мунис ўз замонидаги шоирларнинг аҳволи тўғри-  
сида тубандагича сўзлайдур:

*Ютубон бу замонда қон шуаро  
Назм этар гавҳари фиғон шуаро*

*Дўстлар лутфидин қилур маҳжур  
Баски, бор душмани замон шуаро.*

*Юз хушомад ила гадолиғ этиб  
Топаолмас емакка нон шуаро*

*Давлат асроридин эрур гофил  
Ҳар нечук эрса нуқтадон шуаро*

*Бўлуб ифлосдин зарурат ила  
Ҳиссат\* аҳлига мадҳхон шуаро*

*Шеъри янглиғ кезар маҳофил аро  
Қилғали дарди дил аён шуаро*

*Гуйё рўзғор онасидин  
Туғди кулфатда тавъамон шуаро*

*Дардманду жафокаш элга қилур  
Назм ила дардини баён шуаро*

*Аҳли давлатга бўлса ҳам маддоҳ  
Топмас иқболдин нишон шуаро*

*Ғуссадин ўлгай топмайин бирор кимса  
Шеъридек ёру ҳамзабон шуаро*

*Баски, даврон эрур ҳунар душман  
Кўрадур фазлидин зиён шуаро*

*Мезбонлиғ қилурға йўқ нимаси  
Бўлса Мунисға меҳмон шуаро*

**Мавлоно Муниснинг Навоийга ўхшатма этиб ёзган ашъоридан бири:**

*Истадинг, эй дил кўзин, жонинг керакмасму сенга  
Куфр, зулфин севдинг, имонинг керакмасму сенга*

*Дарду ғам сели била буздунг кўнгул қошонасин  
Эй малоҳат ганжи вайронинг керакмасму санга*

*Тийри ғамзанг муддаий кўнглига зоеъ қилмаким,  
Ул хадафдур хори пайконинг керакмасму санга*

*Сарсари оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез  
Машъали хуршид раҳшонинг керакмасму санга*

*Бизки, беш кун меҳмонмиз, эй фалак, касринг аро  
Инжитурсан бизни меҳмонинг керакмасму санга*

*Эй гул айларсен жафо ҳоринг уруб Мунисға жавр  
Андалаби дилкаш илҳонинг керакмасму санга*

\*\*\*

*Шамшод қоматингга бўлуб банда боғда  
Айлаб топуғ ҳамиша туруб бир аёғда*

*Куйингдин айру ноҳини ғам йиртадур юзинг  
Гулга гарчи бўлди ватан саҳни боғда*

\* Ҳиссат (Мунис, Таъланган асарлар. Т. 1957. с. 18 (ҳасис аҳти) бошқа таҳрирлар ҳам шу китобдан олинди.

*Парвона ўзни ўтға солур ихтиёрсиз  
Гўёки кўрди партави хуснинг чирогда.*

*Сен ўртада қуёшсен, маҳбублар нужум  
Нур айлар иқтибос туриб сўлу соғда.*

*Ҳажрингда бедумоғлиқ этсам насийбким  
Гисуйи мушкборинг иси йўқ димоғда.*

*Ҳаркимниким, кўрармен эрур жустижўйида  
Бу олам ичра бир киши йўқтур фароғда*

*Мажнун бирла Қўҳкан етаолмай ғуборима  
Ҳар неча ким, алар югурар дашту тоғда.*

*Васлинг ҳарими ичра эрурлар оламе, ва лек  
Бир кимча йўқки, бўлмагай андин сўроғда*

*Дарёйи ишқ қабригадур фарқ дур каби  
Мунисни демангизки, қолибдур қирғоқда.*

\* \* \*

*То кокилинг тоғилди юзингга тароғланиб  
Кўнглим эса бўлди камандингга боғланиб.*

*Шод айладинг чу келмак ила хотирим яна  
Ношод қилма борғали ҳар лаҳза чоқланиб.*

*Ёйдур қошинг, мижинг ўқу ғамзанг қилич эрур  
Эй шўх, кимни ўлдурадурчсн яроқланиб?*

*Бир кирмадинг қучоғима лек ўлдурур мени  
Заррин камарга мўйи миёнинг қуроғланиб*

*Кўнглим фироқ даштида то этди телбариб  
Мумкин эмас топилмоғи онинг сўроғланиб.*



*Жисмим қуруқ сўнгак бўлуб андуҳ ила вале  
Ҳажринг ўтиға ёнди ёшим бирла ёғланиб.*

*Соқий, хумор ранжида қолдим оёғдин  
Тут бир оёғки, то чиқайин мен оёғланиб.*

*Мунис борурки қўймис олиб илгига таёк  
Ҳар неча ким қувласа, қопунгдин таёғланиб.*

**39. НИЗОМИЙ** - Бу киши Хўқанд шаҳрини Сармозор номли жойи (шаҳарнинг шимоли-ғарбида) туғулмишдур. Ва Хўқандда нашъу-намо этмиш шоир бўлуб, ўз замонининг олими, шуҳратли кишисидур. Номи Низомиддин хўжа бўлуб Муҳаммад Аминхўжанинг ўғлидур. Эшон Ҳабибулла Балхий, сумма Бухорийнинг набирасининг ўғлидур. Халқ орасинда Эшон-бобо боғдор бобо деб машҳурдир. Қачон туғулгани маълумимиз бўлмади. Эса ҳам Олимхон даврида нашъу намо этгани халқ орасинда турли темаларда сўзлар юрадур. Халифа Сиддиқ Даҳбедийдан зиёратига келгани марвийдур. 1800 нчи йилда ижоди ривожда экани 18 нчи асри мелодийнинг охиридаги шоирлардандур. Низомий Хўқандий деб ҳам юритиладур. Фазлий Намангоний “Мажмуат уш-шуаро” номли тазкирасинда кўрсатмаган. Сарой шоирларидан бўлмаганига сабаб олдинроқ ўтгани бўлса керакдур. Пискандли Низомий Қорахонийнинг Фазлий кўрсатган эди (Олимхон 1810 нчи йилда вафот этган). Олимхон даври шоиридур. Сармозор тарафдаги каттароқ боғлардаги ўрикзорлар ҳаммаси Низомийнинг тарбияси орқасинда вужудга келганидан боғдор деб ҳурмат ила “Боғдор бобом” эл аро машҳурдир. Бу кишининг ахлоқга доир “Мажмуат ул-мақсад” номли бир китоби ила тўла бир девони қолмишдур. набираси Жалолий, қизидан бир набираси “Азим” тахаллуси икки шоирлар булуб, булардан ҳам девонлар

бордур. Қабри шул Сармозор Муҳаммад Боқир қабри-  
стонидадур. Ҷзидан Довудхўжа, Тўрахўжа, Камолид-  
дин хўжа номли ўғиллари қолмишдур.

Бу мухаммас ғазали мавлоно Низомий Хўқандий-  
дандур:

*Бодаи лаълинг тилаб ютти кўнгиш хуноблар  
Зулфинг истаб риштан жонимға тушиди тоблар.*

*Наҳли умримға самуми ҳажр еткурғач хазон  
Бутради боғи ҳаётимдин гулу яфроғлар.*

*Сансизин гулшанда раъноға қачон ким боқмадим  
Ютмайин не ранг қонлар бирла не зардоблар.*

*Йиғла, эй кўзким, ману сандан қилиб қанъи назар  
Қочтилар мардум каби жондин сучук асҳоблар.*

*Пайкарим захмин ялошдурлар талошиб раҳм ила  
Итларинг яъни вафо бобида фард асҳоблар*

*Таънлар тошию носеҳ панди ўлдурди мани  
Бошладилар сарзаниш бу навъ шайху шоблар*

*Дардим андоғким жуз ўлмак дафъиға йўқтур сабаб  
Эй табиб, эт эмди тарки сойири асбоблар.*

*Шарҳи дардингдин Низомий элга тегди кўп малол  
Тезроқ ўл, ё тарк қил тафсили фаслу боблар.*

\*\*\*

*Ҳасратда ғариб ошиқ ўзини ҳароб айлар  
Дарди дили доғ ила кўзини пуроб айлар*

*Ул шўх ситомкорнинг ҳол донасини кўрғач,  
Бул мурғи руҳим тандин учмоққа шитоб айлар.*

Жонимни фидо қилсам, юз оҳ ила дод этсам  
Аччиғланибон дилбар ноз ила итоб айлар

Бошимни қаён урсам дардимни қима айтсам  
Раҳм айламайин ул ёр ҳолимни хароб айлар.

Ҳар лаҳза чиқиб маҳваш гулгуна қабо дар бар  
Мастона кўзи бирлан бағримни қабоб айлар.

Ким бўлса санга ошиқ, эй шўх жафонеша  
Иқбол навард доим бечангу рубоб айлар

Вожгуна мани бахтим йўлиқса баногоҳе  
Ойдек юзини доим дар зери ниқоб айлар

Кет нари дебон дилбар кўксунга агар урса  
Олдиға яқин борған албатта қабоб айлар

Бебоис ўшал дилбар кўлфат чоҳина ташлаб  
Дилхаста Низомийни бежурм азоб айлар.

\*\*\*

Турсам бу саҳар оламо хуш ис сочилибдур  
Билдимки, чаманда гули раъно очилибдур.

Бундай кечада минг йўли бўлса яна қонмас  
Дилхаста Низомийга ажойиб туюлубдур.

---

**40. АМИРИЙ** - Бу киши Ҳўқанд шаҳаридан бўлуб, номи Умарбек бўлуб Шаҳруҳийлардан Нурбўта бийнинг ўғлидур. Мелодий 1787 нчи йилда туғулди. Онанининг номининг Ойим деб аталадур. Шерда тахаллуסי Амирдур. 1810 нчи йилта акаси бўлмиш Олимхоннинг вафотидан сўнгра Фарғона амири бўлуб тахтга

чиқмишдур. 1822 йилда вафот этмиш. Устоз Муҳаммад Яъқубдан тахсили илми ирфон олмиш. Навоийга эрга-шувчи шоирлардан бўлуб, бир девонга эгадур. Бадий томондан расо шоир экани ёзган ашъори обдоридан маълумдур. Бу кишининг хонлиғидан қатъи назар Хўқандли буюк шоир сифатида ҳурмат этамиз. Табиат бу шоир Шоҳруҳийлар сулоласидан ўзбек элининг Минг уруғидан етиштирмишдур. Ўз даврида унинг саройи адабиёт аҳли, илм-маърифат кишилари учун очиқ бўлуб паноҳ топдилар. Ўшал вақт Хўқандга атрофдан ада-биёт аҳллари келабошладилар ва ҳурмат кўрдилар. Ада-бий нашидалари билан сероб этдилар. Маърифат аҳл-лари зиёдалашди. Бунинг амри блан ўшал давр шоир-ларининг кишиларидан Мушриф, Мирзо Қаландар ва Мулла Абдулкарим Фазлийлар томонидан яратилган. “Мажмуат уш-шуоро” китобининг замонамизгача етиб келиши бир мунча классик шоирларимиз (ни) ўрга-нишга муяссар этди. Ҳақиқатан Умархон томонидан яратилган нашидалардан завқланган. Адабиётшунослар газалларига қойил қолмайгина бўлмади. Жумладан Муқимий таҳсин мақомида тубандагича ҳамд этадур:

*Кўруб дидори ҳақ бўлсун мақоминг жаннат ул аъло  
Назокат гул қилур ҳар мисраингдин эй, шаҳи воло  
Бу баҳр ичра садаф янглиғ Муқимийсан дурри якто.*

Муқимий ўзининг садафга ташбеҳ этиб уни қий-матининг дурга ўхшатадур. Бу киши ўз ҳаётида Шахри-хон номли бир шаҳарча бино этди. Яйпан қишлоқига қўшимча этиб Пастки кўруқ номли жойда турар жой-лар - қишлоқ этдирди. Оқар сувлар қозитдирди. Бу ҳар ҳол ўз замонида боғлар бино этдирди. Хотуни Комила хоним ва ўғлига таъсири голиб бўлуб, Нодира, у Хон тахаллуси ила шоиралиқ ва шоирлиқда Умархонга эр-гашиб бадий нашидаи дилпазирлиги ила ўзбек ада-биёти олами(га) дурдоналар кўшуб бойитдилар. Адабий оқим натижасида Муқимий ва Фурқат каби демокра-тик ва маърифатпарварлик оқими маориф, маданият

инсонпарварлик буюк дарёсигача етиб келиб кўшуб кетди. Махмур ва Гулханийларга нисбатан Умархонни халқпарварликда баробар тутаолмаймиз. Амирлик гурури йўқ эди, дейиш мумкин эмас. Махмур ила Гулханий каби бўлаолмаслиги табиийдир. Амирийга қарашимиз ҳам шунга ярашадур. Хўқанли шоирлги нуқтаи назаридан қарадик ва тўғри баҳо бериб ўтдик. Тубандаги газал ва мухаммаслар Амирийнинг нашидаи таъбидандур:

*Қизартиб чехра майдин ошиқи зорингни куйдирма  
Юзингга бодадин ўт солма гулзорингни куйдирма*

*Ёнар ўтга хусумат айласа бўлғайму эй зоҳид  
Муҳаббат аҳлига дам урма дасторингни куйдирма.*

*Эрур саргаштам мақсуди имон ёр гисуйи  
Кириб зоҳид сўзига ушбу зиннорингни куйдирма.*

*Белу оғзи ҳаёлин муғтаним бўлмайсан эй кўнғил,  
Наким, йўқтур анга шукр айла йўқу борингни куйдирма.*

*Ўлумдин ҳам эрур шўрроқ рашк ўти ошиқга  
Боқиб ағёрға бу хаста афкорингни куйдирма.*

*Гулу рухсор савдосида, жоно хор бўлмишман  
Тароват берма бу гулзорға хорингни куйдирма*

*Амир, ошиқлара яъсу муҳаббат ҳам вафодиндур  
Боқиб ҳар дилрабоға рашкдин орингни куйдурма.*

\*\*\*

*Табибо, шарти ўннаб ичарга бермогин йандим  
Лабидин талху ширин сўз эрур доруи гулқандим*

*Агар ишқингни таркин қилмасам хўр этма, эй золим  
Юзингни мусҳафидин эрди бу сўзда савгандим.*

*Кел эй машшота раҳм эт ёр зулфиға тароғ урма  
Эрур жон риштасидин они ҳар ториға пайвандим.*

*Лабидин ком топдим эй Масихо, урмағил дамким  
Мани бир сўз ила тиргузди ул лаъли шакархандим.*

*Оёғинга тўқулган кўз ёшимни поймол этма  
Муҳаббат хонадониди бу тифл эрмиш жигарбандим.*

*Филотун ишқ дарсида менга шогирд эрур, лекин  
Хатингни рамзидин огоҳ эмас табъи хирадмандим.*

*Балодур зулфи пуртоби, Амир андин кўнгул узма  
Ки ҳар ториға бир пайванд эрур пайванд-пайвандим.*

\*\*\*

Амирнинг Навоий ғазалига айтган мухаммаси:

*Бошим ўлсун поймолким, тарки савдо айласа  
Хийра бўлсун кўз жамолингдин табирро айласа  
Жонға ўт тушсинки, ғайрига таманно айласа  
Кўнглум ўртансин агар дигарга парво айласа  
Ҳа кўнгул ҳам ким санинг шавқингни пайдо айласа.*

*Ишқ даштида қуюн янглиғ жунун тамҳид ўлай  
Бу жиҳаттин зарриоти маҳрами хуришд ўлай  
Фирқатингдин неча ким зиндаи жовид ўлай  
Ўзгалар васлин таманно айласам навмид ўлай  
Ҳар киши ҳам ким сени васлинг таманно айласа*

*Сендин ўзга ёр пайдо айласам чиқсун кўзум  
Ғайр дийдорин таманно айласам чиқсун кўзум  
Ғар пари рухсориға во айласам чиқсин кўзум  
Ўзга ҳуснининг тамошо айласам чиқсун кўзум  
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамошо айласам*

*Неча васлинг боғида тўти мисол ўлсун тилим  
Лаъли нобиг шарҳида ширин мақол ўлсун тилим  
Ўзгалар ҳарфини иншо қилса нол ўлсун тилим  
Ғайр зикрин ошкоро қилса лол ўлсун тилим  
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкора айласа*

*Маҳваше ким жилваси барқу сўзи (юзи) бир шуъладур  
Ўт солур лаъли кўнгул ичра сўзи бир шуъладур  
Ишқ оламсўз эрур аммо ўзи бир шуъладур  
Рашиқдин жонимға ҳар наргиз кўзи бир шуъладур  
Боғаро ногоҳ ҳиром ул сарви раъно айласа*

*Рухпарварлиғидин тонг йўқ улукни қилса ҳай  
Сўз чоғи этиш тарашшуҳ қатра-қатра обу-май  
Хусн тобида топилмиш бу назокат бирла шай  
Йўқ оғиздин нуқта айтур маҳвашимдек бўлмағай  
Гар қуёш ҳар заррасидин бир масиҳо айласа.*

*Ғамза бирла дамбадам айлар ҳалоқим муғбача  
Бўлмас-а ороми дил андуҳноқим муғбача  
Доғсози сийнаи юз чоки-чоқим муғбача  
Оқибат жонимға етти эш хушоқим муғбача  
Бир қадаҳ бирла харобат ичра расво бўлмаса*

*Ҳар кишиқим айласа меҳру вафо изҳорини  
Тан губори бирла тарҳ этгай фано деворини  
Бир нафасда айлағай барбод йўқу борини  
Субҳдек ҳардамки, гардун қўймағай осорини  
Токи аҳли сидқ кўнгли таҳвин ифшо айласа*

*Деб Амир аҳлу фусус қайд бўлма нечақим  
Волаи иқдидин умру зайд бўлма неча ким,  
Боқма дунё шоҳидиға қайд бўлма неча ким  
Даҳр шўҳиға Навоий, сайд бўлма неча ким  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

**41. ҚИЁСИЙ** - Бу киши Фарғона шоирларидан бўлуб Наманган шаҳаридан экани англатиладур. Қачон нашъу-намо этгани тўғрисида очиқ маълумот бизга мурассар бўлмаса ҳамки, ҳижрий ила 1240 (1824-25) йилда вафот этмиш Намангонли шоир Зокирий (эшон Шайулислон Намангоний деб маъруф бўлмиш киши). Қиёсийнинг газалининг мухаммас этгани кўрилди. Демак, Қиёсий Зокирийдан олдин ўтгани ё замондошлиги кўринадур. Бундан бошқа маълумотимиз бўлмади. Бу мухаммас Қиёсийнинг нашидаи таъьидандур. Бу қўлэзмада номи Эшон Муҳаммад Амин хўжа деб кўрсатилмишдур.

*Тийра кўнглумни чироғи васл ила равшан қилинг  
Сакратиб бошимни помоли сумутавсан қилинг  
Беибо қоним тўкуб ётган ерим гулшан қилинг  
Жоними сарви равон андоғ олиб маскан қилинг  
Кўкрагим чокин томошо қилғали равзан қилинг*

*Лаззати тиғи шаҳодатдин тотар мардоналар  
Даҳр зулмидин фано даштин кезар фарзоналар  
Ишқ мажлисгоҳида мажруҳ ўлан парвоналар  
Куйи жонон ичра ётган ястаниб девоналар  
Куйдириб бағримни бу жисмим кулин гулхан қилинг.*

*Ғайбдин кўнглим қулоғига етиб андоғ суруш  
Ҳақ тажаллиётидин ваҳдат хумодек урди жўш  
Йўхлашиб мен телбани ҳасрат туни ҳар боданўш  
Келса меҳмонлар мени қоним тўкуб эй майфуруш  
Хуми шақ ичра солиб гулранг мард афкан қилинг*

*Даҳр дунпарварлиғини кўп азоби ваҳмидин  
Алҳазар султони қоҳирни итоби ваҳмидин  
Даҳр бедоди, замона инқилоби ваҳмидин  
Қилмиш ишларни саволини жавоби ваҳмидин  
Эй кўнгул, дашти фано вайронасин маъман қилинг*



Кўрмаган турли балолар кўкни қотидин етар  
Ҳар кими жонига иш шуҳратли отидин етар  
Зулми рангоранг бурунроққим вафотидин етар  
Ибтилолар ким, Қиёсийға ҳаётидин етар  
Эй ажал, раҳм айлабон оворани мадфан қилинг.

\* \* \*

Сунбул осо зулминга то ман гирифтор айланай  
Гоҳ пинҳон жон тасаддуқ, гоҳ изҳор айланай  
Кўрмасин бу дам юзингни эмди ағёр, айланай  
Эй суман юз, қомати тўби масал ёр айланай  
Кўзларинг хумморидин мен хаста бемор айланай

Ёзуғум не эрди солдинг бир йўли кўздин йироқ  
Тиғи ҳижрон зоҳир этди кўксума юз тоза доғ  
Сен бўлуб ағёр базми ичра монанди чироғ  
Мен шабистони фироқ ичра ғам ила то бу чоғ  
Ўлтуруб афғондамен кел эмди, бисёр айланай.

Эътидоли қоматинг ошиқлара нахли мурод  
Гулшани рўйингда лаъли обдоринг обдод  
Шавқи чашимингдин кўзум ёғдурди борони фасод  
Бу вужуди касрати ғам бирла бермай эътимод  
Гарди куйунгда бўлуб парвона кирдор айланай.

Мохрўйингдур фалак айвонида шамъи мунир  
Кўзларинг Баҳром эрур, мужгонларинг илгинда тийр  
Дафтари хускунг учун бордур Аторуд бир дабир  
Сен нечук Зухро насаб даврингда эл қилмиш нафир  
Мен кўруб хусинг матоғни Муштаривор айланай.

Не сабаб, эй маҳваш, ғайр ила май нўш айладинг  
Қош қоқиб аёрға бизни фаромуш айладинг  
Ҳар нечук аҳбобни кўргачда оғуш айладинг  
Мотамийлардек мени ғамдин сиёҳнўш айладинг  
Не гуноҳим бор эди, аҳ чил, мани зор айланай.

*Зор этиб ҳар лаҳза мен бебокни ўлтурмағил  
Дийдаси намнок кўкси чокни ўлтурмағил  
Мубталойи ишқ мушти хокни ўлтурмағил  
Кўнгли холис, эйтиқоди покни ўлтурмағил  
Бермағил бу муфлиси мискинга озор, айланай.*

*Лаҳза сабрим йўқ мени сен ёрдин айланмасам  
Чашми, фаттон юзлари гулнордин айланмасам  
Қомати сарви равон дилдордин айланмасам  
Ҳам назокат бирла хуш рафтордин айланмасам  
Кўй қадам жоним бисоти узра дилдор, айланай.*

*Айладим ҳоли дилим ифшо санга, эй сарвиноз  
Оре, ишқ аҳлиға одат айламак арзу ниёз  
Не учун қаҳру ғазаб ҳаддин кўп ўлди, меҳринг оз  
Тарки зулм эт, тангричун ошиқни айлар сарфароз  
Не муносиб сен каби яхшиға бир кор айланай.*

*Навниҳоли сарвсан бордур малоҳатда гулинг  
Мушку тардур даври рухсорингда тори кокулинг  
Эй гули наврас, бўлуб халқ ичра кўндур булбулинг  
Ким эрур соҳиб назар эл ичра сотилгон қулинг  
Мен Қиёсийға бўлуб ҳар лаҳза ағёр айланай.*

**42. МАЪДАН** - Бу киши Фарғонали шоирлардан бўлуб Сирдарёнинг ўнг қирғоғида бўлмиш Панғоз қасабасидандир. Номи Одина Муҳаммад бўлуб Аваз Муҳаммад ўғлидур. XVIII нчи асрнинг охири XIV нчи асрнинг бошида нашъу намо этмишдур. Фазлий “Мажмуат уш-шуаро”сида бу кишининг тоғли деб кўрсатадур. Бу киши тўғрисида мен “Машъала” номли журналда тафсилоти билан ёзиб кўрсатмиш эдим (1932 нчи йилда)\*. Умархон даврида бўлса ҳам саройда турмаган. Ўзи боғбонлиқ ила турмуш ўтқазган. Хўқандга меваларни эшакка юклаб бозорга келтурар экан. Ўз ижоди бўлмиш газал-

ларини ўзи кўйлаб хониш этар экан. Бошқа тахаллуси “Камина” бўлса ҳам замоннинг аҳли фазиллариининг маслаҳати ила “Маъдан” тахаллуси ихтиёр этмишдур. Туркий ашъорларида Навоийга эргашиб, форсий шеърида Жомийга назира этадур. Қабри Панғоз қасабасида Мазор қабристониди мадфундур. 1815 йилда вафот этгани гумон этиладур.

Тубанда кўрсатилмиш ашъорлар Мавлоно Маъданининг нашидаи таъбидандур:

*Қариған чоғда тушди бошима мажнун алоласи  
Мени эл таън этиб дерлар бўлубсан ишқ шайдоси*

*Сабоға арза тутдум, дуди оҳим ихтилот айлаб  
Ки шояд раҳм айлаб англагай номимни иғвоси.*

*Бу жоним пора-пора шона янглиғ соқ ўлур ҳар дам  
Эшитгач тонг елидин муждаи зулфи мутарроси*

*Таним қонимға булғаб Бестун тоғида ястандим  
Манга кўрсатмадилар жодаи Мажнунни саҳроси*

*Кўнгулға тоза-тоза доғ тўлди сарвқандлардин  
Табиби ишқдин сўзи фикри мафлуҳи модавоси*

*Қарилғда май ичмак, рафъи исёни шабоб этмак  
Жавоз эрмасмукин, эй муфтилар, Маъдани фатвоси.*

\*\*\*

*Гул юзинг кўрсатма, то кўнгул таманноланмасун  
Ҳар нечук кўз партиви ҳускинга шайдоланмасун*

*Боз эй мутриб, наво туз базми шират маътанам  
Бийзасидин сўнг дафу най нола бароланмасун*

*Муъризи ҳолим ҳаробим ёра вергил, эй насим,  
Равнақи ишқи чаман сайрида зеболанмасун.*

*Васл монёв бұлса анжақ бұлма эй кўнгул, малул  
Шоид ул оинасин сиз ғайра гўёланмасин*

*Ғар ниқоб очса юзин эл узра рашк этмиш рақиб  
Ужб эмас хуршид агар тун узра ламъоланмасун.*

*Эрмиш ҳар аҳли жунун мифтоҳи ганжи ишқ ким  
Ҳеч Маҳди бул ҳидоятсиз ҳувойдоланмасун.*

*Баҳру бар шарқинда ҳар бир орифе ким, нуқта санж  
Бўлса Маъдан шеъри мазмуниға тўғроланмасун.*

\*\*\*

*На янглиғ ҳусндор ул ҳусн ким, завқу тамошоси  
Кўнгул шаҳбозини сайд этдию ақл ўлди шайдоси*

*Юзинг кўргач, жунун тумори бўйшимға бўлиб ҳойил  
Даҳи кўнглумға тушди Вомиқу Мажнун тақозаси.*

*Хатинг шерозаси дил мусҳафи узра ёзилмишдур  
Қазо бирлан қадар қилки куюб маҳв ўлди миноси*

*Лабинг иъжозини суббуҳийлар ҳайлиға фош этма  
Мабодо чархдан қувланса Исодек Масиҳоси.*

*Сафойи оразинг мамнуни эҳсон ўлса тонг эрмас  
Симоб узра қуёш субҳ ўлса кўрунмас тажаллоси*

*Чекиб жому тараб кўнглим муроди бирла шод эрдим  
Фалак базмим ҳарифи бўлдию синдирди мийноси*

*Муҳаббат маҳзанида гул бўлуб Маъданга таън этма  
Ки ул парвондек Мажнун, маҳруқи оташдур саропаси*

\*\*\*

Суюнги, эй кўнгул, давр ишратидин дом келтурмиш  
Ғам ўлди мунфаилким, шодлик пайғом келтурмиш

Қуюн янглиғ жунун даштида маҳзун ўлма, эй кўнгул  
Сабо ул гулшани фирдавсдин илҳом келтурмиш.

Зулайҳо имтосолим Мисри давлат узра шоҳ улким,  
Бугун солори бахтим Юсуфи гулфот кетирмиш

Қуёшдек оразидин накҳати субҳи саодат ким  
Кўнгул беҳудлиғин тарк айлагач, ором келтурмуш

Жунун туморидин дафъ ўлди осори маҳри ким  
Насим андом муҳаббат шоҳидин инъом келтурмиш.

Қазо сайёди айлар ҳийлалар воқиф бўл, эй Маъдан  
Сочилмиш доналар мақсуд бирлан дом келтурмиш.

\* \* \*

Сўрарсан ҳолими аввал мени ҳажрингда бемор эт  
Матои дарди завқим ортдириб кўнглим харидор эт

Димоғи нахватим беҳуда савдоларда инжитма  
Қаноат бобида жисмимни анқодек сабукбар эт.

Муҳаббар қилма андӯҳимла даврон ишратин, яъни  
Мани бебокни мажжун мижозига гирифтор эт.

Этарсан, эй сабо, тавфи риёзи гулшани кавнайн  
Таваққуф айлама албатта аҳволимни изҳор эт.

Жунун майхонасига пири хуммори маст махмурам  
Муҳаббат бодасидин, соқие жомимни саршор эт.

Оқорғон кўзларинг Маъдан ҳаводори висол эрмас,  
Қўлунгни корвони Мисра топшур, азми дийдор эт.

Навоийнинг газалига Маъданнинг айтган мухам-  
маси:

Букулган қоматим ҳижрон алинда нотовон эрмиш  
Дахи ошифта кўнглум анжуман тиғида қон эрмиш  
Бу ғайратдин юрагим қон, рангим заъфарон эрмиш  
Манга номехрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш  
Менинг жоним олиб ағёрга оромижон эрмиш.

Ҳаводис тоши сундурди мани жому ағимни  
Қазо овора қилди андалиби наҳли боғимни  
Улус излаб тополмас йўқлуғум истаб сўроғимни  
Тан узра энди фахм этдим ададсиз тоза доғимни  
Ки ул ҳарбир қорорғон доғи ҳижрондин нишон эрмиш.

Кезиб дашти кунун чектим жафоу жавр эмгаклар  
Жудолиғ ўтиға ёндим куйиб кул бўлди сўнгаклар  
Тегиб фирқат ўти сўроҳ-сўроҳ бўлди кўкраклар  
Бузулган кўнглим атрофидаги заҳм ичра новаклар  
Балият қушлари ул захмларда ошён эрмиш

Кўзим ёши оқар тинмай дамодам бўлмайин таскин  
Ниҳоятсиз, ададсиз ҳаддин эрмиш ло алат тағйин  
Манга сабр айла деб сағй этма эй шўҳи жафо ойин  
Рақиблар синдириб кўзаю ман йиқлаб анга, лекин  
Сув келтирган ёмону, кўза сундурган ҳамон эрмиш.

Ўқуб тумори оҳим эл ани афсун соғинмишлар  
Маоширлар нишотимдин ғами афзун соғинмишлар  
Каломим Вомиқу Фарҳод бир мазмун соғинмишлар  
Мани овора кўнглум доғини мажкун соғинмишлар  
Жунун даштида юрган мен каби бехонумон эрмиш.

*Сухан З(т)уғроси эрмиш осмон лавҳига забт этган  
Табиат файзидур кавни макон лавҳига забт этган  
Эрур Маъдан ҳаёлим имтихон лавҳига забт этган  
Навоий назмини кўрдим жаҳон лавҳига забт этган  
Буюрган они олий шоҳи қадри хурдадон эрмиш.*

**43. РАВНАҚ** - Бу киши XVIII аср мелодийда Хўқандда ва Хўжандда нашъу наво этмиш олимлардан бўлуб, Хўжанд шаҳарида қози бўлуб турмушдур. Фазлийнинг кўрсатишича Равнақ ва Ғозий ҳам домулла Шер Акмал Умархон даврида вафот этиб бўлган шоирлардандур. Булар баробарида кексаликда мавлоно Нодир қолмиш экан. Мавлоно Равнақ туркий ва форсий ашъорлар эгаси шоирдур. Девонининг кўп қисми туркийдур. Бу кишининг ўғли бўлиб бу киши ҳам шоирдурлар. 104 “а”с. Шоир Муҳаммад Амин Ғоиз 1250 (1834)нчи ҳижрийда вафот этмиш Хўжандий ила шоир Кашифий Равнақнинг ўғлидурлар.

Бу мухаммаснинг мавлоно Равнақ Навоийнинг “яна” радиғли газалига қилмиш:

*Ёраб, бир ойга ошиқи дидорман яна  
Дардим давоми қайдаки, бедорман яна  
Тунлар ғамида тонғача бедорман яна  
Ҳайхотким биров ғамидин зормен яна  
Фарёдким, балоға гирифтормен яна.*

*Фарҳодким қозар эди тоғ узра хора, санг  
Мендек балоға солмади ани чархи нилранг  
Чок айлабон ёқамни оёқ, бош яланг  
Оғзим қуруб, дамим тутулиб сакрарам нетанг  
Ким телба жонима жилвадорман яна.*

Ким кеча ишқ йўлида жон бирла бошидин  
Ёрур кўзи жамол спехри қуёшидин  
Фориғ эмас дахи ғами ҳижрон сув ошидин  
Ҳар кеча бир қуёш ғамидин, ғусса тошидин  
Бошдан оёғ спехрдек афқорман яна.

Эй дил тааллуқоти замон риштасин узиб  
Кир, рост йўлга фақру фано шевасин тузиб  
Пири муғонға нағмаи мастона кўргузиб  
Сўфийи ақл сўмиёсасин шукрим бузиб  
Дорулқазои ишқда ҳукрон яна.

Равнақ харими куйида гар истасанг макон  
Кечил ҳавойи нафсдин, эй сайри ло макон  
Не бор асар вужудға не ному не нишон  
Ақл илашди, хуш кетди кўнгиш бу(зи)лди, чикди жон  
Шод ўл Навоий ё ки, сабукборман яна.

\* \* \*

Мухаммас Равнақдандур

Жамолинг ҳам мунаввар шуълаи шамсу қамардандур  
Фузунроқ лаъли нобинг лаззати шахду шакардандур  
Халоват бахш оғзинг хуш намо дуржи гуҳардандур  
Юзумда лолагун ашким ки хуноби жигардандур  
На сандадур на бандандур на чархи кинавардандур.

Жунундан токи бўлдим водийи ишқингда озора  
Қилиб атфол тоши жисми урғимни юз пора  
Сочиб гирён кўзим қон ёшларим андоғки озора  
Садоим дафъиға қайдин масиҳо айласа чора  
Бу дарди сархумори нашъаи жоми қадардандур

Кечиб жону жаҳондин ёр учун мардона ошиқман  
Ичиб ваҳдат шаробидин бориб майхона ошиқман  
Дами маҳшаргача билмай ўзим девона ошиқман  
Азал соқийсидин майнўш ўлуб мастона ошиқман  
Бўлалмай то абад фориғ ҳилоли дарди сардандур.



\*\*\*

Ғазали Равнақ

*Эй париваш, оразиндин қай куни олдинг ниқоб  
Чиқди гўё барқ уруб Машириқ саридин офтоб  
Гул юзинг гард ўлмасин деб эй, бути нозик бадан  
Ашки чашимдин сени йўлингга сепгумдур гулоб  
Бир назар қилдинг фалакни саҳфиға ваҳшат билан  
Ой булутдин юзга олди юз хижолатдин ниқоб  
Бир кулиб боқдинг манга ўлмакка етдим оқибат  
Вой бу бечораға қаҳр ила қилсанг юз итоб  
Ончи қилдинг бевафолиқ, ҳаддан ошди зулму жабр  
Дарди доғингдин кўнгилга шарх этибман юз китоб  
Ут туташди пайкаримга эй париваш келмадинг  
Иштиёқнинг ўтида бўлди юрак бағрим кабоб  
Ишқ дарсидин сўрадим нуқтаи фарзонадин  
Бўлмади Равнақ бу сўзумга рисолингдин жавоб.*

\*\*\*

Бу рубоий (тўртлик) ҳам мавлоно Равнақийдан-  
дур:

*Соқиё, паймонаи давраи ғаниматдур бугун  
Дафтари умримда йўқтур ҳеч тасвири лиқо  
Масжиду майхонадан мақсад муяссар бўлмади  
Равнақий девона қилдинг ишқ дарсин ибтидо.*

\*\*\*

Бу ғазал ҳам мавлоно Равнақдандур

*Эй подшоҳи хусн, санга жону дил фидо  
Инъоми беназир берибдур худо санго*

*Биржон нодур йўлингдо сани сарф қилмасам  
Юз жон танамда бўлса қилурман фидо санго*

*Жаллод кўзларинг мани бир лаҳза ўлдируб  
Ширин такаллуминг яна жон айлади ато*

*Қилдим дуо бугун бош уруб остонага  
Эй қодирий карим ўзинг айла истимо*

*Бисёр хосият бу муҳаббат майида бор  
Бўлғай бу майни ичса порсо расо*

*Равнақ бу шавқ шароби сани кўп маст айламиш  
Топди бу майни нашъасидин жони дил сафо.*

\*\*\*

Бу ғазалида тубандагича дейди:

*Эҳтиёжин йўк кишидин баҳри бепаён ўзум  
Равнақий Фарғонаий кўнглимни Сирдарёси бор.*

\*\*\*

Равнақ бир неча шеърида Фарғона сўзини қўллайди. Шул водийнинг боласи эканининг ифода этадур. Хўжандга қози бўлуб бориб унда нашъу намо этиб қолгани ва унда вафот этиб мадфани Хўжанд бўлмиш ва икки ўгли ҳам шоирдурлар.

---

**44. АКМАЛ I** - Бу киши Хўжанд шаҳарининг ғарб томон қишлоқларидан бўлуб шаҳарда илм таҳсил этгач, шаҳарнинг шарқий жанубий томондаги Байтуман номли қишлоқда имом бўлиб турган. Бундан олдин ғарб томондаги Хафалак қишлоғида турганда уйланган. Илми рутбаси ошиб ниҳоят шаҳарга келиб Шохлик мазор маҳаллада имом ва мударрис бўлуб, сўнгра мдраси Мирта дарсгўлик этган. Кексайгач, аъдамлик рутба-

сигача бориб етган олимлардандур. Охундликда ҳам бўлуб Олимхон даврида саройга кириб Умархон даврида вафот этмишдур. Ниҳоят фозил кишидур. Номи домумлла Шердур. Замонамиз фозилларидан мулло Мухторхон Муҳаммадиевнинг айтувларича, ўз таржимаи ҳолидан ўзи ёзиб саргузаштни баён қилмиш. Дафтар девони бўлуб бунда ўғли Мулла Маҳмуд маҳдум Махмур тўғрисида қизиқ воқеалар кўрсатилмишдур. Маҳмуд Муҳаммад Али билан бир мактабда ўқуғонлиги баён этилмиш экан. Лекин кўп шеърлари II Акмалнинг шеърига қўшулиб кетганлиги сўзланадур, масалан:

*Гул чаманда мушти зар хосиятидан сўлмади  
Мол топди ҳар киши кўнгли тирилди ўлмади  
Ёрдин маҳрум эрур, жайбики пулга тўлмади  
Хок барсар мекунад ҳар қаски бе сийму зараст*

Бу эса 15 бандли узун мухаммасдир. Тожик ва туркий қўшма бандли асардурки, жуда эски услубдадур. II Акмалки, Саййид Акмалхонтўрадур.

Акмалхон тўрага нисбат бериш тўғри бўлмаса керакдур. Яъқуббекдек бир кишига куёв бўлуб, Қашқарда қози бўлуб турган, ёш ва ота-боболари давлатли шайхлардан бўлмиш авлиёи корахонилар сулоласига мансуб киши фақирликдан бундайин нолиши ёпишмайдур. Тўғриси шулки, Фазлий Намангонийнинг бу киши тўғрисида тавсиф этган маснавийси 10 байтни ташкил этгани ҳолда “Мажмуот уш шуоро”сида бу кишининг ғазаллари жуда оз кўрсатилмишдур. Кўлимизда бўлмиш бир қўлёма баёзнинг 56 бетиде 16 бандли тожик тилида ёзилмиш мухаммасидан бу ўрунда сўнгги бети (даги) бандидан шуни кўрсатурмуз:

*Сайди ишқам гар зи аслу фаръуман жўйи жавоб  
Шаҳри Хўқанд, таъби равшан, ном Шер Акмал хитоб  
Ҳатм шуд ийн шеъри ман Валлоҳи олам биссаваб*

деб тугатадур. мақсадимиз бу тазкирада ўзбек тилидаги шеърларни кўрсатиш бўлганидан мухаммасни бутун олмадик.

**45. НОДИР** - Бу киши Хўқанд шаҳаридан бўлуб Норбўтабий давридан бошлаб сарой доирасидаги олимлардан китобат хизматидаги ходимлардандур. Муҳаммад Али даврида вафот этмишдур. Умархонга бир китоб ёзиб тақдим этгани сўзланадур. 90 ёшларинда ўлум тўшагинда ҳам ёзган ашъори муножат тарзида ўқиладур. Кичик бир девони бор эмиш. Лекин учратаолмадик. Ашъорлари обдордур. Моҳлар ойим бу кишининг кўп хурмат этиб инъом, эҳсон этиб тургани сўзланадур. Тубандаги ашъори обдорлар Мавлоно Нодир Хўқандийнинг нашидаи таъбидандур.

*Анинг гул оразига жон қуши дор ўлди ўхшайдур  
Кўнгиш зулфини домиға гирифторм ўлди ўхшайдур*

*Неча кун офият гулзори ичра эрди оромим  
Мани расвоий олам айлаган ёр ўлди ўхшайдур*

*Кўруб гулишанда шахло кўзларингни жилва чоғинда  
Хижолат бирла наргис кўзи бемор ўлди ўхшайдур.*

*Тириклик топди очлиқдек висолидин бўлуб маҳрум  
Гудози ҳолатим ҳажр ичра душвор ўлди ўхшайдур*

*Мани эй худ мусулмонлар, фироқу рашк ўлдурди .  
Рақиблар базмига ул шўх майхор ўлди ўхшайдур.*

*Ададсиз жон қуши ҳар ён осилмиш тори зулфига  
Анинг ҳар турраси тасхири тумор ўлди ўхшайдур*

*Уруж этди фалакка баски, Нодир кўнглидин афғон  
Магар ҳижрон ғамидин эмди гуфтор ўлди ўхшайдур*

\*\*\*

*Кўнгилга солган ўт ҳажр ила хуршиди жаҳонимдур  
Чиқарган дуди оҳим қомати сарви равонимдур*

*Чаманда, англама гул ишқида булбул қилур нола  
Саҳар ул гул жабин ҳажри аро қилган фиғонимдур.*

*Демангким, базмимизни ҳар кеча шамъ айлади равшан  
Анинг ишқида ёнган танда мағзи устухонимдур.*

*Такалумдин лаби жисмим уйига бўлса рухафзо  
Масиходек қуёш айвони манга ошёнимдур.*

*Чаман ичра эмас гуллар биёбонлар уза лола  
Анинг ҳижрониди кўздин тўкулган ерга қонимдур.*

*Замона шайхининг афъолидин етган балолардин  
Манга майхона саҳни гўшаси доруламонимдур.*

*Қоронғу англама оламда, Нодир, шони дайжурдин  
Чиқарган дуд ҳар тун чархдин сўзи фиғонимдур.*

\*\*\*

*Топди кўнгил ҳусн аро мужғонидин озорлар  
Тирнади булбул аёғини чаманда хорлар*

*Ишқ асрорини то ўлгунча изҳор айлама  
Бу жаҳон ичра топилмас маҳрами асрорлар.*

*Жисм қайдидин узунг ол ишқ таъмири билан  
Ким йиқилгай бошинга ушбу бузуғ деворлар.*

*Лаълининг кайфиятидин маст беҳудман мудом  
Айласам девоналиғ, мазбур, эй хушёрлар*

Йўқ ажаб гар олса ул кофир улус имонининг  
Осди куфри зулфи бирла бўйнига зуннорлар.

Ҳар тарафдан ишқ аҳлига жунун этди фузун  
Билмадимким, на эрур бўйи бу сўзу корлар

Тушди олам ичра махшар шўри янглиғ рустахез  
Этди нодир элга ҳижрон дардидин гуфторлар.

\* \* \*

Саҳар вақтида кўнгул қушлариға ёр келгайму  
Юзидин бода ранг олган ўшал дилдор келгайму

Муҳаббат розини ағёрлардин айладим махфий  
Ҳаёлим махфилига махрами асрор келгайму

Бузулди жисм қасри кўз ёшим тўфони мавжидин  
Тузарга санъат ичра Нухдек меъмор келгайму.

Фироқ ўтида ғам ҳайли кўнглини айлади торож  
Илождида лабидан бодаи саршор келгайму.

Қизил қон айлади аъзоларимни доғи ҳижрони  
Бошимға сўрғали ҳолимни гулрухсор келгайму.

Кўзимни гарди роҳи сурма янглиғ айлагай равшан  
Самандин уйнатиб, жавлон этиб бир бор келгайму

Бошимға шўриши савдойи ишқи тушти на айларман  
Димоғимға шамими бўйи анбар бор келгайму

Сўзинг бошдан аёқ райхон исидек бўлди то афзо  
Жаҳон мулкига Нодир назмидек гуфтор келгайму.

**46. ФАЗЛИЙ** - Бу киши Наманган шаҳаридан бўлуб XIX аср бошларида нашъу намо этмиш бир сиймодур. Ўз даврида бўлмиш шоирларнинг бизга кўрсатиб беришда буюк хизмати ила машҳурдур. Мирза Қаландар Мушриф ила биргаликда “Мажмуат уи шуоро” номли бир тазкиранинг вужудга чиқардилар. Бунда 100 га яқин шоир ва шоираларнинг қисқача баён ила туркий ва тожик тилида ёзмиш қасида ва ғазалларидин маснавий ила баён ва тавсиф этиб тўғри ва нотўғри баҳо бериб ўтиладур. Хўқандда тургани бироқ саройдаги аристократ шоирларнинг иғволари ила саройдан ҳайдалганлиги тўғрисида Умархонга ялбориб ёзган бир мусаддаси кўрсатиб берадур. Бунда ул ўзини шундай тубан кўрсатиб зорланадурки, шундай фазл камолат эгаси бўлмиш зотни шунчалик тубанликка тушувига албатта ўлум хавфи мажбур этган бўлса керакдур, деган мулоҳаза ўраб оладур. Бунда Фазлий:

*Ор этма фатодаи раҳингдин  
Навмид юборма дарғаҳингдин дебдур.*

Фақат шоир Намангондан Хўқандга Умархон саройига биринчи келишида Ўрда эшигида жуда кўп вақт турадур. Йўгон, чўтирроқ юзли, узун бурунли, серсоқол, қош кифриги ўсган, сўнуқ руҳли, фикр-мулоҳаза ила банд кўринишли, узун пахтали эскироқ чопонга айланма белбоғ ўраган кетаки (яктак) кўйлакли бу кишининг сарой эшигинда айланишига ҳама ҳайрон эди. Мирза Латиф номли жувон билан мулоқотга дуч келиб унинг Фазлийга қилган одобсизлигига биноан Фазлийнинг берган жавоби кулгуга сабаб бўлуб шул ондаёқ саройдагиларга эшитилган эди. Фазлийнинг кўрушга мароқ ҳосил бўладур (Бу ўрунда воқеанинг бош қисмини ёзишни мувофиқ кўрмадик). Хон кўрушни хавас этади. Бу вақт Фазлийнинг топиб бўлмайти. Бир неча соатдан сўнгра Фазлий ўзининг ахтарилгани тўғрисидаги хабарни эшитиб кўрқуб бўлса ҳам саройга келадур. Маҳрамлар бирга олиб кирганда хон шахнишиндан

тушуб истибро кесак ушлаб турган ҳолда экан. Ушал жойда Фазлийнинг хонга тақдим этадурлар. Хон эса кулуб, сиз шоирмисиз? - деб сўрайдур ва мани мана шул кўрунишимга бир назм ила фикрингизни билдирингчи, деб буюрадур. Фазлий эса ўзига бу хилда илтифотнинг ножўялигидан хафаланадур. Хўқандга ва бу ерга келганига ўкинадур. Аҳволи мутағайир бўладур. Чуқур бир нафас оладур. Сиймосинда афсус белгуси кўргузган ҳолда хонга хитобан бу байтни ўқийди:

*Шоҳсан, инсонсан ики кўзинг сояндадур  
Хатна қилган боладек икки қўлинг хояндадур - дейди.*

Хон шошилиб ўзини йиғиштириб таҳоратга ўтурмасданоқ навозиш кўрсатиб меҳмонхонага таклиф этадур. Таъсир остида юзида ҳижолат ила таҳорат эта бошлайди. Хўқандда оиласи тургани, латифагўй киши экани фозиллар, шоирлар ила суҳбати тўғрисида Хўқандда ва Намангонда эл оғзида жуда кўп латифалар сўзланар эди. Ҳеч ким сўзда мот этаолмас эканлар. Бир кун бир ошноси Фазлий чакса сўк (яъни кўноқнинг тозалангани) ҳадя этиб этагига солиб берган. Фазлий этагида олиб борар экан, бир бола Фазлийдан сўраган: этагингиздаги нимадур? - деб Фазлий эса, - сўк бола, сўк, сўк, - деган. Бола эса, бурнингга фалон этай, деган. Фазлий ҳадянинг моҳиятига тушунган. Ўзини ўзи ҳақорат этдирганлигига кулган. Фазлий одати бўйича шоирларни зиёрат этар эди. Ёз фаслида шаҳарнинг шарқи жануби томонда ўзини об-ҳавоси ва мевали боғу боғчалари, қора сувлари ила машҳур маҳаллада бўлган шоира Маҳзунага меҳмон бўладур. Ташқаридаги суфада полос солинган, чой-нон ичкаридан чиқариладур. Фазлий шоира билан тубандаги мушоирани бошлайдилар. Мушоиранинг эса “Маҳзуна” фаслида кўрсатадурмиз.

Фазлийнинг номи Мулло Абдулкаримдур. Намангонда Фазлиев деган савдо ташкилотларида хизмат этувчи бир абираси бор экани тўғрисида маълумот берилиб эди. “Мажмуат уш шуоро”да ибн Фазлий ҳам “Банда-



зод” тазалуси шеър сўзловчи бир ўгли кўрсатилган эди. Қачон вафот этгани кўрулмади. Ҳар ҳолда Мавлоно Фазлий ўзбек классик шоирлари қаторинда нашидан дилпазиралари билан ҳам етук шоирдир. Айрим (де-вони) бор бўлса керак. Тубандаги ашъори обдори нуқтасанжлар бу кишининг наънидаи таъбидандур:

*Кўнгул доғин дедим ишқ ибтилосиндин нишондур бу  
Кўзим айдики, мендин сачраган бир қатра қондур бу*

*Танимда кўр ўқинг захмини кўп қилма таажжубким  
Эрур ул дард тоғи ғам қушига ошёндуру бу*

*Қадалган новакингни чекма кўксум захмидин адлай  
Нединким, нотовон жисмим аро рухи равондур бу.*

*Хужуми хат ғуборин лаълидин сўрдим, кулиб айтди:  
Бадахшон мулкига келган хитойли карвондир бу*

*Дедим: зулфинг ва юздин оразингда печтоб айлар  
Деди: ўт шуъласида изтироб этган илондур бу.*

*Ғамингда бу сариғ рухсор ила андоғ заиф ўлдум  
Гумон айлар мани кўрган киши бир пурсамондур бу*

*Дегай аҳбоблариға ўқуғон лавҳи мазоримни  
Шаҳиди новаки бир дилбари абру камондур бу.*

*Агар ғам лашкаридин бўлса мақсудинг омон топмоқ  
Ҳаробат ичра манзил айлаким, доруламондур бу.*

*Фурур этма насиб пийроясига ҳосил эт маъно  
На суд андин дегойларким фалон ибни фалондур бу*

*Хирад аҳли жунун куйида аҳволимни кўрганда  
Дегайлар ошиқи девонаи ҳусни чунондур бу.*

*Таарруз айлама, эй муддачй фазли каломига  
Радифи барғазал шўҳи Умар соҳиб имондур бу.*

Шароби ноб ичарман орзу айлаб дудоғингни  
Лабингдин ком олурмен, лек топмасман сүроғингни

Самандинг лаълига, жоно, юзум суртарга йўқ ҳаддим  
На толеғдур узангу кўзга жо қилмиш аёғингни.

Асир ўлган кўнгишлар кўп эрур машшота, моҳир бўл,  
Тарарда ёр зулфин чекма бепарво тироғингни.

Дедим, ҳажрингда, жоно, ташнакому хушк лабдурман  
Деди, ҳанжар чекиб, бу сув била нам қил тамоғингни

Чу очтинг пийраҳан боғини кўксинг норини кўрсат  
Тамошо айлагунча олма деб беркитма боғингни

Маломат ўқлариға гар десанг бўлмай нишон Фазлий  
Очиб кўксингни ҳар бедардга кўрсатма доғингни.

Амирнинг ғазалига Фазлийнинг мухаммаси

Бугун махмурмен, соқий, мани май бирла саршор эт  
Мурувват кўргузиб занжири зулфингга гирифтор эт  
Асир ўлсун десанг сўз бирла лаълингни шакарбар эт  
Лабингдин ком олурда чини зулфингни намудор эт  
Қадах тут маст қил андин кейин таклифи зуннор эт.

Кириб майхонага хумморлиқ истармен, эй соқий  
Ки сендин бир нафас дилдорлиқ истармен, эй соқий  
Хирад ташвишидин безорлиғ истармен, эй соқий  
Санга беҳудлиқ ила ёрлиғ истармен, эй соқий  
Қадах тутғил манга ул бодани афъюн ила ёр эт.

Йиқилдим бир қадаҳ бода на бир паймонада бўлдим  
Хуморим заъфидин ранжур эдим кошонада бўлдим  
Гумон этма манг мажнун каби вайронада бўлдим  
Ичиб дурди майи пири муғон майхонада бўлдим  
Таним туфроқ бирла дайр таъмирига девор эт.

Муҳаббат нашъасидур бенаволик бирла ҳайронлик  
На хушдур бўлса ишқ асрориға кўнгилда пинхонлик  
Чу бўлди ошкоро эмди суд этмас пушаймонлик  
Кўнгил, овора бўлким, монеъи васл ўлди нодонлик  
Санга ким айди агёр олдиди ишқингни изхор эт.

Қадинг сарви равондур ноз ила сайри гулистон қил  
Этиб шамшодни помол қаддингни хиромон қил.  
Гаҳи рухсор очиб гулшанда гоҳ лаълингни хандон қил  
Юзингни рашкидин гул хотири жамъин паришон қил  
Лабингни ҳасратидин ғунчаларнинг кўнглини тор эт.

Саодатдур агар ишқ ичра беному нишон ўлсам  
Муҳаббат куйида оворау бехонумон ўлсам  
Дамодам ёр куйи сори ашқимдек равон ўлсам  
Тилар кўнглимки ошиқликда расвои жаҳон ўлсам.  
Ул ойни ҳусниға ё раб мани бундин батар зор эт.

Эрур хуришид рухсори малоҳат ҳуснининг моҳи  
Етишмас домани васлингга Фазлий дасти кутоҳи  
Тамошойи жамолинг барча ишқ аҳлини дилгоҳи  
Ёмон кўз тегмасин ҳуснингга эй маҳбублар шоҳи  
Амир ашъоридин бу руқъани буйнунгга тумор эт.

\*\*\*

Оҳким, сарви сиҳи қомат санга зор ўлмишам  
Ҳаста жону нотавон зору дилафкор ўлмишам  
Куйи ғам вайронаси, мажнунни бозор ўлмишам  
Халқ аро ишқи жунун савдоҳида хор ўлмишам  
Нақди жон бирла висолингга харидор ўлмишам.

Ноз ила, эй сарви хушрафтор ўлдурдинг мани  
Эй гул андоми суман рухсор ўлдурдинг мани  
Бевафолиқ зоҳир айлаб зор ўлдурдинг мани  
Кимга бориб дод этай, эй ёр ўлдурдинг мани  
Сан каби бераҳм қотилга гирифтор ўлмишам.

Оҳ, эй сан сангдил, бераҳм, эй бедодгар  
Қилмади ҳаргиз санга фарёду афғоним асар  
Тиғи бедодингдин ўлдум айла қонимдин ҳазар  
Мубталоман бўлмағил ҳоли дилимдин беҳабар  
Раҳм қилким, дарди ишқинг бирла бемор ўлмишам.

Хўбрўйлар шаҳриёрисен парилар сарвари  
Сарв шамшоду санобар нахл қаддинг чокари  
Офтоби хавори авжи малоҳат аҳтари  
Кўзларинг мардумлари хони мулк ғоратгари  
Ман асири ғамзаи ул икки хунхор ўлмишам.

Офтоби оламородур юзинг шармандаси  
Юсуфи Канъон малоҳатда жамолинг бандаси  
Сарви жаннат қадди дилжўйингни сарафкандаси  
Кўзларимни қилди гирён лаъл нобинг хандаси  
Ҳасратингда абри найсондек гуҳарбор ўлмишам.

Нозу истиғноли сендек бир дилоро кўрмадим  
Гул юзинг янглиғ жаҳон боғида раъно кўрмадим  
Сан каби даврон аро бир шўх зебо кўрмадим  
Дарди рухсорингда зулфингдек муаммо кўрмадим  
Нуқтаи ҳолинг ҳаёли ичра нуркор ўлмишам.

Ҳар кишида бир ғараз бор ҳар кўнгулда бир ҳаёл  
Ман сани ҳуснингга ҳайрон ва кўнғил ошифта ҳол  
Бу муҳаммас ичрадур мақсудим, эй ваҳший ғизол  
Нуқтадонсан рўйи ҳар бир байтдин бир ҳарф ол  
Хўбрўйлар васфида Фазлий тоза гуфтор ўлмишам.

**47. НОЛА I** - Бу киши асли Ўра тефали бўлуб тахаллуси Ноладур. Бу вилоятнинг киборларидан эди. Ўра тефа ва атрофи беклиги битирилиб Фарғона хонлигига тобёъ этилганда бу кишининг бутун оиласи ила сургун этилиб Фарғонага келтирилди. У вақтда янгигина бино этилмиш Шаҳрихонга юборилди. Бу қасабага имом бўлуб фақру заруратда яшамоқда эди. Болалари орасинда икки нафар қизлари бўлуб ҳусну малоҳатда ўз замонининг фариди экани маълум бўлди. Бу қизларнинг шухрати Хўқандга етиб келиб Умархон қулоғига эшитилгач, хон одам юбориб ўзига сўради. Бошда Ғоziхон тўра буларни ўз ерида нишонлиси бордур, ваъдага хилоф этиб хонга беролмайман деб истиғнода бўлди ва узр айтиб рад этади эса ҳам охирда катта қизининг хонга никоҳ ўқушга мажбур бўлди. Хон қизи висолига марҳам бўлгач, Саййид Ғоziхон тўранинг Рошидонга қози этиб юборди ва кундан кунга обрўъ эътибори ортиб сарой шоирлари орасинда ўрун олди. Рошидонда боғ, ҳовли-жой бино этиб 1261/1845 нчи ҳижрийда Рошидон қасабасида вафот этди. Рошидонли домулла Боқийнинг айтувларича, Рошидоннинг гарби-шимолий томонида ҳовли жойи боғлари бўлган эмишдур. Қабри Рошидондадур. “Маъмуат уш шуаро”да ғазал ва қасидалари бўлса ҳам бу мухаммас кўрулмаган эди. Бир қўлёзма баёздан кўчирдим.

Амирнинг ғазалига Ноланинг мухаммаси

*Етибсен дарди ҳижрон иштидодидин ўлар ҳола  
Таҳаммул айлагил мен телбадек ой ҳуснингга вола  
Бўлубсен гарчи ҳасрат тиғидин паргола-паргола  
Ҳаёли ёр этармен, эй кўнгил сен қилма кўп нола  
Ўзинг инсофа келким васл аро ҳоҷатму дамола.*

*Ўзингни бир нафас махмурлиқ бирла овут соқий  
Замони мастлиқ кайфиятин лутф эт укут соқий  
Қизарди оразинг май тобидин бир дам совут соқий  
Мижозингга магар чарм келди манга тут соқий  
Лабинг яққути узра чиқти габҳар ўхшатуб ҳоли.*

Каломинг жон берурга моҳир ўлди йиғладим тинмай  
Кўзинг қатлим этарга коҳир ўлди йиғладим тинмай  
Рухингдин айру зулфинг моҳир ўлди йиғладим тинмай  
Юзинг даврида хатинг зохир ўлди йиғладим тинмай  
Ёгин ёғмоқ муқаррар бўлса гар ой даврида ҳоли.

Ўзимни халқдин куйинг аро беркитмайин ҳар дам  
Гўҳардек тишларинг бедодидин оғритмайин ҳар дам  
Гулистони жамоли завқиму бартинмайин ҳар дам  
Баҳори оразингни шавқимудур тинмайин ҳар дам  
Симоби дийдалардин қатра-қатра ёғдирур жола

Ҳаёли бўлди муҳлик захри ҳижрон ичра тарёким  
Неча жаҳд айласам ул нуқтаға тинмас чу идроким  
Кўнгишларни сувайдосимудур ул шўх бебоким  
Қоро ҳолингмудур ё лаъл гулфоминг уза токим  
Чибин кўнмишмудур шаҳд истаюб шакар тилаёли

Нечук маҳбун кўнгишнинг хилватидин завқ ёдинким  
Сўйа соғинур жон бирла сақлармиш саводинким  
На янглиғ ким, кетурмиш мушк исини бил Хитодин ким  
Эшитди, ҳол ороз васфини боди сабодинким  
Қизарди рашқдин доғ ўлди, тоғ ўлди гулу лола

Тушуб бошимға таша қуллиғидин давлати савдо  
Хумонинг сояи болидин айлар нола истиғно  
Тунукун чиқмамиш килким манинг ҳукм аснадин гўё  
Амир ул хат билан рухсори васфин айладин ишио  
Бу сўз овоза бўлди Румдин то мулки Бенгола.

\*\*\*

Бу ғазал Ноланинг нашидаи таъбидандур:

Даҳрдин мен чекмаган андуҳу меҳнат қолдиму  
Бошим узра ёрмаған гардундин офат қолдиму.

*Гарчи чекдим базми васлинг ичра ишрат соғари  
Ҳажрдин мен ютмаган хуноби ҳасрат қолдим.*

*Бўлди то кўнглим санинг султони ишқинг кишвари  
Шукрим, мен сурмаган оламда давлат қолдим*

*Боға кирдинг ул қаду юз бирла то сайр этгали  
Сарв бирлан гулға осори тароват қолдим.*

*Васл айёми кўзимдин оқди қон ёш онча ким  
Кўз очиб юзига боқмоқлиқға фурсат қолдим.*

*Мунча бепарво чиқиб оламға солдинг рустахез  
Хуснинг айёмида ойинлар саломат қолдим.*

*Беҳабар зоҳид ўзингдин неча тоат қилғасен  
Бўлмаган торожи ишқи дину тиллот қолдим.*

*Ёд этибдур Нолани лутф айлаб итлар ҳайлидин  
Ёди чирмашган кўнгилда эмди ҳасрат қолдим.*

---

**48. ШАРИФИЙ** - Бу киши XIX аср бошларида Фарғона водийсининг оби ҳавоси ила ва тарихи қадимлиги ила машҳур қасабаси бўлмиш Косондан бўлуб номи Муҳаммад Аминдур. Хусни хатда ўз замонининг хаттотларидан эканидан девон саройи котиблари қаторида хизмат этиб Хўқанд шаҳарида нашъу намо этмишдур. Мавлоно Фазлий ўзининг “Мажмуат уш шуаро”сида бир неча ерда бу кишининг ғазалларини дарх этмишдур. Бу шоирнинг вафоти тўғрисида хабар берилмайду. Айрим девонидан ҳам маълумот ололмадик.

Бу мухаммас шоир Шарифийнинг нашида таъбидандур:

*Мужарраб шоми зулфинг лайлатул қадр эрди побўси  
Хито мушкини бағрин айлади қон ҳоли ҳиндуси  
Улус тиргузмага лаълини назми ичра доруси  
Этар юз сотури саргашта кўзин сеҳр жодуси  
Жунун аҳли аёғига салосил тори гисуси.*

*Ики зулфинг ҳаёли ичра жуз оҳи саҳар топмам  
Билиб маҳбубидин жон ихтиёридин хабар топмам  
Даҳонинг нуқтаси рамзида кўнглидин асар топмам  
Тишинг ёдини тўкмакка сиришкимдин гуҳар топмам  
Садаф раиш ила баҳр ичра қўлидин кетди номуси.*

*Ҳама ушшоқ элини қисматин кўзини ёш этди  
Жафоу жавр қилмоқға сани кўнглингени тош этди  
Азал наққоши ҳуснинг сувратин оламга фош этди  
Фалак рухсорингни тарқатмақа ҳарён қуёш этди  
Қўли титраб ер узра тушдию синди тарозуси.*

*Закоти ҳуснунга муҳтожлар умедвор эрди  
Кўнглини андалиби гул очилгандек баҳор эрди  
Жигар қони билан ошиқни кўнгли лолазор эрди  
Муҳаббат даштида жоним ҳамиша беқарор эрди  
Агар бўлмас висолинг ўлдирур зор ила қайғуси.*

*Анинг ҳар бир сўзи ушшоқ элига яхшидур жондин  
Раёҳин сабзаи хаттинг исидин кетди дармондин  
Лабинг кайфиятидин Хизр кечди оби ҳойвондин  
Кўруб зухд аҳли зебо оразингни ўтди иймондин  
Аларга саждагоҳ бўлди эгилган тоқи обрўси.*

*Давоми ҳуснунга ҳардлам қизил гулдек жило ортар  
Боқиб кўнгул қуши кўнглига булбулдек наво ортар  
Муҳаббат куйида дердим манга меҳру вафо ортар  
На бўлди анга кундин кунга юз жавру жафо ортар  
Танимдин кетмагай ушбу аламнинг заҳр оғуси.*



*Этар ҳар банд ўз номи ҳуруфини ниҳон кўнглум  
Парилар жилвасини шишадек берди нишон кўнглум  
Муҳаббат наҳли шоҳи ўзра тутди ошён кўнглум  
Шарифийга бу ишқ аҳволини этди аён кўнглум  
Ҳижил Жамшидни жомию Искандарни ۱. ўзгуси.*

\*\*\*

*Эй, Ирам паризоди, кир бу дам ҳаёл ичра  
Жон қуши наво чексун гулшани висол ичра*

*Этса гар қуёш жилва йўқ асар кавокибдин  
Музмаҳил этар тўти тушди қийло қол ичра*

*Гулшан ичра ноз айлаб сурди ул таковарни  
Барча гул таҳайюрдин қолди поймол ичра.*

*Боғоро томошо деб қоматин хиром этди  
Сарвни бели синди қолди ўт ниҳол ичра*

*Орази уза қошин ой кўриб ҳижолатдин  
Ўзни айлади пинҳон гўшаи хилол ичра.*

---

**49. ГУЛҲАНИЙ** - Бу киши Ҳўқанд шаҳарида Сарботур маҳаллада туғулиб, шунда тарбияланиб ўсмиш аскарый бир ходим бўлуб, номи Муҳаммад Шарифдур. Отаси тожиклардан бўлуб, онаси ўзбекдур. Худойкули баҳодир номли саркарда Қоратегинли сипоҳнинг жамоасига мансуб экани сўзланадур. Отаси ёшлигида вафот этмиш. Худойкули баҳодирнинг тарбиясида ўқуб аскарый мулозим сифатида юруб шул баҳодирнинг орқасида саройга хизмат ила кириб қолгани ҳолда баҳодирнинг вафотидан кейин сарой аристократ саркардалар суруб қўймушлардур. Гарчи Абулқосим оталиқ на-

зардан ташламаса ҳамки бирор юқорироқ аскарӣ (хизматга) киритабилмамиш. Содда ва юмшоқ кўнгилли экани аскарӣ саркардалиги бир-бирига тўғри келмаган икки ахлоқдур. Ниҳоят, ёрдамчи бўлмаганлиги кўтарилишига боис бўлсада бу заҳирӣдур. Ҳар ҳолда бу хизмат охиригача аъдом бўлди. Адабий машғулот Муҳаммад Шарифда ғолиб экани кўринадур. Ҳазал, муҳаммасларигина эмас, унинг ёзган “Зарбул масал” номли китоби ўлмас бир асар бўлиб қолди. Жуда усталик ила феодализм даврининг адолатсизлиги тўғрисида қиссанинг қушлар тилида мароқли лағифалар ила баён этади). Саройдаги Афсус, Маъюс ва Адо каби аристократ тўралар Мадан, Ҳозийларга ўрун бермай хон атрофини ўраганлар албатта оддий юзбошилиқ мансабига ҳам боролмаган кишининг ўз атрофларида кўрармидилар. Гулханий гўлаҳда турган, деган сўз тўғри эмасдур. Авторларнинг гулханий деган таҳаллусга нисбат этиб берган гумонларидир. Намангонда турган деган, ундан туғилганининг кўрсатмайди. Магар аскарӣ ходимлик сифати ила Худойқул баҳодир ила бориб тургани эҳтимолдур. Махмурга кўкнори, банги деб баҳо берган Фазлий |Гулзаний тўғрисидаги Гулханийнинг кўтариб эмас тўғриси эишига ҳам сарой саркардаларидан кўрққан эҳтимолдур. Ҳар ҳолда “Зарбул масал” китоби ўшал даврдаги муҳим танқидий бир асарлиги билан бирга масалларга намунавий бир изоҳ бўлуб, Гулханийнинг ижодидаги қарашини кўрсатувчи ҳамда ундаги ўзбек фольклорининг қиймати ва авторнинг фольклорга бойлигининг очиқ кўрсатувчи тарихий қийматга эга бир нодир асардир.

Кўп адабиётшунос Ҳўқандли кекса фозиллардан эшитувимизча, Мулла Муҳаммад Шариф мадраса тугатган киши ҳам бўлмаган ва соқолига оқ тушмаган ҳолда гарибона бир тарзда вафот этган. Тахминий 55 ёш бўлган деб эшитганлар. Масалан, Мулла Сулаймонқул домулла Рожийдан бир суҳбатда Гулханийнинг вафоти сўралганда, билмаганларини ишора этиб эшитганим йўқ, деб эдилар. Шу ҳолда бошқа бир киши 70 га борган киши

бўлса керак деганда (Мирзоҳид Оқилий савол берган эди) домудла бир хат ила овора бўлганлари ҳолда бош кўтариб, йўқ, ўрта ёшда бўлганининг эшитиб эдик, деб кўяқолдилар. Бошқа бир киши 50 га борган эканда, деганда бошлари ила ишора этиб, яна бош кўтариб 55 ларда бўлса керак, деб эди.

Боқий домудла бир киши (Ҳошим Раззоқга) Умархон Гулханийнинг бориб дарёга ташлаган, деб эканлар. Бу хабарни ўз оғизларидан эшитмадим. Эҳтимолдур. Тарихда йўқ. Тарихда шоир Мулла Эрназар домудлани бирга қўшуб Ражаб қушбеги деган бир тожик аскарари саркардаги Тўра Кўрғонга ҳоким этиб юбориб Сирдарёга борганда ўлдириб дарё(га) ташлаб юборгани кўринадур. Магар шунда Гулханий ҳам бўлиши мумкин, аниқ эмасдур. Гулханий агар Ражаб қушбегининг аскарларидан бўлуб турганида бунчалиқ ўз аҳволидан зорланиб бозарда даллолик этадиган даражада бўлмаган бўлар эди. Муҳаммад Али даврида Гулханий кўринмайдур. Ҳар ҳолда Гулханий Махмурдан олдин ўтган деб айтсақда, Махмурнинг фикридаги шоир бўлуб от суяр от бозорида бўлар экан. Даллол бўлубми? Бошқа иш биланми, очик маълум эмас.

Тубандаги ашғор Гулханийнинг нашидан таъбидандур:

*Кўнгул озурдадур дунёга арзи эҳтиёж этмаз  
Тариқат солики майли бу йўлда издивож этмаз.*

*Дили вайронадин жоно таваққу қилма дўғингни  
Бузулган мулкдин албатта ким, султон хирож этмаз.*

*Этакни тутгали кўнгулмда андоғ тебрамак гўё  
Тутуб набзим табиби шаҳр идроки миҷоз этмас*

*Зиҳи ишқингда дарди доғи ҳижронинг матовимдур  
Қароқчи айламас тарож онингки, кимса боғ этмаз.*

*Асири қоматинг гар соядек туфроға ястанмиш  
Гадои дарғаҳинг ҳам орзуи тахту тож этмаз.*

*Сан ўз динингни тут зоҳид, мани кўп йўлдин оздурма  
Бу суврат шамъ ундурдинг зиёсини ривож этмаз.*

*Қаю бемора лаълидин шифо бермиш Масиҳ осо  
Надин ул шўх англаб, Гулханий, дардинг илож этамиз.*

\*\*\*

*Етмади мажнунга мен кўрган балолардан бири  
Ҳажр водийси аро чеккан жафолардин бири*

*Раҳм этиб ҳолимни сўрмаслар нечук бедодлуқ  
Сиймбарлардин бири, гулгун қаболардин бири*

*Тошга изҳор айлади Фарҳод Ширин дардини  
Ишқ ойинида улдур беҳаёллардин бири*

*Қошу кўзу ҳолу зулфи бирла улфат тутма кўп  
Қилмасун расвосини юзи қаролардин бири.*

*Санга эй Мажнун жунун илмида таслим айлайин  
Сен рисолардин бири, мен норасолардин бири.*

*Гулханий тинмай дуо қилғил шаҳи волони сен  
Нечаким, ул подшоҳдур сен гадолардин бири.*

\*\*\*

*Лола кўксидек бағрим таҳбатак қоро қонлар  
Ҳажр ибтилосидур, найлай, эй мусулмонлар*

*Ғамза ўқидин ҳар ён бош чиқардилар ҳар ён  
Жисми нотовонимдин даста-даста пайконлар.*

*Бир дам айла мардумлиқ дийдам ичра манзил қи  
Дурру лаъл сочсинлар мақдамингга мужгонлар.*

*Ваъдалар қилиб эрдинг шод этай сени ғамдин  
Ушбу ғамда жон бердим қани аҳду паймонлар*

*Сен нечук паридурсен топмадим сўроғингни  
Қирмишам қуюн англиғ водийу биёбонлар.*

*Гулханийни қон тортди азми куйи ёр этди  
Қатл этарга мужгонлар чекти тиғи урёнлар.*

\*\*\*

*Терламиш май тобидин гулбарғи рухсорин кўрунг  
Роҳзанидин бўлди тори зулфи зиннорин кўрунг*

*Белу оғзидин нишон гар биз сариму десалар  
Айларам инкор иқрор этмасам дэрин кўрунг*

*Уз маконининг тилар ҳар гоҳ қафасдин қочса қуш  
Эйки, иста, сиз кўнгилини зулфи ҳар торин кўрунг*

*Ғамзаси жоним олиб, новаклари бағрим тилар  
Золими бераҳм озор узра озорин кўрунг*

*Соқиё, ҳажр илкидин хуноби ютди Гулханий  
Ғайр ила базм ичра онию жоми саршорин кўрунг.*

\*\*\*

Гулханийнинг “Зарбул масал” номли асаридан ҳик-  
матли рубоийлардан намуналар:

*Ҳар кимки сс фар қилса писандийда бўлур  
Хуришид каби зиё ҳар дилда бўлур  
Оламда нимарса йўқ сувдин тотлиғ  
Ғар бир ерда мақом этса агар ганда бўлур.*

\*\*\*

*Ҳар кимни одати нечук бўлғай  
Беиродат зухур этар андин  
Тошдин ниш айарми ул ақраб  
Гарчи мундоқ демак ажаб сандин*

\*\*\*

*Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз  
Ани сўз демагил, эй мажлис афруз.*

Гулханий ўз давридаги баъзиларнинг ҳажв этмиш-  
дурки, андин баъзилари:

*Ўзин гоҳ мулло олур, гоҳи тақи  
Ниёзча оғалиғи хуш аҳмақи*

*Ҳама ишқа ялғон сўзи дастгир  
Сўзин сарф этиб қорнин айлайди сер.*

*Олур гоҳ мулло, ўзин гоҳ амин  
Вале билмаган суҳбати хонабин.*

*Биравнинг уйига бориб дерлар ҳой  
Чилим сол, буюртир палов, Малабой.*

*Бобожону Ашур чўлоқ, Али бари  
Ҳўқанд шаҳрида аҳмақи нодири.*

*Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди  
Бу икки шаҳар ичра кўп фаж эди.*

**50. МАҲФИЙ** - Бу киши асли дарёи Амунинг ўрта оқими чап соҳили Тахористонли бўлуб Кундуз шаҳаридандур. Ўзи ўзбеклардан бўлуб, кўзлари тугаси аъмо бўлган. Ёшлигидан Бухорога келтирилиб қироат илмининг таълим (қилиб) ва ҳофизи қуръон бўлуб шуҳрат топганидан Қорийи Кундузий деб юритилган. Сўнгра арабий тилнинг сарфу наҳвидин ҳам таълим олиб шариат илми, тафсири ҳадис таҳсил олмишдур. Умархон даврида Хўқандга келиб Қаландархона маҳалласида маскан тутуб қироати қуръон ила тажвиддан талабаларга дарс бермишдур. Бухорода тожик шоирларидан намунавий тожик тили ва шеърлар ўқутган ва тақлид этиш орқасинда тожик тилида бир неча шеърлари бордур. Хўқандда нашъу намо этиб шунда вафот этмишдур. Қори Кундузий деб маъруфлиги сабабли аниқ исми маълум бўлмай қолмиш. Вафоти тарихининг билалмадик. Шаҳарнинг машҳур қориларидан Мулла Ниёз Муҳаммад Қори Муҳаммаджон совутдўз (темир занжирдан ясалган ҳарбий кийим)нинг ўғли ила Худоёр саройининг имоми бўлиб турмуш Домулла Ҳасан қори машҳур Қори Кундузийнинг шогирдларидандур. Фазлий Намангоний “Мажмуот уш шуаро”сида Қори Кундузий тўғрисида тубандаги назм ила таърифлайди:

*Кўнгул нуридин Қорийи Кундузий  
Баробар анга кечау кундузий*

*Тили қулфи асрор очарға калид  
Замирида равшан каломи мажид*

*Дили пок макру тазвирдин  
Хабардор фиксу тафсирдин.*

*Ушалким, эрур чашм дил во анга  
Кераклик эмиш чашми бийно анга*

*Аҳдис мазмунидин бу хабар  
Яна шеър қонунидин бохабар*

Маҳаллий амир, хонлардан бири отга миниб, жома бериб, йўлга арқон бойлаб қўйдирган. Кўзи очиқ чавандоздай от чопиб келиб суръат аро тўхтамай арқонни қўли билан кўтариб ўтиб кетган эмиш. Фарзанди бўлмаган, қабри Шайхон қабристонидадур. Бухороли Муҳаммад Зоҳирхўжа лақаби Ўзбек хўжа, таҳаллуси Зарир, яъни кўр деган шоир ҳам худди туғма аъмо бўлуб, илм-файзда Маҳфийга ўхшаш бўлмишдур.

Бу газал Қорийи Кундузийдандур: Номи Султон Муҳаммаддур (жой очиқ қолдирилган, шеър келтирилмаган).

**51. КАЛТАТОЙИ** - Бу кишининг номи Зокир хўжа бўлуб, асли Андижонга тобей Избоскан номли жойдандур. Хўқанд шаҳарининг шарқида шаҳардан беш километр жойда Эшон қишлоқ номли жойда истиқомат этиб турмиш ва нашъу намо этмишдур. Айтувларича, имом ва мударрислик ила машғул бўлуб кўринишида кичик гавдали, қопқора баданли, бужмак, кичик юзли кўрумсиз киши бўлганидан эл орасида “Чинқорча эшон” деб маъруф экан. Умархоннинг аркида (ҳозирги Фурқат номли шаҳар боғининг ўрнида) бир маросим ижро этилиб ҳар томондан фозиллар, адиб ва шоирлар тўпланиб Маликуш шуоро Султон хўжа эшон Адонинг тахти раёсатида адабий мажлис бўлуб шоирлар ўз шеърларининг ўқуб, таҳсинга лойиқ бўлганлар мукофотланганлар. Мартабасига қараб л. бослар кийгизилган. Зиёфатдан сўнгра кечроқ қайтганлардан баъзилари қишлоқ кўчасидан ўтаркан масжид эшигида ўлтурган шоир билан саломлашгач, ўзларига ифтихор мақомида мақтаниб воқеанинг баён ва берилган тўннинг кўрсатганлар. Илм ва файзда булардан кам бўлмаган, фақат фақирлиқ, кўрумсиқлиқ натижасида қаторда бўлмагани туфайли маъюслиқга дуч келиб эртаси куни Хон номига тубандаги ашъори пур маънойи дилпазирнинг ёзиб бир киши орқали юборган. Бу ашъори пур мазмуни-



нинг ўқуб кўруб хурсанд бўлган (хон) чақиртиб навозишлар этиб хурсанд этган. Ва ҳар қачон шундай шеърлар мажлисида ҳозир этодурган бўлган. Хон унга “Айи Калта тойим” деб навозиш этадурган бўлган. Шунга бинозан шул қишлоқнинг номи “Калта той” деб аталиб, тахаллус ҳам шул бўлган. Шул ном ҳануз давом этадур. Ленинград район (Ҳозир Уч кўприк. А.Қ.) Ёв жамоасига тобеъ Калта той қишлоқ. Шунда шоирнинг мозори ҳам бордур. Асли Избоскан номли ноҳиядандур.

*Манам бир гўшаи ишқингда ётган рўдапойингман  
Эшикдан урсангу қувсангда кетмас бир гадойингман*

*Ёмонлардин ёмону бадномолардин баднамойингман  
Аё, эй шўх бепарвойи ошуби жаҳон, дил санг*

*Мунингдек сассиз ўлмоқ табакай кўзларга олам танг  
Агарчи ошиқинг беҳад вале инсоф агар қилсанг*

*Баридин ҳам валекин хастаю хору адойингман  
Нетай бўлмай рақибу рўсияҳлардин паришон ҳол*

*Куюб рашк ўтиға хокистар айлаб қилдилар помол  
Кўнгилда ган кўп айтурға кўрунганда бўлуб гунг-лол*

*Лаванду ландаҳуру соддау ношуд анойингман  
Самонни кўрмадим, умримда кўк беда егоним йўқ*

*Ўзим ҳаддим билиб эгамга ем бергин дегоним йўқ  
Аёқимда агарчи тақа, бўйнимда жугоним йўқ*

*Ўзуб нухтамни ҳаргиз ҳар томонга ирғиганим йўқ  
Демасман арғумоқу тўпжоқу бодпойингман*

*Баҳар нолойиқи бир беқуюшқон калта тойингман  
Халойиқ билмайин чинқорча дер, чин қарчиғойингман.*

**52. ОҒАҲИЙ** - Бу киши Хоразм шоир ва муарих олим шоирларидан бўлуб, номи Муҳаммад Ризодур. Хива шаҳаридан бўлуб машхур Мунис Хоразмийнинг жиянидур. Хивада ўқуб, шунда нашғу намо этди. Бошда мироблиқ хизматида эди. Хиванинг хони бўлмиш Амир Оллоқули ўз саройида девонбегилик вазифасига кўйди. Фармонлар ёзувчи ва таҳрир этувчи бош котиблик этар эди. Адабий машғулот Огаҳийга тоғаси бўлмиш мавлоно Мунисдан мерос эди. Бул вақтларда ул нашидаи дилпазири ила шуҳратланмиш эди. Бул вақт мелодий ила 1838 нчи йил эдики, Оллоқули томонидан мавлоно Муниснинг бошлаган асари “Фирдавс ул иқбол”ни давом эттиришни буюрилди. Огаҳий II жилднинг ўз кўзи билан кўрган воқеаларни ёза бошлади. Муҳаммад Раҳимхон II нинг даврида ҳам бўлуб, бу жилдда Огаҳий таҳрири ила 1872 нчи йилга қадарли бўлуб ўтмиш воқеалар дарс этилмишдур. Хоразм тарихи устида Огаҳийнинг хизмати зиёда бўлуб муҳим бир тарих ёдгор қолдирди. Бу ила баробар тожик тилидан ўзбек тилига “Шоҳ ва гадо” номли дostonнинг таржима ила назм этдики, бу унинг баддий буюк қобилиятга эга эканининг исбот этадурган далилдир.

Мавлоно Огаҳийнинг ашғори обдори замонамизгача эл оғзида куйланиб мақом ила тингланиб келадурган. “Таъвиз ул ошиқийн” номли девони бордур. Бу газал Огаҳийнинг нашидаи таъвизандур:

*Боғи жаҳонга хуштурур гулшани айш хонаси  
Роҳати жисму жон эрур базми тараб нишонаси*

*Базм эли сабрни олур рақса жонларин солур  
Мутриби хуш навосининг шавқфизо таронаси.*

*Жоми жомийни шарбати жон каби мушқбардур  
Соғари зарнигар аро соф майи муғонаси*

*Қасди юз очиб айламак эли асири доми ишқ  
Зулфи сиеҳи урмаги шўхларнинг баҳояси*

Ишқ эли жону кўнглининг сўзу гудоз шарҳининг  
Равшан этарга тил эрур шамғалари забонаси

Базм муяссар ўлса гар ҳарж қилурға оз эрур  
Бир кечанинг нишотиға ер юзининг хазинаси

Даҳр тарабгоҳи баса дилкашу хўбдур, Огаҳий  
Ҳайфки, йўқтурур онинг ишрати жовдонаси.

\*\*\*

Огаҳий қариган ҳолда узоқ кунда очликға бардош  
беролмай рўзадан нолиши будур:

Рўза айлаб мани баса дилтанг  
Бошим оғир сёғим этди ланг

Қочириб кўзларимдин кун-кун нур  
Учириб дамбадам юзимдан ранг

Бузибон ҳайбати сиёҳимни  
Тоб берди танимга ўйлаки, чанг.

Расми ноаҳлик қилиб зоҳир  
Пешаи ишратимга урди санг.

Айш базми майи хумори ила  
Тилим алканг, қулогим этди гаранг.

Чошибон ақлим, ўлмишам майқут  
Маҳв ўлуб фаҳму донишу фарҳанг.

Қўтара олмагум қабоғимни  
Кишидекки, ҳамиша чеккай банг

Не баданда мажол этарга шитоб  
Не кўнгилда ҳаёл этарга даранг

Энди, эй дўстлар умид этманг  
Мендин осору ҳушу ному нанг.

Эмас эрди бурунги ранжим оз  
Қилмиш устига рўза ҳам оҳанг

- Огаҳий, билма рўзадин ҳаргиз  
Қарилиғ ҳам қилибдур танг.

\* \* \*

Кел, эй соқий, карам ким қилди жисмим нотовон рўза  
Хумори жоми майдин айлади бағримни ҳон рўза

Кўзум нурун, белимни қувватин қўймай олиб воҳким  
Ситам тийгин чекибдур эмди айлай қасди жон рўза.

Тузубдур қасдима ранжу машаққат лашкарин саф-саф  
Мадад майҳобидин етмай анга ҳормай омон рўза

Қадим ким, ўқ каби туз эрди чекмай бир андуҳи  
Ҳам эмди ғам юки остида андоғким, камон рўза.

Мани май партавидин ёруғ оламга чиқармишким  
Хумор ичра қоронғу қилди бошимга жаҳон рўза.

Бўлубман телбаға жоми сабуҳи ичгали монё  
Олибдур ақлу ҳушим қўймайин ному нишон рўза.

Табиат тунд эрур, хотир паришон, фикр ҳам вайрон  
Мани одам қаторидин чиқарди бегумон рўза.

Неча кундурки, бир маҳваши мани лутфи хуморимдин  
Кетурди бошим узра шўриши охир замон рўза

Ҳамул ҳусн аҳли шоҳи илтифоти камшиғидандур  
Ки мундоғ Огаҳийга кўп қилур жаврийн аён рўза.

Бугун, эй дўстлар олам ҳароб ўлганга йиғларман  
Ки яъни дарду доғим беҳисоб ўлганга йиғларман.

Бориб аҳбоб бир-бир мен қолиб бир гўшада ялғиз  
Ишим махбус қушдек изтироб ўлганга йиғларман.

Боқиб атрофима бир ҳамдам (ўлғудек) киши топмай  
Тахассур ўтиға бағрим қабоб ўлганга йиғларман.

Ётиб бир гўшада танҳо ботиб ғам ичра сар то но  
Малолат ашқидин чашмим пуроб ўлганга йиғларман

Кўруб ҳолим жабинида малолу кулфат, осорим  
Қилиб нафрат иш элга иштиноб ўлганга йиғларман.

Толмуғдек тез кулбам ичра кўрган шум шаклимни  
Улусдин қочғали мендан иштоб ўлганга йиғларман.

Қарилиғ заъфи ва бекаслиғим дарду балосидин  
Ишим чекмак кеча кундуз азоб ўлганга йиғларман.

Бу водийда бўлиб дарё талаб бир қатро суе топмай  
Насибим оқибат муҳлик сароб ўлганга йиғларман

Утуб авқоти умрим фикри фосид бирла сар то сар  
Ҳануз ул ишки, манда иркитоб ўлганга йиғларман.

Сўз ичра Огаҳий булбулдек аайлаб хуш наволиғлар  
Мақоним чўғздек доим хароб ўлганга йиғларман.

---

**53. НОДИРА** - Бу хотун шоира асли Андижон шаҳридан бўлиб номи Комиладур. Шоҳрухийлар сулоласидин Раҳмонқули бийнинг қизидир. Абдурраҳимбекнинг ўғли Шодибек Андижонда ҳоким бўлиб турганида

унда уйланган. Хотинидан бўлмиш авлодидур. Олимхон давридан олдин Норбўтабек вақтидан шул авлод Андижон ҳоқими бўлиб келгани, ёки Андижон қирғиз бийларидан олинишида Шоди бий вафот этгани Раҳмонкулибек эса Шодибекнинг набираси экани Хўқанд фозил ва тарихчилари оғзидан нақл этилиб келинадур. Лекин Ҳақимхон тўра “Мунтахаб ут таворих” номли асариди Шодибекнинг унда вафот этганининг ёзсада бу нақлларни исбот этарлик бир нарса кўрунмайдур. Фақат бир-икки ҳол шуни исботга далолат этадур.

Биринчидан - Нодира бир ғазалида ўзининг Шоҳруҳий сулоласидан эканининг тубандагича кўрсатадур:

*Саёдат хонадони шоҳи Бобур насли покиман  
Худоё, раҳмат айла жумла аждоди изомимни.*

Хотин киши бир эркаги учун авлоди изом сўзини келтириб тилаш Нодирадек олимага зўр мантиқсизлик бўлур эди. Албатта бир тарихий асосга мабний бу журъатни айтаолгандир. Умарбекни бу қизга алоқаси, буни ўзича сўраш, акаси Олимхон мақбул этиб восита бўлуши ҳам наслий бир қарибликни кўрсатадур. Ҳақимхон тўранинг Нодира тўғрисида тарихий воқеалар тефасида Нодиранинг оддий сўз билан мақбуллаб сўзлаган сўзи учрамайди. Чунки Муҳаммад Али 14 ёшли бола бўлуб унга регент тариқасида Комила хоним иш бошқарар эди. Ҳақимхон тўранинг отаси Шайхулисломлик мансабидан туширилиб шаҳардан чиқиб кетишига этилган таклифнинг Комила хонимнинг роли ила қирғизлардан Юсуф мингбоши ижро этди.

(Нодиранинг) Бобур наслидан келмиш шоира Зебуннисога ўхшаш бадий кучга эга экани ҳам эътибордан соқий эмасдур. Бўлмаса, эридан хотунига шоиралик кўчадурган нарса эмасдур. (Тарих бўлимимизда кўпроқ тўхтаган эдик). Шунинг билан Нодиранинг бир анталогияда Умархон Комилага 1806 нчи йилда уйланди деб кўрсатадур. Моҳлар ойим деган титул бўлуб, ўрдадаги ҳарам хотунларни ҳурмат ила атайдурган исмдур. Маса-

лан Минг ойим, Қазоқ ойим, Ҳоким ойим каби (Нодира) шаҳарда мадраса бино этдирди. “Даҳмаи шохон”-ни муносиб ҳолда тазмин этдирди. Яхши шоир ва шоираларга яхши мукофотлар берур эрди. Олимлардан Охунд девонга мирзой заррин қалам унвони берди. (У) Ҳусни хат, иншога моҳир киши эди. Олгун ластали қалам билан сийлади. Унинг хоннинг онаси эканидан қатъий назар Фарғонали бир шоира эканидан ҳурмат этамиз. Бунга этган ҳурматимиз ва яна Маҳзуна, Увайсийларга ҳамдур. Тарихимиздаги номдор шоираларимиз деб тақдим этмак вазифамиз. Шундай шоира Бухоро амири қонхўр, золим Насрулло томонидан 1840 нчи йилда шаҳид этилди. Буни муфассал суратда Ҳўқанд тарихида баён этдик. Тубандаги нашидалар Нодиранинг девонидандур.

*Эй хушо иншо аро оби ҳаёти ҳукамо  
Ким ани ҳар киши нўш этса бўлур хизрнамо.*

*Ҳукамо ишқ маризиға буюрмиш майи ноб  
Ҳажр дардиға демишлар бу муфарриҳни даво.*

*Бодадин айлама парҳез дамодам қадаҳ ич  
Келди мазмум муҳаббат йўлиға зухди риё.*

*Бўлди гул мавсимю майкадалар жонибидин  
Муждаи айшу тараб еткурадур боди сабо*

*Эй хуш, ул риндию ошоми сияҳмаст мудом  
Жоми май илқидау олдида саҳбу мино*

*Гусса паймонасидин хуни дил ошом айлар  
Бодадин ҳар кишиким айлар эса истиғно*

*Зоҳида, гар десанг ишқ аҳлига расво бўлмай  
Демагил майкада авбошига кўп чун, чаро*

*Бода муштоқиға тутғил қадаҳинг, эй соқий  
Йўқса Жамшидға ҳам айламади жом вафо.*

*Нодира жоми муҳаббатни дамодам ичибон  
Мастлиғ бирла қилай ишқ неъмозини адо.*

Фигонким, гардиши даврон айирди шоҳсуворимдин  
Ғамим кўп, эй кўнгли ким беҳабарсен ҳоли зоримдин.

Ғуборим ишқ водийсинда барбод бўлди андоғким  
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришим, заъфарондур чехраи зардим  
Мени ким кўрса фаҳм этмас ҳазон бирла баҳоримдин.

Бузулди рўзгорим хонаи айшим хароб ўлди  
На роҳатлар кўрунгай бу бузулган рўзгоримдин

Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини  
Берурман жон сабо ногоҳ хабар еткурса ёримдин.

Диёрим аҳли мендек ёрдин бегона бўлмишлар  
Ки ман ҳам ёрсиз озурда бўлмишман диёримдин.

Ғаҳи йиртиб ёқам гоҳ чок этиб ҳардам фиғон этдим  
Налар ўтди бу оқшом Нодира жони фиғоримдин.

\* \* \*

Рафиқо, ҳар дам менга дўстлиқ расмини изҳор эт  
Ки ман бордим ўзимдин ёр агар келса хабардор эт.

Қачон ишқ аҳлини ўлдирмоғини ихтиёр этсанг  
Жафо тиғи билан аввал менинг кўнглимни афгор эт.

Ҳақорат бирла, эй соқий, боқар майхона ихлиға  
Сунуб бир жому май зоҳидни анда нақши девор эт.

Менинг ҳолимға йиғлар дашту саҳроларда ваҳшийлар  
Агар куйиға борсанг, эй сабо, ёримға изҳор эт.



Эрур пири мугондин бу башорат тургил, эй соқий,  
Лаболаб жом ила зоҳидни даввосини бекор эт.

Қадинг равно ниҳоли сарвдур, жоно хиром айлаб,  
Чаман гулгаситида товусга таълими рафтор эт.

Юмулмас кўзларим, эй моҳи тобон иштиёқингда  
Чиқиб ер остидин муштоқларга арзи дидор эт.

Зулайҳо муштарийдур ганжи гавҳар бирла васлингга  
Жаҳон аҳлини Юсуфдек жамолинга харидор эт.

Гули савсан очилди, бенаволиқ қилма, эй булбул  
Чаманда Нодира ашъори бирла нолау зор эт.

\*\*\*

Ҳижрон ғамидин ташна лабу ҳуни жигарман  
Соқий, карам айлаб манга тут соғару саҳбо

Кўзгу каби ҳайоонларинга арзи жамол эт  
Дидоринг учун Нодирадур волау шайдо.

\*\*\*

Ёрдин қолди чаман сарсабзу хандон ўлмасун  
Гул узорисиз жаҳон боғи гулистон ўлмасун

Фунчалар гулшан аро очилмасун ул ёрсиз  
Фунча янглиғ то манинг кўнглум доғи қон ўлмасун.

Гўзал ёримга эй боди сабо еткур саломимни  
Ким элтар сандин ўзга ёр куйига паёмимни

Кўнгул дардини қийлу қолига тақрор эмас ҳоҷат  
Таҳайюр бирла равшан айла мазмуни каломимни

*Кўнгила комини ширин истадим жоми висолидин  
Фигонким, чарх ҳижрон захридин талх этди комимни.*

*Қоронғу бўлди олам дуди оҳимни саводидин  
Ки фарқ этмас мунажжжим рўзи равшан бирла шомимни*

*Вафо шаҳбозидурман гар мани сайд этмоқ истарсан  
Муҳаббат риштасидин қилғасен зинҳор домимни.*

*Фалакдин гар шикоят ошкор этмас тонг эрмаским  
Фами ҳижрона табдил айлади айши мудомимни*

*Карам қилдинг сабо ул ёр куйидин хабар бердинг  
Гули райҳон исидин бениёз этдинг машомимни*

*Муриди ишқ оламсўзман ушшоқ базмида  
Навоний нолаи найдек баланд этди мақомимни*

*Адам иқлимида шоҳи мусофирдур, худовандо  
Манга еткур саломат шаҳриёри некномимни*

*Чаманда гул тамошо айлабон сарви равон кўрсам  
Қилурмен ёди султони Сикандар эҳтимомимни*

*Қоронғудур кўзумга ҳажр шоми тийрадур айшим  
Фалак туфроға пинҳон айлади моҳи тамомимни*

*Ғараз ҳимматларимдин ёр васли иқтизосидур  
Тилармен, васлини ё раб, зиёд эт эҳтимомимни*

*Саёдат хонадони шоҳи Бобур насли покимен  
Худое раҳмат айла жумла аждоди изомимни*

*Жавоби шоҳ байти Нодира, ул нодири даврон  
Тегиб санги ажал сундурди мийно бирла жомилчи.*

Эри бўлмиш Умархон суҳбат асносида Нодирага  
митобан бу фардин демиш:

*Нечаким, аҳли хирад аҳли жунундин ори бор?*

Бунга жавоб Нодира:

*Чунки бу урён, аларнинг жуббаю достори бор*

демишдур.

\* \* \*

Бир кеча уйку асносида хон Нодирага хитобан то-  
жик тили ила “Кечадан қанча ўтди?”

*Аз шабчи қадар гузашта бошад?*

деб уйку аралаш ҳолида сўраган.  
Бунга жавобан Нодира:

Зулфам ба камар расида бошад

деган. Савол фардини бадий киноялар ила байтга айландирган. Яъни, “сочим камарга теккан бўлса” лутфи ширин билан ярим кеча бўлганининг киноя билан англаганки, бу сўз уйуни адабиётда муҳим чиқишлардан бўлуб фрўзада юқори босқичда турадур. Зулф қора бўлганидан кечага ташбеҳ этилиб ва камар эса ўрни таннинг ўртасида бўлушидан яримга ташбиҳ этилгандур. Нодиранинг фожиали вафоти тўғрисида тарих бўлуми-мизда баён этганмиз. Даҳман Норбўтахонда мадфундур.

---

**54. МАҲЗУНА** - Бу хотун Ҳўқанд шаҳарида Қа-  
тагон даҳасида шаҳарнинг шарқи жанубий томонида  
Мулла Бошмон номли маҳалладан бўлуб маҳалла мас-  
жидининг имоми оиласида дунёга келмишдур. Отаси  
шул масжиднинг имоми Мулла Бошмон Охунддир. Бог-

боқчалари, оқар қора сувлари, об-ҳаво латофати, қора туфроғи, мўл мевали дарахтлари ила танилган шул маҳаллада нашъу намо этиб камбағал бир хонадонда тарбия топиб ўсмишдур. Маҳалланинг Шимолида шоир Мирзо Қаландар Мушриф китобдор ва унинг ўғли Мирзо Айюб китобдор “Беҳжат”, жануб томонда Худойқули баҳодир маҳаллада - Фалча сой машхур Муҳаммад Шариф Гулханий ҳакамлари яқинроқ шоирлар бўлмишлар. Маҳзунанинг номи ҳанузгача маълум бўлмаётир. Бутун савод ила умуми тарбиянинг отасидан ўрганмишдур. Диний руҳда тарбиялангани ҳолда ашъорларида Ҳожа Аҳмад Яссавийга эмас, Алишер Навоийга эргашмиш шоирадир. Адабий соҳада Навоий, Жомийлардан бахраланмиш экани кўринадур.

Мулло Фазлийнинг айтувича шоира ўзига муносиб келмаган бир нодон кишига турмушга чиққани, ўзининг бу тўғрида бахтсизлиги ва дилхун экани билан мушоира англагани “Мажмуот уш шуоро”да кўрсатиладур. Фақир оиласидан экани, хусну малоҳатда ўртача эканидан сарой доирасида кўрунмайдур.

Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Солеҳ Охунд девон Муҳаммад Али (Кўқон хони 1822-1842) ёш чоғида девон саройда бўлгани Мулла Бошмон билан ёндош маҳаллада эканидан, Нодира эса Охунд девонга Мирзойи заррин қалам унвони бергани, бу фозил ҳусни хат иншога моҳир зотга ҳурмат эътибори шунчалик бўлгани ҳолда шул жойдаги бир шоиранинг эшитмай, кўрмай қолмагандур.

Маҳзунанинг бир девони бор экани кўрган кишидан эшитилди. Лекин бу сатрларни ёзилиш олдида кўрушга муяссар бўлганимиз йўқдур.

XIX асрнинг бошларида ўтмиш шоиранинг даврига онд диний қисанқлиқни эътиборга олган бир руҳоний имомнинг қизи учун бир бегона эркак бўлмиш Фазлий билан мушоира этишнинг ўзи ҳам (Агарчи во сита билан бўлса ҳам) зўр журъатдур.

Фазлий “Мажмуот уш шуоро”сида Нодира тўғрисида бирор оғиз сўз йўқдур. Фазлийга Нодира номаълум

эмасдур. Ташқарида шоир Адо, Маънос, Афсус, Нола, Вазир, Нақиб ва бошқалар бориди, ичкарида Нодира, Вайсий, Маҳзуналар бўлганлар. Фақат Маҳзуна саройга йўналмаганигина, Вайсийнинг эса Умархон даврида эътибори бўлмай оддий хизматчи хотун сифатида қаралгани Фазлийга булар тўғрисида ёзишга мусомда этилгани онглашиладур. Девон топулса, ул давр яна равшанроқ кўрунган бўлар эди. Вафоти тўғрисида маълумот ҳануз очиқ тарих йўқ. Шоиранинг арабий ва тожик тилидан хабардор экани ашъоридан кўринадур. Унинг шеърлари равон, хушоҳанг, сифатлашлари ўрунлидур.

Мавлоно Фазлий шоиранинг шеърларига тубандигича баҳо бериб қадрлайди: Гарчи ул заифа бўлса ҳам нутқининг мазмундорлиги жиҳатидан эркаклардан устундур, дейди. Шоиранинг Фазлий билан мушоираси ажойиб бўлуб фазлу камолатидан хабар берадур. Албатта бу мушоира хат воситаси билан бўлгани маълумдур.

**Фазлий:**

*Юз офарин сўзинга лубо лубоб кўрмай  
Арзи жамол этарму оина об кўрмай*

**Маҳзуна:**

*Кимдан чиқар бу сўзлар бағрим кабоб кўрмай  
Ганж ўлмагай муяссар ҳолин хароб кўрмай.*

**Фазлий:**

*Мастураи суҳанга нўшидалиқ муносиб  
Маъни арусини бас ман бениқоб кўрмай*

**Маҳзуна:**

*Йўқ айб сўзларимда гар бўлмаса муаббад  
Андоғки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.*

**Фазлий:**

*Майдин лабинг ҳадиси маст этди ғоибона  
Кайфият ўлди зоҳир жому шароб кўрмай.*

**Маҳзуна:**

*Бир вааж буки, табым хом асрамиш замона  
Чарҳинг спехридин ул ҳеч печтоб кўрмай*

**Фазлий:**

*Бундоққи нуқтадонсан ким эрур устодинг  
Ой касби нур қилмас то офтоб кўрмай.*

**Маҳзуна:**

*Кўп наҳрлар йиғилса дарёи пурдур ўлгай  
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.*

**Фазлий:**

*Бир нуқта айла зоҳир Фазлийни кўйма маҳзун  
То кетмагай Намангон сендин жавоб кўрмай*

**Маҳзуна:**

*Байтул хазан ичинда узлат тутуб бу Маҳзун  
Фазли илоҳидур бу йўқса китоб кўрмай.*

\*\*\*

Фазлий маснавийсида Маҳзуна тўғрисида тожик тилида таърифлаб:

*Яке фозили доште духтаре  
Хўжаста лиқо моҳ, нек ахтаре*

**Таржимаси:**

*Бир фозилнинг товус кўринишли  
Ой сингари ёруғ юзли бир қизи бор эди.*

*Ба маъни чу Зebуннисо, Нодира  
Ба Хўқанд машҳура ва шоира*

Таржимаси: Маънода Зebуннисога ўхшаш Нодира эди (Ҳиндистонли шоҳ Оламгирнинг қизи бўлмиш Зebуннисога ташбиҳ этадур) Хўқандда машҳур шоира эди. Охири бор бўлса ҳам шунинг билан иктифо этдик.

Шоиранинг лутфомез нуқраларидан эл оғзида кўп учрайди. Жумладан будур Фазлий айтадур: Унинг чуқур нуқтали сўзларининг кўнглим истар бориб ёзишар эдим. Дейди: Бир кун ҳовлисига боргач, меҳмондан сўраган: Бобо сизга қандай таом қилиб берай, кўнглингиз қандай таом истайдур? - деганда, Фазлий - Сан бўсан бе сало (?) меҳаҳам, деган. Бу жумла эса одобга тўғри эмасдур. Чунки у пўшани (бўсани бўлса керак - А.Қ.) хоҳлар эдим деган бўлуб чиқаду. "Санбўса" сўзидин "беса" сўзини ёки "сан" сўзини чиқариб олсак "бўса" бўлиб қоладур. "Сан" эса ном бўлуб, санбўсага аралаштирадиган бир гиёҳ баргидур. "Бесан" бўлуб киноя ила ўпмоқ исташдур.

Бунга жавобан тубандаги фард ила бундай деган:

*Дар мутаббахи модар талаб кунид*

Бу лутф мантиқли бўлуб тўғри ўқилса, "Ошхонамдан талаб қилинг". Агар "мо" "дар"га ёнишмай қўйилган бўлса, тўғри бўлур эди. Йўқ, ҳозирги ёзилишидурки "модар" сувратидур. Шунда қаттиқ жавоб бўлурки,

*Онангни ошхонасидан сўра, бўлур*

Демак юқоридаги фард-мисра ҳам кабиҳ, ҳам малиҳдур.

Шўх табиатли Фазлий яна бир турмуш тўғрисидаги шикоятига жавобни жуда одобсизлик ила берганида шоира ранжиб Фазлий (билан) ҳеч алоқа этмай кўяқолгани тўғрисида баён этадур:

Маҳзунанинг тожик тилида ёзмиш бир ғазали ҳам бордур. Тубандаги муҳаммасда очиқдан очиқ бир мирзойя ошиқ бўлмишам дейдур. Бу эса шулдур:

*Дўстлар бир ҳусни бе ҳам тойя ошиқ бўлмишам  
Хур пайкар бир малак сиймоёя ошиқ бўлмишам*

*Нутқи ширин лаъли руҳ афзоёя ошиқ бўлмишам  
Ғамзаси қотил қўзи шоҳлоёя ошиқ бўлмишам.  
Хусн элини шоҳи бир мирзоёя ошиқ бўлмишам.*

*Кўрган эрмас уйла бир маҳвашини чашими рўзгор  
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман насрин узор  
Ноз ойишу тағофия пеша, истиғно шиор*

*Илтифот этмас агар юз жон топиб этсам нисор  
Бир ситамгар шўх бепароёя ошиқ бўлмишам.*

*Оразин очғач қуёш анворини айлар адам  
Жон ғизолиға берур ваҳший кўзи тағлими рам  
Лабларининг олдида қанду асалдур мисли сам  
Зулфу қадду оразидин мунфаил Боғи Ирам  
Кишвари ҳусн ичра бир яктойа ошиқ бўлмишам.*

*Қошлари бир бирга пайванд икки мушкини ҳилол  
Кўзлари юз марғзорига ики ваҳший ғизол  
Қомати боғи мурод ичра янги етган ниҳол  
Оллоҳ, Оллоҳ ким кўрубдур бу латофатли жамол  
Ҳусн аро бир мисли нопайдоёя ошиқ бўлмишам.*

*Ушбу ҳайрат бирла кўрган наҳли қадди жилавагар  
Бовар этмас гар улус борса шаҳодат деб башар  
Орази андоғ мусаффоқим, қилиб бўлмас назар  
Бадр рухсорин кўруб бўлди хижолат бу қамар  
Рашки Юсуф бир бути зебойа ошиқ бўлмишам.*

*Маҳваши хурилиқо, гулгун қабо, гул пийрахан  
Қоши истиғно ҳилоли, ғамзаси лашкар шикан  
Ғунчаи хандондур оғзи, тишлари дурри адан  
Бўлмади бу дам жамолидин ёруғ Байтул хазон  
Токи ул моҳи жаҳон пийройа ошиқ бўлмишам.*

*Эй мани Маҳзун мусофир чун малолат бесабаб  
Тутмасам пармонининг мардуд этиб айлар ғазаб  
Жуз ризоийи дўсти ишиқ аҳлиға не бўлғай талаб  
Чикқали исломдин зиннор боғлаб йўқ ажаб  
Манки, бир дин офати тарсойа ошиқ бўлмишам.*



**55. УВАЙСИЙ** - Бу шоира Марғилон шаҳаридан бўлуб XIX асрнинг бошларинда Хўқанд шаҳариданашъу намо этмишдур. Шул тахаллусда бир эркак шоир ҳам бор экани ишончли жойдан эшитилди. Унинг девони бор эмиш. Бу шоиранинг номи Жаҳондур - деб кўрсатилмишдур (Ўзбек поэзиясининг анатологиясида)да. Марғилон кекса шоир Файзийнинг қизидир. Адабий соҳага отаси тортмишдур. Вафоти олдида шоир Вазир Абулқосим оталиққа дўстона алоқаси бўлганидан, ҳам ўзига муносиб бўлмаган эридан ажралиб кўп қийинликқа дуч келган қизининг (аҳволини) кўриб отаси Оталиқ билан бирга таҳсил кўрган эканидан ишончли топиб Хўқандга юборган. Оталиқнинг оиласи Арк атрофида бўлганидан шунда хизмат этиб турган.

Баъзиларнинг айтишича, Оталиқнинг укаси Нақибнинг хотунига яқинроқ қариндош бўлганидан шунда турди. Бир икки йилдан сўнгра шоиралиги билан шуҳратланди ва овоза Хоннинг ҳарам саройига маълум бўлгач, Моҳлар ойим ўз ҳузурига қабул этди ва унга мушфиқлик этиб ҳарамда ўзига муносиб бир ўрун кўрсатди. Умархоннинг ўзидан ҳам қочар, одоби таълимда ягона эди, деб мулла Салоҳжон маҳдум қозидан эшитиб, шоир Мирзойи Хўқандий сўзлаб эди.

Тарихчи ва адабиётдан хабардор Хўқандли Юнусжон ҳожи Оғалиқовнинг айтувича: Ўрдада бир ходима хотун шоиранинг номи Жаҳон бўлган. Бу хотун қоро хизматда юрар экан. Бир кун Жаҳон хотун Арк ҳовлисидаги шоҳ суффанинг супуриб, палослар ёпиб ўлтиришга тайёрлар экан, Фазлий ҳам шунда бўлган бошқалар олдида Жаҳонга мутоиба йўли ила бир неча мушоира этишган. Фазлийдаги хуш табиат гоҳо сўз қофияси келганда адабий соҳанинг унутиб доираи одобдан чиқиб кетиш ҳоллари кўп учрайди экан. Маҳзуна билан ҳам бўлгани кўрунмиш эди. Жаҳонга ҳам шундай қилган. Бир рубойи ила Жаҳондан сўрайди. Радифи: қочаман, очаман, сочаман, дурки, баёнга ҳожат кўрмадук. Бу тўртликқа Жаҳон пардали жавоб бериб ўтади. Фазлий эса қоникмайгина бир байт айтади. Бу эса жуда бепар-

да бўлуб одобдан ташқари чиқиб кетадур. Жаҳон эса жаҳл ила Фазлийга ҳақорат сўзи қофияли - ичаман, бичаман, ечаман, оғзингга, ман деб тамом этадур. Фазлий бошқалар олдида ҳижолатга сазовор бўладур.

Бъъзи Хўқанд фозиллари, жумладан Муҳий ҳам Жаҳон билан этган бундай нолойиқ ҳаракати сабабли саройдан чиқариб юборилди, деювчилар бордур. Вайсий каби бир хотун очиқ ҳолда оддий қора хизматда юргани, шундай бепарда сўзларга дуч келиши, эркаклар орасинда очиқ юрганига ақл кўтармайди. Увайсийнинг номи Жаҳон бўлмай, бошқа Жаҳон номли бир хотун бўлгандур. Бу бошқа шоирадур. Саройдан бир йўл ҳайдалгани бор бўлсада, бугунгача сабаби очиқ кўрсатилмагандур. Юқорида Фазлий бобида кўрсатганимиз Фазлийнинг хонга илтимосида бечора Фазлий ўзини кўча туфроғини чангига баробар этиб кўрсатишга мажбур бўлади.

*Ор этма фитодаи раҳингдин  
Навмид юборма даргаҳингдин.*

Тубандаги ашъори обдор Увайсийнинг нашилгаи таъбидандур.

Бир девони бизга маълумдур “Воқеаи Муҳаммад Алихон” манзумаси бордур. Карбало воқеасининг назм этмиш Увайсийдур, деювчилар бор. Қачон вафот этгани очиқ маълум бўлмаса ҳам, 1846 нчи йилларда бор экакни тахмин этилади.

Шоира Нодирага устоз деб кўрсатувчилар ҳам бор. Девондан парчалар. Фазали Увайсий:

*Ажаб йўқ маҳвашим шаб рўз бўлсам жусту жуйинда  
Ҳаёлит Қайсдин воқиф гар ўлсанг Лайли суйинда*

*Димоғим кокилингни накхатидин масту мустағрақ  
Ки гўё ястаниб минг нофои ҳар тора муйинда*

Қоши васфини матнинг муқпазизъға мумкин изларман  
Кўзим носеҳ насиҳатда халойиқ гуфт гўйинда

Фалак даврингда юв илгингни ул мақсуддин, эй дил,  
Худо халқ айламай бу вожгунни чарх хуйинда

Неча Фарҳоду Мажнун, неча Мансуру Зулайҳоға  
Деманг ҳар ёнда жамын қасди бир жонона куйинда

Қадинда сарв касб этмиши, кўзингда боқ аро бодом  
Рухинда ул гули раъно қизил гул они бўйинда

Ёзар ул ҳусн васфин тийра табъинда сабаб улдур  
Кўруб нури илоҳий Вайсий маҳрухсор рўйинда

\* \* \*

Жон берурман текса ҳар кулфатки, жонон йўлида  
На эмиш кўз абридин тўк шакли борон йўлида

Маҳрум этти кўзларим хаттин томошосидан ул  
Ул сабабдин кўз ёшимдин унди райҳон йўлида

Кездим ул саҳрода Ҳомун тоғу тош фаҳм айлабон  
Ҳасратимдин қон ютуб ул лағл маржон йўлида

Ийди рухсорингни кўрсам, айласам таслими жон  
Айб эмасдур, расмдур бўлсамки, қурбон йўлида

Боб йўлидин юзумга неча бобе бўлди шақ  
Юзланалмай қайсига бўлдимки, ҳайрон йўлида

Бирисидин зоҳир эрур маҳрумлик, эй хушманд  
Бирисидин воқеъ эрур бир неча бўҳтон йўлида

Қайсига юзлансанг, эй Вайсий, санингдур ихтиёр  
Токи жон бермай муяссар йўқтур имкон йўлида

\*\*\*

Забонингни кетурган эй шакарлаб тўти гуфтора  
Нечаким, марҳамат бўлсун неча мендек дилафкора

Нигоҳинг ташлағил лутф айлабон, эй шўх бепарво  
Йўлингда интизор ўлган мани бул ошиқи зора.

Мени “ло йадхулу” деб маҳрум этма боғбон аҳли  
Азал деҳқони бағрим қонини тўкмиш бу гозора

Харидор ўлдум ул “Нахну қасамно”да санга дилбар  
Замона аҳлидин деб солма кўп хуснингни бозора

Бағир қоним эди саҳрода бутган лолаи рангин  
Биҳамдилаҳ на соат, кун эди санчилди дастора

Хабардор ўл харобат аҳли ичра, соқийи даврон  
Паё пай сун қадаҳни ташналаб ўлган бу хуммора

Муяссар бўлмаса тоқи абру саждагоҳингдин  
На ҳосил санга, зоҳид, ташлағил бўйнингни зиннора

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим  
Ўгурма юзни ҳаргиз, солма кўзни ўзга дилдора.

\*\*\*

Муҳаммаси Увайсий

Бир паричеҳра ҳаёлига грифтор ўлмишам  
Бир кўруб ойдек юзун бир ошиқи зор ўлмишам  
Ёр ҳажрида туну кун зору афкор ўлмишам  
Орзу дийдорига мажруҳу бемор ўлмишам  
Етмайин васлига, эй дўстлар талабкор ўлмишам

Айласам айкимни бундоғ сел борони хуноб  
Остониғ ястаниб қилсам вуҷудимни туроб  
Токи чиққайму кўзи кавкаб, жамоли офтоб  
Жон олур бўлсанг, аё қобизки кўп қилма шитоб  
Ҳажр зиндонида дил кўзгуси зангор ўлмишам

Жонға жо қилдим сани, эй ёр жонон билмадинг  
Токи тоғлиғ сўзларим лаъли дурухшон билмадинг  
Гарчи изҳор этмайин мазмун не пинҳон билмадинг  
Қатрадек гарқ ўлдим, эй дарёи уммон, билмадинг  
Нутқи гаҳарборинга, дилбар, харидор ўлмишам

Олдида жон бермасам кўнглимда армон кўндаланг  
Ҳасратида оҳ ила фарёду афғон кўндаланг  
Дардни маҳфилиға етти оғзима жон кўндаланг  
Ошкор этма Увайсий, ўйла пинҳон кўндаланг  
Ишқ сивдосида ул Юсуфи бозор ўлмишам.

\* \* \*

Бугун табиатим матлуб жонондин томошо қил  
Бу манзуми иморим лутфу эҳсондин тамошо қил  
Муҳаббат жуйборин оби ҳайвондин тамошо қил  
Ҳалокат жамъини чоҳи занаҳдондин тамошо қил  
Ўгурмак рашки тобин чархи даврондин тамошо қил.

Юзинг миръотиға ким, сайқали аҳсан на ҳожатдур  
Куюб хокистар ўлғонларға гулхан на ҳожатдур  
Вухушу тайри маъман қалъаи оҳан на ҳожатдур  
Гули наврастинга булбул каби шеваи на ҳожатдур  
Чўрулуб қумридек дайри гулистондин тамошо қил.

Кўзунг бир барқи офат солди ўт элга сочиб, эй шўх  
Мани мажнун жунун туморин бўйнуғма солиб, эй шўх  
Баҳори оразинг чун йиғларам ҳардам боқиб эй шўх  
Тўқуб кўздин ёшим бағримға ишқ ўтиш ёқиб, эй шўх  
Муҳаббат оби тобин сабза райҳондин тамошо қил.

Малоҳат маъдани ичра эрусан барчадин аъло  
 Фасоҳат шакарисонида сансан тўтидин гўё  
 Паришон айла зулфинг айласин ҳуснинг уза ғавго  
 Рақибни рўсияҳлар кўрмасун меҳри рухунг асло  
 Ёшурмоқ талъатинг хуришиди раҳмондин тамошо қил.

На бўлғайким мукаллаф бўлсанг, эй соқий, бу хуммора  
 Қадаҳ тут шулағи ҳижрониди ўлган сазовора  
 На айлай, оҳким, иқбол шони солди идбора  
 Замона аҳли санким базм аро ул шўх ағёра  
 Бир ончи соғари лутфи фаровондин тамошо қил.

Улус жамъятида йўқ анингдек ёр бемехри  
 Қоши ё, кифриги уқ, кўзлари жаллод бадқаҳри  
 Табиби жисми бемора даводур ўқлари захри  
 Кўнгил онсиз эрурким, дўзах ўлмиши манга бир даҳри  
 Ки финнори сақар сўзони ҳажрингдин тамошо қил.

Раводур манга васфинг фикри бирла жон фидо қилмоқ  
 Раво эрмасдур эй шоҳ, нозим аҳлин ким баҳо қилмоқ  
 Адувлар таъна тоши бирла кўксумни яро қилмоқ  
 Тилайдур бу гадо ҳар лаҳза лутфингдин даво қилмоқ  
 Талаб рамзини бу Вайсийи нодондин тамошо қил.

\*\*\*

Навойнинг ғазалига Увайсийнинг мухаммаси

Ғунчанинг ёд айламакда ёр, гулзоринг ғараз  
 Тўтидин дам урмайа лаззатли гуфторинг ғараз  
 Ким қарибу ул ҳаримидур сазоворинг ғараз.  
 Эй кўёш, васлинг демакдин моҳи рухсоринг ғараз  
 Оби ҳайвон зикридин лаъли шакарборинг ғараз

Тилға мазкур айладим васфингни ман, эй меҳрибон  
 Лолдур тил гарчи қилса қанча таърифинг аён  
 Бу туганмас сўзни қилма, таъвил этгил бу ён  
 Улки дебдурлар бадан бўстонидин рўйи равон  
 Аҳли маъни олдиди қад бирла рафторинг ғараз.

*Кўп эрур кўнглим қулоғи ичра ғафлат нунбаси  
Равшан ўлмас ҳеч зойил ақл мажнундир басе  
Даҳр аро пайдо бўланкан, соқ диллар жумласи  
Жилвагар кавсар зилолидин қуёшнинг ламъаси  
Кўзгу ичра чеҳра аксидур номудоринг ғараз*

*Оташи ишқ ичра жисми жон бўлуб мисли рамод  
Ҳеч қилмас кўнгли каттиқлиқдин ул бераҳм ёд  
Бу фалак бедодидин айлайки султонимға дод  
Сел масжидин рақиби хона пардозинг мурод  
Барқ шеърини саманди барқ кирдоринг ғараз.*

*Интиқо навмидидин уммид этарман захмидин  
Айлсди мафҳум таъбим таъби вофиқ фаҳмидин  
Ҳеч қилмас мажнуни саҳронишин жон ваҳмидин  
Эй кўнгли, Фарҳод тоғи бирла метин захмидин  
Дарди меҳнат шиддатидин чашми инкоринг ғараз*

*Неча мендек чархнинг остида дилафкор этмагинг  
Неча мендек Мансури ҳалложни дор этмагинг  
Ишқ савдоси ила расвоий бозор этмагинг  
Ул қуёшға, эй фалак, ман заррани зор этмагинг  
Зарраи мақсуд йўқ жуз бизга озоринг ғараз*

*Эй дило, сен шиква қилма сархдин тангри ўзи  
Ишқ эли мавтиға зоҳир ўлди ул қотил кўзи  
Демадинг маҳваш хазон яфроғидек Вайсий юзи  
Эй Навоий, умр боринда вафосизлиқ сўзи  
Ким бу сўз мазкур эрур шахди шаккарборинг ғараз.*

---

**56. НОЗИК** - Бу шоира тўғрисида бирор тазкирада бир маълумот тополмадим. Магар бунда кўрсатдигим мухаммас ширин-шакар услубида, яъни туркий ва тожик бандлари ила тазмин этилмиш ашъори нуқ-

тасанжнинг отам марҳумдан (Абдуқайюм мирзо Хўқандийдан. А.Қ.) қолмиш бир эски қўлёзма баёздан кўриб эдим. Бу баёз 1245 (1829-30) нчи ҳижрийда Амир Насрулло золим рафақотида Бухородан Хўқандга келмиш аҳли фазллардан тўрт-беш киши бобомнинг (Абдурраҳим мирзо А.Қ.) меҳмонхонасига тушуб беш-тўрт кун турган эканлар.

Амир Хўқанддан қайтганда булар ҳам бирга қайтишганда шул китоб баёз қўлёзма меҳмонхонада қолмиш экан. Ўзлари қолдирдиларми? ёки шаҳар таланганда бирор жойдан адабиёт муҳибби бўлмиш талончи олиб чиқиб буларга савго қилдимми? Отам очиқ билмаган. Ҳар ҳолда бу китоб ўшал тарихда бизнинг ҳовлимизда пайдо бўлган.

Бунда Тўтал мулло Мушфиқий ва Мулло Тўтал Мирзо Похнабор, Обид Мужримнинг жафо чеккан, алам тортган ҳаловат кўрмаган жоним мухаммаси бордур. Ёзилмаган бўш жойларга кейин ёзган ғазаллар ҳам бордур (Бу китоб баёз қўлёзмалар институтига берилди, 1955 нчи йилда)\*.

Маъна шул баёздан кўчириб шоир Иброҳим Даврон Мир Аъзам ака “Ашғори нисвон” номли китобига киритди (1914 йилда). Шул баёзда мухаммаснинг бошида бундай сарлавҳа бор: “Мухаммаси Нозик биби ҳарами Мирзо Ҳасрат”. Демак шоира ўз номини таҳаллус ихтиёр этмишдур. Номи ҳам Нозик бибидур. Мирзо Ҳасратнинг хотуни экани англашиладур. Шоира тўғрисида текширишни давом этдириш учун Мирзо Ҳасратнинг ахтаришимиз керакдур.

“Тазкираи Афзалий”, “Тазкираи Роқим” да йўқдур. Бироқ “Тухфат ул аҳбоб” дан олиб “Намунаи адабиёти тожик” да бир озгина бир нарса мавлоно Садриддин Айний ёзиб кўрсатган эканлар. Қоник адиқ. Фақат Ҳасрат XIII ўн учинчи аср ҳижрий шоирларидандур деб

\* Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Беруний номли Шарқшунослик Институтига. А.Қ. қ.



маълумот берадурлар. “Тухфатул аҳбоб”га мурожаат этдим.

79 нчи бетда “Ҳасрат” сарлавҳаси ила ёзилмишдур: Номи Мирза Олимжон бўлуб Хисор вилоятидандур. Амир Кабирнинг даврида ўтган. Ашъори ошиқоналари бордур. Ҳаётининг охирида барас касалига мубтало бўлуб яхши кўрган хотуни шул иллоти сабабли ажралиб кетганидан мудаллам бўлуб фиरोқ ўтида ўзининг ҳаётига ўзи қасд этиб вафот этди, деб кўрсатадур.

Мирза деганида бу киши Ҳисор туркларидан бўлганидан Нозик биби ҳисорлик бўлуб ўзбек бўлуб чиқадур. Садриддин Айний шеърдан кўрсатмаган. “Тухфатул ул аҳбоб” соҳиби ҳам тожикча шеърларидан намуна олмишдур. НОзик биби Ҳисроний унутилган шоирларимиздандур. Бу мухаммас Нозикнинг нашидаи таъбидандур:

*Эй офати замонаи барнои шўх шанг  
Эй дилрабои маҳваши кофири фаранг  
Оина аст рўи ту ҳаргиз надийда занг  
Ҳарчанд агар бувад дили ту сахттар зи санг  
Ошиқларингга вожиб гоҳи нигоҳ айласанг*

*Сарви қадинг санубара ўхшаб чамандадур  
Товусу кабк нози хиромингга бандадур  
Сандек нигори маҳваши танноз қандадур  
Ул кўзу қошу оқу қизил юзки, сандадур  
Кам дийдаем ҳусни бадин навъ обу ранг.*

*Эй ман асири чашми сиёҳ бир адойи ту  
Аз сурма бехтараст ба ман хок пойи ту  
Аз жону дил чиро накунам ман дуойи ту  
Ҳар лаҳза мекунам дилу жон ро фидойи ту  
Ўшал куники, сан мани ёнингга чорласанг.*

*Кўнглимдадур тилакки, бошингдин ҳар дам ўргулиб  
Ойдек юзингла мен сари боқсанг кўзунг сузуб  
Кўксинг боғида битган ўшал нордан узиб  
Васлинг фироқида мани бунча девоналар қилиб  
Аз зоҳири шудааст фаромуш ному нанг.*

*Ризвон кунанд бихишти жинонро тасаддуқот  
Шоҳон кунанд мулки жаҳонро тасаддуқат  
Созад санам парастии бутонро тасаддуқат  
Аз шавқ ман дилу жонро тасаддуқат  
Раҳм айлабон агар мани ёнингга имласанг.*

*Шамшодки қадди ниҳолингни садқаси  
Райҳон ила саманд донаи ҳолингни садқаси  
Ҳуру қусур барча жамолингни садқаси  
Бўлсам эди замоне висолингни садқаси  
Гирам туро ба сийна дар оғуши хуш танг*

*Гар якдаме нигор бигўйи ба ман суҳан  
Гардамки аз забон гаҳи аз лаби даҳан  
Ҳарфи маро ту гўш кун, эй сарв сиймтан  
Оташ забон чу шамъ машав андар ин чаман  
Нозик, агар бу мухаммасни яши ўқусанг.*

---

**57. ХОН** - Бу шоир Шоҳруҳийлар сулоласидан бўлуб, Хўқанд шаҳарида туғилмишдур. Номи Муҳаммад Али бўлуб, Умархоннинг катта ўғлидур. Онаси собиқўз зик шоира Комила хоним Нодирадур. 1822 йили отасидан сўнгра хонлиқ мансабига ўлтуруб 1842 нчи йилда ўлдирилди (Бу воқеа “Хўқанд тарихи” номли асаримизда тўла баён этилгандур). Даҳмаи шоҳонда мадфундур (Кўқон шаҳарида. А. Қ.).

Бу шоир Фузулийга эргашиб ёзмишдур. Бу тубандлиги ғазал ва мухаммаслар Хоннинг нашидаи таъбиандур:

*Юзу қадинга эрмас бу чаманнинг сарв раъноси  
Сув ҳайвон чашмасига бўлса бил Исонинг анфоси*

*Жунунум ҳар дам афзун ўлса эй, ҳуш аҳли айб этманг  
Ажаб муҳлик эмасму Оллоҳ-оллоҳ ишқ саҳроси*

*Қорарса рўзгорим ҳажр шомидек тонг эрмаским,  
Қиё боқмас менга ул сурма тортган чашм шаҳлоси*

*Музаййан айлаган афлок тахти сори боқсам ким,  
Мукалал оби қасри зангоридур ул маҳвашни маъвоси*

*Манга ким ҳар замон юз қатла жаврингни раво кўрма  
Сурайёдан ошар Хонингни оҳи чарҳ паймоси*

\*\*\*

*Кўруб хоб ичра зулфинг ганжа ҳуснинг топдим уйғонгач  
Чин эркан барча таъбир айламак тушида илон кўргач*

*Ниҳон ўлгач самандар ўтда тоби оразингдандур  
Садаф баҳри суфофат ичра лаълингдин нишон кўргач.*

*Солур ҳижрона чўх зулм ила чарҳи кийнавар, билмам  
Магарким, кўрсатур юз минг ситам бир нотавон кўргач.*

*Қиёмат бўлмагунча чиқмаюр жон булбули ногоҳ  
Гулистонлар сари куйинга ўхшаш бўстон кўргач*

*Мунаввар оразинг тобина бетоб ўлдиғим андин  
Қи қолмас заррача ором хуршиди жаҳон кўргач.*

*Ҳавойи салтанатдин Хонга афзундур бу сўз қадри  
Мурувват бирла сўргач ҳолин ул номехрибон кўргач.*

\*\*\*

Боғ мекдек саргайиб булбул менингдек бўлди лол  
Гуйё бундоғ эмиш бир гулдин айрилганда ҳол.

\* \* \*

Мухаммаслардан: (Мавлоно Фузулий Бағодийга  
эргашиб)

*Инжу диши жон қулзуми ичра гуҳаримдур  
Икки лаби дил маҳзанида лаълларимдур  
Бул жузвайа маҳрум алардин назаримдур  
Намлу эдажак доманимни чашми таримдур  
Пур лаъл эдан чашмими хуни жигаримдур*

*Манзилгоҳ ўлуб зор таним кулбаси жона  
Кўз ёши, кўнгил қони равон ўлди жаҳона  
Гар ваҷҳин ани сўрсангиз, эй аҳли замона  
Хуни дилими сели сиришк ила равона  
Ҳар лаҳза эдан ёд руҳи сиймбаримдур.*

*То оинайи ишқи аро жилва намоёам  
Ё ҳажр биёбонида мажнуну гардоам  
То ёр талаб айлайали бе сару пойам  
Ғам гулшани ичра дикилан наҳли балойам  
Ким доғ баним баргиму ашким самаримдур*

*Унс айламаюб бир нафас ичра ватанимла  
Сахро гезарам ҳар нафас урён баданимла  
Девоналигим етди камола бу фанимла  
Ҳар ён яна Мажнун агар ўлсайди банимла,  
Дермишиди жунун даштида бу роҳбаримдур.*

*Ул маҳлиқо тарк этиб алқати меҳри  
Ёшурди со.луб зулфи паришон ила чеҳри  
Оҳим ўти тутди неча руҳсорини меҳри  
Ул ўт бороқуб тутти тамомила спеҳри  
Маҳри руҳидин шу.лған оҳир самаримдур.*

*Ишқ ичра буюк рутба эмиш ҳол табаҳлиқ  
Осори улуғ ҳиммат эмиш бахти сияҳлиқ  
Бас айла банга оғаҳи ишқ ичра сияҳлиқ  
Вор ишқ диёрида мусаллам санга шаҳлиқ  
Хон шуъбаи оҳим бошима тожи сарамдур.*

\*\*\*

Бу ашъорнинг Хон Ҷра тефага сафарида хотуни билан бўлган нозли можоро туфайли сўнги бандини аъёнларга демишдур. Кейин такмил этмиш. Бу воқеа тарих бўлумимизда бор.

*Қадим ҳамлиғи қошлари ёсидин  
Хароб ўлмағим чашми шаҳлосидин  
Кўзум қони лаъли таманносидин  
Жунуним ўшал зулфи савдосидин  
Нигунсорлардур нигунсорлар*

*Кўзунгдур манга фитна барпо қилан  
Бошим узра юз шўр пайдо қилан  
Мани олам аҳлиға расво қилан  
Кўнгил маҳзани ичра яғмо қилан  
Бу айёрлардур бу айёрлар*

*Чаманда хиром айламиш ул пари  
Қилиб жилва андоғки кабки дарий  
Юз устига гул баргидин чодури  
Боши узра солган қизил маъжири  
Гули норлардур, гули норлар*

*Пари чехралар кўп жафо қилдилар  
Ғами дард ила мубтало қилдилар  
Муҳаббат билан ошко қилдилар  
Манинг рўзгорим қоро қилдилар  
Жафокорлардур, жафокорлар.*

Алар ишқида хастау зорман  
Жафо тиғидин бағри афқорман  
Қаро кўзлари бирла беморман  
На зулм этсалар жонима борман  
Ситамкорлардур, ситамкорлар

Шаҳи мулки ҳомун қилурлар мани  
Бу дашт ичра Мажнун қилурлар мани  
Иришкимни Жайхун қилурлар мани  
Кўзум ёшин гулгун қилурлар мани  
Дилозорлардур, дилозорлар

Чу ман қошу ёларни қурбонийам  
Гирифтори зиндони ҳижронийам  
Бу қотиллара асру ҳайронийам  
Алар куштаи тиғи мужгонийам  
Бу хунхорлардур, бу хунхорлар

Таажжубки, бу бир неча дилрабо  
Демасларки, бу шоҳ эрур ё гадо  
Агарчанди Хони замоним банго  
Ҳама элдин ортиқ қилурлар жафо  
Ажаб ёрлардур, ажаб ёрлар.

---

**58. ДИЛОВАР** - Бу шоир Хўқандли бўлуб, 1250 ҳижрийда ҳаёт экани Муҳаммад Алихонга айтган марсиясида кўринадур. Сарой ходимларидан экани англашлядур. Шоирда назми фоззийага ўргача куч бўлса ҳам, бадий кувват камдур. Бошқа ғазаллари бўлса ҳам замонимизгача етиб келмаган бўлса керакдур. Бунда Бухоро амири Насруллога нафрат хоҳишини билдириб турган, қонларга дилсўз бўлуб, воқеага афсусланиб тубандагича дейди:

Оқар кўздин қаро қоним  
Куяр жисмим ила жоним  
Бўлуб дилхун аҳволим  
Шаҳиди беғуноҳ хоним

Минарди байдари сози  
Шикор айлаб қишин ёзи  
Олурди, қарчиғай ғози  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

Бўлуб давринда киш ар тўқ  
Жавоҳирдин тўлуб сандиқ  
Ҳама сила, камар жабдуқ  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

Ададин ваҳми йўқ нори  
Мудом эрди тараб кори  
Салим эрди, йўқ озори  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

Маҳол эрмиш келар чоғи  
Алойиқ бўлди бир доғи  
Баҳодирхон бўлуб ёғий  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

Мадори умр бар хоби  
Ўлуб хон халқ бетоби  
Ёшимдур мисли селоби  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

Онаси бирла берди бош  
Бўлуб хон ўғли ҳам йўлдош  
Тўкар Фарғона кўздин ёш  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

Анинг амри туфангу тўй  
Сипоҳи эрди бирлик кўп  
Нохуш хони жаҳон ошуб  
Шаҳиди беғуноҳ хоним.

*Топиб давринда мулк ором  
Ичар сув барча олтин жом  
Бирикмай ишқи қилди хом  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Бўлиб базм аҳлига устод  
Замони хон шаҳр обод  
Тараб ангез мардум шод  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Баҳодир золим ул занжи  
Талаб ул халқнинг ганжи  
Жазосин берсин Урганжи  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Ҳалойиқ титрашиб ларзон  
Зулм айлаб Баҳодирхон  
Ҳама саркардаси нодон  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Суюб бир неча барнони  
Тўкуб кўп бегуноҳ қони  
Баҳодирхон нодоний  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Утар дунёда ёзу қиш  
Санодур икки кам олтмиш  
Кўруб Фарғона қаттиқ иш  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Худо изни билан бўлган  
Барин паймонаси тўлган  
Бўлуб қисмат шаҳид ўлган  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*

*Дилоеар бир намакхўри  
Қилиб марсиясин жорий  
Шаҳиди олий миқдори  
Шаҳиди бегуноҳ хоним.*



Диловорнинг кўрсатувида, 1258 сана бўлуб чиқадур. Шоира Увайсийнинг “Воқеаи Муҳаммад Алихон” номли китоби бордур. Муҳаммад Алининг тлидан айтмиш сўзлар назм этилмишдур. Вайсийнинг шул достонидан парчаларни намуна учун келтирамиз: “Хон тутулуб Ўрдага келтирилганда бу ғазални демишдур”:

*Кел, эй жаллод, тановул этакўр қонимдин  
Ишқ тўйдирмиш эди ширин, азиз жонимдин*

*Васлдин ҳосил эмас эрди даво дардимга  
Қатл этгил, қутулай оташи ҳижронимдин.*

*Йўқтур манга ғам сани қон тўқарингдин жаллод,  
Ғарқ эдим қонга оқан чоки ғрибонимдин*

*Ўтга солсанг тани урёмни озорим йўқ  
Хабар ол куймагим, сийнайи бирёмимдин*

*Таними куйдирар эрсанг мани бу майдонда  
Айлаб устод сабақ ол бу мужгонимдин*

*Банда гар минг йил умр кўрса қутулмас маргдин  
Бу мисол қолди биза шаҳи Луқмонимдин*

*Ҳукми султон ила Хонингни шаҳид этсанг ким,  
Ҳамдуллоҳ билурам қисмати субҳонимдин.*

*Хон ғазалин айлади ул дам тамои  
Аср ўтуб бўлғон эди вақти шом*

*Бир тузаган уйга олиб кирдилар  
Хизматида неча киши турдилар*

*Келди бирав хон қошига ул замон  
Хонга деди: “Эй шаҳи ҳукми ривон,  
Молини айтсин, деди ул подшоҳ”*

Хон деди: "Эй кимсан рүйи сиеҳ  
Дерму бу сүз бұлса киши ақли бор  
Эрмас эдим ман унга амлақдор"

Мақсади ул жони ширинимдур  
Қисмати ҳақ лавҳи жабинимдадур

Узуми ман ташладим Оллоҳға  
Бошласа гар чўмдур қайу роҳға

Сузлади хон ул неча мардонавор  
Узи эди ҳам яна жононавор

Хонни ўша кеча шахид этдилар  
Душман эли мақсадиға етдилар

Кетди учуб руҳи ба суйи само  
Қолди тани лолагуни қон аро

Бу фоний жаҳондин ким, хон асли ватан кетди  
Душман қўлида ночор ул сарви суман кетди

Ёш чоғига раҳм этмай қўйди бўғзига ханжар  
То захми пичоқ ила ул сийм закон кетди

Ё қўй каби қурбондур ё сайд каби бисмил  
Ишқға берибон бошин қон ичра бадан кетди

Ҳиммат садафи ичра йўқ эрди баҳоси ким  
Сад ҳайф баҳо топмай бир дурри адан кетди.

Еткурди шаҳодат ким раҳм айламайин жаллод  
Қон пардасида гўё гулгуни кафан кетди

Хон эрди ажаб шоир бир тўтийий шаккар қор  
Базми шуаро ичра мазмуни суҳан кетди.

Хон оғзидан бундай дебдур:

Эй субҳ, бу дам бўл мани ҳолимга гувоҳим  
Кўксимни шигоф айлади бу айлаган оҳим

Қилғил мани тавбамни қабул эмди илоҳим  
Сандин ўзга йўқдур мани пушти пансҳим

Ҳар суйики қўйдим қадамим бўлмади роҳим  
То йўлдин адаштурди мани бахти сиёҳим

Эй субҳ, бу дам сан мани аҳволима йиғла  
Бу ғам юки остида қади долима йиғла

Бу бахти сиёҳи ила омолоима йиғла  
Саъд ўтти вале наҳс ўлан полима йиғла

Ҳар суйики қўйдим қадамим бўлмади роҳим  
То йўлдин адаштурди мани рўйи сиёҳим.

Эй субҳ, бугун ман санга ҳамнафас ўлдум  
Кўр ҳолима бир шер эдим макас ўлдум

Ё қўҳи азим эрдиму бир зарра хас ўлдум  
Ҳам айши нишотим бари жумла абас ўлдум

Ҳар суйики, қўйдим қадамим бўлмади роҳим  
То йўлдин адаштурди мани рўйи сиёҳим

Эй субҳ, бу дам нола била зорим унутма  
Бу кун санга қилган бу гуфторим унутма

Жон ваҳмида бўлган бул афкорим унутма  
Қонлар оқизан дийдаи анҳорим унутма

Ҳар суйига куйдум қадамим бўлмади роҳим  
То йўлдин адаштурди мани рўйи сиёҳим

*Хон, ташла ўзинг ҳаққа дароз айлама суфтор  
Жабр айлагувчиларга худойим ўзи жаббор*

*Фурбатзадалар ҳалатидин тангри хабардор  
Қисмат ишига нолаи афкор на даркор*

*Ҳар суйики куйдум қадамим бўлмади роҳим  
То йўлдин адаштурди мани бахти сиёҳим.*

**59. НИЁЗИЙ I** - Бу шоир асли Хўқандли бўлуб Қошғар шаҳарига бориб туриб қолган кишидур. Муҳаммад Али Қошғарни истило этмоқ учун аскар ила борганда Муҳаммад Алига мадҳия ёзиб тақдим этадур. Тожик тили(да) ёзилмиш бир неча банддан иборат бу қасидасининг охирида бундай дейди:

*Падар сўфи Худойбердист, Хўқанд жойи маъвойам  
Сари пул неши масжид жумла хешу ақраба қойам  
Биҳамдиллоҳ амири одиламро кард султонам -  
деб тугатадур.*

Таржимаси: Отам Худойберди сўфи бўлуб, ўсган ерим Хўқанддур. Кўприк бошида масжиднинг олдида яқин қариндошларим бордур. 1272 (1855-56) нчи ҳижрий йилида Хўтан шаҳарида вафот этмишдир. Номии Муҳаммад Ниёз охунддир. Бир сабаб ила унда бориб қолмишдур. Бир баёзда бутун ёзилган эди. Қўлёзмалар институти (Беруний номли Шарқшунослик институтига А.Қ.) берилмиш эди. Бадий томондин кучли бир ўзбек шоирининг албатта туркий ғазаллари ҳам бўлгандур. Тожик тилида шеър сўзлаш ўшал замон шоирлари учун бир фахр олимлигини кўрсатиш эди. Демак кўприк боши Фишт кўприкни дейиладур эди. Шоир шул жойдан Хўжанд даҳасидан бўлган Хўқанд шоирларидан бўладур. XIX нчи мелодий (аср) шоирларидан буладур. 1818 нчи йилда ҳаёт экани кўринадур.

**60. ЖАЛОЛИЙ** - Бу киши Хўқанд шаҳарида Сармозор номли жойда туғилиб Бухорода тахсили илм олди. Номи Жалололидин хўжа бўлиб Камолиддин хўжанинг ўгли Эшон боғдор Низомиддин хўжанинг набира-сидур. Бухородан қайтгандан сўнгра шаҳарнинг ғарбий томонида бўлмиш Қудаш ноли қарйада истиқомат этиб шунда имом бўлуб нашъу намо этмишдур. Ҳижрий ила 1261 (1845) нчи йилда шунда вафот этди. Қабри Ёрбоши қабристонидадур. Шеърда Навоийга эргашган бўлса ҳам, тасаввуф руҳига яқин бир девони бордур. Тубандаги ғазал ва мухаммас мавлоно Жалололийнинг нашидан таъбидандур:

*Кўрдум бу даҳр ичра улус подшолиғин  
Олдим ўзумга аҳли муҳаббат гадолиғин*

*Саф ояғон анжуман аҳли дил кўруб  
Тарк айладим замона элин пешволиғин ь*

*Помоли ғам эдим неча йил жавридин, ку тун  
Билдим муҳаббат бодасини ғамзадолиғин.*

*Ҳарвақт иззу жоҳ аҳлиға бегоналик этиб  
Тутдим ғарибу хаста элин ошнолиғин*

*Зоҳид қилур таснаки, зуҳд айламадинг  
Мандин гуноҳ тегур анинг порсолиғин*

*Эй ақл, манъи ишқ этиб кўндиролмадинг  
Билдингму энди бу кўнгиш мубталолиғин.*

*Ўтди тамоми умр Жалолоий, муродига етмади  
Бидурди бу жаҳон ўзини бенаволиғин.*

Сариғ тупроқ эмас гулшанда бу ранги назоримдур  
Қизарган гул эмас ҳар ёни чашми хунфишонимдур  
Эмасдур гарди бу ҳар лаҳза бу водийда чарх урган  
Такопўйи жунундин эл аро қолгон губоримдур  
Қарорғон шом эмас, бахтим саводи урди дайр ичра.

Оқорғон субҳ эмас йўлунда чашми интизоримдур  
Эмас сунбул, эрур жон риштаси сарвингга чирмашган  
Гур эмас фурқатингдин ўт туташган жисми зоримдур  
Эмас ҳол юз узра тиғинг дамидин сачраган қоним  
Эмас ел, титраган зулфингга жони беқароримдур.

Эмас гулшанда ҳар су оташин гул хўблар ичра  
Ўтурғон бу чаман сайринда сарви гул узоримдур  
Гаддוליғидур Жалолиддинға сансиз давлати шоҳий  
Камина итларинг зайлида бўлмоқ ифтихоримдур.

\* \* \*

Найлайин жон бўлсаю жон ичра жонон бўлмаса  
Васл ким бўлса муяссар доғи ҳижрон бўлмаса

Кўрди гулни булбулу шўрида қилди кўп фиғон  
Ваҳ на билсун гулни қадрин доғи пинҳон бўлмаса

Кимки, лаззат васлидин истар, кирар ҳижрон аро  
Жон тополмас ул кишиким токи бежон бўлмаса

Тора зулфинг кўрали бахтим қоронғук бўлдимким  
Гул очилмас боғ аро ул лаъл хандон бўлмаса

Зоҳидо қилма риё жондин кечиб, кир ишқ аро  
Восил ўлмас ул кишиким ёки урён бўлмаса

Дарди зўримни кўруб келма бошимга, эй табиб  
Дард дорудин тузалмас васли дармон бўлмаса.

Эй Жалолӣ зулф тобидин гар ўлдинг бунча зор  
Найласин ошиққа ҳажрида анга жон бўлмаса

*На янглиф оқти хажр:нг дастидин бу жисми урёним  
Эзилди шиддати шавқи билан бу бағри бирёним  
Дамодам фурқатингни завқи куйдурди хазин жоним  
Бузук бир максиледур хажридди бу жисми урёним (вайроним)  
Кўнар ҳар дам кўруб ғам карвони дуди хирмоним.*

*Биҳамдилаҳқи, ишқингни гузори бирла пок эрдим  
Сени васлинг тилаб ҳеч тинмади(ю) дарднок эрдим  
Танимда хонгил эмас ишқ ханжаридин сийна чок эрдим  
Очилган лола эрмас хажр сахросида хок эрдим  
Ки охир зоҳир ўлди туфроғимдин доғи пинҳонлар*

*Муроду мақсадим улдур фалак заррин равоқидин  
Кўнгулни шод қилгайму бу шаҳ расми сиёқидин  
Кўзумни равшан этгайму нужуми ихтироқидин  
Йўлида то саҳар ҳар тун қудуми иштиёқидин  
Ёқар ўт бағри пур сўзим, сепар сув чашми гирёним.*

*Кўнгул юз пора бўлди касрати ханжесъ ила ёраб  
Ётиб зиндони ғамда неча қайғулар ила ёраб  
Хуморим дафъи қилсанг на бўлур соғай ила ёраб  
Қолиб жон васлидин жисмим ародур ҳи: ср ила ёраб  
На бўлғай байтулаҳзан ичра ҳоли пири Канъоним*

*Мухаббат шуъласи куйдурди, дўстлар, йўқу боримни  
Хазони ғам тегиб сўлдурди бўлдам лолазоримни  
Ки бир жоми мурассаъ бирла дафъ айла хуморимни  
Куюни ишқ саргардон қилиб чандин ғуборимни  
Бу шоми хажр ўтди, ўтмади ул моҳи тобоним.*

*Назар омола қил, то раҳми келгай гул узоримни  
Тараҳхум айлагай шояд кўруб ошифта ҳолимни  
Мурувват айлабон куйига еткургай гузоримни  
Жалолиддин йиғилдим, ер уза чашми низоримни  
Келур сўрмоқға ҳар дам охи сарду ашки сўзоним.*

**61. АЗИМИЙ** - Бу киши Хўқандли бўлуб номи Азимхўжадур. Мавлавий Намангоний-Малла хўжа эшоннинг ўғли бўлуб Низомий Хўқандийнинг қизидан набирадур. Шоир Жалолий билан бирга Бухорода таҳсил илм олиб бирга қайтиб Хўқанд шаҳарининг ғарбида бўлмиш Кал Дўшон номли қишлоқда шундаги катта масжидга 40 йил имом бўлиб турмушдир. Ҳаётининг охирида аъмо бўлиб қолмишдур. Жалолий вафот этганда бир марсия сўзламишдур. Ниҳоят ҳижрий 1263 (1846-47) йилда шаҳарда (Қўқонда. А.Қ.) вафот этмишдур. Қабри Сармозор номли шаҳардаги қабристонда бобоси Низомий Хўқандийнинг мозори ёнидадур.

Ниҳоят оташзабон кучли шоир бўлса ҳам, ашъори наҳвали бўлуб тасаввуф руҳидадур. Айрим девони бордур. Ҳожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган “Ҳикмати Азимхўжа” китоби ҳам бордур. Девонида тожик тилида ҳам шеърлар учрайди. Чунончи:

*Бар гў Азим як ду се абёти дарднок  
Шоядки баъд марг намояд нишони мо.*

Таржимаси:

Бир, икки, уч, дарднок байтлар айтиб ўт, эй Азим  
Шоядки ўлумингдан кейин нишона бўлуб шул  
қоладур.

Ўз номини таҳаллус ихтиёр этмишдур. Шаҳарда Кампир кўприк деган маҳаллада жойи бор эди. Шаҳарнинг ғарби жанубида эди.

Бу ғазл ва муҳ ғамаслар нашидан таъбидандур:

*Сўрмас ҳолим ёрима бир муддаои бўлди магар  
Ё ўзумни шумлигим бошга бало бўлди магар*

*Айлабон ёрни сўроғим дарбадарликда юруб  
Тинмади девона кўнглум бенаво бўлди магар*

*Ёрнинг мавзун қади, меҳри кўнгулдан кетмади  
Жон аро чеккан алифдек жонга жо бўлди магар*



*Ёрсиз турмоққа тоқат (йўқ) етарға ҳолатим  
Кўрқадурманким, бу дардим бедаво бўлди магар.*

*Неча йиллардурки истаб топмадим ёр васлини  
Ҳажрида ўлмаклигим ҳукми қазо бўлди магар*

*Дамбадам ўртар эди ўтлуғ фироқи бағрими  
Оқибат йиқти мани кам-кам адо бўлди магар*

*Жаббани жон бирла қўйғач ёрни даргоҳига  
Тинди кўнглум, эй Азим, сандин ризо бўлди магар.*

\*\*\*

*Орифликка етмассан фозил бўлмай, эй ўғул  
Илми ҳикмат, тавҳидга комил бўлмай, эй ўғил*

*Ожиз Азим отангни пандин олмай, эй ўғил  
Мавъиз дейиб мардонлар ялғон сўзни айтмаслар.*

\*\*\*

*Кун ўлса элдин ўзумни канора айларман  
Тун ўлса замзамини ошиқона айларман*

*Куюб тушар то фалакда ситоралар тонг йўқ  
Бу роҳларга ғамингдин шабона айларман*

*Йўлингда йиғлай-йиғлай оқарди кўз охир  
Эл ичра ўзга маразни баҳона айларман*

*Маломат тоши ила таън ўқлари кўксимни  
Санинг учун неча йилдурки нишона айларман*

*Йўлуқса аҳли муҳаббат урарман олдида оҳ  
На оҳким, сани дардинг фасона айларман*

*Мақоми манзили фақр аҳли хонақоҳ эрмиш  
Анинг чу хизмати бу корхона айларман.*

*Қаландарона ўтай деб, Азим, бу оламдин  
Ҳилофи одати аҳли замона айларман.*

\* \* \*

Токай сани ғамингда ман оху наво қилай  
Кўрсат юзингни бир йўла жоним фидо қилай

Бегона этдим ҳамадин ўзни эй пари  
Ҳаргиз бу телбани демадинг ошно қилай.

Утди тамом умр санга арзи ҳол этиб  
Ҳеч демадингки, биргина ҳожат раво қилай.

Ман гарчи толевим бадидин сўрмасанг мани  
Ман қатра жон борича санга илтижо қилай.

Тифли баҳона чу каби сансиз юпонмаюр  
Токай бу телба кўнглим ила можаро қилай.

Ҳар одамеда бош биру савдоси бошқадур  
Ман истарам бошни санга хокпо қилай

Мискин Азим қулингни қулидур итларинг ити  
Топсам аларни изларини тўтиё қилай.

\* \* \*

Жаҳонни айшига боқма дило, бақосина боқ  
Вафоға ваъда қилу ваъдасин вафосига боқ

Ёмоку яхшини фарқ этай десанг  
Ёмоку яхшина топган ўз ошносина боқ

Сен ҳам бировни биродар тутай десанг зинҳор  
Дилини дард сўзу сўзини мазосина боқ.

\* \* \*

Мастазод Мавлоно Азимий

*Жонона бутун шамъи жамолини ёрутди парвоналигимдин  
Хуш тутдию сўз билан ўтди девоналигимдан*

*Хуи аҳли йўлуқса дер эди, кет, нари турғил кўп беадаб бўлма  
Йўл берди манга санга адаб ҳожат эмас  
деб мастоналигим дин*

*Пинҳон ўтар эрди сўзини ҳар нима айтмай изҳор қилур деб  
Мандин ёшурмади сўзини ёр ҳолима боқиб халхоналигимдин*

*Ҳар одамани кўнглини синдурмас эди ёр озурда бўлур деб  
Синдурди мани кўксими ёрди садафдек дурдоналигимдин*

*Қасд айлади ўлдурғали мен хаста Азимни ноз ила дилбар  
Ман ҳам ўлайин бир йўла деб термула турдим  
мардоналигимдин.*

---

**62. МАЖЗУБ** - Бу шоир Наманган шаҳарида нашъу намо этмиш эса ҳам аслида Фарғонали эмасдур. Бизга бошда маълумот берган Муҳаммадхон маҳдум Ҳаким халифа ўғли Қарши тараф ўзбекларидан демиш эрди. Домулла Абдулкарим ўғлининг айтувича Хўқанд шаҳрида Сармозор даҳосида Қаландархона маҳалласида туғилган эмиш. Бир нусхада бу кишининг отаси Пискенд қарйасида бўлмиш Шайх Мансурнинг сўфиларидан демишдур. Таҳсилда Бухорода бўлмиш халифа Хусайн Янги Кўрғонийдан аҳази тариқат этмишдур. 1844 йилда Хўқандда кўб бўлмиш сўнгра Наманган шаҳарига бориб, унда мақом этмишдур. Бу кишининг номи Абдулазиздур. Уртача бир девони бордур. Бу кишига эргашувчиларни мажзубийлар дейиладур. Девонида бир айрим соқийномаси бордур. Бу эса 181 бетдан иборатдур. Ҳар бандининг охирида:

*Қаботи итингда ичай мунди қуй  
Ушал шахдни чайқоқидин ювунди қуй.*

деб тугатиладур.

Мажзубийлар ўз суҳбатларида шул соқийномадан махсус мақом ила ўқуб рақс этадилар. Махмур II Абдулкарим номли бир шоир бу кишининг вафотида марсия айтмишдур. Мажзуб ўзининг ишқи тўғрисида бундай дейди:

*Сезди бир сувратни меҳрин кўнглима килки қазо  
Шоҳлар қасрида мундоғ чирмади наққошлар*

*Завқсизлар тўғрисида тубандагича дейди:*

*Ишқ бозорига йўл берманг харидор бобини  
Завқ тасдиқин қўлида йўқу ози бўлмаса*

168 с.

Шоир Мажзуб адабиёт қондасига риоя этмайди. Ғазаллари ҳамма вақт қасида, поэма шаклида бордур. Бу тўғрида ўзи тубандагича дейди:

*Ҳар вилоят шоири бир тарз икшо этар  
Меёри номарбут Мажзуби Намангон ўзгача*

“Ўзгача” радифли ғазали ўнбеш байтдан ташкил этилмушдурки, қонда бўйича 7 ё 9 байт бўлуши лозим. Мажзуб Намангоний ҳижрий ила 1273 йилда вафот этмишдур (мелодий 1856-57 й.).

\*\*\*

*Йўқу чоғи тунда чиқди мэхри тобон ўзгача  
Кун музайийан бўлди ер саҳни гулистон ўзгача  
Ишқи шўр анғез ёмғир тўкди дард афлокдин  
Мубталолар ногаси бўлди наммақдон ўзгача*

Офтоби маърифатни сен гурёшга тенглама  
 Кўрки, осори тутун ой баҳри Канъон ўзгача  
 Сарв буқланди, сиҳи синди санубир ҳамлада  
 Чун малоҳат наҳли қад ингач намоён ўзгача  
 Ёр васлини тилаб ҳайрон, ҳазин, зор элни кўр  
 Сут тилаб йиғлар кичиклар саъйи мардон ўзгача  
 Беваган сарсонлиғи ҳам хасталарни нолиши  
 Гам етим гўдакдадур, шоми ғарибон ўзгача  
 Ёрга етмоқ ҳазин ушшоқ доғи жон аро  
 Лек завқи муддаойи аҳли даврон ўзгача.

\*\*\*

169 с.

Ёр васлига етишган ранжликга бор шифо  
 Бедаво дарддур етишмай йўлда қолғон ўзгача  
 Бу шарият ичра гарчи ажралик иш нўла бор  
 Лекин бир кўнгли бузуқни кўнглин селъин ўзгача  
 Жон бериб жононга етмоқ дема ҳар шонинг иши  
 Тухм савдо тарбият қилғувчи деҳқон ўзгача  
 Ҳар киши уз суйганича кўнглида суйғони бор  
 Матлаби чуғз ўзгача раъйи андалибон ўзгача  
 Ёр келмакчи эди, йўл бермади унга рақиб  
 Дилраболар йўлини тўсғучи шайтон ўзгача  
 Дер жунун аҳлига панд аҳли париға берма дил  
 Найласун дуч келса бир кокил паришон ўзгача  
 Кўп гуноҳ этғучи кўрдим орқасидин таваси  
 Раҳматинг сели дигаргун, манда исён ўзгача  
 Ҳар вилоят шоири бир тарз шеър иншо этар  
 Шегри номарбут Маҷзуби Намангон ўзгача

\*\*\*

Кетмас кўнгулдин асло Махмур элини доғи  
То сунмаса париваш майхонадин аёғи

Юргачки, зору ҳайрон ҳажрингда мубталолар  
Бўлғайки об жорий, кўз ёшининг булоғи

Мажнундир батар қил, водийда дарбадар қил  
Ўлса гадолигингда ҳеч бўлмағай сўроғи

170 с.

Қилсам биён ҳолим кирмас қулоғи ёра  
Ўлдурди ҳам куйдурди жононанинг бу доғи

Қилсун сани маломат Мажнун дебон ҳалойиқ  
Бошингни пора қилсун маломатнинг бутоғи

Тарк айлади шаробин майхона аҳлидин ким  
Ёндурди ташналарни лаъли лабинг мазоқи

Гулчеҳра қилди ғавғо Махмур элини ёраб  
Мажнунни қилди расво Лайлини иштиёқи

Ширин-шакар тақалум Фарҳоддин битарман  
Кўп йиғладим паривашт қон бўлди кўзни оқи

Ҳижрон ўтиға куйдим, ёз ғамга ҳамдам ўлдим  
Қолди юракни доғи рўзи жазоға боқий.

Дунёйи дунға берма ҳарғиз кўнгулни Мажзуб  
Ишқ аҳлиға керакмас дунёни айши чоғи

---

**63. КОМИЛ** - Бу киши Хоразм шоирларидан бўлуб XIX нчи аср мелодий ўргаларида Хива шаҳарида нашъу намо этмиш. Ўзбек адабиёти хазинасига дурдо-

наларини қолдирмиш сиймолардан биридур. Номи Пахлавон Ниёз бўлуб, Мулло Абдулло ўғлидур. Бошланғич мактабни битириб, шул Ҳива шаҳаридаги мадрасада таҳсил илм адабий сарф, наҳв, луғат ўрганиб, шул талабалик ёшинда Навоий, Мунис, Фузулий каби шоирлардан бахраланиб ва шуларга эргашиб шеърлар сўзлай бошлади. Сўнгра савдо иши билан шуғулланди. Бу вақтда шоир бўлуб халққа танилган эди. Отаси мироб эди. Хиванинг хони Муҳаммад Раҳим II буни саройга чақириб девонсаройга котиб этиб кўйди. Кўп ўтмай девонбеги, яъни бош котиблик мартабаси берилди. Бу вақтда бўлгандаёқ ўшал замон шоирларининг энг кучлиси бўлуб ҳисобланди. Хусни хат эгаси хаттотлиқ ила баробар иншога доир таҳрирга мустаид бир санъаткор муҳаррир эди. Ул форсий тилда ёзилмиш “Раъно ва Зебо” номли дostonнинг ўзбек тилига таржима этди. Бу кишида наққошлик 171 с. санъати ҳам кўринабошлади. Бу кишида мусийқашунослик ёшлиқдан бор эди. Бу борада турли мақомлар ила чолғуда устод эди. Классик мақомларни унутилмаслигини назарда тутуб ўзича “Хоразм нўтаси” деб аталган музика аломатларини ихтироъ этди. Бироқ бу қийматли санъаткор ҳаётининг охирида икки кўзи кўр бўлиб қолди.

*Ҳар оқила бир дард бу оламда муқаррар  
Роҳат ёмиш варми гуруҳи уқалодин (шоир Зиё)*

Бу ҳолда ҳам ўз ижодий фаолиятини тўхтатмади. Танқидий шеърлар ёзиб турар эди. Ниҳоят 1899 йилда вафот этди.

Тубандаги ғазаллар Комилнинг нашидан таъъидандур:

*Кулмадинг бир, то мани юз қатла гирён қилмадинг  
Тутмадинг бир жом, то кўнглум тўла қон қилмадинг*

*Хотирим дэврон ғамидин қилмадинг бир лаҳза жам  
То мани бир қанча вақт зору паришон қилмадинг.*

*Хаста кўнглум тахбатиҳ қон қилмағунча ғунчадек  
Очилиб мажлисда рухсоринг гул афшон қилмадинг*

*Ман тарафга қилмадинг ҳаргиз хатодин бир нигоҳ  
То рақибимга боқиб юз лутфу эҳсон қилмадинг*

*Отмадинг қаҳру итобинг навакинг ағёрға  
То маломат ўғиға кўксумни қалқон қилмадинг*

*Қилмағунча хони васлингдин бу зорни бенасиб  
Ўзни бу хони эҳсон узра меҳмон қилмадинг*

*Эғнима кийдурмадинг лутфу инъоят хилъатин  
То либоси офиятдин жисмим урён қилмадинг*

*Қайси бир уммедким, лутфингдин этдим оқибат  
Ул умидим ҳосилини яъси хирмон қилмадинг*

*Эй ситамгар, қайси бедилга бериб васлингда жой  
Сўнгра они мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг*

*Қилмағунча хонумонимни қаро ҳижрон аро  
Кулбам ичра оразинг шамъи шабистон қилмадинг*

*Дони и сҳлига қачо қилмишларинг, дей эй фалак  
Қай сирин ул зул ванги мағлуби нодон қилмадинг*

*Сирри ишқинг неча пинҳон тутди элдин, эй пари  
Кўймадинг Комилни то расвойи даврон қилмадинг.*

\*\*\*

*Шоирнинг хонга хитобан ёзмиш асаридан бир парча*

*Жафо ўти била кўп ўртама булбул пари болин  
Ки оҳи қилғуси барбод баргинг, эй гули хандон*



*Гар олтун қаср эса жоҳинг, улус ҳолига раҳм этгил  
Санингдек неча шаҳоншоҳни ўткарди бу даврон*

\*\*\*

*Жонбахш лаълинг устида ул холи хиндулармудур  
Ё чашмаи ҳайвон уза зоғи сиёҳмулармудур*

*Боғи жамолинг саҳнида ўйнар кўзинг мардумлари  
Ёхуд Хўтан гулзорида сайр этган охулармидур.*

*Сунбул эрурму сарвға чирмошиб ўсган боғаро  
Ёхуд чулашқан қаддинга шабранг гисулармидур.*

*Хатти муанбарму эрур чоҳи зинаҳдон даврида  
Ё салсабил атрофида райҳони хушбулармудур*

*Шаҳло кўзинг атрофида кифрикларингму ё эса  
Қурғон кийиклар қасдиға сайёд хиндулармидур*

*Ғамзанг мижанг новакларин отмоқғадур икки камон  
Ё кўзларингининг устида пайваста абдулармудур*

*Зоҳир арақларму эрур гулбарги хандонинг уза  
Ё лаъли хотам даврида сероб лулулармудур.*

*Ғамзанг хадангин ҳар тараф отсанг тегар ман зорға  
Жон бирла кўнглум ё худ ул ўқларға қонулармудур.*

*Хайрони дидоринг бўлуб турмиш қошингда хўблар  
Йўқ эрса кўйгон ўтруда машшоти кўзгулармудур*

*Тортар риёи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фиғон  
Ё кўкка боқиб кўчада ҳар кеча ит увлармудур.*

*Комил қошиға келдимү барча рақиби ҳийласоз  
Ё шерн ғаррон олдиди бир неча тулкулармудур*

Эй дури ноб, ишқинга жонлар хазиналар  
Муажгона новак афганинг омохи сийналар

Етмас кўнгил фиғони муалло жанобинга  
Ҳар неча оҳдин ясаса анга зиналар

Ишқ аҳли бўлса гар манга тобеъ ажаб эмас  
Ҳусн аҳли келди санга ғуломи каминалар

Мингдин бириси мумкин эмас сабт бўлмағай  
Ҳуснинг баёнида неча ёздим саҳифалар

Ушшоқ бахтини қаро ёзганда килки субҳ  
Ҳолу қад ила қошу кўзингдур қариналар

Кўнглум муҳаббатингни ажаб қилса хоксор  
Ободлиғ ҳаробага бермас дафиналар

Боқ сўзга, боқма қойили яхши ёмонга  
Май зарфи гоҳ кўзада, гоҳ обгинада.

Гар бермас анга каъбаи қурбинг тавофи даст  
Не суд бўлса, мавлавий Шому Мадиналар.

Куйинг гадоси хирқат пешинаси  
Товус ўз парларига қилур ноз бийналар

Ул ким замири покдур оинадек мудом  
Етмас анга қудурати арбоби кийналар

Нетсун бу баҳри кони дуру лаълини Комилнинг  
Эй дурри ноб, ишқинга жонлар хазиналар.

## II ДАФТАР МУНДАРИЖАСИ


№	Шоирнинг номи	Кўлёзмада	Дафтарда	Китобда
25	Утожий	56 с.	1 с.	66 с.
26	Хувайдо	57 с.	2 с.	67 с.
27	Носеҳ	59 с.	6 с.	70 с.
28	Сайқалий	61 с.	8 с.	71 с.
29	Машраби Соний	64 с.	14 с.	75 с.
30	Залилий	65 с.	16 с.	77 с.
31	Қул Сулаймон	72 с.	25 с.	84 с.
32	Ийқоний	74 с.	28 с.	86 с.
33	Шамс I	75 с.	29 с.	87 с.
34	Шамс II	75 с.	29 с.	87 с.
35	Мансур	78 с.	33 с.	89 с.
36	Маҳвий	79 с.	34 с.	90 с.
	Гадойй	80 с.	35 с.	91 с.
37	Ғозий	81 с.	36 с.	91 с.
38	Мунис	86 с.	44 с.	98 с.
39	Низомий	90 с.	50 с.	103 с.
40	Амирий	92 с.	53 с.	105 с.
41	Қиёсий	98 с.	59 с.	110 с.
42	Маъдан	100 с.	63 с.	112 с.
43	Равнақ	104 с.	69 с.	117 с.
44	Акмал I	107 с.	73 с.	120 с.

Тўлақат Дақим Жўлжаз

45	Нодир	109 с.	75 с.	122 с.
46	Фазлий	111 с.	78 с.	125 с.
47	Нола I	117 с.	88 с.	131 с.
48	Шарифий	120 с.	92 с.	133 с.
49	Гулханий	122 с.	96 с.	135 с.
50	Маҳфий	126 с.	103 с.	141 с.
51	Калтатой	128 с.	105 с.	142 с.
52	Огаҳий	130 с.	108 с.	144 с.
53	Нодира	133 с.	113 с.	147 с.
54	Маҳзуна	138 с.	121 с.	153 с.
55	Узайсий	144 с.	129 с.	159 с.
56	Нозик	149 с.	139 с.	165 с.
57	Хон	152 с.	143 с.	168 с.
58	Диловор	156 с.	149 с.	172 с.
59	Ниёзий I	160 с.	156 с.	178 с.
60	Жалолий	160 с.	157 с.	179 с.
61	Азимий	164 с.	161 с.	182 с.
62	Мажзуб	167 с.	166 с.	185 с.
63	Комил	170 с.	170 с.	188 с.

# **“ТАЗКИРАИ ҚАЙҮМИЙ”**

## **III ДАFTAR**



174 с.

**64. РОЖИЙ** - Бу киши Намангон шаҳридан бўлуб “Тазкираи Афзалий”да кўрсатилишича, Бухорода таҳсили том этиб, Намангон шаҳрида қози бўлуб турган. Айтган абётлари Намангондан Бухорогача бўлган жойларда кўнғироқнинг овозидай эшитилгандир, деб таъриф этадур. Лекин номи тўғрисида китоб эгаси “исмошро нишон надорам” дейди. Қуруқ тавсиф билан тугатадур.

Мирза Абдулқодир Бедилнинг “Раҳматаст” радифли бир ғазалининг кўп шоирлар мухаммас этмишдурлар. Жумладан Рожий Намангоний ҳам мухаммас этмишдур. Бедилнинг сўзига сўз пайванд этиш маҳорати бу кишида зиёда экани кўринадур. Бизга маълум шоирлардан Ирфон, Фориғ Ваҳҳож, Акмал II лар айтган мухаммасларга назаран Рожий жуда ўзуб тушадур. Бу ўзбек шоирларининг бир форсий ғазалга бунчалик маҳорати адабийда юқори туришлари лаёқатларини кўрсатадур.

Бу Намангонли Рожий ҳар ҳолда XIX асрнинг ўрталарида нашъу намо этган шоирлардан бўлиши эҳтимолдур. Яқинда ўтган бўлса, шуҳрати бўлуб эшитган бўлур эдик. “Тазкира” эгаси Пирмастий жаноблари ҳам шул мухаммаснинг назарда тутуб кўрсатгани баёнотидан англашилмоқдадур. Бирорта туркий шеъри топилмагунча шул мухаммаснинг сўнгги бандини намуна учун қориларга кўрсатурмиз.

175 с.

*Курсийи андиша Рожийц лаҳзаи дар жайби туст  
Сад чаман бахшойиши у гулфруш аз ғайби туст  
Рӯзу шаб то нур зулмат раҳмати ло райби туст  
Шом агар гул кард Бедил пардадори айби туст  
Субҳ агар ҳандийд дар таъжиди кори раҳматаст*

**65. ВОЛА I** - Бу шоир тўғрисида тазкираларда бирор сўз йўқ. Фақат қўлимизда сақланмоқда бўлган хати таълиқ ила Хўқанд қоғозига ёзилмиш шоирнинг ўз қалам хати бор.

“Ийн мухаммаси Мулла Қурбонхон хоксор дар ҳавлийи Абдул Валий тўра дар вақти аср таҳрир ёфт. Гуноҳаш маъфураст. Тамнат”. Остида шул байт бор:

*Не воқеъ ўлса чу тақдирдин эмас ҳориж  
Бирав гинадур қилуридин кишига бермак учун.*

Мухаммас эса Ҳожа Шамсиддин Шерозий Ҳофизнинг бу ғазали бўлуб

*Саҳар бойад мегуфтам ҳадиси орзуманди  
Хитоб омадки воқиф шав ба алтофи худованди*

деб бошланган тўққуз бандлидур. Шул 9 байтни мухаммас этмишдур.

Охирги узр мақомида юқоридаги жумлани ёзиб қўймиш. Тарих йўқ. Китобга, дафтарга эмас оддий қоғозга хўқандийгадур. Мухаммаснинг охирги бандида бундай дейди:

*Бувад ин Волаи камтар азсакони орифон ҳарчанд  
Ба амри шаҳ ба варна дар абёти у ҳарфе кунад пайванд  
Бу шеъри Ҳофизи Шероз меҳандаду мерақсанд  
Сияҳ чашмони камширий ва туркони Самарқандий.*

Воланинг ғазалга қўшган мисралари охирдаги узридан умумий бир нарса шул бўлиб чиқади.

176 с. Шоир Воланинг номи Мулла Курбонхон бўлуб Абдул Ҳолиқ тўранинг ҳавлисинда бўлмиш бир суҳбатда (Хўқанд шаҳарининг шарқий томонида Валихон тўра номли маҳалла бордур. Ўлтуруш шунда бўлган). Валихон тўра Саримсоҳхон тўранинг отаси Мўйи муборак тўраларидан Мусоҳон тўранинг бобоси бўладур. Бу киши Муҳаммад Алихоннинг сўнгги даврида ва Худоёрхоннинг ўрта даврида 1856 нчи йилларда ҳаёт хонга энг яқин тургандардандур. Курбонхон Вола ҳам шул даврнинг кишиси бўлуб чиқадур. Хўқанд қоғозиға ёзгани ҳам исботлайди. Катта Қўрғонли аъмо Воланинг исми Эшонхўжадур. Тазкираларда бошқа Вола кўринмайду. Қўшимча мисрада “ба амри шаҳ” деган бир сўз бор. Яъни бунда шохнинг буйруғи ва Ҳожа Ҳофизнинг руҳидан ёрдам кутуб қарашини сўраб, ёрдам бўлмаса Ҳофизнинг сўзига ҳарф пайванд этиш осон эмас эди, дейди. Бунга қараганда хонлардан бири шул суҳбатда бор экани англашиладур. Бундай бўлганда Муҳаммад Алининг ҳаёт вақти бўлиб чиқади. Чунки Шерали ва унинг болалари бўлмиш Хўдоёр ва Маллахонлар бундай илмий, адабий суҳбатлардан жуда узоқ кишилардур. Ҳар ҳолда Курбонхон Вола феодализм даври шоирларидан бўлуб чиқадур. Туркий шеърлари ҳам бўлса керакдур. Шоирда бадий куч зиёда ур.

---

**66. БИЙМИЙ** - Бу шоирнинг номи Мулла Абдуразоқ бўлуб, Хўқандлидур. (Бир киши Андижонли деб эди). Бир қўлёзма китобнинг охирги сатридан бирида тубандаги назмга кўзум тушди. Бундан тубандагича кўрсатадур:



*Бор эрди Абдурраззоқ девона хў  
Ки девона эрмас неку таъ неку  
Бирав топмас айбини атворидин  
Қилур ҳажв ўз тўнд дасторидин  
Бўлуб Хўқанд онинг маскани  
Ҳижо гўлиқдур шиору фани  
Бу баҳри тавил таркини қилди рақам  
Маликзодадин топди ул дам карам.*

Маликзода деб Насриддинбекдур. Демак воқеа 1875 йилларга тўғри келаду. Отасидан сўнгра оз муддат Насриддинбек Хўқандда турди. Шоир асли Андижонли бўлуб ундан Насриддин бек ила ё эргашиб келмиш экани эҳтимолга яқиндур. Чунки, бекнинг Биймийнинг дебочасига ўхшатма этиб худди шул вазнда ёзганлари бордур. Алоқаси шундан билинадур. Шоир бекка бир баҳри тавил ила арзи ҳолни айтиб ўзига бир янги салла сўрайду. (Шул баҳри тавилдан бош қисмини ёзиб олдим. Бутун ёзишни ҳожат кўрмадим). Баҳри тавилдан парча булду:

“Сайиндим, тожи сарим, нукта расим, аҳти қадим. Бандага бир салла карам қилган эдилар, магарам хотири ашрафларидин маҳбўлуб келгани учун ёди муборакка солай деб бу сифат баҳри тавил айладим иншо. Малико, муҳташамо, англаки, калламдаги саллам титилиб ҳар еридин турли тешиклар қиймай барча бўлуб илма улоқ лаҳ, лаҳ, лаҳ... шунга ўхшайду”.

Фақир шоир экани юқоридаги жумладан маълумдур. Қачон вафот этгани тўғрисида маълумот йўқ. Тубандаги дебоча ва ғазаллари шоирнинг нашидаи таъбидан намуенаду:

*Дебочаи ишқдин ривоят  
Ғам дафтаридин бу бир шикоят*

*Дил сафҳасина азалда тақдир  
Ёзмиш рақами балони таҳрир*

Бу важх ила чиқмасам балодин  
Ҳижрон шабидек юзи қародин

Ўлдурди кеча ғами тазаллум  
Кундуз даҳи ортди таъни мардум.

Бир кеча нулур аё нигорим  
Келсанг ватанимга, гулузорим.

Ҳар лутфки айласанг сан этсанг  
Байтул ҳазанимни равшан этсанг.

Ман кеча ғамингда беқарорам  
Кундуз аламингда дилфигорам.

Сан ишқ ўтисан ки, ман кабобам  
Ўт ёнида доим изтиробам.

Сан маҳваши офати замона  
Ман мардум ичинда бир фасона.

Эмди нетарамки, тоқатим йўқ,  
Ҳажринг аламинда меҳнатим чўқ.

Эй дилбари жон гудоз хунрез  
Кўз мақдамингга эрур гуҳаррез

Бу ҳолати етди зиндагоним  
На қолди иноку штиёрим

Доғ этди кўнгулни жамъи ғамлар  
Анжақ ғам эмас ҳам ул ситамлар

Гоғ тиғи ситам кесиб танимни  
Гоҳ ғам пичоғи тилаб тилимни

Бу ғамлара бир тадорик айла  
Мушкулни ўзинг тадорик айла •

*Муҳмиз жунун аҳли ушшоқ  
Биймийи ғарибу Абдураззоқ.*

\*\*\*

*Ишқ ичра қачон Мажнун девона экан мандек  
Лайлини фироқинда афсона экан мендек*

*Ғам тоғида қон йиғлаб Ширин ғамида Фарҳод  
Ҳасратда қачон ашки дурдона экан мандек.*

*Ўртанди Зулайҳо кўп Юсуфни фироқида  
Бир балдада дидори бегона экан мандек.*

179 с.

*Овораи ҳижронлар саҳрои маломатда  
Муштоқи висоли ул жонона экан мандек*

*Эй маҳваши барнолар, жон куйдуруб ошиқлар  
Рухсорин ҳажрида парвона экан мандек*

*Майхоналара келмиш махмура дариг этма  
Май суи, кечалар муҳтож паймона экан мандек*

*Узрони ғами бирлан Вомиқни дилу кўнгли  
Ишқ офатила Биймий девона экан мандек.*

Филология фанлари кандидати Ҳошимжон Раззоқ ўғли ўз китобида Мулла Абдураззоқ Ҳомид ўғли Биймий Андижон области Ойим қишлоқли бўлуб Муқимий, Завқий ила бирга дўстининг ҳузурда меҳмон бўлмиш. “Қурбақалар” радибли шеърини Ойим қишлоқда 1898 йилда ёзган эди, Деб кўрсатади.

**67. АКМАЛ II** - Бу шоир асли Пискент номли қасабадан бўлуб (Тошкент области) авлиёи қорахонийлардан Низомуддин Пискандийнинг ўғли Мансур хўжанинг набирасидур. (Бобоси ҳам шоир бўлуб тахаллуси Мансур эди). Бу кишининг номи ўз номидан тахаллус иштиёр этиб олинмиш бўлуб, номи Саййид Акмалдур. Мансурнинг Саййид Яқубхон ва Саййид Юсуфхон номида икки ўғли бўлуб, Саййид Акмалхон шулардан бирининг ўғлидур. Бизга юқоридагича маълумот берилди. (Акмалхон Яқубхон ўғлидур). Шоир шул Пискентда ҳижрий ила 1250 (1834-35) нчи йилда 180 с. (туғулган) 180 с. Шоир I нчи бошланғич мактабни шул туғилган жойида батартиб илми қироат ўрганиб Тошкентда мадрасада туруб таҳсили илм олмиш ва Бухорода ҳам хатм этмишдур. Бироқ бу кишига ўз қизини бериш Яқуббек Қашқарга хон бўлуб ўлтургандан олдинроқ Саййид Акмалхонни Қашқар шаҳарига қози этиб қўймуш эди. Шунда турди, Машхур шоир, ўзгандли Тоиб, Мулла Юнусхон шиговул ҳам Акмалхоннинг ҳимоясига бориб эди. 1866 йил Мулла Алимқул ўлганидан кейин Қашқарга бориб эди. Ёрканд шаҳарига қози этиб қўйилади. Качонки, Қашқар вилояти Яқуббек болалари қўлидан Хитойларга ўтгач, борганлар қочиб Фарғонага келдилар. Шунда Саййид Акмалхон ҳам Хўқандда турди. Сўнгра бориб Пискандда турди. Кейин Тошкандда турган вақтида зўр шоири нуқтадон ва олимлиги билан ном чиқариб мунозара ва муҳокамада шуҳрати зиёдалашиб кетди. Маҳаллий уламолар бу кишига ҳасад этиб, чор амалдорларига бу кишининг устидан донос этиб шубҳали этиб кўрсатдилар. Тошкандда туриш оғир бўлиб қолди. Бу киши эшонлиқ этмади. Баъзи биродар дўстларининг маслаҳати ила Бухорога кетди. Бир неча ой тургач, амири Бухорога ариза бериб мударрислик этишга бир жой сўради. Амир эса бу олимнинг илмий даражасини синаб кўриб маълум қилишни буюриб Қози Қалонга тушурди. Қози Қалон бу кишига тўғри баҳо бермай, ҳасад этиб "Муллоий авсат", яъни ўртача мулла деб кўрсатди. Амир эса бу кишини

имомликка буюрди. Қози Калон Бухоронинг бир чекка маҳалласига имом этиб юборди.

181 с. Шоирга қози Калоннинг бу қараши жуда оғир келди. Ҳам иқтисодий томондан оғирлиқ тортар эди. Ма-шаққат ила чидаб турди. Оиласи бу турмушга чидамади. Хотини Пискентга қайтишга мажбур бўлди. Шоирга яна оғирлиқ юз берди. Шунча қийинчиликқа тушувига са-баб бўлган қози Бадриддин вафот этиб қолди. Шоирлар қозига навҳали марсиялар сўзладилар. Булар орасинда шоир Акмалнинг қозининг илмий даражаси улуг бир сиймолиги фазлу фазоили тўғрисида улуг бир зиён азим-дур деб тавсиф этиб ёзган марсияси ҳаммани ҳайратда қолдирди. Ҳақиқатда шоирда кийн адоват сақламагани, ҳамага хусусан амирга маълум бўлди. Ҳурмати ошди. Амир бу кишини ҳузурига чақириб ҳатто Шаҳрисабзга бирга олиб борди эса ҳам вақт ўтмиш эрди. Шоир Акмал ка-сал бўлиб қолиб эди. Ниҳоят ҳижрий ила 1301 (1883-84) нчи йилда Бухорода 51 ёшинда вафот этди. Ҳўқан-дли шоир Тоиб, Юнусжон қози шигову марсия вафот тарихи ёзмишдур. Замондоши ва дўсти Бухороли шоир Сомий Акмал тўғрисида бир хотира ёзмишдурки, Қўлёмалар институтида (Беруний номли Шарқшунос-лик институтида А.Қ.) сақланмоқдадур. Ўзи эшонзода бўлгани ҳолда эшонлик этмади. Қози бўлиб турганда халқни тўғри ҳукм этгани тўғрисида ҳануз эл орасинда махтовлар бордур. Моддий бойлик орттирмагани, иқти-содий ҳолда қийналгани ниҳоят камчиликларга дучор бўлгани, ялғуз қолгани исбот этадур.

Ашъорлари бадиийдур. Кўпинча Бедилга эргайган кўринадур. Туркий, форсий ва арабий шеърлари бор-дур. Ҳўқандда ҳам кўп.

182 с.

*Нагардар шеъри ман маиҳур то жон дар бадан дорам  
Ки баъд зи марг оху нофа берун мекунамд бўро.*

Таржимаси: То баданимда жоним бор, мани шеърларим машҳур бўлмайди. Кийикни киндиги бўйини ўлгандан сўнгра чиқарадурку.

Бу тўртлик ҳам Акмалдандур:

*Эй шамъ, дар гудоzi ғам оз баҳри чистий  
Вай сар буррода ба сели савдойи кистий  
Дардат чи дардбуд ба як по ситадаи  
Ме сўхтий чу ман ҳама шаб мегиравий*

Таржимаси: Эй шамъ, бу ғамда ўтишинг нима учундир. Эй боши кесик, нега кимни савдоси учун сўйилдинг, дардинг нима дарддурки, бир оёқда турубсан? Манга ўхшаб ҳар кеча куюсан ва йиғлайсан?

\*\*\*

Ҳозикнинг ўлим олдда деган бир ғазалининг Акмал мухаммас этмишдур. Форсийча бўлганидан бутун кўрсатишни лозим топмадик. Етти банддан иборат бу мухаммаснинг намуна учун охириги бандини кўчурдук.

*Ғаҳи печам баҳуд Акмал зи дарди тийра бахтийхо  
Ғаҳи бо нохуни ҳасрат харошам сийнаи худро  
Чи месозий талаб аз ман суроғи офият инжо  
Нодийдам дар баҳори зиндагий Ҳозик дар ийн саҳро  
Ба ранги лола жуз доғи дилию сийнаи чокий*

183 с. Таржимаси: Бахти қороликлар дардига ўзини ўраган Акмал ҳасрат тирноғи билан ўз кўкрагини тирнайди. Мана бундай жойда офиятни сўроғини сўрайсан. Кўрмадим ман Ҳозик бу саҳрода тирикликни баҳорини кўракни очиб фақат дилни лоларангли доғларини кўрасан, дейди. Бунинг билан шоир Акмал Ҳозикнинг дунёдан шикоят ила тўлдириб фикрига фикр, сўзига сўз пайванд этаолганлиги кўринадур.

Куйидаги бир неча ғазал ва мухаммаслар шоир  
Акмалдандур:

*Ёр агёра шакар ханда ила сўз қотадур  
Рашкдин аччиғ-аччиғ ваҳ мани қон йиғлатадур.*

*Кўзда ёшимни ажаб юзда ниқобин кўргач  
Ёйшлур чарх уза сайёрс қуёш чун ботадур.*

*Рашкдан риштаи жонимда шикан узра шикан  
Ғолибо сунбули зулфини сабо бутратадур*

*Не тонг уйғотмаса маҳшар тонги васл уйқусидан  
Улки тонг отқуча ёрин қучоғинда ботадур.*

*Бу:ҳаваслар не баробар бўлур ул ошиқа ким  
Бир боқишда дилу динини баробар сотадур.*

*Ростким, ростбин эмас кўринг ул каж назари  
Ростлиғ бобида сарви қадиға ўшатадур.*

*Ҳадафи сийна шигоф узра шигоф ўлса не тонг  
То муҳаввас қоши новак узра новак отадур.*

*Не равиш бирла ажал фарзонидин менг ўлмас  
Бу бисот устида ҳар шоҳки, от ўйнатадур.*

*Кўрмади ул ойи юзин Акмал ҳаргиз воҳ-воҳ  
Неча анжум киби юз ёшурубон тун қотадур.*

\*\*\*

*Оч такаллум бирла лаб тўти таманноланмасун  
Зулфи тарқаттию мушк бозор ичра савдоланмасун*

*Сарви қаддингдин гулистон ичра кўрсат жилвае  
То кўруб шамшод ани беҳуда рағноланмасун.*

*Лола юзина қора суртуб кўчурди боғдин  
Боғбон деб ҳуснини минъбанд даъволанмасун.*

Май ичиб ораз қизартиб боға солким бир назар  
Маҳв ўлуб наргис кўзи гулчеҳра зеболанмасун

Ҳола яғмо ошкор айларди лаълинг манъ эдуб  
Хат чиқармушдурки, ҳинду ҳайли гавағоланмасун.

Айлағум ўз хоҳишимла жон фидо тасдиқ этиб  
Қатлима новак чекуб ҳардам қошин ёланмасун

Ноз тиғин чекма ҳардам халқ қонин тўкмака  
Кўрқарам Акмал мабодо ҳажр барноланмасун.

\* \* \*

Мухаммаслардан:

Жунун иқлимида меҳнат фазолар бор экан мундоғ  
Гули айшим ҳазон этган саболар бор экан мундоғ  
Бошимға чарх жавридан жафолар бор экан мундоғ  
Кўнгулга ҳажр дардидин балолар бор экан мундоғ  
Фалакнинг гардишидин осиелар бор экан мундоғ.

Дами чун гулхан ўтиға кабоб айлаб мани маҳзун  
Гаҳи ёлғам водисин жавлон уруб монандийи мажнун  
Гоҳи Бамиқ кабили кўздин тўкуб юз Дажлау Жайхун  
Сиришкимдан жаҳон тўфониға кетди уруб гардун  
Кўнгулга ҳажр дардидан даволар бор экан мундоғ

Кетиб кўздин маҳим кетди кўнгулдин сабр оромим  
Насиби ҳеч нокас бўлмасун ёраб мани шомим  
Маломат ҳайли торож айлади наҳди саранжомим  
Ичурди оқибат захри фироқ ул шўх худкомим  
Муҳаббат хонида ранган гизолар бор экан мундоғ



Асир айлаб мани ҳажр илқида бечоралар қилдинг  
Таимни тийр борони балодин ёралар қилдинг  
Кўнгул мийнасини ғам тоши бирла поралар қилдинг  
Сўроғингда мени бочорани бечоралар қилдинг  
Жамолинг шомида субҳу саболар бор экан мундоғ

Бу олам ичра ё раб ман каби ҳажр ўртаган борму  
Ки қадри васл билмай фурқат ўтиға ёнон борму  
Бўлуб шоми фироқида манингдек беватан борму  
Анингдек бенаволиқ бобида бедоду фан борму  
Вафо бегонага қалб ошнолар бу экан мундоғ

Санга совуқ сўз айтиб ғунча сураат ҳеч очилмам  
На деб ғам киркики бирлан тилимни минг тилим қилмам  
Деб эрдинг, то тирикман бир нафас ҳам сендин айрилмам  
Кўзумдин ончунон кетдинг қаёнға борганинг билмам  
Ҳилофи аҳд этарға бевафолар бор экан мундоғ.

Ушал соатки, хуршиди жамолингдин жудо бўлдим  
Ғубори куйи ҳасрат, зарраи дашти фано бўлдим  
Ушал дам шамъи маҳфилдек куюб ёниб адо бўлдим  
Висолингға ишониб фирқатинга мубтало бўлдим  
Жудолик махзанида муддаолар бор экан мундоғ.

Налар тушди манга сандин, аё эй дилбари ҳўбон  
Нишотим ғам, шаробим сам надмим ҳасрати хирмон  
Бағирлар қон, жигар бирёну кўнгул зору саргардон  
Таним бежону дил ҳайрону кўз гирёну тил нолон  
Муҳаббат боғида булбул наволар бор экан мундоғ.

Тилисми ҳасрати дидоринга то дийда маҳв ўлди  
Муҳити авзами ашким спехр узра равон бўлди  
Шароби васл ичмай ғуссаи паймоналар тўлди  
Самими жон гудози ҳажридин раҳмим гули сўлди  
Фироқинг даштида оби ҳаволар бор экан мундоғ

*Жунун даштида Мажнундек кезиб бепоусар бўлдим  
Қозиб ғам тоғини Фарҳоддек зери забар бўлдим  
Жафо майдонида ғам размига кўкси сипар бўлдим  
Ғамим помол бошим мужзаги тиғи хатар бўлдим  
Бағир қоним тўқарға карбалолар бор экан мундоғ*

*Дариғо, бўлмади мақбул султон арзи ҳожотим  
Қарини файзи роҳат арсаи субҳу муножотим  
Юз ойиндин асар гул қилмади гулзори даъвотим  
Саломат дафтаридин маҳе бўлди бенишон отим  
Ижобатдин йироқ тушган дуолар бор экан мундоғ.*

*Висолинг қошидин пайғомин излаб бўлди шод Акмал  
Спехр айвонидин ўтди ба ранги барқи бод Акмал  
Белига боғлаб эҳроми талаб ҳожи ниҳод Акмал  
Тавофи хонаи мақсуд этиб топди мурод Акмал  
Муҳаббат водийсида раҳномалар бор экан мундоғ.*

\* \* \*

184, 185 с.

Муҳаммаснинг бешинчи банди:

*Деб эрдим оқибат сан бевафолиқ пеша айларсан  
Кунгил ҳажр ўтига куйдирмагим андиша айларсан  
Кўйиб ўт куйдириб боғи умидим реша айларсан  
Бошимға куҳқандек доғи ташвиш пеша айларсан  
Бути Фарҳодваш Ширин адолар бор экан мундоғ.*

186 с.

**68. МУҚИМИЙ** - Бу шоирнинг номи Муҳаммад Амин хўжа бўлуб Хўқанд шаҳарида Хўжанд лаҳоси-

да Бекбачча I маҳаллада косиб нонвой оиласинда дунёга келди. Отасининг номи Мулла Мирзохўжадур. Бошланғич мактабнинг маҳалла масжидида тамом этиб Мадрасаи Муҳаммад Алихонда шайхул ислом Улуғхон тўранинг ўзинда қолмиш Мулла Ҳолмуҳаммад домуллада таҳсил кўруб, сўнгра Бухорога кетиб итмом этиб келди. Бироқ Бухоро сафаридан ҳам олдин Навоий, Фузулий асарлари ила танишиб ўзида адабиётга ҳавас пайдо этмиш. Бухорода эса бу ҳавас зиёдалашиб, шеъри қувват пайдо этиб форс шоирларидан ўз ҳавасини такмил этдиришга уринадур. Ниҳоят зўр шоир бўлуб танилиб келибдур. Шаҳар фузолларидан Мулла Абдулқори котибнинг айтувича юқоридаги жумлаларни ёздим. Маъсумхон Гулханий домулладан (Чинорли масжид имоми) Бедилнинг фалсафий девонининг ўқимишдур. Ниҳоят Миён Қайюм номли ҳазратга яқин турганлиги сабабли Мадрасаи ҳазратдан хужра берилди. Охир ҳаётигача шул хужрада бўлди. Бу вақтда отаси вафот этиб эди. Икки ҳамшираси ила бир ўғул шул Муҳаммад хўжа қолмишдур. Онаси жуда олдин вафот этганидан отаси иккинчи хотун олмишдур. Бундан Хайринисо номли ҳамшираси бўлган. Баъзи ошиноларининг воситаси ила Ганжиравон волости Шилдир номли қишлоқдан бир хотун(га) ўйланадур. Бу хотун Муқимийга ҳавас орзу ила текса ҳам шоирнинг таъбиға унинг тўғри келмагани сабабли тарки алоқа этиб қўяқолган. Ниҳоят ажралишганлар. Шундай ҳолда шоирдан бир ўғил фарзанд туғилади. Боланинг оёқ бош бармоғида қўшалоқ бўлганидан Нишонхўжа кўюлмиш эди. Тўқуз 187 с. ёшга борганда бу ўғли вафот этадур. Муқимий бу ўғилчасига суннат тўйи ҳам этиб элга ош бергани жианлари Рўзи Муҳаммад ҳожи сўзлайди.

Мадинаи мунаввара шаҳарида туруб қолган Қори Раҳматилло (аъло) шеърда таҳаллуси Маҳзун Муқимийга айни тоға эмас, ўғай тоға бўлиб; Хайринисога тоғаи айнидур, дейди Ҳожи Рўзи Муҳаммадхон.

Муқимийнинг ҳовлиси мадрасанинг жанубий томонида бўлган. Ҳозир бу ҳовли бошқа кишилар қўли-

ри соқол-мўйлаби, асабийлиги тўла кўринар эди. ... зик-роқ, арриқ бетли, шундай бўлса ҳам маҳробатли, силлиқ ҳалим кўринишли эмас эди. Устида қорамтир сафсар, тўқ қора бўлмаган сийдам шерст авра астар рус тўн бўлуб чап қўли ила ярим этагини орқа кўтарган ҳолда ерга қараб ниҳоят секин, майда қадам билан ҳаёл ила борар эди. Ичида худди шул рангда бўлган узун камзул кийган, белидаги икки дона эски шойи белбоғ боғлангани сариғ гули ҳануз ёдимдадур. Чап кўкрагида кичик чўнтагидан кумуш занжири сантиметрча кўриниб турадур. Бошида кичик эски малла ранг салла бор. Яхшигина ўралиб бошига ёпишиб турар эди. Оёқға яхши қараганим бўлмави шекилли ҳар ҳолда кавш махсили бўлса керак. Мен кўрган сиймо юқоридаги тасвирда эди. Шаҳаримиз Ҳўқанднинг мадори ифтихори бўлмиш Муҳаммад Амин хўжа Муқимий тўғрисида замонамизда кўп нарсалар ёзилди. Қанча ёзилар экан, оздур. Бошқа тавсиф ва баҳоларни муқимийшунос 190 с. олимларга қолдириб биз фақат эшитганларимизни бироз ёзиб ўтамиз. Анталогияларда шоир Муқимий 1850 нчи йилда туғилмишдур. Июнь бошларида. Чунки ўзи сўз орасинда Мулла Абдулқори хаттотнинг боқчасида бўлган Мулла Жумабоев Исмоил шу кишига келиб хати насталиқ машқ ўрганган экан. Ҳавз лабида салқинда машқ қилиб ўлтирар эдим. Муқимий кириб келдилар. Соат 11 бор эди. Муаллим қори тут қоқишни буюрди. Мен тайёрланиб дарахтга чиқдим. Тут қоқа бошладим. меҳмон билан домламиз суфада эдилар. Жаббор қори соатсоз ҳам бор эди. У киши чойшаб бола билан гутиб турарди. Тамом бўлгач, Жаббор қори лагандга солиб тўла олиб бориб ўртага қўйди. Бизни ҳам чақирди. Тўрт киши тут ея бошладик. Муқимий шул фурсат тубандагича сўзладилар:

“Мен тутни жуда яхши кўраман. Чунки мен ўзум ҳам тут пишиғида туғилган эканман”, - деган. Ҳама кулишган. Ҳазил ила айтдим, тўғри сўзладими номаълум.

Ўртоғимиз Мулла Исмоил Жумабоев Қўқон райони Ўрта афғон қишлоқли муаллимдан эшитиб эдим.

Муқимийнинг жиянлари Мулла Рўзи Муҳаммад-жон қорининг сўзича тоғаси Муқимий 53 ёшида вафот этганига ишонмайди. Олтмишдан ошган эмас. 50 ёшдан ҳар ҳолда ошуқдурлар, дейди. Фақир Муқимийнинг вафотидан икки йил олдин кўрдим. Соқоли қора эди. Ҳар ҳолда 56 ёшдаги киши деб сеза олмайман. Ҳижрий ила 1321 сафар ойи сешанба куні асрдан кейин вафот этди (1903 нчи йил 23 нчи май).

Муқимий Абдулқодир Қодирийникига келганда бир мартаба йўқ экан. Муқимий буни қолдириб кетган:

*Каломинг олтироқ олдида жонлар  
Югурдим доғ ўлуб сансиз замонлар  
Бугун бир гаплашай деб келган эдим  
Хабар бўлдики, қорий йўқ эканлар.*

Муқимий ўз вафотдан 15 кун олдин ўзининг дўсти Шайхон қабристонининг мудирі сифатида бўлмиш Мулла Ғофиржон номли гўрковни чақириб келиб ундан илтимос этиб ўзига қабр қазишда Мавлавий Жабалийнинг даҳмасининг саҳнидан бир жой меним учун гўр кавлашга мумкин бўладурми? Фақирни орзум шулдур, узоқроқ муддат қабрим эл кўзига кўринуб туриб фотиҳаларидан умид тутар эдим, деган. Шул даҳманинг бир чеккасидан қабр қазишни ризо этган. Ваъда этиб чиқиб шул даҳмани ворислардан бўлмиш Саъдихон аъламга бориб (Исфара гузар маҳаллада бўлуб турмиш кишидур) шоир Муқимийнинг касал ҳолда эканининг, магар вафот этса сизнинг бобонгиз мавлавий Жабалийнинг даҳмасидан жой сўраганининг бир-бир баён этган. Саъдихон аълам ғазабланиб, Муқимий бизга қариндош ё мавлавий Жабалийга муносабати йўқ кишидур. Даҳмага даҳли йўқ. Биз рухсат этмаймиз деган.

Муқимийнинг вафоти Мулла Ғофиржон қорига эшитилгач, қори даҳманинг жанубий томон деворининг тегидан гўр кавлаганда майтнинг тиззасигача бўлган узунликда ердни даҳманинг ичидан кавлаб шоирнинг мақсади ва талабининг адо этган. Фақат ташқари юбо-

рилиб даҳмага дохил этган. 1933 йилда шоирнинг вафотига 30 йил тўлиш муносабати ила бўлган йўқлаш маросимида 1 Ғофиржон қорига бу хизмати учун бир минг сўм мукофот берилди. 1953 йилда бўлмиш маросимда эса Ғофиржон қори вафот этмиш эди.

Хўжанд даҳа хонақоҳ маҳаллали заргар Аъзам хўжа Тўра хўжа ўғли ўз хотирасинда тубандагича дейди:

192 с. Биз бозордаги заргарлик дўконимизни беркитиб устамиз Абдурахмон хўжа билан ҳовлига қайтар эдик. Исфара гузарга борган эдик, чорраҳада ғарб томондаги кўчадан 20 чоғлиқча одамлар бир жанозани соқитлик ила кўтарган ҳолда келушар эдилар. Ғарибона тарзда эди. Биз тўхтаб турдик. Раҳмат тилаб фотиҳа ўқудик. Жануб бурулуб олиб кетишди. Мени қўлимда буюмлар бор эди. Сўраганимизда ҳозирлар афсус ила шоир Муқимий, шоир Муқимий дейишди. Афсусланиб қолдик. Аср вақтига яқин эди. Демак жон берган вақти ҳам асрдан кейиндур. Тайёрлаб дарҳол чиқарганлар. Ё эртасига бўлса чаҳоршанба бўладур. Кўмуш маросими ўз даражасига яраша бўлмагани англашиладур. Акбархўжа номли ўғли вафотида бор эди. Вафоти тарихига дўсти малавий Йўлдош домумла тарих сўзлаган. Завқий ва Рожий, Ёрий, Найирий, Насриддинлардан жанозасида бўлгани ва тарих сўзлагани кўрунмайди. Муҳий ва Муҳаййирдан кутиш ҳам мумкин эмасдур.

Бешариқ қишлоқли Мулла Иҳсон Хўжамкул ўғли деган киши Муқимий тўғрисида бундай дейди:

“Мадрасаи Муҳаммад Алихонда Муқимий ўқутганда ман ҳам талаба эдим. Хомуш, индамас, қотмароқ бугдой ранг киши эди. Гулдастага чиқиб олиб дарс тайёрлаб ўлтурганини кўп кўрар эдим” дейди.

Бу киши ҳозурда ҳаётдур. 80 ёшда бўлуб қулоғи қардур.

“Бир кун бизнинг мингбошимиз Дўст Муҳаммад чақириб айтдики, бугун душанбадур. (Ҳар душанда кун бунда бозор бўладур).

1. 1938 йил, Муқимийнинг вафотига 35 йил тўлиши муносабати билан бўлган маросимда. А.Қ.

Шаҳардан шоир Муқимий келибдур. Болохонада ўлтурубдур. Жуда таъби нозик одамдур. Мен бутун бозорда иш билан бандман. Сан шу кишига қараб бирга туруб хизмат этиб тургин. Эртагача, деди.

193 с. Мен болохонага чиқиб шоир Муқимий билан сурашдим. Мехмонхонанинг бир томони очик оқучкалар бўлуб кўчага қараб бозорни бутун кўриб турадур. Ўтган-кетган кишиларни тамошо этиб ўлтиришга мослаб бино этилган эди. Муқимий ҳам бутун келиб тушмушдур. муқимийнинг аҳволига анча ўзгариш хос бўлган қувноқлик йўқ деярли эди. Мани бироз таниди. Ортуқ гапирмас эди. Чой қуйиб бериб ўлтурдим. Ранги заҳир, қони оз, асабийлик зиёда бўлса ҳам юзида куч ила табассум воқеъ бўлур. Лекин асабият босиб ўтар эди. Манга бу шоир ила туриш оғир бўлса ҳам туришга мажбур эдим. Нима сўз топиб гапиришни билмас эдим. Ҳовлига таклиф этдим. Бош қимирлатиб рад этди. Бозорни тамошо қилдирайми? - дедим. Бир одам келмоқчи эди, деб қўяқолди. Кейин Жанжал қишлоқдан кутгани маълум бўлди. Кўчага қараб ўлтурган эди. Мен ҳам қараб турар эдим. Шарқдан фарб томон чўзилган бу ерқатнов кўчада чап томондаги болохонадамиз, бироқ кўчадан уч киши ўтмоқда эди. Фарб томон баробар бораётган бу қишлоқ кишиларидан бири олтмиш ёшларда бўлмиш оқ сурф яктакли, кўкраги очик, оёқ яланг ҳолда бўлуб, тоза оффоқ соқолли анча узун таралган озода, тўлатўкис, соғлом бетлари чертсанг қон чиқарли, қўлида бир бедана бўлиб яктакли енгиди ўралган, эшитилмаса ҳам бу уч кишининг кўча суҳбати бедананинг мақтави устиди борар эди. Муқимий мароқ ила мўйсафидга қараб диққат ила кўзини узмас эди. Булар ўтуб кетишди. Мен Муқимийга қараб табассум этиб қўйдим. Бунга жавобан Муқимий, кўрдингми, деб боши билан ишора этди. Соқолни қарагин беғамлигини ҳам билдингизми? - дедида юзида маъюслик кўринди. Эй парвардигори олам, кошки эди мени ҳам шундай беғам, беақл, бетамиз этсанг, эди. шуни ўрнида мен яратилганимда эди. Бутун

вужудида афсус сезилди. Енгил фотиҳа қилди-да, ўрнидан туриб кетди. Жанжал қишлоққа тушган мингбоши эса фақат сўнгра таклиф этган экан”.

194 с. Бу воқеа 1899 нчи йилларда бўлган тахмин этиладур. Мадрасаи Муҳаммад Алихон мударрис Мулла Хол домулла деган кишининг Балиқчи номли қарйали бир шоғирди бўлуб домуллага ҳамқишлоқ бўлганидан, домулланинг хизматига туруб ўқуган. Номни Низомиддин бўлсада, ақлли, дароят, хусну ахлоқ, соғломлиги ила бирга бу йигит хушхон, адабий соҳада ҳам ном чиқарган шоирлар дўсти, мақомлардан хабардор йигитча бўлганидан мадрасада Низомхон деб аталгандун.

Муқимий Бухородан келгач, Низомхон Муқимий билан дўст алоқаси бўлуб Муқимийнинг кўп шеърларини Низомхон куйга чолиб ашула қилиб юрган. Ўртоғимиз Мулла Хусайнхон маҳдумнинг айтувларича, бу бойбачча бўлганидан иқтисодий томондан қийналмаган. Охирда Мадраса Хазратга кўчиб борган. Балиқчига кетгандан сўнгра Муқимийдан узоқлашса ҳам дўст алоқаси бўлган. Муқимийнинг кўп хат ва мухаммаслари шул Низомхонда бўлган. Муқимий вафотидан бир неча йил олдин Исфарага борган. Бундаги қори закончи Муҳаммад Расул мингбоши бўлуб турган экан. Муқимийнинг ниҳоят ариғланиб кетганини кўриб отлиғ ҳамроҳлар қўшуб Лолак номли жойга юборган. Ундаги мингбоши Султонмурод яхши қабул этиб, Баланд кўл номли салқин ҳаволи, сердарахт жойга олиб бориб, чодир куруб шунда меҳмон этган. Қимиз билан улвосинлар келтириб зиёфат этиб турган. Ўз ўғлининг бутун Муқимийнинг хизматига қўйган. Лекин Муқимий бу баланд ҳаволи жойда шунча зиёфатлар ичида бўлса ҳам зўрға бир ҳафта тураолган. Мингбошидан қайтишни сўраган. Ниҳоят Султонмурод (бу киши қирғизлардандир) рухсат этишга мажбур бўлган. Совға-саломлар ила хурмат этиб қори закончи ўзи бирга отлиқ Исфарада топширган. Шул Султонмуроднинг ўғли Риштонли бир кишига сўзлаган. Бу эфизодларни тамом этамиз.



195 с. Мавлоно Муқимийнинг нашидан таъбидан бир неча ғазал ва мухаммасларни ёзиб ўтадим.

\* \* \*

*Кўп эрди ҳасратим жоно қилай изҳор деб келдим  
Муқимий кунжи ғам эрдим, сани ғамхор деб келдим.*

*Хатингму раста-раста сабзаи райҳони жаннатму  
Юзунг кўруб томошо айлайин гулзор деб келдим.*

*Бориб ойдай жамолига тўйиб деб соғиниб чиқдим  
Қачон қилмоқ учун савдо сотуқ бозор деб келдим.*

*Кўзум оқсун ғараз ком ўлса гар ўзга томошаи  
Нигоро, васлинг истаб маҳз бир дидор деб келдим.*

*Ке эй, мутриб баёт, ушшоқ ёқмайду қулоғимга  
Тараннум айласанг маҳфилда қил гулёр деб келдим.*

*Азоб эрмасму чиқмоқ (лиқ) кишига қиш ҳавосида  
Бошинг ҳаққи, шундан шунга мен сен бор деб келдим.*

*Қаро оху кўзунг ёдида эрди тийра айёмим  
Малоҳатда юзинг хуршид пуранвор деб келдим.*

*Қошинг меҳробиға жону дилим бирла эғиб қаддим  
Белимга боғламоқға зулфлар зиннор деб келдим.*

*Бу ерга ким учун келдинг дебон сўрманг Муқимийдан  
Кўрарга бир суманбар сарв гул рухсор деб келдим.*

\* \* \*

*Нигоро бир кўрарга оқибат зор айладинг сен ҳам  
Десам захимга марҳам жонима қор айладинг сен ҳам*

*Юрак қон бўлганим етмасмудиким, устига охир  
Бу янглиғ интизори дийда гирён айладинг сен ҳам.*

*Чекар товус оху нола айлар қабк рашкидин  
Магар жавлон қилиб боғларда рафтор айладинг сен ҳам*

*Қўлимдан ихтиёрим кетди, дилда қолмади ором  
Парилардек қачонким, феъли атвор айладинг сен ҳам.*

*Чекиб жавру жафолар шўхлардин камму таъзим  
Ки якбора осарга беғуноҳ дор айладинг сан ҳам*

*Муқимий қайси гул ишқида куйдинг мисли булбулдек  
Фиғону нола айлаб дод бисёр айладинг сен ҳам.*

\*\*\*

*Ёраб, ул ойни ҳажрида афғон қачонгача  
Доим эшитмас ул сари хўбон қачонгача*

*Ётдим йўлингда гулхан этиб фирқат ўтидин  
Боқмай ўтар манинг сари жонон қачонгача*

*Ошиқлара тазаллуму жабру жафоларинг  
Ағёр элига лутф ила эҳсон қачонгача*

*Яъқубвор ҳасратида тўкди қон кўзум  
Билмас бу сирни Юсуфи Канъон қачонгача*

*Заъф ўлди жисми зориму сўрмас келиб нигор  
Қилмас табиб дардима дармон қачонгача*

*Арз айлагил умид ила, ҳолингни жэй Муқим  
Раҳм айламас гадосига султон қачонгача.*

\*\*\*

*Кимга улфат бўлдим андин менга етти минг малол  
Тарзи шул бирлан дегайман кўнглима шод айладим*

*Сўрма, эй бедард, қасру боғу мулкимдин мени  
Ўзни не ҳушким, тааллуқлардин озод айладим.*

*Оҳ, бу таъсир сўзлар дардидин ўлдим Муқим  
Кўнглими ибромидин то бора нўлод айладим.*

\*\*\*

Мухаммаслардан бири:

*Минган саманди тунд хиромингга офарин  
Элни қилурға қатл маромингга офарин  
Етмас ҳануз навбати жомингга офарин  
Эй сарвиноз лутфи киромингга офарин  
Берган рамуз бирла саломингга офарин.*

*Нозик чаманда сан каби раъно очилмагай  
Ғамзанг ўқила йўқни куп опоқ отилмаган  
Ҳар бир сўзингда мумкин эмасдур очилмагай  
Ҳусн иқлимида ҳеч мисолинг топилмагай  
Қилган сўраб қулингни паёмингга офарин*

*Бўлдим йўлингда охири помол сўрмадинг  
Ҳайрон ҳаёлинг ила таним нол сўрмадинг*

197 с.

*Меҳнат юкила қадим эрур дол сўрмадинг  
Дард остида букилди белим ҳол сўрмадинг  
Авжи тоғофил узра мақомингга офарин.*

*Кўрган машаққатимни десам йўқ барояти  
Чектим азоб саббки ҳам ҳеч ғояти  
Бўлмас тамом кунда фироқинг шикоят  
Эй шўҳ, борму ҳажр тунининг ниҳояти  
Бе субҳи васл зулмати шомингга офарин.*

*Сандек малоҳат ила пари кўрмади Ирам  
Жодунгга офатижон нозанин санам  
Ваҳший сифат ҳамиша эшикинг мандин ўлди рам  
Ҳулқу табасусингга бали, эй Масих дам  
Эсган асир донаи домингга офарин.*

*Сансиз жафоларики етар манга дамбадам  
Ранж узра ранж кўрдим, алам устига алам  
Дафтар қилурға ёзғали оғиз эрур қалам  
Эй шоҳи мулки ҳусн, кўруб гарчи минг ситам  
Кетмас Муқим ғуломингга офарин.*

\* \* \*

**Навоийнинг ғазалига Муқимийнинг мухаммаси**

*Даҳр бўстони аро сарви равони топмадим  
Айтура рози ниҳоним роздони топмадим  
Кўксуми қилдим нишон абри камони топмадим  
Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим  
Жон баче қилдим фидо ороми жони топмадим.*

*Ғунҷаи кўнглимда қат-қат дирлар доғи ниҳон  
Кўрқадурман элга зоҳир айласам ўртар замон  
Ёр ҳажрида эрурман, дўстлар бехонумон  
Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдим нишон  
Бир камон абруда тузликдин нишони топмадим*

*Бўлса бир лаъли бадахшон тишлари дурру адан  
Қомати сарву санубар, сочлари мушки хўтан*

*Бошаёғ нозу карашма, гулжабин гунча даҳан  
Кўнглим ичра сарв қаддур гунча чеккандин тикан  
Даҳр боғи ичра бундоғ гулистони топмадим.*

*Онгладим бир ҳарф қолмай даври гардун қиссасин  
Як ба як такрор қилдим олами дун қиссасин  
Кўп эшитдим Лайлию Узро у Ширин қиссасин  
Кўп ўқудим Вомиқу Фарҳод, Мажнун қиссасин  
Ўзишидан бўлажаброқ достони топмадим*

*Жуз жафони сандин, эй тўти мақолим кўрмадим  
Ваъда қилдинг бир вафо, эй навнихолим кўрмадим  
Ғайри бедоду ситам неку фиолим кўрмадим  
Хусни мулки ичра сандек шоҳи золим кўрмадим  
Ишқ куйида ўзимдек нотовони топмадим.*

*Умрлардур ёр васлининг гадоийгача мен  
Кўрмадим ғайр оз жафо меҳри вафойи гарчи мен  
Бўлмадим ҳаргиз Муқим ғамдин роҳойи гарчи мен  
Ул омон ичида бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир омон бор, меҳнатдин амон топмадим.*

\*\*\*

**Амирийнинг ғазалига Муқимийнинг мухаммаси**

*Ногоҳ, эй масти тағофил нетар аз руйи қарам  
Сўрғали хасталаринг ҳолини кўрганда қадам  
Сабр ором фироқингда чунон айлади рам  
Ким кўз очмайу ёш тўкмай то қонли мижам  
Варақ айланмади чун бўлмади бармоқ учи нам.*

*Қайда девонада бир зарра фароғат бўлсун  
Бо хузури дил ила тақвийу тоқат бўлсун  
Кўрмайин манда қачон сабру қаноат бўлсун  
Соғиниб сунбулу зулфингни на роҳат бўлсун  
Доғ-доғ узра насиб ўлди алам узра алам*

*Кўрмадим сан каби бедодгару дил санги  
Маҳали остию лаҳзаи ўтмай жанги  
Ишлатиб охири юз ноз билан найранги  
Гўйе маҳв бўлур кўлда хинонинг ранги  
Эй пари, ноз этагин чекдинг аламдин кам-кам*

*Ману бир гўшаи хирмон ишим нолаи зор  
Дудидин оҳими анжум дема кўкларда шарор  
Устухонлардан ўтуб тиғи ғаминг қилди кор  
Ўйлаким, дон лабинг андишасидин чекди хумор  
Суд қилмас неча ким, бода ичарман ҳар дам.*

*Қош ўртанса эди шавқи висолингга кўнгил  
Юз кўюр эрдими андек хату ҳолингга кўнгил  
Маҳрам ўлмайди дариғоки, мақолингга кўнгил  
Йўлки, топмайди букун фикру ҳаёлингга кўнгул  
Ёки дидорингга наззора бўлурму маҳрам.*

*Кўзинг оҳу кўзидек устига тортиб сурма  
Ғайр ила майлар ичиб маст кел, эмди турма  
Рашкдин бошима ҳангомаи маҳшар қурма  
Ҳажр тиғи ила маҳжурларинг ўлдурма  
Мунча ҳам жавру жафо айламак, эй қоши қалам.*

*То ўшал ҳалқаи зулфингни асиридурман  
Турфа савдолар ила мuddати дайридурман  
Ишқ йўлида Муқийм гарчи фақиридурман  
Шукр, иқлими муҳаббатни Амиридурман  
Ҳайли ғам лашкариму доғ хашам, оҳим алам.*

\*\*\*

1898 йилда Муқимий Тошкандда бўлуб ёз фаслида  
рўзадан шикоят этиб Намангондаги дўсти Нодимга ёзган  
“Тасвири рўзадорон” номли шеъри:

200 с.

Рўза келгунча шул иссиғ кунда халқ  
Келса дермиз розимиз оби азоб

Тиллари чиққан халойиқ ташналаб  
Жумла мўминнинг юрак бағри кабоб

Рўза тутган бандалар дер альаташ  
Ичмагай ифторда ғайр аз яхоб

Бавзилар иссиқда бетоқат бўлуб  
Рўзадин андақ этишди ижтиноб.

Ассалом ўзига мардум кўрушуб  
Бир бирисига дегайлар оҳ, об

Хушлари келмас биравга кўз юмуқ  
Гар ота қилса савол ўғли жавоб

Халқ ақлидин адашган ва гаранг  
Бошларида хуш йўқ мисли хуноб

Икки йил иссиғ ҳавода келса гар  
Кўрқаман кўп шаҳр бўлғай деб хароб

Рўзаман, диққатчилик кам ҳавсалам  
Қолмади қўлга қалам олмоқға тоб.

\*\*\*

Яна Амирнинг ғазалига Муқимийнинг мухаммаси

Кўрунур гурбат аҳлига, нигоро хонумон ширин  
Чунончи соҳиби жонға ҳаёти жовдон ширин  
Юзунг кўрмак манга юз қатла андин безумон ширин  
Лабинг аччиғ сўз айтиб айру бўлди комрон ширин  
Бу соғар ичраму мавжи шароби арғувон ширин

Ҳаёл этсам жамолинг меҳрини шухрат топар кўнглим  
Бу ғам кўнжсида гўё мунису улфат топар кўнглим  
Ниҳоли қоматинг ёд айласам қувват топар кўнглим  
Лабинг васфини такрор айласам лаззат топар кўнглим  
Агарчандики ҳалво зикридин бўлмас даҳон ширин

Ажойиб бир томошоман, томошабин ўзим ҳайрон  
Табиат қайси ишни ихтиёр айларда рў гардон  
Тушиб ўт ҳасрати дийдоридин тан шамъдек сўзон  
Мен ўлғум ёр учун кўнгул талашур лабларидин жон  
Анга жон бўлди ширину манга оромижон ширин.

Дилим нозикки, қойил мисли мийно бўлса май зарфи  
Қадаҳ тут, соқиё, то нам шикан бўлсун гила тарфи  
Барибирдур манга ишқида дунё даҳлию сарфи  
Шакар гуфторлар лаълин ҳадисидин десам ҳарфи  
Бўлур ҳар лаҳза тўтидек манга кому забон ширин.

Ўқуб тақво сўзидин дамбадам такрор этар зоҳид  
Кўзи уйқуда элни уйқудин бедор этар зоҳид  
Тутуб бир ошкоро субҳау дастар этар зоҳид  
Қилиб зуҳду риёни ишқдин инкор этар зоҳид  
Ани маъзур тут эшшакка пашмакдин сомон ширин

Киши хў қилса гар одат эрур оламда қаттиғлиқ  
Баробар йил ва гар соат эрур олимда қаттиғлиқ  
Чекиб сабр айласанг тоат эрур оламда қаттиғлиқ  
Қаноат пешага роҳат эрур оламда қаттиғлиқ  
Таажжуб қилма гар бўлса хумоға устухон ширин.

Кўруб дийдори ҳақ бўлсун, мақоминг жаннут ул аъло  
Назокат гул қилур ҳар мисрангдин, эй сари доно  
Бу баҳр ичра садаф янглиғ Муқимий, сан дури якто  
Бугун қайси шакарлаб васфини қилдинг Амир иншо  
Деди, назминг кўрибон ҳар бути ширин забон ширин.



Бунинг билан Муқимийнинг абётидан кўрсатдигимиз намуналарни кифоя деб тугатишни мувофиқ топдик. Мавлоно Муқимий тўғрисида бошқа баёнотга ҳам ҳожат кўрмадик. Чунки бу киши тўғрисида матбуотда ва айрим брошюраларда олимларнинг ёзганлари кифоя этарлик бўлуб бизга ортиқ ёзишга ҳожат қолмайди.

**69. ФИРҚАТ** - Бу шоир Хўқанд шаҳаридан бўлуб, номи Зокиржондур. Шаҳарнинг Хўжанд даҳасида 1 нчи Бешариқ номли маҳаллада (ҳозирги “Большевик”) 1858 нчи йилда Ҳолмуҳаммад номли нос ишлаб сотувчи косибнинг оиласида дунёга келмушдур. Шу маҳалладаги масжиддаги усули қадим мактабида (Жувари каффон масжиди деб аталар эрди, бу мактаб 1901 йилларда ёпилди) бунда хат саводли бўлгач, мадрасаи Муҳаммад Али-хонда таҳсили илм этиб, форсий ва арабий сарф наҳви ила луғатдин хабардор бўлди. Маҳалласи билан мадраса яқин, ёндош эди. Муқимий билан шунда танишди. Бу вақтда отасининг носфурушлик дўкони жуда узоқда бўлмай шаҳар сойининг шарқидидаги мадрасаи Моҳлар ойимнинг кўча бетидаги вақф дўконлардан бирида тақачилик деган кўчада тўқумдўз ва маҳалли косиблар дўконининг қаторида эрди. Бунинг бизга ён дўкон бўлуб бирга турган уста Курбонали Умарали ўғли айтмиш эди.

Талабалик вақтида ҳам дўконда кўп туруб отасига ёрдам этар эди. Фурқатни кўрунгу бир ҳиндини кўрунгу, қорамтил киши эди. Бурни сумак сингари эди. Шундай бўлса ҳам ёқимли кўрунишли бўлиб, лекин жуда ўйчан, кам кулки эди, деб Курбонали ака сўзлар эди. Муқимийнинг саёҳатномасига ўхшатма шул вазнда бир неча айтганларини чала-чулпа бузиб айтар эди.

Ҳаммаҳалла бўлмиш Фозилжон ака (баққол)нинг айтувича ёшгина хотунининг кундуз кунни кўй ёғини эритаётганда этагидан ўт олиб кетади. Ёниб куяди. Бу вақтда Фурқат носфурушлик эмас, атторлик этиб тур-

ган вақти бўлган. Дўкони эса шаҳар сойининг устига қурулмиш кўфрукни устида бўлмиш ҳар икки ёнга қилинган дўконлардан ғарбдан шарқга томон боришда энг охирида чап қўлдаги дўконда атторлик этар, турли туалет сабунлари сотар экан, бирор жойга боришда дўконнинг олди юзига оқ докадан этилган пардани тортиб тутуб кетаверар, қайтиб келгач яна йиғиштириб очиб ўлтурур эди. Ҳовлидаги шўришли воқеани эшитгач, шу парда ташлагани ҳолда иккинчи қатнамаган, дейибдур. Фозилжон аканинг гапини мулло Бурҳониддин ака Муҳаммад Иброҳим Мирза ўғли бутун тасдиқ этиб эди. Ўзи ҳам Хўқанддан бутун чиқиб кетди, деб қўшди. Мулла Бурҳониддин ака қўшниси эди.

Фурқатнинг бир муҳри бор эди. Бунда эса “Жигар доғаст Зокиржон Фурқат” деган фард ёзилмиш эди.

Аббосхўжа Калонхўжа ўғли демиш эди: Фирқат 25 ёшлардагича бўлган давр ҳаёти феодализм вақти эди. 27 ёшларинда бу шоир бўлуб танилган эди. Худоёрнинг Кўқондан чиқиб кетиб Ўринбургга бориб назорат остида турган ҳолати тўғрисида феодалларга мақбул бир тарзда Худоёр тилидан ёзган мухаммаси ўшал замон руҳига жуда мувофиқ бўлуб тушган ўшал вақтдаги онг шуни тақозо этган. Бунда эса чор ҳукумати учун мувофиқ эмас эди. Бундаги:

*Қабул айлаб худо бу тавба бирла оху зоримни  
Яна Фарғонага бир йўл утаргайму гузоримни  
Кувонса нотовон кўнглум кўруб ёру диёримни  
Дуогўйлар ичинда яхши билган эътиборимни  
Дариғо Фирқатийдек дийда гирёнлар қаён қолди.*

банди чоризмга қарши пропаганда бўлуб чиқар эди. Бу шеър яширин Хўқандда ўқулуб юрган. Ниҳоят чор ҳукумат бошлиқларига маълум бўлган бўлса ҳам таниқли бир шоирни жазолаш яна халқ учун оғир келишининг эътиборга олиб бўлса эҳтимолдурки, Тошкандда юбориб, унда туришни мувофиқ кўрганлар. Шунга биноан Тошкандга чақирилди. Шоир эса ундаги маданий

ҳаёт билан танишди. мулла Олим ва Саййид Расул ҳўжа қорилар воситаси ила Остроумов каби одамлар ила суҳбат этди. Хон учун ёзган мухаммаси учун ўшанда, деган эди.

Бошлаб Хўқанддан кетарда

Сайдин қўя бер сайёд сайёга экан мендек, радифли мусаддаси виждон азоби устига хотунининг фожиали вафоти шоирни Хўқандга қайтишга бунда туришга имкон бермади, деб сўзлаб эди.

Биз бу ўринда Хўқанд адабиёти ва тарихи номинда олиб бораётган ишимизда хотираларимиз тўғрисида ёзамиз.

204 с. Фирқатнинг адабий маҳорати тўғрисида айрим китоблар, брошюраларга мурожаат этадурлар деб кутамиз. Фирқатнинг отаси Ҳолмуҳаммад ака қотмароқ, буғдой рангли, новча бўйли авом киши эди. 1914 йилда ҳаёт эди. Фирқатнинг бир ўғлини кўруб эдим. Чиройли йигит бўлуб номи Фозилжон эди. 1922 йилда босмачилар билан курашда отрадда бўлганда вафот этди. Бошқа қариндошлари бўлсада, таржимаи ҳоли менга маълум эмасдур.

Бу маҳаллада Мир Аъзам ака тахаллуси Даврон, Мулла Абдуллажон тахаллуси Насимий Фирқатга ҳаммаҳалла шоирлардир. Буларнинг ижодлари Фирқатга эргашибдур.

1890 нчи йилда Ўрта Осиёдан чиқиб ҳажга бориш учун йўлга тушадур. Туркия, Булғория ва бошқа жойларни саёҳат этиб Ҳижозга ўтуб адои ҳаж этадур. Мадинада туриб ёзган Ҳажномаси машхурдур. “Агарчандики, Хўқандда туғилсам, бу ерда кош эрди Фирқат ўлсам Жинон осос боқийга кўмилсам. Мадина ичра ёраб айла фоний” деб муножот этадур.

Бунда шул йили Ёрканддан келмиш набираи Хусайнхон хазрат-тахаллуси Тажаллий ила кўришадур. Бирга Бомбайга келиб тушадурлар. Бу киши Фирқатнинг Ёркандга таклиф этадур. Фирқат қабул этиб Деҳли ва Кашмир орқали Ёркандга бориб, Хожа Ариф номли

жойда қоладур. Ҳйланадур. Тошканд, Ҳўқанд билан хат алоқаси бўлуб турадур. Отаси ва ўғлини Ёркандга таклиф этиб ёзган хатлари бўлган эмишдур. Ниҳоят шоир гурбатда 1909 нчи йил кузда Ёркандда вафот этадур. Икки ўғли ҳаёт эмиш.

\*\*\*

Бу шоир тўғрисидаги маълумотлар учун Ҳолид Ра-сулнинг Фирқат тўғрисида ёзмиш асарларига мурожа-ат этишни сўраймиз. Тубандаги ғазал ва мухаммаслар Зокиржон Фирқатдандир:

*Кўз тутарман нотовон бе кеча меҳмоним келур  
Келмади жононим эмди халқума жоним келур.*

*Кўзларимни мижасин йўлига пайондоз этиб  
Нақд жонимни фидо айлайки, султоним келур.*

*Кўзларим мардумлари чиқди тамошо қилгани  
Ҳар тарафга тўлганиб сарви хиромоним келур.*

*Пеши ҳайратда қолдим, турфа бир саргаштаман  
Ҳар қаю хору алам илгида домоним келур.*

*Шод ўлунглар зулмати ҳижрондаги муштоқлар  
Арзи дийдор айлаб ул хуришид тобоним келур.*

*Итларининг қутига бағрим кесиб айлай кабоб  
Фирқатий кулбамга мундоғ яхши меҳмоним келур.*

\*\*\*

*Чаман саҳнида дерлар сарв бирла ёсумон нозик  
Ҳалатдур қоматинг наҳлида гулдин пираҳан нозик*

*Қачон Юсуфий Мисрийда бу ҳусну бу малоҳат бор  
Ҳасоҳатда, сабоҳатда ҳама тўғрида сан нозик.*

Фалакни даврида кўндур дэвр кечмиш даҳр золидин  
Вужудга келмади ҳаргиз санингдек оқ бадан нозик.

Каломингдан ҳаловат топмағай жонлар не андин ким  
Даҳон нозик, забон нозик, лабинг нозик, суҳан нозик.

Қошинг саркашлик айлаб қон тўкарга ўлтуриб эрди  
Нечук бўлдики, бош эгмиш кўзингга ул сафан нозик.

Муносибдур сенингдек андалибе жанната йўқса  
Қачон бўлди жаҳон боғида ҳар зоғу заған нозик.  
Қулинг Фирқат дилим дардини кўп ифшо

..... қилолмаймен  
расан нозик.

\* \* \*

Фалакка етти оҳи субҳгоҳим  
Санга етмасму, эй рухсори моҳим

Жудо сандин ёмон аҳвола тушдим  
Тараҳҳум қил кўриб ҳоли табоҳим.

Инонмассан агар ошиқлиғимга  
Рухи зард ашки олимдур гувоҳим.

Қулингман гўш тут арзимга бирдам  
Эрусан ҳусн иқлимида шоҳим.

Нигорим хўблиғда номдорим  
Азизим, аржумандим кажқулоҳим

206 с.

Муяссар бўлса ўпмак остонанг  
Ушалдур бахту иззат, иззу жоҳим.

Тараққий этсун иқболинг ҳамиша  
Зиёда айласин фазлинг илоҳим.

Етар эрди бошим авжи самоға  
Десанг Фирқат гуломи ҳайрихоҳим.

\*\*\*

Тангри берди бир нигори ёшгина  
Қомати нозик гина кўп эрка ва авбошгина.

Неча муддат гушаи ғамда ҳамон танҳо эдим  
Эмди жоним пардасида асрамен ёввошгина.

Ишқ дардини баён айлар эдим оз-озгина  
Ёшлигидан қилди охир сирларини фошгина.

Зулфини шомида ул моҳни жамоли шамъиға  
Айланурга жон қуши парвонадек хоффошгина.

Йиғларимни шиддатидин оқди ёш ўрнига қон  
Ноз этар, парвойи йўқ жоним юраги тошгина

Оқибат даврон жафоси қилди саргардон мани  
Топмадим бир ҳамдаме ким, бўлса хуш кенгашгина.

Лаҳза-лаҳза айлар ул жон душманимга илтифот  
Кўрмадим оламда Фирқат ёрийи авбошгина.

\*\*\*

Жонон жамолингиз гул рухсор мунча яхши  
Нозик қадингга ҳай ҳай рафтор мунча яхши.

Танбурни қўлга олиб чертгандаги наволар  
Савту тараннум ила гулёр мунча яхши.

*Хатм ўлди бу жаҳонда сен бирла нутадонлиғ  
Овози хуш ажойиб гуфтор мунча яхши.*

*Гул барра румий кўйлак беҳад ярашди санга  
Ҳам шоҳи тўнда гул-гул зангор мунча яхши.*

*Жамъи либоси зебо қандай санга ярашмиш  
Бош устида кумушдек тумор мунча яхши.*

*Ошиқ йироқға тушса кўнгли мушавваш ўлғай  
Ҳар кун кўруб турарға дийдор мунча яхши.*

*Эй нозанинг паризод бир йўл тарахсум айла  
Фирқат санга бўлубдур хуштор мунча яхши.*

\*\*\*

*Қосидо айтгил бориб ул ёрға  
Бир тарахсум айласин мен зорға*

*Тушди савдои жудолиғ бошима  
Юрмушам расво блуб бозорға*

*Баъзилар ҳолим кўруб Мажнун деди  
Билмаганлар ўхшатур хуш ёрға.*

*Қумрий дил хастадек шому саҳар  
Мубталои сарви хуш рафторға.*

*Оқибат гурбатда ҳайрон айлади  
На дейин бу чархи кажрафторға.*

*Дилда сўзи бўлмаган бедардни  
Маҳрам этмам ҳар нечук асрорға*

*Фирқат ичра гар ўлуб кетсам агар  
Дод этарман воҳид ул қаҳҳорға.*

*Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур  
Балки анда даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур.*

*Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари  
Икки ҳинду баччадурким, ёндошиб ё тортадур*

*Кокилингдин бўй олган боғнинг туфроғидур  
Боғбон сотмоқда доим мушки соро тортадур.*

*Ишқнинг пикҳон тутарға бўлма шайдо, эй кўнгила,  
Мушқ пинҳондур бўйи ошкоро тортадур.*

*Чархи кажрафторининг бир шевасидин доғман  
Айшни нодон суриб кулфатни доно тортадур.*

*Сариғ олтун ҳасрати кўнгилни айлайдур қаро  
Чунки сафро бўлса ғолиб ўзга савдо тортадур.*

*Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини  
Фирқатидек бекасу шўрида расво тортадур.*

Мавлоно Фурқатнинг айрим девонига мурожаат этишни қараёлардан сўраб биз иктифо этамиз.

208 с. Биз 70 нчи номердан бошлаб яна XIX аср бошларида ўтмиш шоирлар тўғрисида ёзамиз.

---

**70. МУШРИФ** - Бу шоир асли Хўқандли бўлуб номи Мирзо Қаландардур. XIX нчи асрнинг бошларида нашъу намо этиб Исфара қасабасида қози бўлуб боруб, унда қолган. Хўқандда ҳам бўлуб ўз замонда бўлмиш шоирларнинг кексаларидан эди. Абдулкарим Фазлий ила бирга “Мажмуот уш шуоро” номли тазкирани чиқаришлардур. Лекин мавлоно Ғозий ва мавлоно Равнақ



ва мавлоно Акмал I лар вафот этгандан сўнгра вафот этмиш. Ҳаётидан (вафотидан бўлса керак. А.Қ.) икки йил олдин бир ғорга кириб тарки тажрид йўлини тутуб ибодат ила машғул бўлмиш. Вафотигача шунда истикомат этмишдур.

Муҳаммад Али замонида бу киши вафот этмишдур. Тахминан 1840 нчи йилга тўғри келадур. Ўрни(га) китобдорлик унвонига эга бўлмиш Мирзо Айюб “Беҳжат” қолмишдур. Шаҳарнинг шарқи-жануби томонидаги маҳалла Китобдор мирзо номли бир маҳалла бордур. Фоят олим шоирлардан бўлмишдур. Тубандаги ғазал Мушрифнинг нашидан таъбидандур. 1241 (1825-26) ҳижрийда вафот этмишдур.<sup>1</sup>

*Манга, эй боди сабо зулфи сулмансодин гапур  
Жон лабимга етди ул лаъли шакарходин гапур*

*Кавсару тубий ҳадисин дема эй воиз, манга  
Ул лаби жон бахш ила бул қадди болодин гапур.*

*Гарчи гулшан ичра кўйдинг, соқиё, махмурмен  
Ғунчаи гул васфин этма жоми мийнодин гапур*

*Гул ила сунбул сўзини сўйлама, эй боғбон  
Манга гул рухсор ила зулфи мужарродин гапур*

*Ўза бутлардан ҳикоят қилма, эй қосид манга  
Истасанг аввал ўшал бебок тарсодин гапур*

*Эй ки, айларсан ҳикоят васфи жононим манинг  
Аввал ул рухсори раъно чашми шахлодин гапур*

*Ишқ аро ранжурмен унуби васфин айлабон  
Эй ҳаким, инжитма кўп лаъли масиҳодун гапур*

*Бир кун ул маҳвашни кўрсанг бўлма хомуш, эй кўнгул  
Мушрифидевогани мажнуну шайдодин гапур.*

209 с.

*Эй кўзум мардумлари оина асрорин кўрунг  
Ҳайрат айланг ихтиёри ёрни дидорин кўрунг*

*Бир боқиш бирлан ҳароб этди кўнгилар кишварин  
Қудрат аҳлин иқтидори чашми беморин кўрунг*

*Савр узра гул гул ўсган сунбули серобдек  
Ҳадди рухсори ила гисуйи таррорин кўрунг*

*Демангизлар чини зулфида нечун оворасен  
Нофа келтурган ики оҳуйи тоторин кўрунг*

*Қон тўкар мужгонлари аҳволи зоримни кўруб  
Қатлима ҳанжар чекар бу чашми хунхорин кўрунг.*

*Гавҳари жон муддао гар эрса ҳайвон чашмаси  
Истамангиз Ҳизрдин лаъли гуҳор борин кўрунг.*

---

**71. МУЗНИБ** - Бу шоир Ҳўқандли бўлуб XIX асрнинг биринчи яримларинда нашъу намо этмишдур. Номи кўрсатилмаган бўлса ҳам Фазлий ўзининг “Мажмуот-уш шуоро”сида бу киши тўғрисида тубандагича кўрсатадур:

*Бувад баъд аз он Музниби нуқтадон  
Зи хубони Ҳўқанди жаннат нишон*

Сарой шоирларидан эмасдур. Бу ашъори обдор Музнибнинг нашидан таъбидан намунадур:

---

<sup>1</sup> Охири жумла қора сипёх билан кейин ёзиб қўйилган. Асосий матнлар ҳаммаси сафсар сипёҳда ёзилган. А.Қ.

*Бўлди жабрим кисвати ишқинг алинда ёралар  
Ханжари абру билан бағримни қилди поралар  
Ҳоки пойингдин ясаб марҳам топалмай чоралар  
Шоми ҳижронингла кўп кўксимга урди хоралар  
Ястаниб, куйинг қилиб хуригид анвар орзу.*

*Тан тушуб эрди кўнгул ул шўх ила бўлди равон  
Мен бўлуб андан жудо зору наҳифу нотовон  
Қилмади ҳаргиз тараххум ул бути номехрибон  
Дарди ранжи ишқдин ҳар кун етиб оғзимга қон  
Неча кундур қилмишам шўхи ситамкор орзу*

*Ҳар тараф қилдим тақопуйи жаҳони дуд ила  
.... савдойи ишқингда зиёну суд ила  
Тушди ул тарсо учун умрим басе нобуд ила  
Чобуким келмай ёнимга боқмай ўтди худ ила (...)*

210 с.

**72. МУШТОҚ** - Бу шоир XIX нчи асрнинг биринчи ярмида нашгу намо этмиш шоирлар жумласидандур. Шаҳрисабзда туғулуб, Хўқандда ҳаёт кечирмишдур. Тўра Қўрғонда қози бўлуб турмушдур. Олим кишилардан эди. Кўп ғазаллари кўрунса ҳам айрим девони маълум бўлмади. Хўқандда Шаҳрисабз маҳалласида мутаваатган бўлмишдур. Нима ва қачон вафот этгани тўғрисида маълумот йўқтур. Бу ғазал Амирийга пайрав этиб айтилгандур.

*Намоёд зи гуфтори хуш соҳари  
Жаноб аст Муштоқ дар шоирий (Фазлий)*

*Риндлар базмида соқий жоми мийнодин гапур  
Бандаи гулранги жонбахшу мусаффодин гапур*

*Бу ҳаробат ичра лутфунга эрурман интизор  
Рамзи лаъли ла нигоҳи бода паймодин гапур.*

*Май фунуни диққатин кўнглимга маъво айлагил  
Ақлнинг алломасига бул муаммодин гапур*

*Эй мўғанний, бир наво туз назмдин келтур баёт  
Ҳасрати ушшоқ айлаб кўнгли хородин гапур.*

*Сайҳау таржиъ ила сегоҳ қонуни тузат  
Нолага сетор тасниф эт сурайёдин гапур*

*Воизо, қўй жаннату дўзоҳ, риҷоу хавфни  
Жон рамақға (етти) ул лаъли масиҳодин гапур.*

*Куйдию кул бўлди ғурбат гулханида қосидо  
Чин сўзум ҳоқонаким, Муштоқи расводин гапур.*

**73. ВАЗИР** - Бу киши асли Хўқанд атроф ноҳияларидан Зоҳидонда туғилмишдур. Дурманлардандур. Отаси Норбўта бийнинг саркардаларидан бўлмишдур. Мустафоқуламин номли киши 1908 йилда Зоҳидонда бўлган вақтимда, бобом Абулқосим оталиқ Умархонга вазир бўлуб бутун мамлакатни бошқарган экан, деб ифтихор этиб Андижонлиқ тўра эшоннинг ҳовлисида сўзлагани 211 с. хотирамдадур. Ўшал вақтда 211 с. Мустафоқул амин 70 ёшлар чамасинда бўлуб қишлоққа бир масжид бино қилмоқда эди. Амин бошқа Абду Мансур номли киши бўлса ҳам бу киши юрт, жамоани сўзга етар, пурдон, иш кўрган кишиси эди.

Вазирнинг номи Абулқосим бўлуб оталиқ унвони, мартабасидур. Ўрдада тургани, унда Муҳаммад Мазҳар номли бир ўғли туғулгани Умархон девонида кўрсатилмишдур. Бир укаси ҳам бўлуб, шеърда тахаллуси Ножибдур. Бу кишидан сўнгра вазирлик қирғизлардан

Юсуф оғалиқға ўтуб мингбоши деб аталмишдур. Шоир,  
адиблар дўсти бир кишилур. Айрим девони маълум эмас-  
дур. Шеърлари Амиргга пайрав бўлмишдур. Бу киши  
тўғрисида Фазлий тубандагича кўрсатадур:

*Вазир эрди сўз кишвариди ҳакам  
Анинг хомасидин эрур бу рақам  
Бу туркий ғазал ёна андин эрур  
Сўзи барча ганжи ниҳондин эрур.*

\*\*\*

*Эй ниҳони гулшани уммед вэй наҳли вафо  
Қоматингдур сарв, руҳсоринг эрур боғи жино.*

*Бу қадар рафтор ила гулшанда кўргузсанг хиром  
Сарв жойидин туруб тавзим ила бўлғай дуто*

*Соядек қаддинг хиромидин раводур ҳожатим  
Эй ниҳоли сарв қомат, қил бу ҳожатни раво.*

*То ҳаёлинг бирла улфат тутмишам бордур манга  
Коса нур зонуйи фикр ойинаи гетинамо*

*Эй кўнгила, кўрмай десанг бегоналиқ атворини  
Келса қўлдин хўбрулар бирла бўлма ошно.*

*Ҳажрдин ғам базмида қон ютганимни шарҳин эт  
Туҳса гар ул гул ҳаримиға гузоринг, эй сабо.*

*Ҳазрати султон Умарға ифтихор айлар Вазир  
Адл нури арсаи олам аро эрди зиё.*

\*\*\*

*Солди бошига савдо хатти анбар афшонлар  
Қилди кўнглим ошифта турраси паришонлар*

*Нафси дини исломий бир боқишда олдилар  
Сурмали кўзи жаллод бўйла моҳи тобонлар.*

*Ҳажр шони кўнглимда холу зулфи савдоси  
Шодлиқ канор истаб келди яхши меҳмонлар.*

*Ул гўзал тағофилдин боқмади асирига  
Бўлди сели ашкимдин олам ичра тўфонлар*

*Чеккали майи ишрат бермади даме фурсат  
Кетди ройигон элдин хайф яхши давронлар*

*Сайри гулшану гулни найлайин висолисиз  
Дўзахи муқаррардур ёрсиз гулистонлар.*

*Ҳусни кишвари шоҳи боқмади Вазирига  
Гуссалар ютуб эмди ўлдим, эй мусулмонлар.*

---

**74. АДО** - Бу шоир Самарқандли бўлуб Ҳожа Аҳрорнинг авлодидандур. “Тухфат ул аҳбоб” эгаси китобнинг бошида бир неча саҳифани шу кишининг тавсифига сарф этмишдур. “Намуна адабиёти тожик” да ҳам шундай кўрсатиладур. Бу кишининг агарчи ўзбек тилида ёзган бир неча ашъори обдорлари бўлса ҳам, ўзбек шоирлари қаторида кўрсатаолмаймиз. Ҳўқанд шаҳарида бўлуб бир неча йиллар шунда нашъу намо этганидан, меҳмон шоирлар жумласида кўрсатибгина ўтишни лозим топамиз.

Шоир Амирнинг даврида малик уш шуюро унвони берилди. Хийла тадбирли киши экани баъзи қилиқларидан кўринадурки, масалан, Хол Боқий ва Насриддин номли икки нафар ҳусну малоҳат эгаси бўлмиш

махрам ходимлардан икки ёнига олиб Амирнинг шоҳ нишинига ҳарам эшикидан чиқиб келишида рўбарўда ўз қадини эгиб туруб салом этиши. Тайёрлаб қўймиш шеърни ўқуб лутф ила тасодиф деб кўрсатиш: ... Адо қаддини дол этмиш

*Гар Навоийдан Адо шеърини ўтқурса не тонг  
Шоҳ Умар ортуқми ё Султон Ҳучайн Бойқаро.*

Юқори доирада ҳурмати бўлса ҳам шаҳар халқи бу кишининг ортуқ ҳурмат этмагани сўзланар эди.

213 с. Умархон вафотидан кейин кўп туролмади. Бухорога кетиб эди. Амир уни Самарқандга Шайхулислом этиб юборди. Ҳижрий ила 1250 (1834-35) нчи йилда Самарқандда вафот этди.

Амир Насрулло золим Ҳўқандга келиб Нодирани ва бир неча мазлум ва мазлумаларни бегуноҳ шаҳид этганда шул қонли фожиалар устида бунинг ўгли Саъдуллахон турган эди. Амир Бухорога қайтишда ҳокими Ҳўқанд этиб эронли Иброҳим ҳаёлни қолдириб бунга ноиб этиб Саъдуллахоннинг таъйин этди.

Мусулмонкул қифчоқ Ҳўқандга ҳужум этиб дарёдан ўтгандаёқ, Иброҳим ҳаёл ваҳимага тушуб қочиб чиқиб кетди. Саъдулло Рошидонда меҳмон эди. Ўрда эшигида халқ Саъдуллони уриб ўлдириб юборди. Ҳаммага маълум эди. Муҳаммад Али билан бирга ўқўган, бирга юрган экани тўғрисида онкўрлиги 82 кунлик ноиблигида халқга этган зулми билан ҳам танилди. Жазосини ҳам кўрди.

Адонинг номи Султонхожаи Аҳрорийдур. Тубандаги ғазаллар Адонинг нашидаи таъбидандур:

*Қоматингдак йўқтурур ашжор гулистондин бири  
Мандак эрмас булбулу қумрию нолондан бири*

*Шақ камонлик мундоқ этма зулм этиб эй киприк ўқ  
Ўтди кўксумдин қадалмай шунда пайкондан бири.*

*Ғар сани қотил кўзунг гоҳ ҳанжаре мужгон будур  
• Бўлки бир жон ҳеч қутулмас бўлса минг дондан бири*

*Ноз тамкини хироминг кўрмай ўлдум, эй санам,  
Чиқмади кўнглумдим охир бунча пайкондин бири*

*Базм охир бўлдию махмурликдин чиқмадинг  
Бизга ҳаргиз етмади юз жом даврондик бири*

*Банда бўлмай найласин қумри санга, эй сарв қад  
Қоматингга йўқ баробар сарв бўстондин бири*

*Бош аёқ мунқор ўлубсан най каби, аммо на суд  
Эй Адо, ул моҳ эшитмас юз минг афғондин бири.*

214 с.

**75. МАҲЗУН** - Бу шоир 19 нчи асрнинг биринчи ярмида Хўқандда нашъу намо этмиш отоқли олимлардандур. Уйчи номли қасабада қози бўлуб турган. Ўзи ҳам шул жойдан экан. Фазлийнинг тубандаги маснавийсидан маълум бўладур. Бунда кулар юзли, яхши айтувчи, тушунувчи, яхши фаҳмли Уйчидан деб кўрсатадур.

*Зи Уйчаст Маҳзуни нур ханда хўй  
Сухансанж, хушфаҳм, санжида гўй.*

Китоб тузуми вақтида (1821 й. А.Қ.) ҳаёт бўлган бўлуб номи кўрсатилмайдур. Тубандаги ғазал мавлоно Маҳзуннинг нашидан таъбидандур:

*Қачонким лаълиабинг сўзда майли нўшханд этди  
Ҳазин жону кўнгилни талхкому дардманд этди*



*Бути номехрибону масту ло йавқул чиқиб ваҳким  
Бошимға секратиб ҳоки таним гарди саманд этди.*

*Вафосиз дилрабодин шиква қилсам айб қилманглар  
Ки ман жон бердиму ағёрни ул аржуманд этди.*

*Ёмон кўз тегмасин деб ҳуснингга ул хўблар шоҳи  
Жамолинг оташиға донаи ҳолинг сипанд этди.*

*Ҳама ушшоқ элин қатл этгали бебок жаллодим  
Қошидин тиф тортиб тора кокилдин каманд этди*

*Шакар лаблар табассум этсалар кўнглингни олдирма  
Мани йиғлатди аччиқ ҳар қачон ул нўшханд этди*

*Фалак ҳар кимни аъло рутба қилди бесабаб эрмас  
Қуёшин ерга киргузмак учун онинг баланд этди.*

*Замоно шаҳларин, кўргилки, ёнимга муносиб деб  
Ки рухдек ростни парвоздек эгри писанд этди.*

*Қиё боқгайму деб Маҳзун кўп интизор ўлди  
Биҳамдиллоҳки мужгон новакидан бахраманд этди.*

---

**76. МУНШИЙ** - Бу шоир 19 нчи асрнинг биринчи ярмида нашъу намо этмишдур. Номи Мулла Қодир қули бўлуб Хўқанд шаҳаридандир. Хон идорасида девонсарой котибларидан эканидан шеърда тахаллуснинг иншо этувчи мафҳумида Мунший ихтиёр этмишдур. Бу кишининг хотираларидан тўрт саҳифали авроқи паришон қўлимизда бордур. Бунда бу киши нимагадир ўзининг кўсалигидан хурсанд бўлуб назм этибдур. Хоннинг этган инъомларидан омборчи ҳафсала этиб тезда бермаганидан нолийди.

Андижонга алоқаси бўлуб, ундагиларга саломнома ёзишдур. Лекин нимагадурки Андижоннинг Андигон сувратида ёзадур. Демак Ҳўқандда унинг ўрта қўлида ёзилмуш биродар қўли ила ёзилган девон шаклида китоби бордур. Жазбарли Ҳўқандда ишланган қоғозга ёзилгандур.

Тубанда бу киши тўғрисида Мавлоно Фазлий бундай кўрсатур:

*Дигар нодири аҳд Қодир қулист  
Ба боғи сухан табъи у булбулист  
Бувад шаҳри Ҳўқанд уро мақом  
Хирадманди дўқон, Мунший ба ном.*

\*\*\*

*Эй пари лаъли лабинг қанди мукаррардек лазиз  
Сўзларинг, жоно, кўнгилга шаҳди шаккардек лазиз*

*Жон берур лаълинг таманносида Хизр ила Масиҳ  
Ким эрур лабташиналарга ҳавзи кавсардек лазиз.*

*Халқаи зулфинг бино гўшида кўнглим домидур  
Донаи ҳолинг юз узра мушки анбардек лазиз*

*Фақр элин султониман меҳнат диёридир ерим  
Гарди роҳинг бошим узра тожи афсардек лазиз.*

*Маснадинг гар бўлса туфроғу либосинг эски шол  
Бу тажаммул Муншийё ҳоқони афсардек лазиз.*

\*\*\*

(N 76 215 нчи бетга қўшумча)

Мулла Қодирқули Муншийнинг ўз қалами ила Қўқон қоғозига ёзилмуш бир варақ парча қўлимизга тушди. Бунда қизил рангли сиеҳда “Хува Муншийур роқим” деб сар-

лавға бордур. Қора сиёҳ хуш настаблиқда тўла ёзув бор-  
дур. Ёзилган бир варақдур. Бунда тубандаги сатрлар бор:

*Бу учовлон ичра жоно сар каби барно кўса  
Қадди чун тўбий, дили равшан, ажаб доно кўса.*

деб етти байт билан ёзиб охирини тубандагича ёзадур:

*Мақсадидур равшан ўлса хокпойинг гардидан  
Айласа қўҳлил басар Муншийи сар то но кўса.*

дейдур. Шунинг остида қизил сиёҳда “Ғазали Мун-  
шийи воқеъбанд аст” деган сарлавҳа бор. Бунда 18 байт  
билан бир воқеъни шикоят этадур:

*Шиква қилсам айб эмас бу чархи кажрафтордин  
Тийра бўлмиш таъби поким ушбу бадқирдордин,*

*Айларам булбул каби тинмай фиғону нолалар  
Гулистони даҳр аро юз доғ ғами осордин.*

*Эй кўнгул сен ошнолиғ шиквасин бас айлағил  
Ким кўрибдур сен кўрарсен ёрлиқ агёрдин*

*Дин ила дунёсини ул вақф Шоқирхон этар  
Гўйё маҳшар куни битган барот шаитордин*

*Қаддим и гардуни дунпарвар фалак чун ё наби  
Айлади ғам боридин қилмай ибо қаҳқордин.*

*Бу жаҳон аҳлиға кўплардин вафодор айладим  
Кўрмадим жабру ситам ўзга бир агёрдин*

*Ўз азиз ул қадрим айлар ўзгаларга ёрлиқ  
Сен агар борсанг этар фил жумла ул ночордин*

*Хуш насибли бандаи солеҳға бўлғил ҳамнишон  
Ҳажр аро қўйғай боша то қуббаи гилдордин.*

**77. МУЗМАР** - Бу киши Хисор ўзбекларидан бўлуб, 19 нчи аср бошларинда Хўқандга Бухоро орқали келиб мутаваттан бўлмишдур. Бу шоир тўғрисида Фазлий тубундагича тавсиф этадур:

*Ҳисори бевад Музмари пурҳунар  
Зи эҳсони султон шуда баҳравар  
Ҳаёлат баланд аст фикрат расо  
Сухан парвар асту муаммо кушо,*

дейдур.

Тубандаги ғазал Амирнинг ғазалига айтган пайравларидандур:

*Мунча ким кажрав бўлурму чарх рафторин кўринг  
Ростлиқ касби экан даҳр аҳли кирдорин кўринг*

*Даҳр золи меҳрсизликда эрур якто валек  
Ончи юз бераҳм эрур эл суҳбат осорин кўринг*

*Буни ғам тоғи садо бергай кўнгил афғонидан  
Бестундин куҳқандек нола изҳорин кўринг*

*Йўқ фароғат даҳр аро бордур вале турли алам  
Бebasират аҳли олам йўқ ила борин кўринг.*

*Ҳаста ким эрдик, томҳиди карам бу турфадур  
Суҳбатим бўлмуш нигорим чашми беморин кўринг*

*Ҳусн шоҳи ишқидин кўнглим сари азм айлагач,  
Дард ҳайли узра кўздин гавҳар исорин кўринг.*

*Ёр сармасту майи гулранг тун кун ғайр ила  
Зору Музмарнинг дамодам чашми хунборинг кўринг.*